



Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви
Академияси

Бирлашган Миллатлар
Ташкилоти Тараққиёт
Дастури



Uzbekistan

Э.Т. Хожиев, Г.С. Исмаилова, М.А. Рахимова

ДАВЛАТ ХИЗМАТИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ - 2015

УЎК 342.5 (575.1)(075)
КБК **67.401(5Ў)**
X-70

Хожиев Э. Т.

Давлат хизмати : ўқув қўлланма / Э. Т. Хожиев, Г. С. Исмаилова, М. А. Рахимова. –
Тошкент: Baktria press, 2015. - 172 б.

Тақризчилар:

Х.С. Исламходжаев – юридик фанлар доктори,

Ш. Зулфиқоров – юридик фанлар номзоди,

А.Э. Йўлдошев – юридик фанлар номзоди.

Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Илмий Кенгаши томонидан 2014 йил 31 октябрь куни нашрга тавсия этилган.

Мазкур ўқув қўлланмада давлат хизмати тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари, мақсади ва вазифалари, ҳуқуқий асослари ва асосий принциплари; давлат-хизмат муносабатлари; давлат хизматчилари тушунчаси, хусусиятлари, таснифи ва ҳуқуқий мақоми; Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ўташ ва давлат-хизмат муносабатларининг тугатилиши; ривожланган давлатларда давлат хизматини ташкил этиш ва амалга ошириш амалиётига қаратилган масалалар ёритиб берилган.

Қўлланма Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури (БМТТД)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмагида тайёрланди. Муаллифларнинг ушбу китобдаги фикрлари БМТТДнинг расмий нуқтаи назарини акс эттирмаслиги мумкин.

КБК 67.401(5Ў)

ISBN 978-9943-4507-5-2

© Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури (БМТТД)

© **Э.Т. Хожиев, Г.С. Исмаилова, М.А. Рахимова. 2015**

© Baktria press, 2015

МУНДАРИЖА

Кириш	5
1-боб. Давлат хизматининг умумий тавсифи	7
1.1. Давлат хизмати тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари ва турлари.....	7
1.2. Давлат хизматининг мақсади ва вазифалари.....	16
1.3. Давлат хизматининг асосий принциплари.....	20
1.4. Давлат хизмати функциялари.....	25
2-боб. Давлат-хизмат муносабатлари	29
2.1. Давлат-хизмат муносабатлари мазмуни ва унинг элементлари.....	29
2.2. Давлат-хизмат муносабатларининг таснифи.....	33
2.3. Давлат-хизмат муносабатларининг субъектлари.....	39
3-боб. Давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми	43
3.1. Давлат хизматчиси тушунчаси ва хусусиятлари.....	44
3.2. Давлат хизматчиларининг таснифи.....	48
3.3. Давлат хизматчисининг одоб-ахлоқи ва фаолиятининг маънавий асослари.....	51
3.4. Давлат хизматчиларининг ҳуқуқлари.....	52
3.5. Давлат хизматчиларининг мажбуриятлари.....	55
3.6. Давлат хизматчилари учун ўрнатилган кафолатлар.....	61
3.7. Ходимларнинг иш вақти меъёрлари.....	62

4-боб. Давлат хизматини ўташ.....	65
4.1. Давлат хизматига кириш. Синов муддати.....	66
4.2. Давлат хизмати бўйича ҳаракатланиш.....	70
4.3. Давлат хизматида аттестация.....	73
4.4. Давлат хизматида рағбатлантириш асослари ва турлари.....	78
4.5. Давлат хизматида жавобгарлик.....	81
4.6. Давлат-хизмат муносабатларининг тугатилиши.....	89
5-боб. Давлат хизмати соҳасида хорижий тажриба.....	93
5.1. Германия.....	96
5.2. Франция.....	102
5.3. Буюк Британия.....	111
5.4. Америка Қўшма Штатлари.....	115
5.5. Япония.....	121
5.6. Сингапур.....	128
5.7. Болгария.....	132
Иловалар.....	138

КИРИШ

“Бу Ватан – ўзимизники, барчамизники. Унинг камчилиги ҳам, ютуғи ҳам ўзимизники. Шундай экан, гўзал ва бетакрор юртимизнинг бугунги ва эртанги куни, ёруғ келажаги учун авваламбор ўзимиз масъул эканимизни унутмаслик керак.”

И.А.Каримов

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигига эришиши билан суверен ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган давлат хизматини ташкил этиш эҳтиёжи юзага келди. Бундай шароитда биринчи галдаги вазифа, албатта, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, давлат хизматини замонавий билим ва малакаларга эга бўлган кадрлар билан таъминлаш ҳисобланади. Ушбу ҳолат ривожланган давлатлар амалиёти ҳамда миллий тажрибага асосланган янгича мазмундаги “Давлат хизмати” фанини жорий этиш ва ўрганишни тақазо этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов кўрсатиб ўтганларидек: *“...тараққиёт босқичида кадрлар билан ишлаш ўта муҳим, амалий аҳамият касб этади. Илгаригидаги сингари кадрларни шунчаки танлаб жой-жойига қўйиш билан иш битмайди. Аввало, одамларни, биринчи галда, барча даражадаги бошқарув ва ишлаб чиқариш раҳбарларини ўқитиш, тарбиялаш керак.”*¹

“Давлат хизмати” фанининг олдида қўйилган асосий мақсад – бакалаврият ва магистратура йўналиши талабалари ва тингловчиларида давлат хизматининг муҳим назарий ва амалий масалалари, давлат-хизмат муносабатлари, ушбу соҳадаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари, хорижий тажриба ва амалиёт тўғрисида билимларни шакллантириш ва такомиллаштиришдан иборатдир. Мазкур мақсадга эришиш, кўп жиҳатдан, замон талабларига мос келадиган ўқув ва ўқув-услубий адабиётларни яратишга боғлиқдир.

“Давлат хизмати” фанидан тайёрланган ушбу ўқув қўлланма давлат хизмати тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари, мақсади ва вазифалари, ҳуқуқий асослари ва асосий принциплари; давлат-хизмат муносабатлари; давлат хизматчилари тушунчаси, хусусиятлари, таснифи ва ҳуқуқий мақоми; Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ўташ ва давлат-хизмат муносабатларининг тугатилиши; ривожланган давлатларда давлат хизматини ташкил этиш ва амалга ошириш амалиётига қаратилган масалаларни қамраб олган.

¹Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995 й.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ислоҳ этиш қонунларга қатъий риоя этадиган, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари устунлигини тан олган ҳолда оммавий (жамият, фуқаро) манфаатларни кўзлаб давлатнинг вазифалари ва функцияларини амалга оширадиган, юқори малакали профессионал давлат хизматчилари корпусини шакллантиришни назарда тутди.

Давлат махсус ташкил этилган аппаратсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Давлат аппарати эса, давлат хизмати тизимига муҳтож бўлади. Шу сабабли давлат аппаратида олиб бориладиган ислохотлар, биринчи навбатда, давлат хизматининг тўғри ташкил этилиши ва самарали амалга оширилишини назарда тутди.

Давлатнинг фаолият кўрсатиши, давлат аппарати ва давлат хизматининг ҳолати мамлакат аҳолисида унга нисбатан тасаввурларни пайдо қилади. Давлат номидан ҳаракат қилаётган хизматчига қараб давлатга ёки давлат аппаратига баҳо берилади. Шу сабабли, ҳар бир давлатда давлат хизматининг қандай шаклланиши жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, улар билан доимий ишлаш, малакасини ошириб бориш, самарали давлат хизматчилари захирасини шакллантириш масалалари ҳар қандай давлат олдида турган биринчи галдаги вазифалардан ҳисобланади.

Давлат хизматининг тўғри ташкил этилиши давлатда қабул қилинадиган қонун ҳужжатларига ҳам боғлиқдир. Давлат-хизмат муносабатларининг қанчалик ҳуқуқий тартибга солинганлик даражаси унинг ривожланиш тенденцияларини белгилаб беради. Давлатда мавжуд қонунчилик давлат хизматининг мазмуни ҳамда амалдаги ҳолатини кўрсатади. Давлат хизмати тизимида қонун ҳужжатлари қанчалик мукамал ишлаб чиқилганлиги ва уни амалга ошириш механизмнинг тўғри йўлга қўйилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

“Давлат хизмати” фани ва унинг мазмуни (асосий институтлари)га нисбатан турли қарашлар мавжуд бўлиб, ҳозирги кунга қадар турли тадқиқотларнинг объекти сифатида намоён бўлади. Давлат хизмати кўп йиллар давомида “Маъмурий ҳуқуқ” фанининг институти сифатида, унинг ажралмас қисми сифатида кўриб чиқилган. Мазкур фан доирасида давлат-хизмат муносабатларини тўлиқ қамраб олиш мумкин эмас. Бу ҳолат давлат хизмати институтининг қайта кўриб чиқилишини, “Давлат хизмати” фанини алоҳида фан сифатида таълим жараёнига жорий этишни талаб этади.

Ўқув қўлланманинг 1-ва 2-боблари юридик фанлари номзоди, доцент Э.Т.Ҳожиёв; 3- ва 4-боблари юридик фанлари номзоди Г.С.Исмаилова; 5-боби юридик фанлари номзоди, доцент М.А.Раҳимова томонидан тайёрланган.

Ушбу ўқув қўлланмада келтирилган маълумотлар маълум бир мунозараларга сабаб бўлиши мумкин. Ўқув қўлланма юзасидан билдирилган ҳар қандай тавсия ва таклифларга муаллифлар олдиндан ўз миннатдорчилигини билдиради.

ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

1.1. *Давлат хизмати тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари ва турлари*

Давлат хизмати моҳиятини ва унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашдан олдин, инсонлар томонидан амалга ошириладиган ижтимоий фойдали меҳнат фаолияти турлари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш лозим.

Юридик адабиётларда, инсонлар томонидан амалга ошириладиган ижтимоий фойдали меҳнат фаолияти фуқаролар, жамият ва давлат манфаатлари йўлида турли (давлат, нодавлат) ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатлари доирасида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар сифатида таърифлаб ўтилган бўлиб, шартли равишда бир неча гуруҳларга бўлинган:

- ▶ товарлар, моддий бойликлар ишлаб чиқариш, маълум бир хизматлар кўрсатиш;
- ▶ номоддий (маънавий) бойликлар яратиш (масалан, китоблар, мақолалар ёзиш, кино ва видеофильмлар яратиш, сценарийлар тайёрлаш);
- ▶ ижтимоий-маданий фаолият (таълим бериш, соғлиқни сақлаш ва ҳ.к.лар);
- ▶ давлат хизмати, яъни жамиятнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатиш:
- ▶ ижтимоий-маданий (таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш) соҳаларни бошқариш;
- ▶ иқтисодиёт (саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш) соҳаларини бошқариш;

- ▶ маъмурий-сиёсий (мудофаа, давлат хавфсизлиги, адлия, ички ишлар, ташқи ишлар) соҳаларни бошқариш¹;
- ▶ нодавлат, жамоат, диний, халқаро, хорижий ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатиш;
- ▶ жамиятнинг турли соҳаларида маълум бир эҳтиёжларни қондириш мақсадида ижтимоий фаолият билан шуғулланиш ва бошқалар.

Ҳуқуқшунос олим Д.Н.Бахрахнинг фикрича: «Инсонларнинг, шунингдек, давлат ва жамиятнинг мақсадга мувофиқ фаолият йўналишларидан бири – бу хизматдир. Бу тушунча турли маъноларда: инсоннинг фаолият тури, ижтимоий-ҳуқуқий институт, давлат органларининг махсус тизими маъносида ишлатилиши мумкин. Хизмат – бошқарувдан, давлат фаолиятини амалга оширишдан, бошқарувни таъминлашдан, аҳолига ижтимоий-маданий хизмат кўрсатишдан иборат.»²

Хизматчи ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида ўзига хос муносабатларга киришади. Бу муносабатларнинг мазмунини хизмат тури ҳамда хизмат олиб борилаётган ташкилотнинг хусусиятлари белгилаб беради.

Хизмат муносабатлари давлат-хизмат муносабатларига ёки жамоат бирлашмаларида ва бошқа нодавлат, хусусий, тижорат ташкилотларида амалга ошириладиган хизмат муносабатларига бўлиниши мумкин.

Хизматчиларнинг қандай лавозим эгаллаши ва қайси ташкилотда ўз мажбурият ва вазифаларини бажаришига қараб, уларни қуйидагиларга бўлиш мумкин:

-
- ▶ давлат органларининг хизматчилари;
 - ▶ маҳаллий органларининг хизматчилари;
 - ▶ давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва бирлашмаларининг хизматчилари;
 - ▶ нодавлат ташкилотларнинг хизматчилари;
 - ▶ жамоат бирлашмаларининг хизматчилари ва ҳ.к.лар.

Ҳуқуқшунос олим Ю.М.Козлов, барча хизматлар ичида давлат хизматининг тутган ўрнига тўхталиб, уни давлат органларида амалга ошириладиган ҳамда ишчиларининг меҳнатидан мазмуни ва шакли жиҳатидан фарқ қиладиган ҳар қандай фаолият сифатида таърифлайди. Давлат хизматига бундай ёндашиш меҳнат фаолиятининг икки шаклига асосланади: биринчидан, бевосита моддий бойликларни, товарларни яратиш (ишларни бажариш); иккинчидан, бошқарувни, раҳбарликни, контрол ва назоратни амалга ошириш.³

Юридик адабиётларнинг таҳлили, давлат хизмати тушунчасига бир неча маъноларда ёндашишни тақазо этади:

¹Алехин А.П., Козлов Ю.М., Кармолицкий А.А. *Административное право Российской Федерации*. Москва, Зерцало, 1996, с.236.

²Бахрах Д. Н. *Административное право*. – М., 1993.

³Административное право. Под.ред. Ю.М.Козлова. Москва, 1973, с.136-137.

биринчидан, ижтимоий маънода. Давлат хизмати ижтимоий категория бўлиб, давлат ташкилотида маълум бир лавозимни эгаллаб турган шахс томонидан давлатнинг кўрсатмасига кўра ижтимоий фойдали фаолиятни амалга ошириш;

иккинчидан, сиёсий маънода. Давлат хизмати давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган фаолият бўлиб, давлатнинг мақсад ва вазифаларига барча мавжуд сиёсий куч орқали эришади, жамиятдаги мувозанатни таъминлайди;

учинчидан, ҳуқуқий маънода – давлат-хизмат муносабатларини ҳуқуқий ўрнатиш бўлиб, бу орали мансаб мажбуриятлари, хизматчиларнинг ваколатлари, давлат органларининг компетенцияси бажарилиши таъминланади. Давлат хизмати мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий институтлардан бири бўлиб, уни ўрганиш давлат хизматининг ижтимоий ва ҳуқуқий асосларини таҳлил қилишни талаб қилади. Бу институт давлат-хизмат муносабатларини тартибга солувчи нормалар йиғиндисидан иборат бўлиб, у орқали хизматчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, уларга белгиланадиган чекловлар, жавобгарлик ҳамда давлат хизматини ўташ, хизмат муносабатларининг юзага келиши ва бекор бўлиши тартибга солинади;

тўртинчидан, ташкилий маънода. Давлат хизмати давлат аппаратининг ташкилий-функционал элементлари билан алоқада балади. У қуйидаги элементлардан ташкил топган тизим сифатида намоён бўлади: давлат аппарати фаолиятининг ташкилий ва процессуал асосларини ташкил этиш; лавозимларнинг тузилиши ва ҳуқуқий кўриниши; ходимларни аниқлаш, баҳолаш. Давлат хизмати давлатни, давлат ҳокимиятини мустаҳкамлайди ва фуқаролик жамиятининг бир меъёрида фаолият юритишини таъминлайди.

«Давлат ва маҳаллий органларида амалга ошириладиган хизмат, – Ю.Н.Стариловнинг фикрича, – бу оммавий хизмат бўлиб, оммавий ҳокимият органларида амалга оширилади. Давлат хизмати – давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва бирлашмаларида амалга ошириладиган хизматдир. Хусусий ташкилотларнинг, корхоналарнинг, банклар ва бошқа корхона ва ташкилотларнинг хизматчиларини, фақатгина ижтимоий нуқтаи назардан, хизмат муносабатлари тизимида киритиш мумкин. Охирги вақтларда кўпгина ривожланган давлатларда халқ депутатлари томонидан олиб борилаётган хизмат профессионал иш сифатида намоён бўлмоқда. Лекин депутатлар давлат хизматчилари ҳисобланмайдилар. Давлатда олий мансабларни эгаллаб турган шахслар ҳам (Президент, вакиллик ва ижро ҳокимияти органларининг раҳбарлари, вазирлар ва ҳ.к.лар) давлат хизматида эмас. Улар оммавий-ҳуқуқий хизмат мақомига эга ҳамда ўз вазифаларини маълум бир даврда амалга оширишлари мумкин.»¹

В.М.Манохин томонидан давлат хизматида берилган тушунчани кўпгина юридик адабиётларда учратиш мумкин. Жумладан, унинг фикрича, давлат хизмати – бу давлат органларини ва бошқа ташкилотларини ташкил этиш ва ҳуқуқий тартибга солиш бўйича давлат фаолиятининг бир бўлаги ҳисобланади, далаат органлари ва ташкилотларининг фаолияти эса давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширишга қаратилади.²

¹Старилов Ю.Н. *Службное право*. Москва, изд. БЕК, 1996, с.131.

²Манохин В.М. *Государственная служба*. Москва, 1966, с.5.

Б.М.Лазарев эса, юқоридаги таърифга нисбатан ўзининг қуйидаги фикрларини билдиради: биринчидан, мазкур таърифда давлат хизмати давлат хизматчиси атамаси билан белгиланган; иккинчидан, давлат хизматчилари нафақат давлат функцияларини, балки бошқа фаолият турини ҳам амалга оширадилар; учинчидан, давлат хизмати ҳамда уни ташкил этиш ва тартибга солишга қаратилган фаолият умумлаштирилган. Давлат хизмати – бу давлатга хизмат қилиш, яъни унинг талаби билан маълум бир пул мукофоти эвазига давлат органида давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга ошириш бўйича бўладиган фаолиятидир.¹

Юридик адабиётларда давлат хизмати тушунчасининг кенг ва тор доирада кўриб чиқилганлигини ҳам кўриш мумкин. Масалан, А.П.Алехин ва Ю.М.Козлов давлат хизмати тушунчасига тўхталиб, кенг маънода давлат хизматининг давлат хизматчилари томонидан давлат органлари, муассасалари ва корхоналарида, тор маънода эса, фақатгина давлат органларида амалга оширилишини кўрсатиб ўтадилар.²

Давлат хизмати тушунчаси, албатта, қонун доирасида аниқ белгилаб берилган бўлиши лозим. Чунки ҳар бир давлатда унинг хусусиятларидан (давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилиши, қонунчилиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви ва ҳ.к.лардан) келиб чиқадиган ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Кўпгина давлатларда давлат-хизмат муносабатларини тартибга солишга қаратилган қонунлар қабул қилинган. Масалан, Россия Федерациясининг 1995 йил 5 июлда қабул қилинган «Россия Федерациясида давлат хизматининг асослари тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддасида давлат хизмати – давлат органлари ваколатларини таъминлаш бўйича олиб бориладиган профессионал фаолият сифатида таърифланган. Ушбу таърифдан келиб чиққан ҳолда, давлат хизматининг қуйидаги хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- ▶ давлат хизмати профессионал фаолият, яъни давлат хизматчисининг давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширишга қаратилган фаолиятидир;
- ▶ мазкур фаолиятни олиб бориш жараёнида давлат органларининг ваколатлари амалга оширилади;
- ▶ бу фаолият давлат органларининг фаолият юритишини таъминлашга қаратилган;
- ▶ бундай фаолият мансаб мажбуриятларининг ижро этилишини таъминлайди.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, мансаб мажбуриятлари давлат хизматига эмас, балки давлат хизматчисига тегишли бўлади. Бу ерда давлат хизмати тушунчасининг ўзига хос жиҳатини кўриш мумкин.

Россия Федерациясининг 1995 йил 5 июлда қабул қилинган «Россия Федерациясида давлат хизматининг асослари тўғрисида»ги Қонуни Давлат хизмати тизимини давлат фуқаролик хизмати, ҳарбий хизмат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида амалга ошириладиган хизмат ташкил этади.

Беларусь Республикасининг 2003 йил 14 июнда қабул қилинган «Беларусь Республикасида давлат хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасига биноан, давлат хизмати деганда давлат мансабини эгаллаб турган ҳолда давлат-ҳокимият ваколатларини бевосита амалга оширишга ва (ёки) давлат органлари функциялари бажарилишини таъминлашга қаратилган профессионал фаолият тушунилади.

¹Лазарев Б.М. *Государственная служба. Москва, 1993, с.5-6.*

²Алехин А.П., Козлов Ю.М., Кармолицкий А.А. *Административное право Российской Федерации. Москва, Зерцало, 1996.*

Қозоғистон Республикасининг 1999 йил 23 июлда қабул қилинган «Давлат хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддасида давлат хизмати – давлат ҳокимиятининг вазифалари ва функцияларини амалга оширишга қаратилган мансаб ваколатларини бажариш бўйича давлат органларидаги давлат хизматчиларининг фаолиятидир.¹

Қирғизистон Республикасининг 2004 йил 11 августда қабул қилинган “Давлат хизмати тўғрисида”ги Қонунига биноан, давлат хизмати – давлат хизматчиларининг давлат органларида профессионал асосда амалга ошириладиган ҳамда Конституция ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгилаб берилган ҳокимият вазифалари, функциялари ва ваколатларини бажаришга қаратилган фаолиятдир.²

Юқоридаги қонун ҳужжатлари мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, айрим давлатларнинг қонунчилиги давлат хизматини айнан давлат органида маълум бир мансабни эгаллаб турган шахс томонидан давлат (давлат органлари) вазифа ва функцияларини амалга оширишга қаратилган профессионал фаолият сифатида белгилаб беради.

Юридик адабиётларда давлат хизмати мазмун-моҳиятини очиб беришга қаратилган бир неча ўзига хос хусусиятлар ҳам назарда тутилган. Жумладан, Ю.А.Дмитриев фикрича³, давлат хизмати куйидаги ўзига хос хусусиятларга қараб бошқа меҳнат фаолиятидан ажралиб туради:

- 1) давлат хизматининг профессионал фаолият эканлиги.** Давлат хизмати давлат хизматчисининг асосий фаолият йўналиши ҳисобланади. Давлат хизматини ўриндошлик асосида амалга оширишга йўл қўйилмайди. Давлат хизматчилари қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган тартибда бошқа ҳақ тўланадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланишлари мумкин. Давлат хизматчилари томонидан амалга ошириладиган бошқа меҳнат фаолиятининг чекланиши давлат хизмат мажбуриятларини юқори даражада амалга оширилишини таъминлайди;
- 2) компетентлик.** Давлат хизматчилари эгаллаб турган лавозими (мансабига), давлат хизмат мажбуриятларини амалга оширишда билими, иш тажрибаси ва савияси нуқтаи назаридан мос бўлиши керак;
- 3) давлат хизматининг олдиндан аниқ белгиланган давлат хизмати лавозим (мансаб) лари доирасида амалга оширилиши.** Давлат хизматчиси деган мақом айнан шахснинг давлат хизматидаги аниқ бир лавозим (мансаб)ни эгаллаганидан сўнг юзага келади. Давлат хизмати лавозим (мансаб)лари давлат томонидан норматив ҳужжатларда (давлат хизмати лавозимлари реестрида) аниқ кўрсатиб қўйилади. Айнан ман шу лавозим (мансаб)ларни эгаллаш натижасида давлат-хизмат муносабатлари юзага келади. Айрим ҳолларда, давлат, аввал давлат хизматчиси мақомига эга бўлган ва ҳозирги кунда давлат хизмати лавозими (мансабини) эгалламаган шахсларга давлат хизматчиси мақомини сақлаб қолишга имконият бериши мумкин (масалан, давлат хизматчилари захираси). Лекин давлат хизматига киришда, албатта, давлат хизмати лавозими (мансаби)га тайинланган бўлиши керак;

¹Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари www.consultant.ru сайтидан олинган.

²Қирғизистон Республикаси қонун ҳужжатлари www.kenesh.kg сайтидан олинган.

³Дмитриев Ю.А., Полянский И.А., Трофимов Е.В. Административное право Российской Федерации: Учебник для юридических вузов. – Система ГАРАНТ, 2008.

4) давлат хизматининг давлат органларида амалга оширилиши. Умумий қоидага кўра, давлат хизмати – бу давлат лавозими (мансаби)ни эгаллаб турган ҳолда давлат органларининг вазибалари ва функцияларини амалга оширишга қаратилган касбий фаолиятдир. Давлат лавозими (мансаби) давлат органларида жорий этилади.

Айрим ҳолларда давлат хизмати муносабатлари давлат органларидан ташқари бўлган давлат ташкилотларида ҳам (масалан, давлат унитар корхонаси, давлат муассасасида) намоён бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, давлат органларида фаолият кўрсатувчи барча фуқаролар ҳам давлат хизматчиси ҳисобланмайди. Ходимларнинг айримлари билан меҳнат шартномаси тузилади ва уларга нисбатан давлат хизматчиси мақоми татбиқ этилмайди;

5) давлат хизматида ҳақ тўлаш давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилиши. Давлат аппарати харажатларини қоплаш, давлат хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш давлат бюджети тўғрисидаги қонунларда назарда тутилади.

Юридик адабиётларда давлат хизматининг ижтимоий фойдали меҳнат фаолияти сифатидаги тушунчасидан ташқари, ҳуқуқий институт сифатидаги тушунчалари ҳам ёритиб берилган.

Ҳуқуқий институт – бу маълум бир доирадаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат бўлиб, ҳуқуқ соҳасининг табиқий элементи ҳисобланади.

Давлат хизмати жараёнида юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар бирлашиб, давлат хизмати ҳуқуқий институтини ташкил этади.

Давлат хизмати ҳуқуқий институти қайси ҳуқуқ соҳасига тегишлилиги масаласи ҳозирги кунга қадар мунозарали бўлиб келмоқда. Аксарият ҳуқуқшунос олимлари давлат хизматини маъмурий ҳуқуқнинг ажралмас қисми сифатида таърифлаб, давлат хизмати жараёнида юзага келадиган муносабатлар маъмурий-ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинганлиги сабабли маъмурий-ҳуқуқий институтлар таркибига киритади.¹ Иккинчи гуруҳ ҳуқуқшунос олимлар эса, давлат хизмати ҳуқуқий институти комплекс институт бўлиб, давлат хизмати жараёнида юзага келадиган муносабатлар – конституциявий, маъмурий, меҳнат, молия ва бошқа ҳуқуқ соҳаларининг нормалари билан тартибга солинганлигини кўрсатиб ўтади.²

Баъзи адабиётларда давлат хизматининг мустақил ҳуқуқ соҳаси³ сифатидаги тушунчасини ҳам учратиш мумкин. Масалан, Ю.Н.Стариков, давлат хизмати соҳасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар “Хизмат ҳуқуқи” доирасида бирлашганлигини кўрсатади.⁴ Унинг фикрича, хизмат ҳуқуқи мустақил соҳа бўлиб, ўзининг предметида (давлат хизмати жараёнидаги ижтимоий муносабатлар доирасига) ва тартибга солиш усулига (давлат-ҳокимият кўрсатмасига) эга.

Давлат хизмати ҳуқуқий институтининг мазмунини давлатда ўрнатилган қонун ҳужжатлари белгилаб беради. Агарда, давлат хизматида тааллуқли қоидалар турли қонун ҳужжатларида жойлашган бўлса, уни комплекс институт сифатида; давлат хизмати соҳасидаги аксарият нормалар маъмурий қонунчиликда ўз ифодасини топган бўлса, маъмурий-ҳуқуқий институт сифатида; агарда, давлат хизматида тааллуқли қоидалар ягона қонун ҳужжати доирасида тизимлаштирилган бўлса, мустақил соҳа сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин.

¹Алехин А.П., Козлов Ю.М., Кармолицкий А.А. *Административное право Российской Федерации*. Москва, Зерцало, 1996

²Масалан, қаранг: Бахрах Д.Н. *Государственная служба в Российской Федерации*. Екатеринбург, 1995.

³Ҳуқуқ назариясига биноан ҳуқуқ соҳасининг мустақиллиги икки асосий элемент: предмет ва тартибга солиш усули билан белгиланади.

⁴Стариков Ю.Н. *Службное право*. Москва, изд. БЕК, 1996

Давлат хизмати тушунчасини функционал маънода ҳам олиб қараш мумкин. Функционал маънода давлат хизмати давлат фаолиятининг, давлат органлари аппаратининг, маъмурий-бошқарув тузилмалари фаолиятининг алоҳида тури ҳисобланади.

Давлат хизматчиларининг фаолияти турли кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Жумладан давлат хизматчилари:

-
- ▶ фармойиш бериш, тартибга солиш характеридаги ваколатларни амалга оширадилар;
 - ▶ бошқарув тизимида ҳуқуқнинг турли субъектларига нисбатан ҳуқуқий-ҳокимият кўрсатмаларини амалга оширадилар;
 - ▶ юрисдикциявий ҳаракатларни амалга оширадилар, яъни юридик ва жисмоний шахслар ҳамда бошқа субъектларига нисбатан давлат мажбурлов чораларини қўллайдилар;
 - ▶ ташкилий ҳаракатларни ва моддий-техник операцияларни амалга оширадилар;
 - ▶ фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширадилар.
-

Айрим юридик адабиётларда, давлат хизмати тушунчаси билан бир қаторда маҳаллий органларда амалга ошириладиган хизмат бўйича фикрлар билдирилган. Масалан, ҳуқуқшунос олим В.И.Фадеевнинг фикрича¹, маҳаллий органларда хизматни ўташ:

-
- ▶ маҳаллий органларни ташкил этиш бўйича бўладиган ижтимоий муносабатлар;
 - ▶ маҳаллий органлар ва унинг маҳаллий мулкни, маҳаллий хўжаликни бошқариш, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш бўйича органларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар;
 - ▶ қонун ҳужжатлари асосида давлатнинг айрим ваколатларининг маҳаллий органлар томонидан амалга оширилиши, қонунларни ҳамда юқори турувчи органлар ҳуқуқий актлари ижро этилишини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнларида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар;
 - ▶ маҳаллий органлар томонидан конституциявий ҳуқуқни ва суд ҳимоясини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар юзага келиши мумкин.
-

Маҳаллий органлардаги хизмат куйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

-
- ▶ бу хизмат оммавий хизматнинг алоҳида тури ҳисобланади, яъни маҳаллий оммавий ҳокимият органидаги хизматдир;
 - ▶ бу маҳаллий органлардаги касбий фаолият бўлиб, унинг амалга оширилиши билан маҳаллий хизматчилар маҳаллий бюджетдан маблағ оладилар. Маҳаллий хизматчилар маҳаллий органлардаги маълум бир лавозимларда хизматни олиб борувчи шахслардир;
-

¹Фадеев В.И. Муниципальное право России. Москва, 1994.

- ▶ бу маҳаллий органлар ваколатларини ижро этиш бўйича бўладиган фаолиятдир, яъни маҳаллий тузилмага бўйсундирилган фаолиятдир;
- ▶ бу доимий асосда ташкил этиладиган фаолиятдир, яъни маҳаллий органлар хизматчилари маҳаллий органларнинг фаолиятини доимий, чекланмаган муддатда амалга оширадilar. Лекин уларни сайланадиган мансабдор шахслардан (маълум бир муддатларда хизматни олиб борадиган шахслардан) фарқлай олиш лозим. Маҳаллий органлар хизматчиларининг «доимий асосли» фаолияти маҳаллий органлар хизматининг маҳоратини, унинг мувозанатини таъминлайди.

Демак, давлат хизмати тушунчасини ёритиб беришда қуйидаги унинг асосий белгиларига эътиборни қаратиш лозим:

- 1. Давлат хизматининг давлат органларида амалга оширилиши.** Давлат органи – бу давлат механизмнинг бир бўлаги ҳисобланган ва давлат-ҳокимият ваколоти доирасида давлат вазифа ва функцияларини амалга оширадиган давлат ташкилотидир.

Давлат ташкилоти кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг таркибига давлат органи билан бир вақтда, давлат муассасаси ва давлат корхонаси ҳам киради. Лекин, давлат органи ўзининг функционал хусусиятига кўра давлат муассасаси ва давлат корхонасидан фарқланади.

Давлат муассасаси маълум бир соҳада хизмат кўрсатиш (масалан, таълим бериш, соғлиқни сақлаш, кредит бериш) фаолияти билан, давлат корхонаси эса, ишлаб чиқариш фаолияти билан, маълум бир моддий бойликларни яратиш билан шуғулланади.

Давлат органлари давлатнинг бошқа ташкилотларидан фарқли равишда, жамиятнинг турли соҳаларида ташкиллаштириш, тартибга солиш, раҳбарлик қилиш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш, ижро этиш ва фармойиш бериш каби функцияларни бажаради. Умумий қоидага кўра, давлат органлари давлат бошқарувини амалга оширадilar.

Давлат бошқарувини амалга ошириш мақсадида давлат давлат органлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш йўли билан уларга ҳокимият-ваколатини беради. Ҳар бир давлат органи фақатгина ҳокимият-ваколати доирасида ҳаракат қилиши мумкин.

Давлат муассасаси ва давлат корхонаси ҳам қонунчилик билан белгиланган ваколатларга эга ҳамда бу ваколатлар тегишли давлат органлари орқали ўрнатилади. Мазкур ваколатлар ҳаракати давлат муассасаси ёки давлат корхонаси доирасида бўлади. Давлат органлари ҳокимият-ваколатининг ҳаракати эса бутун давлат миқёсида ёки унинг маъмурий-ҳудудий бирликлари, маълум бир соҳалар, маълум бир шахслар доирасида бўлади.

Давлат органлари, давлат муассасаси ва давлат корхонасидан фарқли равишда, ўзининг олдида турган мақсадга эришиш ҳамда давлат вазифалари ва функцияларини амалга ошириш учун турли махсус усуллардан (масалан, давлатнинг мажбурлов кучидан) фойдаланади.

- 2. Давлат хизматининг профессионал (касбий) фаолиятда ифодаланганлиги.** Давлат хизматида бўлган шахс учун асосий фаолият йўналиши, албатта бу давлат хизматидир. Давлат хизматчиси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа меҳнат фаолиятини ҳам амалга оширишлари мумкин (масалан, педагогик, илмий фаолият). Лекин хизмат муносабатлари улар учун ҳамма вақт биринчи даражали ҳисобланади.

Давлат хизматида профессионаллик нафақат бир фаолият доирасида ҳаракат қилишни, балки мазкур соҳада тегишли билим ва малакаларни ҳам талаб этади. Одатда, давлат хизматида бўлиш ёки давлат хизматида маълум бир мансабни эгаллаш учун олий ёки ўрта махсус таълимга, маълум бир фаолият соҳасида тегишли иш тажрибасига (стажга) эга бўлиш талаб этилади.

Бундан ташқари, профессионаллик тушунчаси давлат хизмати муносабатларининг узлуксизлигини, яъни давлат-ҳокимият ваколатларининг доимий равишда таъминланишини ҳам англатади.

- 3. Давлат хизматчиларининг ҳокимият ваколатига эга бўлиши.** Давлат хизматида бўлган шахсларнинг қайси бири давлат хизматчиси мақомига эга эканлигини айнан ҳокимият ваколати белгилаб беради. Ҳокимият ваколатининг мавжудлигига қараб шахсни давлат хизматчиси сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Давлат хизматчиларининг ҳокимият ваколати доираси турлича бўлади ҳамда шу белгига қараб давлат хизматчилари бир-биридан фарқланади (таснифланади). Давлат хизматчилари давлат вазифалари ва функцияларини ҳокимият ваколати доирасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширади.

Давлат ҳокимият ваколати давлат номидан оммавий манфаатларни кўзлаб бошқарув қарорларини қабул қилиш, уларнинг ижро этилишини таъминлаш, ижроси устидан назоратни амалга ошириш ҳамда уни муҳофаза қилиш билан боғлиқдир.

- 4. Давлат хизматининг давлат органида ўрнатилган давлат мансабини эгаллаган шахс томонидан амалга оширилиши.** Давлат мансаби – бу белгиланган тартибда ўрнатилган давлат органининг бошланғич ташкилий бирлиги бўлиб, уни эгаллаб турган шахс ваколатининг мазмуни, ҳажми ва жавобгарлик доирасини ўрнатади.

Давлат мансаби аниқ бир шахсга қаратилади, унинг мазкур ташкилотда тутган ўрнини ҳамда мажбуриятларининг доирасини белгилаб беради.

Давлат мансаби давлат органи ваколатларини амалга ошириш мақсадида ўрнатилган штат бирлиги ҳисобланади.

Ҳар бир давлат хизматчиси давлат органида маълум бир давлат мансабини эгаллаб, мазкур мансаб талаб қиладиган мажбуриятларни бажаради ҳамда мансаб доирасида жавобгар ҳисобланади. Давлат мансаби кўп жиҳатдан ҳокимият-ваколати доирасига боғлиқ бўлади. Қанчалик кенг доирада ҳокимият-ваколати берилган бўлса, давлат мансаби шунчалик юқори поғонани эгаллайди.

Юқорида мазмуни ёритиб берилган давлат хизматининг асосий элементларига асосланиб, давлат хизматига қуйидагича таъриф бериш мумкин: **давлат хизмати – бу давлат органида маълум бир мансабни эгаллаб турган шахс томонидан давлат вазифалари ва функцияларини бажариш мақсадида ҳокимият-ваколатларининг амалга оширилишига қаратилган касбий фаолиятдир.** Ушбу таърифда давлат хизмати тушунчасини ёритиб берувчи барча элементлар ўз ифодасини топган.

Давлат хизмати институти, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган тартибдан келиб чиқадиган бўлса, комплекс институт ҳисобланади. Давлат хизмати жараёнида юзага келадиган

муносабатлар – Ўзбекистон Республикаси Конституция ҳамда маъмурий, меҳнат, молия, жиноят ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Мазкур ўқув қўлланмада давлат хизмати тўғрисидаги тушунчалар унинг комплекс тарзда тартибга солиниши нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади.

1.2. Давлат хизматининг мақсади ва вазифалари

Ҳар қандай давлатда давлат хизматини ташкил этишнинг **асосий мақсади**, албатта, давлат вазифалари ва функцияларини амалга ошириш, жамият хотиржамлигини таъминлаш, Конституцияси ва қонунчилик ҳужжатлари билан ўрнатилган тартибда оммавий манфаатларни қондириш ҳисобланади. Ўз олдига қўйилган мақсадга эришиш учун давлат турли-туман вазифаларни бажаради.

Юридик адабиётларда¹ давлат хизматининг вазифаларига деярли барча ҳуқуқшунос олимлар бир хилда ёндашган. Уларнинг фикрича, **давлат хизматининг асосий вазифаларига** қуйидагиларни киритиш мумкин:

-
- ▶ конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, фуқаролик жамияти қуриш учун шарт-шароитлар яратиб бериш, ишлаб чиқариш, шахснинг эркин ҳаёт кечирishiни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эқринликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
 - ▶ давлат органлари олдида турган функцияларнинг амалга оширилиши учун ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий шароитларни ташкил этиш;
 - ▶ давлат органларига берилган компетенциядан келиб чиққан ҳолда уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш;
 - ▶ давлат хизмати ва давлат хизматчиларининг касбий фаолияти шароитларини такомиллаштириш;
 - ▶ давлат органлари ва давлат хизматчилари фаолиятида ошкоралик принципнинг амалда бўлишини таъминлаш, қонунийликка риоя этиш, давлат хизматида маъмурий-буйруқбозлик, коррупция ва бошқа салбий ҳолатларга барҳам бериш;

¹Қаранг: Алехин А.П., Кармолицкий А.А., Козлов Ю.М. *Административное право. – Зерцало, 1998; Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Стариков Ю.Н. Административное право. – М.: Норма, 2004; Козлов Ю.М. Административное право. – М.: Юрист, 2003; Габричидзе Б.Н., Чернявский А.Г., Ким-Кимэн А.Н. Административное право. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.*

- ▶ давлат органларида хизматчиларнинг қобилиятини, муомаласини яхшилаш, бошқарув ишининг самарадорлигини ошириш;
- ▶ давлат хизматчилари малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва таъминлаш;
- ▶ давлат органларини давлат хизматига яроқли бўлган ҳамда ўзининг мансаб мажбуриятларини бажара оладиган юқори малакали хизматчилар билан тўлдириш;
- ▶ давлат хизматчилари фаолият юритиши учун зарур бўлган ижтимоий, ахборот, моддий-молиявий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитларни ташкил этиш;
- ▶ кадрларни танлаш, хизмат бўйича ҳаракатланиш тартибини, малакали синовларни, аттестацияларни ўтказиш, малака даражаларини бериш, мувозанат ва жавобгарлик чораларини белгилаш ва ҳ.к.лар.

О. Хусановнинг кўрсатишича, давлат хизматининг асосий мақсади давлатнинг Конституция ва қонунларини амалга ошириш ҳисобланади. Шу мақсадда улар қуйидаги вазифаларни бажаради:

- 1) давлатни аҳоли билан алоқасини, давлат хизматининг обрў-эътиборини таъминловчи ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий асосларини шакллантириш;
- 2) марказий ва маҳаллий давлат органлари аппаратининг самарали ишлаши ва ривожланишини таъминлаш;
- 3) меҳнатни илмий ташкил этиш, фан янгиликларидан, техника ютуқларидан фойдаланиш, жаҳон тажрибасини қўллаш орқали давлат аппарати фаолиятини доимий такомиллаштириб бориш;
- 4) давлат бошқарувини демократлаштириш, унинг фаолиятида ошкоралик ва очиқлик учун шароит яратиш, қонунийликни таъминлаш, буйруқбозлик ва коррупция кўринишларига барҳам бериш;
- 5) давлат органлари жамоасида соғлом муҳит, ишчанлик сифатларини, ташаббускорлик, ижодкорликни вужудга келтирувчи шароитларни таъминлаш;
- 6) давлат бошқаруви ходимларини тайёрлаш, малакасини ошириш тизимини вужудга келтириш ва фаолият кўрсатишини таъминлаш, ходимларни хизмат пиллапоясидаги адолатли силжишига имконият яратиш;
- 7) давлат бошқарувига хизматга қабул қилиш, хизматни ўзгартириш, юқори кўтарилиш, ходимлар фаолиятини баҳолаш, рағбатлантириш, жавобгарлик тартибларини аниқлаш.

Булар давлат хизматининг умумий вазифалари бўлиб, давлат хизматининг ўзига хос, аниқ тур ва йўналишга тааллуқли вазифалари ҳам мавжуддир. Буларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

-
- ▶ давлат бошқарув тузилмасини самарали ташкил қилиш ва ривожлантириш, мансаблар ўртасида ваколатлар тақсимланишини режалаштириш;
 - ▶ давлат органлари ходимларини бошқариш, уларнинг малакавий даражасини аниқлаш, малакасини ривожлантириш, мансаб даражасида силжиши, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш;
 - ▶ давлат бошқаруви ходимларини мансаб даражаси ва тоифаси бўйича статистик ҳисоб юрғизиш;
 - ▶ мансабларга малакавий талабларни, уларнинг кўтарилиши тартибларини ишлаб чиқиш;
 - ▶ давлат аппарати ходимларини аттестациядан ўтказиш, танлов ўтказиш, хизматчиларнинг малакавий ўсиши ва иш фаолияти истиқболини режалаштириш;
 - ▶ давлат аппаратини сақлаш ва самарадорлиги учун қилинаётган молиявий ва бошқа моддий харажатларни асослаш, штат миқдорини аниқлаш, давлат хизмати органлари, ташкилотларига қилинадиган моддий ва меҳнат сарф-харажатларини аниқлаш;
 - ▶ мансаб вазифаларини бажариш учун манфаатдорлик ва жавобгарлик шаклларини ҳамда уларни қўллашнинг демократик усулларини аниқлаш ва асослаш;
 - ▶ давлат бошқаруви ва давлат хизмати соҳасидаги илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш. Бунинг учун, замонавий ахборот-таҳлил тармоғини шакллантириш, эксперт-маслаҳатчи гуруҳлари хизматини ташкил этиш;
 - ▶ давлат бошқаруви ходимларини тайёрлаш, малакасини ошириш тизимини ташкил этиш, таълим муассасалари ўқув дастурларини таҳлил қилиш, битирувчиларнинг сифатига баҳо бериш, улардан фойдаланишни назорат қилиш, давлат органлари ва таълим муассасаларининг алоқаларини таъминлаш;
 - ▶ давлат бошқаруви ва давлат хизмати соҳасида қонун ҳамда ислохот дастурлари лойиҳаларини тайёрлаш.¹

Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати соҳасига тааллуқли изланишларни олиб борган ҳуқуқшунос олимлардан яна бири Х.Р. Алимов давлат хизматининг асосий вазифаларига қуйидагиларни киритади:

-
- ▶ Ўзбекистон Республикаси халқи манфаатларини кўзлаб давлатнинг функцияларини амалга ошириш;
 - ▶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Президент ва Ҳукуматнинг қарорларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳокимият ва бошқарув органларининг бошқа меъёрий ҳужжатларини ижро этиш;
 - ▶ фаолиятнинг ўрнатилган мақсадлари ва ваколатларига қатъий риоя этган ҳолда республика ва маҳаллий органларнинг самарали иш фаолиятини таъминлаш;

¹Б. Мирбобоев, О. Ҳусанов, А. Бегматов. *Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари*. Тошкент, Академия, 2005. 25-26-б.лар.

- ▶ фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари амалга оширилишини ва ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- ▶ бошқарув фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш ва илмий-техник жараённинг энг илғор воситаларидан фойдаланиш, профессионал даражани ошириб бориш ва бошқалар.¹

Юқоридагиларга асосланиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда давлат хизматининг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- ▶ Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, фуқаролик жамияти қуриш учун шарт-шароитлар яратиб бериш, ишлаб чиқариш, шахснинг эркин ҳаёт кечиришини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, экринликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- ▶ давлат органлари олдида турган вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни ташкил этиш;
- ▶ давлат органларига берилган ваколатлар доирасидан келиб чиққан ҳолда уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш;
- ▶ давлат хизмати ва давлат хизматчиларининг профессионал фаолияти шароитларини такомиллаштириш;
- ▶ давлат органлари ва давлат хизматчилари фаолиятида ошкоралик тамойилининг амалда бўлишини таъминлаш, қонунийликка риоя этиш, давлат хизматида маъмурий-буйруқбозлик, коррупция ва бошқа салбий ҳолатларга барҳам бериш;
- ▶ давлат органларида хизматчиларнинг қобилиятини, муомаласини яхшилаш, бошқарув ишининг самарадорлигини ошириш;
- ▶ давлат хизматчилари малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва таъминлаш;
- ▶ давлат органларини давлат хизматига яроқли бўлган ҳамда ўзининг мансаб мажбуриятларини бажара оладиган юқори малакали хизматчилар билан тўлдириш;
- ▶ давлат органлари хизматчилари фаолият юритиши учун зарур бўлган ижтимоий, ахборот, моддий-молиявий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитларни ташкил этиш;
- ▶ кадрларни танлаш, хизмат бўйича ҳаракатланиш тартибини, малакали синовларни, аттестацияларни ўтказиш, малака тоифаларини бериш, мувозанат ва жавобгарлик чораларини белгилаш ва ҳ.к.лар.

Умуман олганда, давлат хизматининг вазифалари давлат органининг ҳуқуқий мақомига, давлат хизматчисининг қандай лавозимни эгаллаганига боғлиқдир.

¹Административное право Республики Узбекистан. Учебник. Ташкент, Адолат, 1999.

1.3.

Давлат хизматининг асосий принциплари

Давлат хизматининг ўзига хос хусусиятларини унинг принципларида кўришимиз мумкин. Ҳар қандай давлат фаолияти сингари давлат хизмати ҳам маълум бир принципларга таянган ҳолда амалга оширилади.

Принципларга бўйсунлиқ хосдир. Принциплар объектив қонунийликни аниқлаш ва ундан ақл-идрок билан фойдаланиш шаклларида бири бўлиб ҳисобланади.

Принципларга сўзсиз риоя қилиш лозим. Агар принциплар бузилса, у бевосита амалий вазифаларни ҳал этишга тўсқинлик қилади.

Давлат хизмати принциплари турли-туман бўлиб, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Принципларнинг баъзиларига риоя қилиш бошқаларининг амалга оширилишига кўмаклашади ва аксинча, маълум бир принципга риоя этмаслик бошқаларининг бузилишига олиб келади.

Аксарият юридик адабиётларда давлат хизмати принциплари шартли равишда уч гуруҳга бўлинади:

1) давлат хизматининг конституциявий-ҳуқуқий принциплари. Мазкур гуруҳга давлатнинг асосий қонун ҳужжатида мустақамланган ҳамда давлат хизматининг мақсади, асосий вазифалари, функциялари ва объектив қонуниятларини ифодаладиган қоидалар киритилган. Конституциявий-ҳуқуқий принциплар қуйидагилардир:

а) давлат хизмати соҳасида қонунларнинг устунлиги принципи;

б) инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг устунлиги принципи;

в) давлат хизматига киришда фуқароларга тенг имкониятларнинг яратиб берилиши принципи;

2) давлат хизматининг ташкилий-функционал принциплари. Мазкур гуруҳ принциплари амалдаги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ўрнатилиб, конституциявий-ҳуқуқий принципларни амалда рўёбга чиқаришга бевосита хизмат қилади. Ташкилий-функционал принциплар давлат хизматини ташкил этиш, давлат хизмати соҳасида функционал вазифаларни тақсимлаш, давлат хизматчилари ижтимоий ҳимояси, жавобгарлиги ва бошқа муҳим ҳолатларни белгилаб беради.

Ташкилий-функционал принципларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) давлат органлари ва давлат хизматчилари фаолиятининг ҳисобдорлик ва назорат остида бўлиш принципи;

б) юқори турувчи давлат органи (давлат хизматчиси) томонидан чиқарилган қарорларнинг қуйи турувчи давлат органи (давлат хизматчиси) учун мажбурийлиги принципи;

в) давлат хизматчиларига қўйиладиган умумий талабларнинг ягоналиги принципи;

- а) давлат хизматида ошкоралик принципи;
 - б) қабул қилинган қарорлар ва функционал вазифаларни бажариш юзасидан давлат хизматчиларининг жавобгарлиги принципи;
 - в) давлат хизматчиларининг ижтимоий ҳимояланганлиги принципи ва ҳ.к.лар.
- 3) соҳавийлик ёки аниқ институционал принциплар. Мазкур гуруҳ принциплари барча давлат хизматчиларига эмас, балки айрим соҳа хизматчиларига тааллуқли бўлиши ёки маълум бир даврга қаратилган бўлиши ёхуд маълум бир ҳолат ва вазият билан боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, аттестация жараёнида давлат хизматчилари фаолиятини холисона баҳолаш принципи ва ҳ.к.лар. Соҳавийлик ёки аниқ институционал принциплар қонуности ҳужжатларида ўз ифодасини топади ва аниқ субъектлар доирасига қаратилади.

Демак, давлат хизматининг принциплари юридик адабиётларда турлича кўрсатиб ўтилгандир. Уларнинг барчаси бир мақсад сари йўналтирилган бўлиб, давлат хизматини ташкил этиш ва амалга оширишнинг асосларини ҳамда қонуниятларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларининг таҳлили асосида давлат хизматининг қуйидаги принципларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

-
- 1) қонуннинг устунлиги ва ҳамма учун мажбурийлиги принципи. Бу принципга асосан Ўзбекистон Республикасининг барча қонунлари муқаддас бўлиб, уларга барчанинг амал қилиши лозим. Бу принцип асосий қонунимиз бўлган – Конституциянинг 15-моддасида ўз ифодасини топган. Унга биноан Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари қатъий интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият жиҳатидан устувор бўлмаса, қонунлар ва миллий анъаналар, урф-одатлар, умуминсоний қадриятлар ҳурмат қилинмаса, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда у асосда қабул қилинган қонунлар олдида барча бирдай масъулдир. Қайси бир жамиятда қонунлар бажарилмай қоғозда қолиб кетса, ундай жамият асло равнақ топмайди, адолатга эриша олмайди. Қонун амалда бўлиши керак. Қонун қабул қилиндими, унинг ижроси ҳам қатъий бўлмоғи лозим.

Демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири – барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ҳамда Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлашдир. Конституция ва қонунларнинг устуворлиги:

- ▶ **биринчидан**, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини, ҳеч ким, ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс, фуқаро қонунга бўйсунмиш мажбуриятдан ҳоли бўлиши мумкин эмаслигини англатади;
- ▶ **иккинчидан**, асосий ижтимоий, энг аввало иқтисодий ва сиёсий муносабатлар фақат қонун йўли билан тартибга солинади, унинг барча иштирокчилари эса ҳеч бир истисноси ҳуқуқ нормаларини бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарликка тортилади.

Қонунийлик – давлат механизмнинг барча бўғинлари (давлат органлари, давлат ташкилотлари, давлат хизматчилари), фуқаролик жамияти (жамоат, диний ва бошқа бирлашмалар), шунингдек, фуқаролар учун мажбурийдир.

Қонунийлик – бу юқори сифатли ҳуқуқий нормаларнинг етарлича мавжуд бўлиши ва барча ҳуқуқ субъектлари томонидан унга қатъий риоя этишидир.

Конституция ва қонунларнинг пировард мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан иборат бўлмоғи лозим. Зотан улуғ бобокалонимиз Амир Темур таъкидлаганидек, “Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистонда янги жамият қуриш ва бозор иқтисодиётига ўтиш учун барча кишиларнинг қонунга амал қилишини муҳим принцип деб ҳисоблаб, ўзининг “Қонун ва адолат устуворлигининг ҳаётбахш манбаи” нутқида: “Қонун, яна бир бор қонун – каттаю кичик, жинсидан, миллати, эътиқоди ва мансабидан қатъи назар, – барчамиз учун устувор бўлмоғи даркор!”, – деб кўрсатади.

Қонунийлик аҳоли маданий даражаси билан, давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти билан боғлиқ бўлади. Инсонларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти қанча юқори бўлса, қонунийлик ва ҳуқуқ тартибот таъминланади, қонун бузилиши шунчалик кам бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги Фармонида кўра ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш, маънавий ва маданий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш, амалга оширилаётган ислохотларни янги мазмун билан бойитиш, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамиятни сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш борасидаги ишларни яхшилаш мақсадида:

- а)** аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар – давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди;
- б)** республикада ҳуқуқий давлат қурилиши йўлида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотлар ва бу борада қабул қилинган қонунлар моҳиятини аҳоли томонидан чуқур англаб етишига ҳар томонлама кўмаклашиш – давлат бошқарув, ҳуқуқни муқофаза қилиш идоралари, ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг энг долзаб вазифаси эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 августда “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури”¹ тўғрисидаги қарори ҳам қабул қилинди. Миллий дастурнинг асосий вазифаси сифатида – ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириб, кенг халқ ўртасида ҳуқуқий тарбияни мустаҳкамлаб, аҳоли маданий даражасини кўтариш вазифаси белгилаб қўйилди;

¹Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997, №9.

- 2) қонунийликнинг ягоналиги принципи. Бу принцип Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунлар бир хилда қўлланилишини, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларини демократлаштириш йўлига ўтди. Жаҳон тажрибасидан маълумки, инсоннинг асосий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини қатъий ҳимоя қилмасдан ва уни амалда таъминламасдан туриб, жамиятни демократлаштириш мумкин эмас.

Инсон ҳуқуқларини тушуниб етиш учун ниҳоятда муҳим бўлган одамларнинг табиий тенглиги ғоялари қадим юнон мутафаккирлари Протагор, Антифонт, Ликофрон ва қадим Хитой донишманди Конфуций сиёсий ҳамда ҳуқуқий таълимотларида илгари сурилган. Ҳуқуқ субъекти ва қонун олдидаги тенглик тушунчаларини ишлаб чиқишдаги хизматлар қадимги Рим ҳуқуқшуносларига тегишли. Цицерон “Ҳамма қонун таъсири остида бўлиши керак”, деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикасида қонуннинг ягоналиги ва барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги:

- ▶ **биринчидан**, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари унинг барча ҳудудида амал қилишини ҳамда бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қонун асосида қабул қилиниб, уларга зид бўлмаслигини, талаб қилади;
- ▶ **иккинчидан**, Ўзбекистон қонунлари унинг ижтимоий ва давлат тузумини, барча миллат ва элатларнинг манфаатларини ҳимоя қилади;
- ▶ **учинчидан**, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қонунлар бир хилда қўлланилади;

- 3) давлат хизматининг халқ манфаатлари йўлида амалга оширилиши принципи.

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 7-моддасига биноан халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Ҳуқуқий демократик давлатларнинг олиб борадиган сиёсатларини халқнинг хоҳиш-иродаси белгилаб бериши лозим. Мазкур сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистондаги барча фуқароларнинг фаровон турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак. Жумладан, Конституциянинг 14-моддасида давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади, деб кўрсатилган;

- 4) давлат бошқарувида халқнинг иштироки принципи. Ўзбекистон Республикасида қонунийликни таъминлашда ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашда кенг омма иштирок этади. Бу ҳолатни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир неча моддаларида кўришимиз мумкин. Жумладан, Конституциянинг 9-моддасига биноан жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига биноан эса, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тизимини босқичма-босқич шакллантириш мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омилидир. “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” деган сиёсий концепциянинг асл моҳияти жамиятни бошқаришда аста-секин нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирок этишини тобора кенгайтиришда кўринади. Барча демократик давлатларда бўлгани каби бизнинг давлатимизда ҳам жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат тузилмаларининг мавқеи ошиб бормоқда.

Конституциянинг 35-моддасига биноан эса, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Демак, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги давлат органларига, уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат қилиши орқали ҳам амалга оширилади;

- 5) давлат хизматининг демократик жараёнлар билан боғланганлиги принципи. Давлат хизмати демократия билан узвий боғлиқдир. Халқ давлат ҳокимиятини ўзи ишонч билдириб сайлаган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда ҳокимият органлари орқали амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Давлат хизмати – демократик тартибларга бўйсуншни талаб қилади, демократик тартиблар, ўз навбатида, қонунийликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади;

- 6) давлат хизмати ҳокимият тизимининг бўлиниши асосида амалга оширилиши принципи.

Давлат ҳокимиятининг уч тармоққа бўлиниши, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши кенг қабул қилингандир. Давлат бошқарувининг самарали амалга оширилиши учун, албатта, давлат органларининг ҳокимият-ваколатлари қонуний тартибда аниқ кўрсатиб ўтилган бўлиши лозим. Мазкур принцип – ҳар бир давлат органининг қандай фаолият билан шуғулланишини, қандай ваколатларга эга эканлигини, яъни давлат органлари фаолиятининг доирасини белгилаб беради;

- 7) ошкоралик принципи.

Давлат хизмати соҳасида инсонларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари билан боғлиқ бўлган ҳар қандай қарор (ҳужжат), оммага эълон қилинмасдан туриб татбиқ этилиши мумкин эмас. Давлат

хизматининг самарали амалга оширилишида давлат органларининг фаолияти, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларига нисбатан фуқаролар ёки жамоат бирлашмалари билдирган фикрларни инобатга олиш ҳам катта аҳамиятга эгадир;

8) жавобгарлик принципи.

Қонунчиликда давлат органларининг, унинг мансабдор шахсларининг ва фуқароларнинг қонун талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, мажбурлов чоралари ҳам ўрнатилади. Бу нафақат давлатнинг, балки жамиятнинг ҳам, алоҳида шахсларнинг ҳам ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади.

Ушбу принцип давлат органлари, уларнинг мансабдор шахсларининг берилган ваколат доирасида жавобгарликка тортилиши мумкинлигини назарда тутаяди;

9) коллегиялик принципи.

Амалдаги қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, давлат органларида яқка тартибда амалга ошириладиган бошқарув билан бир вақтда, коллегиял бошқарув ҳам мавжуддир. Давлат органларининг деярли барчасида турли кўринишдаги кенгаш ва ҳайъатлар ташкил этилган. Кенгаш ва ҳайъатлар томонидан амалга ошириладиган бошқарув коллегиял бошқарув ҳисобланади.

1.4. Давлат хизмати функциялари

Давлат хизмати функциялари тўғрисида батафсил тушунча ҳосил қилиш учун **“давлат функцияси”** ва **“ҳуқуқ функцияси”** атамаларини билиб олиш лозим. Бу иккала категория ўзаро боғлиқ бўлиб, тўғридан-тўғри бир-бирига таъсир кўрсатади. Улар кўпгина ўхшаш томонлар билан бир қаторда, ўзига хос хусусиятларга ҳам эга.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанидан келиб чиқадиган бўлсак, давлат функцияси унинг сиёсати, мақсади, вазибалари ва ваколатлари билан белгиланадиган маълум босқич (давр)даги фаолиятнинг асосий йўналишларидир. Давлат ўз олдида турган вазибаларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида қонун чиқариш, ижро этиш ва судлов фаолиятини олиб боради. Давлат ўз функцияларини амалга оширишда ишонтириш, рағбатлантириш ва мажбур этиш услубларидан фойдаланади. Мазкур шакллар ва услубларнинг қўллаш даражаси давлат функцияларининг ҳажми, даври, тизими, хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Давлат функцияларини таснифлаш (гуруҳларга, турларга бўлиш) эса, давлатнинг моҳиятини чуқурроқ англашга, унинг жамият тараққиётидаги ролини яққолроқ намоён этишга кўмаклашади. Одатда, давлат функциялари иккига: ички ва ташқи функцияларга бўлинади.

Ҳуқуқ функцияси – ижтимоий муносабатларга юридик таъсир этишнинг асосий йўналишлари бўлиб, уларнинг мазмуни ҳуқуқнинг моҳияти ва жамият ҳаётидаги ижтимоий вазифаси билан белгиланади. Ҳуқуқ, аввало, жамият ҳаётининг турли жабҳаларига – иқтисодиётга, сиёсатга, ижтимоий соҳага, маданий-маънавий муносабатларга таъсир этади ва шу тариқа иқтисодий, сиёсий ва тарбиявий мазмундаги умумижтимоий функцияларни бажаради. Ҳуқуқ функциялари қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

- а) ҳуқуқ функциялари ҳуқуқнинг моҳиятидан келиб чиқади ва унинг жамиятдаги вазифаси билан белгиланади. Функция ҳуқуқ моҳиятининг ижтимоий муносабатлар мазмунида ифодаланишидир;
- б) ҳуқуқ функциялари ижтимоий муносабатларга таъсир этишнинг шундай йўналишики, уларни амалга ошириш эҳтиёжи ҳуқуқнинг ижтимоий ҳодиса сифатида мавжудлиги заруриятдан келиб чиқади;
- в) функциялар ҳуқуқнинг энг муҳим сифатларини ифода этади ва жамият ривожининг ҳозирги босқичида ҳуқуқ олдида турган туб вазифаларни бажаришга йўналтирилади;
- г) ҳуқуқ функциялари ижтимоий муносабатларнинг муайян турини тартибга солувчи фаол ҳаракати йўналишини акс эттиради. Шу боис ҳуқуқ функцияларининг муҳим белгиларидан бири унинг ҳаракатланиши, таъсир этишидир;
- д) ҳуқуқ функциялари доимийлик хусусиятига эга, бу уларнинг узлуксизлиги, узоқ муддат ҳаракатланишини англатади.¹

Давлат хизмати давлат фаолиятининг бир кўриниши ҳисобланар экан, унга давлат функциялари хос бўлиб ҳисобланади. Лекин, шу билан бирга, давлат хизматининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқувчи функциялар ҳам мавжуд.

Давлат хизмати функциялари масаласини ўрганиш давлат хизмати тузилиши ва тизимини ташкил этиш, давлат органларининг объектив эҳтиёжларини аниқлаш имкониятини беради.

Давлат хизмати функциялари аниқ мазмунга эга бўлиб, бошқарувнинг услублари ва шакллари (масалан, мажбурлов чоралари, ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва ҳ.к.лар) ёрдамида амалга оширилади.

Давлат хизматининг функциялари – бу давлат фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб, унинг ижтимоий ҳолатини белгилайди, инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг амалга оширилишини, давлат ва жамиятни самарали ҳамда бир меъёردа бошқарилишини таъминлайди.

Давлат хизмати функциялари объектив қонуниятлар билан изоҳланади. Ҳар бир функциянинг мазмуни давлат олдида турган мақсад, объект хусусиятлари билан белгиланади ҳамда давлат органларининг объектларга ташкилий-ҳуқуқий таъсир кўрсатишининг йўналишларини ўз ичига олади.

Давлат хизматининг асосий функциялари жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) давлат хизматини ахборот билан таъминлаш функцияси**, яъни давлат хизматини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни йиғиш, олиш, сақлаш, баҳолаш ва қайта ишлаш;

¹Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалар учун \ Бобоев Х.Б., Исломов З.М., Чориёров У. – Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 2000. 173, 223-б.лар

- 2) **давлат хизмати тизимининг истиқболни белгилаш функцияси.** Истиқболни белгилаш – бу профессионал тажриба ва амалиёт ҳамда илмий-назарий ютуқларга асосланган маълумотларга таяниб, давлат хизмати ва давлат органлари фаолияти ривожланишидаги ўзгаришларни аниқлаш, шунингдек, маълум бир ҳодисалар ва жараёнларнинг натижаларини олдиндан кўра билишдир. Истиқболни белгилаш қарорларини қабул қилишда жуда муҳимдир. Бу функциясиз ижтимоий жараёнларнинг натижаларини, истиқболдаги жамият ҳолатини, давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш мумкин эмас;
- 3) **режалаштириш функцияси** – бу давлат хизмати тизимидаги у ёки бу жараёнларнинг йўналишларини, ривожланишнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, давлат функцияларининг амалга оширилишини белгилаш ҳисобланади. Бундан ташқари, режалаштириш функцияси орқали давлат фаолияти ва бошқарувини такомиллаштириш ва ислоҳ қилишнинг мақсад ва вазифалари ҳамда йўналишлари белгиланади. Мазкур функцияни амалга ошириш жараёнида давлат хизмати турли соҳаларидаги алоқаларнинг ривожланиш дастурлари, шунингдек, давлат органлари фаолияти ва тузилишини ўзгартириш ҳамда яхшилаш бўйича дастурлар ишлаб чиқилади;
- 4) **ташқил этиш функцияси** – бу ўрнатилган тартиб ва принципларга асосланиб давлат хизмати тизимини шакллантириш ва тузилишини белгилашдир. Ташқил этиш фаолияти – давлат органлари фаолиятини таъминловчи ҳаракатлар ва қарорларни ўз ичига олади;
- 5) **фармойиш бериш функцияси**, яъни давлат органлари ваколатларини ва мансаб мажбуриятларини амалга ошириш, давлат фаолиятининг белгиланган тартибини таъминлаш бўйича вужудга келадиган муносабатларни кундалик тартибга солишдир. Фармойиш бериш – бу раҳбар (мансабдор шахс) томонидан тегишли кўрсатмаларни беришдир;
- 6) **раҳбарлик қилиш функцияси** – давлат органлари (давлат хизматчилари), бошқарилувчи объектлар фаолиятининг ёки айрим ҳаракатларининг қоидаларини ва нормаларини ўрнатиш ҳисобланади;
- 7) **мувофиқлаштириш функцияси** – бу турли давлат органлари (давлат хизматчилари) фаолиятини давлатнинг умумий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун йўналтиришдир. Мувофиқлаштириш орқали давлат хизмати тизими ташқил этилади ва унинг фаолият кўрсатиши таъминланади. Масалан, бир неча мустақил давлат органлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзининг ташкилий тузилмасига, мақсад ва вазифаларига эга бўлса ҳамда маълум бир муаммони уларнинг биргаликдаги фаолияти орқали ҳал этиш лозим бўлганда, мувофиқлаштириш ваколатига эга бўлган давлат органини ташқил этиш эҳтиёжи вужудга келади;
- 8) **контрол қилиш функцияси** – давлат хизмати тизими ва унинг тузилишининг ўрнатилган стандарт ва нормаларга мос келиши ёки мос келмаслигини, давлат органлари фаолиятини ва айрим субъектлар ҳаракатининг натижаларини, давлат бошқарувида белгиланган ва амалга оширилган ҳолатларни ўрганиш ва баҳолашдир. Контрол қилиш – бу бошқарув фаолиятининг сифати устидан кузатиш, камчилик ва хатоларни ҳамда бошқарув ҳаракатларининг ва қабул қилинган ҳужжатларнинг қонунийлик ва мақсадга мувофиқлик принципларига мос келишини аниқлашдан иборат. Давлат фаолиятининг маълум бир соҳаларида у ёки бу ҳаракатларни амалга ошириш устидан давлат ҳокимияти органлари контролни ўрнатадилар. Контролни амалга ошириш вақтида кетма-кетлик, асосланганлик, ошкоралик, объективлик, қонунийлик ва тезкорликка амал қилиш керак. Контролнинг кенг тарқалган кўринишларидан бири назорат ҳисобланади. Назорат, одатда, маълум бир ҳаракатларнинг (қарорларнинг) қонунийлигини текшириш мақсадидагина амалга оширилади;

9) **тартибга солиш функцияси** – бу давлат хизмати тизимини ва унинг фаолиятини ташкил этиш жараёнида бошқарув услублари ва усулларидан фойдаланишдир. Тартибга солиш – ҳуқуқ субъектлари учун умуммажбурий бўлган кўрсатмаларни ўрнатиш ҳисобланади. Тартибга солиш функцияси бир неча йўналишларда амалга оширилиши мумкин, масалан, норматив ҳуқуқий ҳужжат орқали маълум бир соҳадаги хулқ-атвор қоидаларини белгилаш ёки бошқарувнинг аниқ жараёнларини (сертификатлаш, лицензиялаш, солиққа тортиш, рўйхатга олиш ва ҳ.к.лар) ўрнатиш;

10) **ҳисобга олиш функцияси** – миқдор шаклида ифодаланган ахборотларни, моддий ресурслар ҳаракатини, бошқарув фаолиятини амалга ошириш натижаларини, давлат органлари ваколатларини, давлат бошқарув қарорларини, бошқарув учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларнинг мавжудлиги ва ҳаракатини инobatга олишдир. Ҳисобга олиш функцияси қандайдир предметларнинг, ҳужжатларнинг, ашёларнинг мавжудлигини аниқлаш учун қўлланилади.

Юридик адабиётларда давлат хизмати функциялари билан бир қаторда, давлат хизмати институтининг функциялари ҳам кўрсатиб ўтилган. Давлат хизмати институтининг асосий функцияси – бу давлат-хизмат муносабатларини тўғри ва тўлиқ ҳуқуқий тартибга солишдир, яъни давлат қурилишини, давлат аппаратини ташкил этиш, самарали фаолият юритишини таъминлаш, инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масадида хизмат муносабатларини ташкил этишдир.

Давлат хизмати ҳуқуқий институт сифатида қуйидаги функцияларни амалга оширади:

-
- ▶ **таъминлаш функцияси**, яъни давлат ва унинг органларининг вазифа ва функцияларини бажариш. Давлат органлари мураккаб тизимга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзининг вазифа ва функцияларига эгадир. Давлат хизмати айнан шу органларнинг ваколатини амалга ошириш, ижтимоий жараёнларга самарали таъсир этиш мақсадида ташкил этилгандир;
 - ▶ **интегратив (бирлаштириш) функцияси**, яъни давлат хизмати фуқаролар ва инсонларнинг манфаатларини, ижтимоий мувозанатни таъминлаш ва ҳимоя қилиш, давлат аппаратининг фаолият юритиши, кафолатлар тизимини яратилишининг ҳуқуқий воситаси сифатида намоён бўлади. Бу функция орқали сиёсий тизимнинг, давлат аппаратининг, инсонларнинг, бутун жамиятнинг ижтимоий аҳамиятли мақсадларга эришишининг ва манфаатлар қондирилишининг барча элементларини бирлаштириш мумкин;
 - ▶ **тартибга солиш функцияси**. Давлат хизмати институти давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақомини (ҳуқуқлари, мажбуриятлари, ваколатлари, жавобгарлик, чекловлар ва ҳ.к.ларни) белгилаб бериш орқали ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Тартибга солиш функцияси ўз ичига давлат хизматининг ташкилий функциясини ҳам олади, яъни тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ташкилий шаклга эга бўлади;
 - ▶ **коммуникатив функцияси**. Бу функция давлат аппаратининг ичидаги, давлат органларидаги жараёнлар тўғрисидаги маълумотларни излаш, олиш ва улардан самарали фойдаланишга, шунингдек, давлат органларининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги ижтимоий фикрлардан фойдаланишга қаратилган. Аксарият ҳолатларда коммуникатив функция ахборот функцияси деб аталади;
 - ▶ **муҳофаза қилиш функцияси**. Бу функция давлат ва жамият ҳаётидаги муносабатлар тизимида қонунийликни таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ваколатли давлат органлари (мансабдор шахслар) томонидан огоҳлантирув, мажбурлов ва қайта тиклов чораларини қўллашни таъминлайди.



ДАВЛАТ-ХИЗМАТ МУНОСАБАТЛАРИ

2.1. Давлат-хизмат муносабатлари мазмуни ва унинг элементлари

Давлат хизмати ўзининг хусусияти ва тузилишига кўра мураккаб комплекс институтлардан биридир. Давлат хизматининг мазмун-моҳиятини очиб беришда унинг предметиға кирувчи ижтимоий муносабатлар доирасини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

У ёки бу соҳа ҳуқуқий тартибга солиш предмети тўғрисида сўз юритганда, ушбу соҳа ҳуқуқ нормалари томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар доираси тушунилади.

Давлат-хизмат муносабатлари ҳуқуқий муносабатларнинг бир тури бўлиб, унга ҳуқуқий муносабатларнинг барча хусусиятлари хосдир. Ҳуқуқий муносабатлар ўзаро субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган шахслар ўртасида, ҳуқуқ нормалари ва муайян юридик фактлар асосида вужудга келдиган алоқалардир.

Ҳуқуқий муносабат, бу биринчи навбатда, томонлар ўртасидаги алоқадорликни акс эттиришдир. Муносабат томонлари бир-бири олдида тегишли субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўтайдилар. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир-бири билан ўзаро муносиб тарзда боғлиқ бўлиб, бир томоннинг ҳуқуқиға иккинчи томоннинг мажбурияти ёки иккинчи томоннинг ҳуқуқи биринчи томоннинг мажбуриятиға мувофиқ келади.

Юридик адабиётларда ҳуқуқий муносабатларнинг табиати масаласи анча мунозарали ҳисобланади. Бир гуруҳ олимлар ҳуқуқий муносабатларни *ижтимоий муносабатларнинг алоҳида гуруҳи* сифатида кўрсатиб ўтишади.¹ Иккинчи гуруҳ олимлари эса, ҳуқуқий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тури ҳисобланмаслигини, улар фақатгина *ижтимоий муносабатларнинг юридик шакли, ифодаси* сифатида намоён бўлишини кўрсатади.²

¹Қаранг: Явич Л.С. *Право и общественные отношения*. – М., 1987; *Общая теория права. Под ред. В.К.Бабаева*. – Н.Новгород, 1993. 405-407-б.; Гревцев Ю.И. *Правовые отношения и осуществление права*. – Л., 1987. 29-42-б.лар.

²Лазарев В.В., Липень С.В. *Теория государства и права*. – М., 1998. 290-291-б.лар.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанига кўра **ҳуқуқий муносабатлар** қуйидаги хусусият ва махсус белгилар билан тавсифланади:

- 1) **ҳуқуқий муносабатлар** – *ижтимоий хусусиятга эга бўлган муносабатлардир*. Чунки, улар жамиятда инсонлар ўртасида вужудга келади, инсонларнинг фаолияти, хулқ-атвори билан боғлиқ бўлади. Ҳуқуқий муносабат ҳар қандай ижтимоий муносабат сингари инсонлар онгли фаолиятининг натижасидир;
- 2) **ҳуқуқий муносабатлар** – *ҳуқуқ нормаларининг инсонлар хулқ-атворида таъсири натижасида вужудга келадиган муносабатлардир*. Ҳуқуқий норма ва ҳуқуқий муносабат ўзаро боғлиқ бўлиб, биридан иккинчиси вужудга келади. Ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинган муносабатларгина, ҳуқуқий муносабат ҳисобланади.

Ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши, А.П.Дубиннинг фикрича², ихтиёрий ҳодиса бўлмай, балки қонуний жараён дир. Ҳуқуқий нормалар тартибга солинувчи ижтимоий муносабатлардан, ҳуқуқий воқеалардан бевосита келиб чиқиши керак. Чунки ҳуқуқий нормаларга муносабатларни вужудга келтиришдан аввал, ушбу муносабатлар ички ривожланишнинг оқибати, уларнинг зарурлиги, моҳиятининг таъсири бўлиши керак;

- 3) **ҳуқуқий муносабат кишиларнинг ўзаро субъектив ҳуқуқлари ва юридик мажбуриятлари воситасидаги алоқаларидир**. Бу алоқалар ҳуқуқ нормалари билан мустақамланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш орқали вужудга келади;
- 4) **ҳуқуқий муносабат иродавий муносабатдир**. Ҳуқуқий нормаларда давлатнинг муайян иродаси ифода этилади. Шу билан бирга ҳуқуқий муносабат вужудга келиши учун унинг иштирокчиларининг ҳам иродаси талаб қилинади. Баъзи бир ҳуқуқий муносабатлар унинг барча иштирокчиларининг иродаси билан вужудга келиши мумкин;
- 5) **ҳуқуқий муносабат давлат томонидан қўриқланадиган муносабатдир**. Ҳуқуқий нормаларда давлат иродаси ва манфаатлари ифода этилганлиги сабабли, улар асосида вужудга келадиган муносабатлар давлат томонидан муҳофиза қилинади. Агар ҳуқуқий нормаларда белгиланган талаблар ихтиёрий равишда бажарилмаса, давлатнинг мажбурлов чоралари ҳаракатга келади.

Демак, ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий нормалар асосида вужудга келадиган ва давлат томонидан қўриқланадиган ҳамда инсонларнинг фаолияти ва хулқ-атвори билан боғлиқ бўлган иродавий муносабатлардир.

Давлат хизмати жараёнида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларга ҳам бошқа барча ҳуқуқий муносабатлар сингари умумий хусусиятлар хос дир.

Давлат хизмати жараёнида турли-туман муносабатлар вужудга келиб, турли ҳуқуқ тармоқлари билан тартибга солинади. Жумладан давлат хизмати соҳасидаги аксарият ҳуқуқий муносабатлар конституциявий, маъмурий, меҳнат, молия ва бошқа ҳуқуқ тармоқларининг нормалари асосида вужудга келади. Мазкур муносабатлар ўртасида маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар алоҳида аҳамият касб этади.

¹Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Олий ўқув юртлирининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун / Бобоев Х.Б., Исломов З.М., Чориёров У.: / Масъул муҳаррир: Х.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев / - Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 2000 й. 290-296-б.лар.

²Дубин А.П. Диалектика правоотношения. – Саратов. 1984. 13-б.

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, давлат хизмати ўзининг хусусиятлари ва тузилишига кўра мураккаб институтлардан бири бўлиб, бу жараёнда юзага келадиган ижтимоий муносабатлар турли ҳуқуқ соҳаларининг нормалари билан тартибга солинганлиги ва ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги сабабли давлат хизмати предмети бир неча гуруҳга бўлиш мумкин. Жумладан:

- 1) давлат хизматида кадрлар сиёсати соҳасида юзага келадиган муносабатлар (масалан, бошқарув ходимлари ёки давлат хизматчиларини танлаш, жой-жойига қўйиш, улар билан ишлаш ва ҳ.к.лар);
- 2) давлат-хизмат муносабатларини ташкил этиш бўйича юзага келадиган муносабатлар;
- 3) давлат хизматининг амалда фаолият кўрсатиши, давлат хизмати принципларини ёки давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақомини амалга ошириш ёхуд давлат хизматини ўташ билан боғлиқ бўлган муносабатлар;
- 4) давлат хизматини бошқариш билан боғлиқ муносабатлар;
- 5) давлат хизмати соҳасида ислохотларни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар;
- 6) давлат-хизмат муносабатларининг тугатилиши билан боғлиқ бўлган муносабатлар.

Давлат-хизмат муносабатлари ўзининг тузилишига кўра муносабат *субъекти*, *объекти* ва *мазмунига* эга.

Давлат-хизмат муносабатларининг *субъекти* бўлиб, унда иштирок этувчи томонлар, яъни бошқарув жараёнида маълум бир ваколатга эга бўлган (давлат органлари, мансабдор шахслар) ёки ўзига хос ҳуқуқий мақомга эга бўлган шахслар (фуқаролар, жамоат бирлашмалари) ҳисобланади.

Давлат-хизмат муносабатларининг *объекти* бўлиб эса, ҳуқуқ субъектларининг ҳаракатлари (қарорлари), уларнинг ижобий ёки салбий хулқ-атвори ҳисобланади. “*Объект*” сўзи лотинча сўздан олинган бўлиб, “*маъзу*” деган маънони англатади. Ҳар қандай ҳуқуқий муносабат маълум бир жараёнларни тартибга солишга қаратилган муайян бир вазифани бажаради. Шу сабабли объектсиз ҳуқуқий муносабат бўлиши мумкин эмас.

Кўпгина ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, давлат-хизмат муносабатларининг объектини – ягона, яъни давлат хизматини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнидаги ҳуқуқ субъектларининг хатти-ҳаракатлари ташкил этади.

Давлат-хизмат муносабатларининг *мазмунини* – ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги, тақиқлар, чекловлар ташкил этади.

Ҳуқуқшунос олим Д.Н.Бахрах, ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунига юқоридагилардан ташқари, уларни амалга ошириш, ижро этиш, уларга риоя этиш ва ҳимоя қилишнинг *процессуал-ҳуқуқий тартибини* ҳам киритади.¹

Давлат-хизмат муносабатлари мазмунининг асосий элементи бўлиб оммавий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ташкил этади. Субъектлар мазкур ҳуқуқлар ва мажбуриятларни амалга ошириш орқали оммавий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларига айланади.

Давлат-хизмат муносабатлари ҳуқуқий муносабатларнинг бир тури бўлиб, ўзининг мазмуни, хусусиятлари ва иштирокчилар доираси билан бошқа ҳуқуқий муносабатлардан ажралиб туради.

Давлат-хизмат муносабатлари қуйидаги ўзига хос *хусусиятларга* эга:

¹Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Стариков Ю.Н. *Административное право*. – М.: Норма, 2004. 108-б.

-
- а) бу муносабатлар давлат хизматини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида вужудга келади;
 - б) бу муносабатларнинг мажбурий субъекти сифатида давлат номидан оммавий-ҳуқуқий манфаатларни кўзлаб ҳаракат қилувчи давлат органлари намоён бўлади;
 - в) бу муносабатлар бир субъектнинг иккинчисига буйсунишига ва томонларнинг юридик тенг эмаслиги билан тавсифланади;
 - г) бу муносабатлар оммавий ёки индивидул манфаатларни қондириш мақсадида бошқарув вазифалари ва функцияларини амалга ошириш бўйича вужудга келади;
 - д) бу муносабатлар ташкиллаштириш хусусиятига эга, яъни улар давлат хизмати жараёнида объектга ташкилотчилик таъсири доирасида вужудга келади;
 - е) бу муносабатлар қонунийликни таъминлашнинг алоҳида ҳуқуқий тартиби ва ўзининг ҳуқуқий ҳимояси билан ажралиб туради.
-

Юқоридагиларга асосланадиган бўлсак, давлат-хизмат муносабатлари давлат хизмати жараёнида вужудга келади, муносабатнинг мажбурий иштирокчиси сифатида давлат (давлат органи, давлат хизматчиси) намоён бўлади, муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари муносабат турини белгилаб беради.

Ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий нормаларда назарда тутилган шароитлар мавжуд бўлганида вужудга келади. Ҳуқуқий нормалар бевосита муносабатларни вужудга келтирмайди, балки ҳуқуқий муносабатлар вужудга келишининг шартларини, ҳолатларини ва мезонларини белгилаб беради. Юридик фанда бу – **юридик фактлар** бўлиб, норма талабидан келиб чиққан ҳолда томонлар ўртасида маълум бир ҳуқуқий муносабатни вужудга келтирувчи ҳолатлардир.

Юридик фактлар ҳуқуқий муносабатларнинг зарурий шарти, аниқ талаби сифатида майдонга чиқади.

Жамиятда турли-туман ҳолатлар ва шарт-шароитлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам юридик факт бўлиб ҳисобланмайди. Муайян ҳодиса ва ҳолатларни юридик факт деб эътироф этиш, давлатнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ. Юридик фактлар нафақат ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш, балки ўзгартириши ёки бекор қилиши ҳам мумкин.

Юридик фактлар ҳуқуқий норма билан ҳуқуқий муносабат ўртасидаги боғловчи восита ҳисобланади. Демак, юридик фактлар турлича бўлиши мумкин, яъни келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларга кўра улар:

-
- а) ҳуқуқни яратувчи;
 - б) ҳуқуқни ўзгартирувчи;
 - в) ҳуқуқни бекор қилувчи фактларга бўлинади.
-

Давлат-хизмат муносабатлари ҳаракатлар ва ҳодисалар сингари юридик фактлардан вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши мумкин.

Ҳаракатлар – бу ҳуқуқ субъектлари томонидан ўз хоҳиш-иродаларини ифодалашнинг натижасидир.

Ақсарият ҳуқуқий муносабатлар ҳаракатлардан вужудга келиб, субъектнинг фаол хулқ-атвори билан боғлиқ бўлади. Ҳаракатлар иккига бўлинади:

а) қонуний ҳаракатлар – ҳамма вақт ҳуқуқий нормалар талабига мос келади. Бунда юридик факт сифатида муносабат иштирокчиларининг қонунга мувофиқ ҳаракати намоён бўлади.

Қонуний ҳаракатлар ўз навбатида икки кўринишга эга:

▶ **давлат органларининг ҳуқуқий актларни қабул қилишга қаратилган ҳаракатлари;**

Ҳуқуқий актлар норматив ёки яқка (индивидуал, маъмурий) актларга бўлинади. Ҳуқуқий актларда қонунга мувофиқ ҳаракатлар муайян ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтиришни назарда тутиб содир этилади. Бундай ҳаракатларда ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлишига қаратилган ирода ифодаланади;

▶ **юридик хатти-ҳаракатлар** (масалан, давлат органи томонидан юридик шахснинг давлат рўйхатига олиниши, мансабдор шахс томонидан фуқаро мурожаатининг кўриб чиқилиши ва ҳ.к.лар);

б) қонунга хилоф ҳаракатлар ҳуқуқий нормалар талабларига мос келмайдиган, уларни бузадиган ҳаракатлардир. Бу – давлат хизмати соҳасига хос бўлган интизомий ва маъмурий ноҳўя хатти-ҳаракатлардир (масалан, давлат хизматчиси томонидан мансаб лавозимининг суиистеъмом қилиши). Шахснинг ҳаракатсизлиги ҳам айнан мана шу гуруҳга киради (масалан, ички ишлар ходими томонидан жамоат тартибини сақлашга қаратилган чораларнинг кўрилмаслиги).

Ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлишига асос бўладиган иккинчи юридик факт – бу ҳодисалардир. Ҳодисалар одамларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда содир бўладиган фактлардир (инсоннинг туғилиши, маълум бир ёшга етиши, ўлими, табиий офат ва ҳ.к.лар).

2.2. Давлат-хизмат муносабатларининг таснифи

Давлат хизмати жараёнида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар турли-туман бўлиб, уларни бир неча асосларга кўра таснифлаш (гуруҳлаш, турларга бўлиш) мумкин.

Ҳуқуқ назариясига асосланиб, ҳуқуқий муносабатларнинг вазифаси ва функционал белгиланишига қараб, уларни иккига бўлиш мумкин:

а) тартибга солувчи муносабатлар, яъни ҳуқуқ субъектларининг мўтадил хулқ-атвори, ҳуқуққа мувофиқ хатти-ҳаракатларининг натижасида вужудга келадиган муносабатлар;

б) муҳофаза қилувчи муносабатлар, яъни ҳуқуқбузарликни содир этиш ва бу учун давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаш зарурияти асосида вужудга келадиган муносабатлар.

Кўпгина юридик адабиётларда ҳуқуқий муносабатларнинг **моддий** ва **процессуал** турларга бўлиниши ҳам кўрсатиб ўтилган.

Моддий-ҳуқуқий муносабатлар – бу моддий-ҳуқуқий нормалар асосида вужудга келадиган ҳамда ҳуқуқ субъектлари томонидан ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган муносабатлардир. Моддий-ҳуқуқий нормалар орқали давлат хизмати жараёнида:

- 1) давлат хизмати принциплари;
 - 2) давлат хизматининг умумий тушунчалари;
 - 3) давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми (ҳуқуқлари, мажбуриятлари, ваколатлари, кафолатлар, имтиёзлар, тақиқлар, чекловлар, жавобгарлик);
 - 4) хизмат шароитлари, аттестация, хизмат интизоми;
 - 5) давлат-хизмат муносабатларининг бекор бўлиш асослари ўрнатилади.
-

Процессуал ҳуқуқий муносабатлар – давлат-ҳокимият хусусиятига эга бўлиб, ҳуқуқий муносабат субъектларининг субъектив процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш ва тартибга солишда намоён бўлади. Процессуал ҳуқуқий нормалар моддий ҳуқуқий нормаларда белгиланган қоидаларни амалда ижро этиш бўйича юзага келадиган муносабатларни тартибга солади. Процессуал ҳуқуқий нормалар:

- 1) давлат хизматига кириш тартибини;
 - 2) давлат хизматчисининг хизмат бўйича ҳаракатланиши ва хизмат ўташ тартибини;
 - 3) аттестация ўтказиш тартибини;
 - 4) ишдан бўшатиш тартибини ҳамда давлат хизматини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнидаги бошқа тартиб-таомилларни белгилаб беради.
-

Бундан ташқари ҳуқуқшунос олимлар ўртасида ҳуқуқий муносабатларнинг турлари бўйича бошқача қарашлар ҳам мавжуд. Жумладан, давлат бошқаруви (давлат хизмати) жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар шартли равишда қуйидагиларга бўлиниши мумкин:

а) асосий ва ёрдамчи (асосий бўлмаган) ҳуқуқий муносабатлар – бевосита бошқарув таъсирини (“субъект – объект”) ифода этувчи муносабатлар бўлиб, унда давлат бошқаруви фаолияти яққол намоён бўлади. Мазкур муносабатлар “буйруқ ижро” формуласига асосланган бўлиб, биринчи навбатда юқори турувчи ва қуйи турувчи давлат органлари ўртасидаги, раҳбар (мансабдор шахс) билан унга хизмат бўйича бўйсунувчи ходим ўртасидаги, давлат органлари (мансабдор шахс) билан маълум бир ҳуқуқий мажбуриятга эга бўлган шахс ўртасидаги муносабатлардир.

Ушбу муносабатлар у ёки бу объектга бевосита бошқарув таъсири доирасидан ташқарида бўлган, лекин бошқарувни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муносабатлардир. Асосий ҳуқуқий муносабатлар бошқарув мазмунини ифода этса, ёрдамчи ҳуқуқий муносабатлар бошқарув мазмуни билан боғлиқ бўлиб, тўғридантўғри уни ифода этмайди.

Ёрдамчи ҳуқуқий муносабатлар давлат бошқаруви жараёнида вужудга келса ҳам, уларнинг асосий вазифаси бошқарув субъектининг бошқарув объектига бевосита таъсири ҳисобланмайди. Бу муносабатлар асосий ҳуқуқий муносабатларга, яъни бевосита бошқарув таъсирини амалга оширишга кўмаклашади. Масалан, давлат бошқарувини амалга ошириш мақсадида биронбир норматив ҳужжатни тайёрлаш бўйича икки бошқарув субъекти ўртасида вужудга келадиган ва бўйсунувга асосланмаган муносабатлар – ёрдамчи ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади. Бундай муносабатлар турли-туман бўлиб, давлат бошқарувини амалга ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб беради;

б) субординациявий (бевосита бўйсунувга асосланган) ва **координациявий** (мувофиқлаштирувчи) ҳуқуқий муносабатлар.

Бошқарув субъекти юридик иродасининг авторитарлигига асосланган муносабатлар – субординациявий, авторитарлик мавжуд бўлмаган муносабатлар – координациявий ҳисобланади. Лекин шу нарсани ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, давлат бошқарувининг юқори турувчи ва қуйи турувчи субъектлари ўртасидаги муносабатларда мувофиқлаштириш юридик-ҳокимият хусусиятига эга бўлиши, яъни мувофиқлаштириш субординациявий ҳам бўлиши мумкин. Масалан, вазирлик томонидан унга бўйсунувчи бошқарма фаолиятини мувофиқлаштириши. Мазкур муносабат биринчи навбатда мувофиқлаштириш мақсадида вужудга келган, лекин улар ўртасидаги ташкилий жиҳатдан бевосита бўйсунув мувофиқлаштиришни субординацияга айлантиради.

Айрим ҳолларда мувофиқлаштириш юридик-ҳокимият хусусиятига эга бўлмаслиги, бўйсунув билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Шу сабабли ҳам маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг субординациявий ва координациявий турларга бўлиниши шартли ҳисобланади;

в) вертикал ва горизонтал ҳуқуқий муносабатлар.

Вертикал ҳуқуқий муносабатлар – ҳуқуқий тартибга солишнинг моҳиятини ифода этиб, давлат бошқаруви фаолиятига хос бўлган бошқарув субъекти ва объекти ўртасидаги субординациявий алоқаларни англатади. Вертикал ҳуқуқий муносабатлар айнан ҳокимият муносабатларидир. Мазкур муносабатлар бўйсунув мавжуд бўлган томонлар ўртасида вужудга келади ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан фарқ қилган ҳолда, уларда томонларнинг тенглиги мавжуд эмас. Вертикаллик деганда – бир томонда юридик-ҳокимият ваколатлари мавжудлигини (масалан давлат органи), иккинчи томонда эса бундай ваколатларнинг мавжуд эмаслигини (масалан, фуқаро) ёки ваколат доираси торроқ эканлигини (масалан, қўйи турувчи орган) тушуниш лозим. Айнан вертикал ҳуқуқий муносабатларда бошқарув субъектининг у ёки бу объектга бевосита бошқарув таъсири амалга оширилади.

Давлат хизмати соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг вертикаллигини англатувчи қуйидаги хусусиятларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- ▶ вертикал муносабатларнинг асосий (бош) кўрсаткичи ҳисобланган “*томонлар тенгсизлиги*”нинг мавжуд бўлиши; томонларнинг бири юридик ҳокимият ваколатларига эга бўлади;
- ▶ томонларнинг тенгсизлиги бир томонинг (объект)нинг иккинчи томон (субъект)га бўйсунушини англатади, яъни “ҳокимият – бўйсунув”га асосланади;
- ▶ ҳуқуқий муносабатларда бўйсунув ҳамма вақт ҳам аниқ намоён бўлмайди. Масалан, фуқаро ёки нодавлат ташкилоти бошқарув субъектига (давлат органига) ташкилий жиҳатдан бўйсунмаган бўлади ёхуд давлат органларининг ҳаммаси ҳам тўғридан тўғри бўйсунувга эга эмас. Лекин мазкур ҳолларда ҳам томонларнинг тенгсизлиги яққол намоён бўлади;
- ▶ давлат хизмати соҳасида бўйсунув тўғрисида гапирилганда, биринчи навбатда *ташкилий жиҳатдан бўйсунув*ни назарда тутиш лозим;
- ▶ вертикал хусусиятдаги аксарият ҳуқуқий муносабатлар бўйсунув мавжуд бўлмаган томонлар ўртасида ҳам вужудга келиши мумкин. Лекин бу ҳолда ҳам, бир томон ўз ваколати доирасида ўзига бўйсунмаган иккинчи томон учун мажбурий бўлган кўрсатма бериши мумкин;
- ▶ давлат бошқаруви соҳасида контрол (назорат) фаолияти кенг доирада амалга оширилиб, унинг субъектлари сифатида давлат органлари (мансабдор шахслар)нинг ўзи намоён бўлади. Масалан, махсус ташкил этиладиган давлат органлари томонидан амалга ошириладиган назорат юридик-ҳокимият хусусиятига эга бўлиб, ташкилий жиҳатдан бўйсунмаган бошқарув объектига нисбатан амалга оширилади;
- ▶ ҳуқуқий нормаларда кўрсатиб ўтилган талаблар доирасида бошқарув субъектлари уларга бўйсунмаган шахсларга (фуқароларга, нодавлат тузилмаларига) ўзларининг юридик-ҳокимият иродасини ифода этиши мумкин ва ҳ.к.

Демак, вертикал ҳуқуқий муносабатлар турли кўринишларга эга бўлиб, тўғридан тўғри бошқарув таъсирини амалга ошириш ҳамда бир томон юридик-ҳокимият иродасининг устунлиги билан ифодаланади.

Горизонтал ҳуқуқий муносабатларда бир томоннинг иккинчи томонга нисбатан юридик-ҳокимият иродасининг устунлиги мавжуд эмас. Маълум бир маънода, горизонтал ҳуқуқий муносабатларда томонлар тенг ҳисобланади. Горизонтал ҳуқуқий муносабатлар вертикал ҳуқуқий муносабатлар сингари кўп тарқалган эмас. Лекин давлат хизмати соҳасида бундай муносабатлар вужудга келиши мумкин.

Ҳуқуқий муносабатларда томонларнинг тенглигини тан олиш – маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг

мазмунига, шунингдек, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятларига тўғри келмайди. Шу сабабли бундай муносабатларнинг давлат хизмати соҳасида вужудга келиши шубҳа остига олинган. Лекин горизонталлик хусусиятини тўғри англаганда, бундай шубҳаларга ўрин қолмайди. Бу учун қуйидаги хусусиятларга эътибор қаратиш лозим:

-
- ▶ **биринчидан**, томонлар ўртасида бўйсунувнинг мавжуд эмаслиги, томонларнинг бир хилдаги ҳуқуқий даражага эга эканлиги, юридик тенгликнинг формал эмас, балки ҳақиқатда мавжуд бўлиши;
 - ▶ **иккинчидан**, ҳуқуқий муносабатларда бу иккала хусусият (*бўйсунувнинг мавжуд эмаслиги ва юридик тенглик*)нинг бир вақтда мавжуд бўлиши;
 - ▶ **учинчидан**, бир томоннинг иккинчи томонга қаратилган юридик-ҳокимият иродасининг бўлмаслиги.
-

Давлат хизмати соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар ўртасида горизонтал муносабатларни ажратиб олиш мушкулдир. Чунки улар вертикал муносабатлар сингари яққол намоён бўлмайди. Лекин бошқарув амалиётига асосланиб, горизонтал ҳуқуқий муносабатларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

-
- ▶ **бевосита бошқарув таъсирига кўмаклашувчи муносабатлар**. Бу муносабатлар вертикал муносабатларга хизмат қилади, яъни бир томонлама юридик-ҳокимият қарорини қабул қилиш учун шарт-шароитлар яратиб беришга қаратилади. Горизонтал муносабатлар бир даражада бўлган бошқарув субъектлари ўртасида вужудга келади. Масалан, биргаликда норматив ҳужжатни қабул қилиш учун тайёргарлик кўриш; ҳамкорликда бошқарув ҳаракатларини амалга ошириш; биргаликда қўшма тадбирларни (мажлисларни) олиб бориш; идоралараро, маслаҳат ёки мувофиқлаштирувчи кенгашларни ташкил этиш бўйича муносабатлар;
 - ▶ **бевосита бошқарув таъсири амалга оширилгандан кейин вужудга келадиган муносабатлар**, яъни бир томонлама тартибда қабул қилинган қарорнинг самарали ижро этилишига шароитлар яратиб бериш бўйича вужудга келадиган муносабатлар;
 - ▶ **процессуал хусусиятдаги муносабатлар**. Бундай муносабатларда ҳам томонлар тенг ҳуқуқли даражага эга бўлади. Масалан, бу муносабатларнинг мазмунини турли хилдаги низоларни кўриб чиқиш ташкил этиши мумкин;
 - ▶ **маъмурий-келишув хусусиятига эга бўлган муносабатлар**. Масалан, у ёки бу лавозимдаги ишга қабул қилиш тўғрисида олдиндан келишув.
-

Юридик адабиётларда юқоридаги ҳуқуқий муносабат турларидан ташқари *ташқи* ва ички ташкилий муносабатларни ҳам кўриш мумкин:

-
- а) давлат органлари ички фаолиятининг доирасида вужудга келадиган муносабатлар (масалан, тузилмавий ва кадрлар масаласини ҳал этиш, бошқарув аппарати ходимларининг мажбуриятларини, уларнинг жавобгарлигини белгилаш);

б) бошқарувнинг ташқи соҳаси доирасида, яъни бошқарув объектларига нисбатан бевосита бошқарув функцияларини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.

Ю.Н.Старилов эса ҳуқуқий муносабатларга тўхталиб, уларнинг қуйидаги турларини кўрсатиб ўтади:

1) мақсадига кўра:

- а)** муҳофаза қилувчи муносабатлар;
- б)** тартибга солувчи муносабатларга бўлиниши мумкин;

2) иштирокчилар доирасига кўра:

- а)** давлат аппаратига тегишли бўлган иштирокчилар (давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари) ўртасидаги муносабатлар;
- б)** давлат органлари ва давлат корхона, муассаса, ташкилотлари ўртасидаги муносабатлар;
- в)** давлат органлари ва жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ўртасидаги муносабатлар;
- г)** давлат органлари ва тижорат ташкилотлари ўртасидаги муносабатлар;
- д)** давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларга бўлинади;

3) фаолият йўналишига кўра:

- а)** умумий ваколатли давлат органларининг муносабатлари;
- б)** соҳавий ваколатли давлат органларининг муносабатлари;
- в)** соҳалараро ваколатли давлат органларининг муносабатлари;
- г)** ички ташкилий муносабатларга бўлинади;

4) иштирокчилар ўзаро алоқаларининг юридик хусусиятига кўра:

- а)** вертикал муносабатлар;
- б)** горизонтал муносабатларга бўлинади;

5) ички ташкилий (функционал) ҳуқуқий муносабатлар;

6) субординациявий, координациявий ва реординациявий ҳуқуқий муносабатлар.

Ю.Н.Старилов бошқа ҳуқуқшунос олимларидан фарқли равишда, ҳуқуқий муносабатларнинг реординациявий турини ҳам кўрсатиб ўтган. Унинг фикрича, *реординациявий ҳуқуқий муносабатлар* – бу бошқарилувчининг бошқарув субъектига, яъни қуйидан юқорига қараб таъсир этиш (орқага қайтиш)дир. Масалан, фуқаронинг давлат органига мурожаати асосида вужудга келадиган муносабат – реординациявий ҳуқуқий муносабат ҳисобланади.¹

¹Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Старилов Ю.Н. *Административное право.* – М.: Норма, 2004. 105-116-б.лар.

2.3. Давлат-хизмат муносабатларининг субъектлари

Ҳар бир ҳуқуқ тармоғи ўзининг субъектларига эга бўлиб, улар тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари билан тавсифланади.

“Ҳуқуқ субъекти”дан “ҳуқуқий муносабат субъекти”ни фарқлаш лозим. Ҳуқуқий муносабат субъекти – бу аниқ бир ҳуқуқий муносабатнинг иштирокчисидир. Ҳуқуқ субъекти эса, бу ҳуқуқий муносабатларда иштирок эта оладиган ҳамда субъектив ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлган шахслардир.

Ҳуқуқ субъектлари ҳуқуқий муносабатларга киришганида, ҳуқуқий муносабат субъектига айланиши мумкин. Лекин ҳуқуқий муносабатда иштирок этаётган ҳуқуқ субъектлари ўзларининг олдинги ҳолатини йўқотмайди. Ҳуқуқ субъектлари бир вақтнинг ўзида бир неча ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари сифатида намоён бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан олганда, ҳуқуқ субъекти ҳуқуқий муносабат субъектига қараганда кенгроқ тушунчадир.

Юридик адабиётларда ҳуқуқ субъектлари бўйича турлича фикрлар билдирилган. Аксарият ҳуқуқшунос олимларининг фикрича, ҳуқуқ субъектлари иккига бўлинади: **индивидуал субъектлар** ва **жамоа субъектлар**.

Жумладан Ю.Н.Стариловнинг фикрича, ҳуқуқ субъектлари доирасини аниқлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки айнан улар ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари сифатида намоён бўлиб, давлат вазифалари ва функцияларини амалга оширадилар; давлат хизмати соҳасида тартибга солиш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш, фармойиш бериш, контрол (назорат) ваколатларини амалга оширадилар; юридик ва жисмоний шахслар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқадилар ва ҳ.к.¹

Ҳуқуқ субъектлари сифатида қонунчилик нормалари билан ўрнатилган асосларда, давлат хизматини амалга оширишда иштирок этувчи жисмоний ва юридик шахслар (ташкilotлар) намоён бўлади. Ҳуқуқ субъектлари – оммавий бошқарув фаолияти томонларининг бири бўлиб, қонунчилик билан маълум бир ҳуқуқларга, мажбуриятларга, ваколатларга, жавобгарликка, ҳуқуқий муносабатларга киришиш қобилиятига эга бўлган давлат-хизмат муносабатларининг иштирокчиларидир. Ҳуқуқ субъектлари томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва мажбуриятларни бажариши аниқ бир ҳуқуқий муносабат доирасида амалга оширилади.

Давлат хизматчиси, мансабдор шахслар ҳуқуқнинг индивидуал субъектлари ҳисобланади. Улар давлат ҳокимияти органларида давлат мансабларини эгаллайдилар, мазкур органлар билан қатъий ва доимий алоқаларда бўладилар; уларнинг мақоми норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади; давлат органлари ваколатларини амалга оширадилар ва маълум бир давлат-ҳокимият ваколатига эга бўладилар; давлат органлари номидан ҳаракат қиладилар ва қарорлар қабул қиладилар.

Давлат-хизмат муносабатларининг жамоа субъектлари – бу инсонлар гуруҳи бўлиб, ташки муносабатларда мустақил субъект сифатида иштирок этадилар; уларни ташкил этиш тартиби ва фаолияти норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Ҳуқуқий муносабатларда жамоа субъектлари ўз номларидан ҳаракат қиладилар; қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда уларнинг ҳуқуқлари ва маълум бир мажбуриятлари белгилаб қўйилади.

Ҳуқуқ субъектлари ўзининг табиати, ҳуқуқий мақоми ва бошқа белгиларига кўра бир-бирдан фарқланади.

¹Ўша китоб. 121-124-б.лар.

Ҳуқуқий муносабат субъектларининг мазмуни ҳуқуқ лаёқати тушунчаси, унинг хусусияти, мазмуни ва шахми орқали ёритиб берилади.

Ҳуқуқ лаёқати ва **муомала лаёқати** – субъектлар ҳуқуқий ҳолатининг асосини ташкил этади.

Субъектнинг ҳуқуқ лаёқати унинг юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз ичига олади. Одатда, у аниқ бир шахснинг субъектив ҳуқуқ ва субъектив мажбуриятга эга бўлиш қобилиятини англатади.

Ҳуқуқ лаёқати – ҳуқуқ субъекти умумий лаёқатининг бир тури бўлиб, қонунчилик билан ўрнатилган ва давлат томонидан қафолатланган ҳамда аниқ бир субъектнинг (фуқаро, давлат органи, давлат хизматчиси, мансабдор шахс, нодавлат тузилмалари ва ҳ.к.лар) турли ҳуқуқий муносабатларда иштираётган қобилиятини англатади.

Ҳуқуқ лаёқати – бу маълум бир ҳуқуқларга эга бўлиш ва мажбуриятларни бажариш, ҳаракатларни амалга ошириш ва қарорлар қабул қилиш, иш қўзғатиш ва ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш, ҳуқуқий нормаларни бузиш ва қонун билан ўрнатилган талабларга риоя этмаганлик учун жавобгарликка тортилиш қобилиятига эга бўлишдир.

Демак, ҳуқуқ лаёқати аниқ бир ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келишига, мазкур ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишига хизмат қилади. Ҳуқуқ субъектлари томонидан ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг амалга оширилиши – ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи юридик фактлар билан таъминланади.

Ҳуқуқий муносабатлар фақатгина унинг субъектлари ҳуқуқ лаёқатига эга бўлганида, яъни ҳуқуқий муносабатларга киришиш учун асос бўладиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлганида вужудга келиши мумкин. Қонунчилик ҳужжатлари билан маълум бир ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган ҳуқуқий муносабатнинг ҳар бир иштирокчиси – ҳуқуқнинг субъекти сифатида тан олинади.

Ҳар бир субъект ўзига хос ҳуқуқ лаёқатига эгадир. Масалан, давлат хизматчисининг ҳуқуқ лаёқати ўзининг мазмуни ва хусусиятларига кўра давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ҳуқуқ лаёқатидан фарқланади. Бундан ташқари, қонунчиликка киритиладиган ўзгаришлар ҳуқуқ лаёқатининг мазмунига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Индивидуал ва жамоа субъектлари томонидан ҳуқуқ лаёқатининг амалга оширилишини уларнинг хоҳиш-иродасини ифода этишисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Субъектнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширишда ифодаланган иродаси ҳуқуқ лаёқатини юридик мазмун билан бойитади.

Демак, **ҳуқуқ лаёқати** – бу субъект томонидан у учун ўрнатилган ҳуқуқлар, эркинликлардан фойдаланиш, шунингдек, мажбуриятларни бажариш, ваколатларни амалга ошириш қобилиятидир. Субъектнинг ҳуқуқ лаёқати унинг ҳуқуқий ҳолатини амалга ошириш учун хизмат қилади. Бошқача айтганда, ҳуқуқ лаёқати – тегишли шароитлар мавжуд бўлганида ҳуқуқ субъектини ҳуқуқлар ва эркинликлардан фойдаланувчи, мажбуриятлар юклаш ҳамда юридик жавобгарликка тортиш мумкин бўлган шахс сифатида намоён қилади.

Ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ лаёқати умумий хусусиятга ҳам эга бўлиши мумкин. Жумладан, Ю.Н.Стариловнинг кўрсатиб ўтишича, субъектларнинг ҳуқуқ лаёқатини умумий ва ўзига хос хусусиятлари ҳуқуқнинг предмети ва тартибга солиш услубига асосланади.¹

Ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ лаёқатидаги умумийлиги қуйидаги хусусиятларда намоён бўлади:

-
- ▶ биринчидан, ҳуқуқ лаёқатини амалга ошириш жараёнида намоён бўлувчи хизмат муносабатларининг мазмунида. Субъектлар давлат хизмати билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, давлатнинг турли функцияларини амалга оширадилар (бу барча субъектларга тегишлидир);
 - ▶ иккинчидан, субъектларнинг ташкилий алоқаларни ва оммавий бошқарув тизимидаги муносабатларни вужудга келтирувчи махсус ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши (барча субъектларга тегишли);
-

¹Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Старилов Ю.Н. Административное право. – М.: Норма, 2004. 126-127-б.лар.

- ▶ учинчидан, субъектларнинг айримлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг юридик-ҳокимият хусусиятига эга бўлиши (давлат органлари ёки мансабдор шахсларга тегишли);
- ▶ тўртинчидан, давлат-мажбурлов ваколатларини, ҳуқуқий мажбурлов чораларини амалга ошириш (махсус субъектларга тегишли);
- ▶ бешинчидан, иштирокчилари фуқаролар бўлган ҳуқуқий муносабатларнинг муҳофазасини таъминлаш (барча субъектларга тегишли);
- ▶ олтинчидан, вужудга келган низони ўрнатилган процессуал қоидалар доирасида маъмурий ва суд тартибида кўриб чиқишнинг ҳуқуқий кафолатлари (барча субъектларга тегишли).

Ҳуқуқий нормалар билан ўрнатилган ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган субъектлар, уларга берилан ҳуқуқ лаёқатини амалда рўёбга чиқаришлари орқали, ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиларига айланадилар. Шу сабабли, ҳуқуқ субъектлари ҳуқуқ лаёқати билан бир вақтда муомала лаёқатига, яъни уларга тегишли бўлган ҳуқуқларни амалга ошириш қобилиятига ҳам эга бўлиши керак. **Муомала лаёқати** – бу шахсларнинг ўз қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан ҳуқуқларга эга бўлиши ва амалга ошириши, ўзларига ва бошқа шахсларга мажбуриятларни вужудга келтириши, уларни бажариши ҳамда ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш қобилиятига эга бўлишидир.

Муомала лаёқати норматив ўрнатилган ва ҳуқуқ субъектига тегишли бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширишга имкон берадиган “фаол” ва “ижодий” асосларга эгадир, яъни ҳуқуқ субъекти томонидан унга тегишли ҳуқуқлар ва эркинликлардан, ваколатлардан фойдаланиш, қонунийликни таъминлаш, давлат функцияларини бажариш, бошқарувнинг маъмурий-ҳуқуқий шакл ва услубларини, ҳуқуқий мажбурлов чораларини қўллаш ҳисобланади. Муомала лаёқати – бу субъектлар томонидан уларга тегишли бўлган ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишнинг, шунингдек, ўрнатилган мажбуриятларни бажаришнинг муҳим шароитидир.

Муомала лаёқати – шахсларнинг маълум бир ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ўз хатти-ҳаракатларини англаши ва тўғри баҳолаши, уларга амал қилиши ҳамда уларни қўллашнинг қонуний эканлигини кафолатлаш қобилиятидир. Муомала лаёқати шахсларнинг маълум бир қобилияти сифатида қуйидаги белгилардан ташкил топган бўлиши мумкин:


-
- ▶ ўзларига тегишли бўлган ҳуқуқларни мустақил амалга ошириш;
 - ▶ ўрнатилган ваколатларни амалга ошириш ва ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилиш;
 - ▶ ҳуқуқий мажбурлов чораларини қўллаш;
 - ▶ фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш, кафолатлаш ва ҳимоя қилиш;
 - ▶ ҳуқуқбузарлик (ножўя хатти-ҳаракат) содир этганда жавобгарликка тортилиш.

Ҳуқуқ субъектларида муомала лаёқати турлича вужудга келади. Муомала лаёқати вужудга келишининг асосий шarti бўлиб, субъектлар ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва ваколатларининг хусусиятлари ҳисобланади.

Қонунчилик ҳуқуқ субъектларининг муомала лаёқатини турли асосларга кўра белгилайди:

-
- а)** ёшга қараб (масалан, фуқароларнинг ҳарбий хизматни ўташи 18 ёшдан бошланади);
 - б)** мансабни эгаллаганлик ҳолатига қараб (масалан, давлат-ҳокимият ваколатлари фақатгина ҳуқуқий нормалар билан ваколат берилган шахслар томонидан амалга оширилади);
 - в)** ҳуқуқларни амалга ошириш ва мажбуриятларни бажаришнинг ҳуқуқий тартибига қараб (масалан, фавқулодда ҳолатларда шахсларнинг ҳуқуқлари чеклаб қўйилган бўлиши мумкин);
 - г)** рўйхатга олиш ёки бошқа маъмурий жараёнларни олиб бориш натижасига қараб.
-

Демак, шахсларнинг ҳуқуқ субъекти сифатида намоён бўлиши ва ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиши кўп жиҳатдан ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатининг мавжудлигига боғлиқдир.



ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

Давлат хизматчиси ўзининг маъмурий-ҳуқуқий ваколатини бажарар экан, эгаллаб турган мансаби ва мақом деб аталувчи мавқеи билан давлат ва жамиятга хизмат қилади. Мақом давлат хизматчисининг имкониятларини бирлаштиради ва ўзида мужассамлаштиради. Бунда у давлат тизими хизматининг муҳим қисми сифатида намоён бўлади.

“**Мақом**” (лотинчада status – мавқе, мансаб) тушунчаси ижтимоий маънода қуйидагиларни англатади:

- 1) шахснинг, давлат органлари ёки ташкилотларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилайдиган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мажмуи;
- 2) инсоннинг давлат ва жамият томонидан ўрнатилган мажбурий ва мумкин қадар одоб-ахлоқ меъёрлари;
- 3) инсоннинг жамиятда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларига нуқтаи назари;
- 4) ижтимоий одоб-ахлоқ шакли ва
- 5) ижтимоий ўрни.

Давлат хизмати – инсонларнинг жамиятга фойдали энг муҳим ва зарур касбий фаолиятларидан бири. Жамиятга фойдали малакали касб сифатида давлат хизмати, эгаллик қилувчига мақомининг ижтимоий муҳим аҳамиятли параметрларини белгилайди. Фаолиятнинг хизмат характери меҳнат моҳиятини англатади. Фаолиятнинг бу тури давлат ҳокимияти органлари тизимида қатъий бириктирилган мақом кўрсатмалари билан татбиқ этилади.

Давлат хизмати мақоми – бу унинг давлат хизматчилари фаолиятининг моҳияти ва асосида шаклланадиган ҳамда жамият фикри бўйича юқори баҳо оладиган жамиятнинг ижтимоий-касбий тизимдаги муносабатдош ўрни¹.

¹Государственная служба: теория и организация. 1998. С.83-92.

Давлат хизматчиси мақоми – бу унинг давлат хизмати тизимида эгаллаб турган ўрни; хизматчининг у эгаллаб турган мансабига мувофиқ қонун билан ўрнатилган мажбурий ва мумкин бўлган ахлоқ меъёрлари.

3.1. *Давлат хизматчиси тушунчаси ва хусусиятлари*

Давлат хизматчиси – нафақат малакали бошқарувчи, балки ваколати доирасига давлат вазифаларини амалга ошириш ва давлат ҳокимияти органларининг ваколатларининг малакали ижросини таъминлаш кирадиган мансабдор шахс ҳамдир. Давлат хизматчиси – бу оддий ходим эмас, у давлат топшириғи ва манфаатлари бўйича унинг номидан ҳаракат қилувчи инсондир. У фуқаролар манфаатлари йўлида давлат органлари тизимида давлат ҳокимияти ваколатларини бажарадиган, халқ ифода этиб, ижтимоий масалаларни ҳал этадиган махсус ижтимоий фуқаролар бирлигининг вакили ҳисобланади. Давлат хизматчилари мақомининг фарқи, масалан, мақсади фойда олиш бўлган тадбиркорлардан асосий фарқи ана шунда.

Давлат хизматчиси мақоми – кўп қиррали ва кўп даражали ҳодиса. Шунинг учун унинг таснифланиши зарур. Давлат хизматчиси мақомининг тизими ўзига қуйидагиларни жамлайди: шахсий, фуқаролик, ижтимоий, ҳуқуқий, хизматга оид, лавозим мақомлари.

Давлат хизматчисининг шахсий мақоми ҳар бир хизматчининг жисмоний, ақлий ва ижтимоий-психологик шахсий характеристикаларига асосланади.

Ҳар бир давлат хизматчиси фуқаролик мақомига эга бўлиб, давлат фуқароси ҳисобланади.

Хизматга оид мақом давлат хизматчиларига кўшимча ҳуқуқлар, мажбуриятлар, чеклов ва тақиқлар юклайди.

Лавозим мақоми давлат хизматчисининг вақтинча эгаллаб турган мансаби билан белгиланади. У қанча юқори бўлса, мансабдорнинг лавозим мақоми шунча юқори бўлади.

Ҳуқуқий мақом – бу Конституция ва қонунлар билан ўрнатилган, инсоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, давлат органлари ва мансабдор шахслар ваколатининг тан олинishi. Давлат хизматчиларининг “ҳуқуқий мақоми” тушунчасига давлат хизмати тизимида уларнинг ўрнини белгилайдиган давлат хизматчиларининг ҳуқуқий даражасининг энг муҳим институционал характеристикалари киради.

Давлат хизматчилари ҳуқуқий мақомини ташкил этган элементларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ▶ давлат хизматчисининг ҳуқуқи;
- ▶ асосий мажбуриятлари;
- ▶ давлат хизмати билан боғлиқ чеклов;
- ▶ давлат хизматчиси учун кафолат;
- ▶ давлат хизматчисининг жавобгарлиги.

Давлат хизматчиси тушунчаси хусусида илмий адабиётларда турли фикрларни учратиш мумкин. Бундай фикрларнинг хилма-хиллиги асосан давлат хизматчиси томонидан турли ижтимоий функцияларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ. Бу табиий ҳолат бўлиб, давлат хизматчиси тушунчасини белгилашда аниқ бир мезондан келиб чиқишни истисно этади.

Давлат хизматчилари – ҳуқуқнинг индивидуал субъектларидан иборат бўлган ижтимоий гуруҳ бўлиб, маълум бир ҳақ эвазига давлат органларининг вазифа ва функцияларини амалга оширадидлар.

Ҳар бир ташкил этиладиган ташкилот унинг нормал фаолият кўрсатиши учун махсус тайёрланган хизматчилардан иборат бўлган маълум бир персоналга эга бўлиши лозим. Ташкилотларнинг турига қараб ҳуқуқ объектларининг куйидаги хизматчиларини: давлат (давлат органлари), маҳаллий органлар, жамоат бирлашмалари, нодавлат, тижорат, нотижорат, диний, хусусий, халқаро ташкилотларнинг хизматчиларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Инсонлар ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул, яъни: жамиятнинг нормал фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида турли функцияларни амалга оширадидлар; моддий бойликлар яратадидлар, яъни товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, тарбиявий ва таълим функцияларини амалга оширадидлар, давлат-ҳокимият ҳаракатлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларини бажарадидлар, турли хилдаги қарорларни қабул қиладидлар.

Хизматчилар тўғрисида батафсил тушунча ҳосил қилиш мақсадида, уларнинг фаолиятини жамиятнинг турли ташкилотларида (корхона, муассасаларида) банд бўлган бошқа шахслар фаолияти билан таққослаш керак:

- ▶ хизматчилар турли ташкилотларда (давлат, маҳаллий, нодавлат, нотижорат, жамоат, диний) маълум бир лавозимларни эгаллайдилар;
- ▶ уларнинг фаолияти ақлий хусусиятга эга, яъни улар бевосита моддий бойликларни яратмайдилар. Лекин хизматчилар моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам фаолият юритиши мумкин, масалан, ташкилий, ишлаб чиқариш жараёнини технологик таъминлаш, лойиҳаларни тайёрлаш, маркетинг, тадқиқот фаолияти ва бошқалар;
- ▶ хизматчилар ҳокимият фаолиятини (ташқиллаштириш, фармойиш бериш, раҳбарлик, назорат) амалга оширадидлар ҳамда тегишли ташкилий-фармойиш бериш ва маъмурий-хўжалик ваколатларига эга бўлади; улар давлат ва жамоат мажбурлов чораларини қўллашлари мумкин. Ҳар қандай ташкилотдаги хизматчилар асосан бошқарув функцияларини амалга оширадидлар;
- ▶ хизматчилар ўзларининг ваколатларини, функцияларини, қоида бўйича, маълум бир ҳақ эвазига амалга оширадидлар.

Хизматчилар ўртасида давлат ва маҳаллий органларда фаолият кўрсатувчи хизматчиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Давлат ва маҳаллий органларининг хизматчилари давлат ва маҳаллий органларнинг манфаатларини кўзлаб, уларнинг номидан ҳаракат қиладидлар ҳамда давлат ва маҳаллий маъмуриятнинг вакиллари бўлиб ҳисобланадидлар.

Давлат ва маҳаллий органларнинг хизматчилари давлат ва маҳаллий органлар олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширадидлар.

Давлат хизматчиси давлат лавозимини эгаллаган, пул мукофоти эвазига мазкур давлат органининг функцияларини амалга оширадиган шахсдир.

Давлат хизматчиларининг аксарияти ижро-фармойиш бериш (ташқиллаштириш) ваколатларини ва ижтимоий-маданий фаолиятни амалга ошириш билан шуғулланадидлар. Фақатгина айрим давлат хизматчилари махсус давлат мансабларини эгаллайдилар, масалан, одил судловни ва прокурор назоратини (яъни, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини) амалга оширадидлар.

Кўпгина юридик адабиётларда давлат хизматчисига куйидагича таъриф берилади: *давлат хизматчиси* – бу давлат маъмурияти аппаратида бевосита ёки билвосита маълум бир ҳақ эвазига домий ёки вақтинча хизмат мажбуриятларини амалга оширувчи шахсдир.¹ Бунда “*хизматчи томонидан хизмат мажбуриятларининг бажарилиши*” асосий тушунча сифатида намоён бўлади.

Давлат хизматчиси тушунчасини уч маънода кўриб чиқиш мумкин:

- ▶ **биринчидан**, *давлат-ҳуқуқий нуқтаи назаридан* давлат хизматчиси – бу турли хусусиятдаги ва аҳамиятдаги ваколатларга эга бўлган давлатнинг (давлат органларининг) “хизматкори” ҳисобланади. Хизматчилар давлатни давлат маъмуриятининг ичидаги турли ижтимоий муносабатларда ёки ташқи алоқаларда давлат номидан ҳаракат қилади. Давлат хизматчиси – давлат ва жамият тараққиётининг маҳсули бўлиб, давлат функцияларини амалга оширади;
- ▶ **иккинчидан**, *маъмурий-ҳуқуқий нуқтаи назаридан* давлат хизматчиси – махсус ҳокимият, ташкиллаштирувчи-фармойиш берувчи ваколатларга эга. Давлат хизматчиси юрисдикциявий (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи) ваколатларни амалга ошириш ва маъмурий-ҳуқуқий санкцияларни қўллаш ҳуқуқига эга бўлган ҳокимият вакилидир;
- ▶ **учинчидан**, *жиноят-ҳуқуқий нуқтаи назаридан* давлат хизматчиси – жинойий жавобгарликнинг махсус субъекти ҳисобланади (давлат хизматчиси – мансабдор шахс – мансаб жинойятлари учун жавобгарликка тортилади).

Ҳар бир давлат хизматчиси эгаллаб турган мансабидан келиб чиқувчи маълум бир вазифаларни бажариши керак. Давлат мансаби – бу давлат хизматчисининг иш (хизмат) жойи ҳисобланади. Ҳар бир давлат мансаби давлат хизматининг асосий элементларидан бири бўлган штат бирлигига киритилади. Штат жадвали давлат органи (ташкilotи)да ташкил этилган мансаблардан иборатдир. Давлат ташкilotларида мансаблар давлат ҳокимияти субъектлари томонидан ташкил этилади.

Хизматчи маълум бир мансабни узоқ вақт давомида (масалан, бутун фаолияти давомида) эгаллаши мумкин. Давлат хизматчиси давлат органида фаолият юритиши жараёнида мансаб бўйича ҳаракатланиши мумкин, яъни давлат хизматида малака даражалар жорий этилган. Малака даражалар давлат хизматчисига бир мансабдан иккинчи мансабни эгаллашини (масалан, юқорига ёки пастга қараб ҳаракатланишини) белгилаб беради. Улар бутун профессионал ҳаёт жараёнида давлат хизматчисини давлат билан боғлаб туради ҳамда давлат ва жамиятдаги муносабатларнинг мувозанатини таъминлайди.

Фарбий Европа давлатларининг кўпчилигида, агар давлат мансаби бекор қилинадиган бўлса, мансабни эгаллаган шахс ишдан бўшатилиши мумкин эмас, чунки у олган малака даражаси бошқа давлат лавозимини эгаллаш ҳуқуқини беради. Малака даражаси давлат хизматчиси учун ҳимоя ҳисобланади. Айнан мана шу жиҳатлари билан малака даражаси давлат мансабидан ажралиб туради.²

Х.Р. Алимов давлат хизматчиси тушунчасига тўхталиб, унга давлат-ҳокимият ваколати доирасида маълум бир ҳақ эвазига давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширувчи шахс сифатида таъриф беради. Давлат хизмати фақатгина Ўзбекистон Республикаси фуқаролари кириши мумкин.³

¹Қаранг. Стариков Ю.Н. *Служебное право*. Москва, БЕК, 1996; Алехин А.П., Кармолицкий А.А., Козлов Ю.М. *Административное право*. – *Зерцало*, 1998; Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Стариков Ю.Н. *Административное право*. – М.: *Норма*, 2004; Козлов Ю.М. *Административное право*. – М.: *Юристъ*, 2003; Габричидзе Б.Н., Черняевский А.Г., Ким-Кимэн А.Н. *Административное право*. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.

²Э.Т.Хожиев. *Давлат хизмати. Ўқув қўлланма*. Т., ТДЮИ нашриёти, 2004. 48-49-б.лар.

³*Административное право Республики Узбекистан // Авт. коллектив: Х.Р.Алимов, Л.И.Соловьева и др. / - Т.: «Адолат», 1999.*

Д.М.Овсянконинг фикрича: *давлат хизматчиси* қонун билан ўрнатилган тартибда маълум бир пул мукофоти эвазига давлат хизматидаги давлат мансаби бўйича мажбуриятларни амалга оширувчи фуқаро ҳисобланади. Давлат хизматчилари орқали бутун жамият соҳаларига тааллуқли бўлган давлат органларининг ваколатлари амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматчиси тушунчасининг асосий белгилари сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- ▶ **биринчидан**, давлат хизматчиси – бу 18 ёшга тўлган, давлат тилини билган, маълум бир билимга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаросидир. Давлат хизматчиси давлат-хизмат муносабатларининг бир томонини ташкил этади. Давлат органи ҳамда хизматчи ўртасида меҳнат муносабатлари юзага келиб, унга кўра хизматчи давлат органининг ваколатларини, давлат функцияларини, давлат курилишининг маълум бир мақсадларига эришиш учун махсус вазифаларни бажаради, давлат (давлат органи) эса ўз навбатида хизматчи олдида: унинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ўрнатади ва таъминлайди, ижтимоий-ҳуқуқий кафолатлар, жавобгарлик, пул маблағи билан таъминлаш каби мажбуриятларга эга бўлади. Давлат хизматчиларининг барча ҳаракатлари давлат номидан ва унинг кўрсатмаси асосида амалга оширилади, давлат эса давлат хизматчиси фаолияти устидан назоратни амалга оширади ва тегишли ҳолатларда уларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллайди. Давлат хизматчиси фақатгина давлат органида давлат мансабини эгаллаши мумкин;
- ▶ **иккинчидан**, давлат хизматчиси фаолияти давлат хизматини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари талабларига мос келиши керак;
- ▶ **учинчидан**, давлат хизматчиси қонунчилик билан ўрнатилган тартибда пул билан таъминланадиган давлат мансабини эгаллайди. Қонунчилик давлат хизматчиси фаолиятининг мазмунини, унинг ҳуқуқий ҳолатини, фаолиятнинг мақсади, вазифаси ва асосий йўналишларини, ҳуқуқларни, мажбуриятларни, жавобгарликни, чекловларни, кафолатларни белгилаб беради. Давлат мансабларини фақатгина давлат хизматчилари эгаллашлари мумкин;
- ▶ **тўртинчидан**, давлат хизматчисига қонунчиликда белгиланган тартибда малака даражалари берилади;
- ▶ **бешинчидан**, давлат хизматчиси давлат функцияларини, давлат органларининг ваколатларини, яъни иқтисодий, ижтимоий, маъмурий-сиёсий соҳаларда (давлатнинг молиявий фаолияти, маданиятни ривожлантириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, божхона, банк иши, солиққа тортиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, ички ишлар, ташқи сиёсий фаолият ва ҳ.к.ларда) давлат вазифаларини амалга оширадилар;
- ▶ **олтинчидан**, давлат хизматчиси аксарият ҳолларда юридик оқибатларни келтириб чиқарувчи ҳаракатларни амалга оширадилар (масалан, бошқарув қарорларини қабул қиладилар, жазога тортадилар). Бундай ҳаракатлар юридик фактлар сифатида намоён бўлиши мумкин. Давлат хизматчиларининг бундай ҳаракатлари давлат ва жамият ҳаётида турли ижтимоий муносабатларни вужудга келтириши, ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин;
- ▶ **еттинчидан**, давлат хизматчиларининг фаолияти, қоида бўйича ишлаб чиқариш хусусиятига эга эмас. Давлат хизматчилари ишлаб чиқариш жараёнига уни йўналтириш, бошқариш, лойиҳаларни тайёрлаш ва бошқа функциялар орқали таъсир кўрсатади.

Давлат хизматчилари ўз фаолиятлари орқали инсонлар онгига, иқтисодий ҳаётга, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнига, меҳнат жамоаларининг ташкил этилиши ва фаолият юритишига таъсир кўрсатади.

Давлат хизматчиси тушунчаси бевосита давлат хизмати мазмунидан келиб чиқади. Олдинги параграфларда давлат хизмати мазмуни ҳамда унинг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб ўтган эдик.

Юқоридагиларга асосланиб, давлат хизматчисининг мазмунини қуйидагича таърифлаш мумкин: давлат хизматчиси давлат органида маълум бир мансабни эгаллаб турган, ҳокимият ваколати доирасида давлатнинг вазифа ва функцияларини бажарадиган фуқародир.

3.2. Давлат хизматчиларининг таснифи

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳуқуқий муносабатларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини таҳлили давлат хизматчиларини муайян даражада таснифлашга имкон беради. Бироқ шуни айтиб ўтиш жоизки, бундай таснифлаш тўлиқ ёки мукамал кўринишга эга бўлмайди. Давлат хизматчиларининг қуйида берилётган таснифи назарий нуқтаи назарга эга.

Юридик адабиётларда давлат хизматчиларининг турли асосларга кўра гуруҳларга бўлиниши, яъни таснифланишини кўриш мумкин. Жумладан, Д.М.Овсянконинг фикрича давлат хизматчиларини қуйидагиларга бўлиш мумкин:

-
- ▶ *давлат ҳокимияти органларининг фаолият доирасига қараб давлат хизматчилари:*
 - ▷ республика миқёсида ҳаракат қилувчи хизматчилар;
 - ▷ маҳаллий миқёсда ҳаракат қилувчи хизматчилар;

 - ▶ *давлат хизматининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда давлат хизматчиларини:*
 - ▷ фуқаролик давлат хизматчилари;
 - ▷ ҳарбий давлат хизматчилари (масалан, ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари хизматчилари);

 - ▶ *ҳокимиятнинг бўлиниш принциpidан келиб чиққан ҳолда давлат хизматчилари:*
 - ▷ қонунчилик ҳокимияти органларининг хизматчилари;
 - ▷ ижро ҳокимияти органларининг хизматчилари;
 - ▷ суд ҳокимияти органларининг хизматчилари;

 - ▶ *мансаб ваколатларининг ҳажмига кўра давлат хизматчилари:*
 - ▷ мансабдор шахслар; мансабдор шахслар таркибига кирмайдиган бошқа хизматчилар;

► **хизмат муддатининг давомийлигига кўра давлат хизматчиларини:**

- ▷ маълум бир муддатга тайинланадиган (сайланадиган) хизматчилар;
- ▷ белгиланмаган муддатда тайинланган хизматчилар;
- ▷ синов муддати билан тайинланган хизматчилар ва бошқаларга бўлинади¹.

Ю.Н.Старилов барча давлат хизматчиларининг куйидаги асосий хусусиятларига қараб гуруҳларга бўлинишини кўрсатади:

► **давлат-хизмат ҳуқуқий муносабатларининг давом этишига қараб давлат хизматчиларни:**

- ▷ умрбод давлат лавозимига тайинланадиган хизматчилар;
- ▷ маълум бир муддатга давлат лавозимига тайинланадиган хизматчилар, улар алоҳида ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўрнатилади;
- ▷ муддати белгиланмаган ҳолда давлат лавозимига тайинланадиган хизматчилар;
- ▷ синов муддати белгиланган ҳолда давлат лавозимига тайинланадиган хизматчилар;

► **ҳаракат доирасига қараб давлат хизматчиларини:** республика хизматчилари; маҳаллий хизматчилар;

► **билим даражасига ва профессионал тайёргарликка қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда давлат хизматчилари:** олий; бош; катта; кичик гуруҳларга кирувчи ва бошқа давлат хизматчиларга бўлинади.²

Х.Р. Алимов давлат хизматчиларининг куйидаги тўртта гуруҳини кўрсатиб ўтади:

► **раҳбарлар.**

Раҳбарлар мазкур давлат органининг, корхона, муассаса ва ташкилотнинг функцияларини амалга ошириб, унга бўйсундирилган давлат хизматчилари аппаратининг иш фаолиятини йўналтиради; ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, интизомий жавобгарликка тортиш, молияга ҳамда товар-моддий бойликларга эгалик қилиш, рағбатлантириш, мазкур орган номидан имзо чекиш ва бошқа юридик аҳамиятли ҳаракатларни содир этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Демак, раҳбарлар давлат-ҳокимият ваколатларини амалга ошириб, раҳбарлик қилаётган орган фаолияти учун шахсий жавобгар ҳисобланади.

Раҳбарлар ўзларига бўйсунган органлар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг оператив (яъни кундалик) ва хўжалик фаолиятига аралашуш, уларнинг ишини йўналтириш, назорат қилиш, мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эгадир. Раҳбарлар таркибига вазирларни, давлат кўмиталарининг

¹Қаранг: *Административное право. Москва, Юристъ, 2000, 211-216-б.*

²Старилов Ю.Н. *Службное право. Москва, БЕК. 1996. 345-355-б.лар*

раисларини, бошлиқларни, бошқарувчиларни, директорларни, ректорлар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Мазкур тоифадаги давлат хизматчилари юридик адабиётларда кўпинча мансабдор шахслар сифатида ифода этилади. Лекин давлат хизматчиларининг аксарияти давлат ташкилотида маълум бир давлат мансабини эгаллагани сабабли, уларни мансабдор шахслар жумласига киритиш мумкин. Шу сабабли ҳар қандай давлат хизматчисини (мансабдор шахсни) раҳбарлар таркибига киритиш мумкин эмас;

► **асосий таркиб** – давлат хизматчилари таснифининг иккинчи асосий ва муҳим аҳамиятли гуруҳи бўлиб, мазкур органга юклатилган функцияларнинг деярли барчасини бажаради. Асосий таркибга кирувчи давлат хизматчилари раҳбарлар томонидан амалга ошириладиган юридик аҳамиятли ҳаракатларни содир этмайдилар (масалан, ишга олиш, ишдан бўшатиш, фаолиятни йўналтириш ва ҳ.к. лар). Бу гуруҳ давлат хизматчиларига муҳандисларни, иқтисодчиларни, агрономларни, архитекторларни, врачларни, ўқитувчиларни, илмий ходимларни ва бошқаларни киритишимиз мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, айрим ҳолларда раҳбарлар томонидан юридик аҳамиятли ҳаракатларнинг амалга оширилиши мутахассисларга боғлиқ бўлади. Масалан, раҳбар ходимни меҳнатдан вақтинча бўшатиш тўғрисидаги буйруқни, врачнинг маълумотномасисиз чиқариши мумкин эмас. Давлат хизматчилари асосий таркибининг ҳаракатлари, охир-оқибат давлат органи, корхона, муассаса ва ташкилот фаолиятининг сифатини ҳам белгилаб беради. Асосий таркибнинг ишига қараб давлат органининг фаолиятига баҳо берилади. Шу сабабли ҳам, давлат органида хизматчиларнинг асосий таркибини шакллантиришда кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш масаласига катта эътибор берилади;

► **ёрдамчи хизматчилар**

Давлат хизматчиларининг мазкур гуруҳини давлат органининг нормал фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган ёрдамчи функцияларни амалга оширувчи хизматчилар ташкил этади.

Ёрдамчи хизматчилар давлат органининг нормал фаолият кўрсатиши учун шароит яратиб беради. Ёрдамчи хизматчилар таркибига иш юритувчилар, курьерлар, машинисткалар, лаборантлар, экспедиторлар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ёрдамчи хизматчиларнинг фаолият доирасига: хизмат ҳужжатларини, статистик маълумотларни тайёрлаш; ҳужжатларни юбориш ва бошқа ёрдамчи-техник ҳаракатларни амалга ошириш киради.

Ёрдамчи хизматчиларнинг фаолияти юридик аҳамиятга эга эмас. Масалан, қўлда ёзилган хизмат ҳужжатининг машинистка томонидан терилиши, тегишли раҳбар томонидан имзо қўйилмагунча ёки муҳрланмагунча юридик аҳамиятга эга бўлмайди;

► **маъмурий ҳокимият вакиллари** давлат хизматчиларининг алоҳида гуруҳи ҳисобланади. Маъмурий ҳокимият вакиллари давлат хизматчиларининг шундай гуруҳики, улар ўз ваколатлари доирасида бошқа шахсларга, хизмат бўйсунувидан қатъи назар, бажарилиши мажбур бўлган кўрсатмаларни бериши мумкин. Ҳокимият вакилларига судьяларни, прокурорларни, депутатларни, Қуроли кучлар, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати органларининг бошлиқлар таркибига кирувчиларни ва бошқаларни киритишимиз мумкин.

Ҳокимият вакиллари умумий хусусиятдаги ваколатларни амалга оширадилар, масалан, хизмат юзасидан уларга бўйсунмаган шахсларга мажбурий фармойишлар бериш, маъмурий таъсир этиш чораларини қўллаш ва ҳ.к.лар. Маъмурий ҳокимият вакиллари давлат-ҳокимият ваколатига эга бўлиб, муайян давлат органи номидан ва унинг кўрсатмасига биноан ҳаракат қиладилар.¹

Ҳар бир давлатда давлат хизматчиларининг тоифаси тегишли қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасида давлат-хизмат муносабатларини тартибга солувчи ягона қонун ҳужжати мавжуд

¹Административное право Республики Узбекистан // Авт. коллектив: Х.Р.Алимов, Л.И.Соловьева и др./ - Т.: "Адолат", 1999. 113-116-б.лар

эмас, бирон-бир қонун ҳужжатида давлат хизматчиларининг турлари аниқ ва тўлиқ кўрсатиб ўтилмаган. Шу сабабли, давлат хизматчиларининг қандай турларга бўлинишини ҳар хил соҳавий қонун ҳужжатлари мазмунидан келиб чиққан ҳолда белгилаш мумкин. (Ўқув қўлланманинг илова қисмида Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонун ҳужжатларида назарда тутилган давлат хизматчиларининг тоифалари кўрсатиб ўтилган¹.)

3.3. Давлат хизматчисининг одоб-ахлоқи ва фаолиятининг маънавий асослари

«Раҳбар қачон эл-юрт ишончини, эътиборини қозона олади?

Қачонки, юраги, кўли тоза, кўнгли очиқ, ақл ва заковат соҳиби бўлса, унинг табиатида қатъиятлик билан билим, талабчанлик билан адолат уйғун бўлса, у ўзи бошқарадиган одамларнинг ғам-ташвишларини ўз қалбидан ўтказишга қодир бўлса»¹.

И.А.Каримов

Давлат хизмати тушунчаси ҳуқуқий, ижтимоий ва ташкилий тузулмани ўзида қамраб олиб, шу билан бирга ахлоқий тушунчани ҳам ифодалайди. У маънавий бойлик ташувчи сифатида одамларни одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишга йўналтиради. Давлат хизматининг барқарорлиги ва ишончлилиги мансабдор шахснинг нафақат касбий тайёргарлигига балки унинг маънавий фазилатларига ҳам боғлиқ.

Давлат хизмати тизимида кадрлар сиёсатининг мақсадлари, маъно ва қоидалари катта маънавий одоб-ахлоқ кучини ва бу кўринишнинг характер ва йўналишини етарли даражада белгилашни ўз ичига олади. Шунинг учун, кадрлар сиёсати ва кадрлар иши таркибини ташкил этадиган одоб-ахлоқ давлат хизмати ходимларини шакллантириш биринчи даражали аҳамият касб этади. Кадрлар иши етарли даражада субъектив, унда ҳамма вақт шахсий қарашлар элементи мавжуд. Бу эса нафақат ҳуқуқий, шу билан бир қаторда одоб-ахлоқ омиллари учун ҳам ҳаракат майдонидир.

Одоб-ахлоқ – бу онгнинг ўзига хос шакли ва жамият (ахлоқий) муносабатлари, шунингдек кадрлар ва давлат хизмати соҳасидаги муносабатларнинг ўзига хос шаклидир.

Одоб-ахлоқнинг ўзига хос томонлари унинг вазифасининг умумийлиги; анъаналар, одатларга суяниш; жамоатчилик фикрига қулоқ тутиш; жамиятдаги муносабатларда унинг алоҳида аҳамиятини белгиловчи субъектив-шахсий характери ҳисобланади.

Инсон касбий фаолиятининг ҳар қандай кўриниши ходим ахлоқини ўзининг одоб-ахлоқ меъёрлари

¹Каримов И. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин//Халқ сўзи, 2004й 2июнь.

билан тартибга соладиган корпоратив касбий этикани шакллантиради. Касбий этика бошқарув тизими ва энг аввало давлат хизмати учун алоҳида аҳамиятга эга.

Давлат хизмати этикаси, касбий этиканинг бир кўриниши сифатида ўзида давлат хизматида инсоний ўзаро муносабатларнинг алоҳида хилига тааллуқли маънавий одоб-ахлоқ меъёрлари тизимини ифодалайди. Давлат хизмати этикаси мансабдор шахснинг одоб-ахлоқи моҳиятини ифодалайдиган нуқтаи-назарлар, қоидалар ва меъёрларни қамраб олади, шунингдек унинг давлат, давлат хизматчилари, фуқаролик жамияти билан муносабатларига доир маънавий талабларни ўзида жамлайди.

Давлат хизматининг одоб-ахлоқ қоидалари деганда давлат ва жамият хизматида бўлган ходимнинг давлат билан ўзаро муносабатлари, у хизмат қилаётган фуқаролик жамияти, давлат ва унинг фуқароларининг ҳуқуқи, эркинликлари ва қонуний қизиқишларини ҳимоя қилишда ўзаро муносабатларни таъминлашга доир бўлган талабларни ифодалайдиган одоб-ахлоқ меъёрлари моҳияти тушунилади. Бу – давлат хизматчиларининг биргаликдаги касбий фаолиятлари жараёнида жамоада ахлоқий-психологик муҳит яратиш ва давлат хизмати самарадорлигини ошириш мақсадида давлат хизматчиларининг ўзаро муносабатларини тартибга соладиган умумий қадриятлар ва қоидалар тизими.

Давлатнинг фуқаролар кўз ўнгидаги обрў-эътибори кўп жиҳатдан давлат хизматчиларининг касб маҳорати ва одоб-ахлоқига боғлиқ. Мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотлар, хусусан, маъмурий ислохотлар қизгин тус олиб бораётган экан, давлат хизматчилари зиммасидаги масъулият ҳам ортиб боради. Давлат хизматчилари эга бўлиши зарур бўлган ахлоқий сифатлар орасида энг муҳимларидан бири ҳалолликдир. Ҳалоллик айна пайтда фаоллик ва интизомлиликни ҳам тақозо қилади. Ҳалоллик ирода билан боғлиқ. Иродасиз одам ҳам ҳалол бўла олмайди. Ҳалолликнинг ахлоқий сифатларидан яна бири шаън билан ҳам мустаҳкам боғлиқ. Ўз шаънини, қадр-қимматини эъзозлаган шахс ҳалол бўлади¹.

Давлат хизмати этикасининг ўзига хос қоидаси – хизмат субординацияси. Бу – давлат ҳокимияти органларида ўзаро муносабатларнинг асосий одоб-ахлоқ ва ташкилий қоидаларидан бири. Бу – хизмат интизومي меъёрларига асосланган кичикларнинг катталарга хизмат бўйича қатъий бўйсунуш, фуқаролик хизмати мансабларининг иерархияга мувофиқ юқори раҳбарларга бўйсунуш, уларнинг буйруқ ва топшириқларини аниқ ва ўз вақтида бажариш тизими.

Давлат хизматчисининг очиқлиги – давлат хизматининг асосий ахлоқий қоидаси. Қўл остидагилар ва аҳоли учун очиқ бўлиш – улар билан мулоқотга доимо тайёр бўлиш, уларнинг саволлари, таклифлари, тилакларини эшитишга тайёр дегани.

3.4. Давлат хизматчиларининг ҳуқуқлари

Давлат хизматчисининг ҳуқуқлари деганда, Ўзбекистон Конституцияси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўрнатилган ҳамда унинг эркинлиги ва касбий хизмат фаолияти имкониятлари давлат томонидан қўриқланиши тушунилади. Булар хизматчи ўз хизмат-мансаб ваколатларини амалга ошириш жараёнида бажариш ҳуқуқига эга бўлган хатти-ҳаракатлардир.

Давлат хизматчилари учун давлат хизматига кириш, уни ўташ ҳамда давлат хизмати бекор бўлишининг махсус шартлари ўрнатилган. Давлат хизматчилари уларга берилган ваколатларни ва функцияларни давлат

¹Қаранг: Мирбобоев Б., Хусанов О., Беғматов А. Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил этишининг ташкилий-ҳуқуқий масалалари. Тошкент, Академия, 2005. Б. 74-76.

маъмурияти ичида ҳам, ташқи ҳуқуқ субъектларига (фуқароларга, бошқа ташкилотларга) нисбатан ҳам амалга оширадилар.

Фуқаро давлат хизматига кириши билан қуйидаги тўрт элементдан иборат бўлган “организм”га бирлашади:

-
- ▶ **биринчидан**, эгалланадиган давлат мансаби;
 - ▶ **иккинчидан**, аниқ малака даражасининг мавжудлиги;
 - ▶ **учинчидан**, давлат хизматчиларининг белгиланган штат бирлигига кириши;
 - ▶ **тўртинчидан**, мансаб мажбуриятлари билан белгиланадиган давлат хизматчисининг махсус ўрни, яъни раҳбар, мансабдор шахс, ҳокимият вакили ва бошқалар.¹
-

Давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми – бу давлат-хизмат муносабатларининг мазмуни (моҳияти) дир. Хизматчиларнинг ҳуқуқий мақоми уларнинг ҳуқуқларини, мажбуриятларини, жавобгарлигини ўрнатиш орқали белгиланади. Давлат-хизмат муносабатларининг ўзгариши билан давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми ҳам ўзгаради, масалан, ишдан бўшатиш, фуқароликни йўқотиш, пенсияга чиқиш ва ҳ.к.лар.

Давлат хизматчиларининг мақоми – бу дифференцияланган комплекс тизим бўлиб, вертикал ва горизонтал тузилишга эга.

Ҳар бир давлат хизматчиси норматив-ҳуқуқий актлар билан белгиланган ҳамда давлат хизмати ҳуқуқий институтининг марказий элементи ҳисобланган ҳуқуқий мақомга эгадир.

Давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми қонунчилик билан ўрнатилган ва давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқ, эркинлик, мажбурият, чекловлар, жавобгарликларнинг йиғиндисидир.

Давлат хизматчилари ҳуқуқий мақомининг мазмуни – давлат хизматчиларининг тоифасига, давлат хизмати олиб бориладиган шароитларга боғлиқ бўлиши мумкин.

Давлат хизматчиси мақомига эга бўлиш масаласи жуда муҳимдир. Давлат хизматчиси мақомига эга бўлган фуқаро ва давлат органи ўртасида давлат-хизмат муносабатлари вужудга келади.

Давлат хизматчиси ўз мақомини давлат-хизмат муносабатларининг тугаши билан йўқотади.

Давлат хизматчилари ҳуқуқий мақомининг асосий элементларидан бири – **бу давлат хизматчисининг ҳуқуқлари** бўлиб, давлат хизматининг ошқоралигини, самарали фаолият кўрсатишини асослаб беради.

Давлат хизматчиси давлат фуқароси сифатида ўрнатилган барча ҳуқуқларга эгадир. Лекин давлат-хизмат фаолияти нўқтаи назаридан, давлат хизматчиси ҳуқуқий мақомининг асосий элементини хизмат ҳуқуқлари ташкил этади. Хизмат ҳуқуқларининг амалга оширилиши билан давлат хизматининг фаолият кўрсатиши таъминланади. Хизмат ҳуқуқлари мансаб мажбуриятларини бажариш билан бевосита боғлиқдир.

Давлат хизматчиларининг ҳуқуқларини шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Хизматчиларнинг ҳуқуқий мақомини ва унинг ҳуқуқий кафолатини ифода этувчи ҳуқуқлар. Бунга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ▶ давлат хизматчиси эгаллайдиган давлат лавозими бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгиловчи ҳужжатлар билан, масалан, иш сифатини белгиловчи омиллар, давлат хизмати

¹Стариков Ю.Н. *Службное право. Москва, БЕК. 1996. 318-б.*

бўйича ҳаракатланиш, мансаб мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган ташкилий-техник шароитлар билан танишиб чиқиш;

- ▶ шахсий ҳужжатидаги барча маълумотлар билан танишиб чиқиш;
- ▶ унинг талабига кўра хизмат текширувларини, масалан, хизматчининг шаъни, кадр-қимматига етказилиши мумкин бўлган маълумотларни рад этиш мақсадида ўтказиш;
- ▶ давлат хизматчисининг давлат хизмати билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал этиш мақсадида тегишли давлат органларига ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқи ва бошқалар.

2. Хизмат мажбуриятларини бевосита бажариш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлар. Бунга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ▶ белгиланган тартибда, мансаб мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган ахборотларни ва материалларни олиш;
- ▶ белгиланган тартибда, мансаб мажбуриятларини бажариш учун корхона, муассаса ва ташкилотларда бўлиш;
- ▶ мансаб мажбуриятлари билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилиш ва тайёрлашда иштирок этиш;
- ▶ тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан малакасини ошириш, қайта тайёрланиш;
- ▶ давлат хизматини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш.

3. Давлат хизматчисининг лавозим фаоллигини оширишга, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишга ва ижтимоий кафолатларни таъминлашга қаратилган ҳуқуқлари:

- ▶ вакант (вақтинча бўш) лавозимни эгаллаш бўйича танловда ўз хоҳишига кўра иштирок этиш;
- ▶ иш фаолиятининг натижалари ва иш стажи, малакасининг даражасига кўра лавозим бўйича юқорига қараб ҳаракатланиш, маблағ билан таъминланишини ошириш;
- ▶ давлат хизматидаги иш стажига қараб пенсия таъминоти олиш;
- ▶ ўзининг ҳуқуқларини, ижтимоий-иқтисодий ва профессионал манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида касаба уюшмаларига бирлашиш;
- ▶ мансаб окладидан келиб чиққан ҳолда пул билан таъминланиш, малака даражасидан келиб чиққан ҳолда эса қўшимча маблағлар олиш, иш фаолиятининг натижаларига кўра мукофотлар олиш;
- ▶ ҳар йили ҳақ тўланадиган меҳнат таътилига чиқиш (меҳнат таътилининг муддати давлат ташкилотининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади);
- ▶ давлат хизмати стажига давлат хизматчисининг бошқа даврдаги меҳнат фаолиятининг

қўшилишини талаб этиш (масалан бу ҳолат хизматчининг пенсияга чиқишига таъсир кўрсатиши мумкин);

- ▶ давлат хизматчисининг ва унинг оила аъзоларининг тиббий хизматдан фойдаланиши;
- ▶ давлат лавозимларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиққа ёки мулкка етказилиши мумкин бўлган зарар бўйича мажбурий давлат суғуртаси;
- ▶ давлат хизматини ўташ вақтида соғлиғи ёки меҳнат қобилиятини йўқотиши сабабли, давлат томонидан мажбурий ижтимоий суғурталаниш ва бошқа ҳуқуқларга эгадир.

3.5. Давлат хизматчиларининг мажбуриятлари

Давлат хизматчисининг мажбуриятлари деганда, Ўзбекистон Конституцияси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланган, хизматчи касбий хизмат фаолиятининг моҳиятидан ташкил топган мажбурий ҳаракатлар тушунилади. Хизматчилар давлат хизматида бўлганида умумий ҳуқуқ меъёрларидан фарқ қиладиган махсус ҳуқуқий тартиб таъсирида бўладилар. Шу билан бирга, улар фуқаролар сифатида умумдавлат мажбуриятларидан озод қилинмайдилар (солиқлар тўлаш, армияда хизмат қилиш ва ҳ.к.). Давлат давлат хизматчиларига давлат хизмати хусусиятлари билан боғлиқ юқори мажбуриятлар юклайди.

Давлат хизматчиларининг мажбуриятлари уларнинг хизмат фаолиятларининг моҳиятини тавсифлайди, чунки давлат (давлат органи) фуқарони унга маълум бир мансаб мажбуриятларини юклаш мақсадида ишга қабул қилади. Мажбуриятларнинг мазмуни ва турлари давлат органининг ўз олдига қўйган мақсади, вазифаси ва функцияларига қараб белгиланади.

Давлат хизматчиларига *умумий бўлган мажбуриятларга* – конституциявий тузумни қўллаб-қувватлаш ҳамда Конституция ва қонунларга, шунингдек, уларнинг ваколатларини тартибга солувчи бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилишини таъминлаш киради.

Давлат хизматчиси давлат номидан ва давлат топшириғи бўйича унинг манфаатларини ифодалаб ҳаракат қилади, шунинг учун у ўз вазифасини Конституция қоидаларига мувофиқ тарзда бажариши керак.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устунлиги мамлакатнинг Асосий Қонуни – Конституцияда мустақамлаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаб айтганидек, «Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – инсон деган фикрни илғари сурдик ва шу асосда «фуқаро – жамият – давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик»¹. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг мафаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», дея таъкидланади. Ушбу нормага кўра давлат хизматчиси ҳам давлатнинг вакили сифатида жамият ва фуқаролар олдида масъул ҳисобланади. Унинг бу масъуллиги унга юклатилган бурчларнинг бажарилиши орқали таъминланади ва кафолатланади.

Давлат хизматчилари мажбуриятларининг асосий хусусияти шундаки, улар нафақат давлат хизмати шаънига доғ тушурувчи ёки давлат органига зарар етказувчи ҳаракатлардан, балки «давлат хизматчиларининг давлат ва жамият мафаатларига зид ҳаракатларни содир этмоқда», деган фикрларнинг пайдо бўлишидан сақланиши лозим.

Давлат хизматчиси хизмат мажбуриятларидан давлат хизмати шаънига доғ тушириш, давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг фаолиятини қоралашда фойдаланиши мумкин эмас.

Давлат хизматчиларининг асосий мажбуриятларидан бири – бу *виждонан мансаб мажбуриятларини бажаришидир*. Қонун ҳужжатларида давлат хизматчиларининг функциялари ва ваколатлари аниқ кўрсатиб ўтилган бўлиб, улар хизматчилар томонидан тўғри ва аниқ бажарилиши лозим. Мансаб мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик – ноҳўя ҳаракат, ҳуқуқбузарлик, баъзи ҳолларда эса жиноят ҳисобланиши мумкин.

Давлат хизматчилари уларнинг эгаллаб турган лавозимларидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилган ҳуқуқларни ва юкланган мажбуриятларни бажаришга мажбурдир. Бу талаблар давлат хизматчисига лавозим бўйича ваколатлар ҳажми ва доираси тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилишига мажбур қилади.

Давлат хизматчиларининг ўз ваколатларини амалга ошириш мажбурияти давлат органида ўрнатилган хизмат тартибига риоя қилиш билан бевосита боғлиқдир.

Давлат хизматчилари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, оммавий мафаатларни таъминлаш мақсадида мансаб мажбуриятларини амалга ошириш ваколатига эга бўладилар.

Агар давлат хизматчилари ўз ваколатларидан бошқа мақсадларда фойдалансалар ёки ваколат доирасидан четга чиқадиган бўлсалар, уларнинг ҳаракати хизмат ноҳўя ҳаракати, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят сифатида таснифланиши мумкин.

Давлат хизматчиларининг асосий мажбуриятларидан яна бири – бу *фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний мафаатларига риоя қилиниши ва муҳофаза этилишини таъминлаш* ҳисобланади. Давлат хизматчилари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олишга, уларнинг қонуний мафаатларини муҳофаза қилиш ва таъминлашга мажбурдирлар. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний мафаатлари давлат хизматчилари учун муҳим категориялардир. Давлат хизматчилари томонидан мазкур мажбуриятнинг бажарилиши ижтимоий муносабатларнинг мувозанатини, қонунийлик тартибига риоя қилинишини таъминлайди, умумий ҳуқуқ тартиботни кафолатлайди. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний мафаатлари давлат томонидан ҳимоя қилинган экан, давлатнинг асосий вазифаларидан бири бажарилган бўлиб ҳисобланади.

¹Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т-1. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996, 124-бет.

Давлат хизматчилари юқори турувчи давлат органи (давлат хизматчиси)нинг фармойишларини, буйруқларини ва бошқа хилдаги кўрсатмаларини, қонунга зид бўлганларидан ташқари, ижро этишга мажбурдир. Давлат хизмати бўйсунувлик иерархияси принципига асосланар экан, давлат хизматчилари ўзларидан юқори турган, бўйсунув асосида, раҳбарларнинг ваколат доирасида берилган буйруқларини, фармойишларини, кўрсатмаларини ва бошқа қонуний қарорларини ижро этишга мажбурдирлар.

Давлат хизматчилари барча фармойишларни шахсий жавобгарлик асосида амалга оширадilar. Шунинг учун ҳам ижро этиш учун олинган фармойиш давлат хизматчиси томонидан қонунийлик ва давлат манфаатларига мос келиш нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.

Давлат хизматчилари мансаб мажбуриятларини бажариб бориш мақсадида *ўзининг малака даражасини сақлаш ва ошириб бориш* мажбуриятига эга. Давлат хизматчиси давлат хизматида кирар экан, хизмат функцияларини ва мансаб мажбуриятларини сифатли бажаришга тайёр бўлиши керак. У ўзининг ишчанлик хусусиятларига кўра эгалланадиган давлат лавозими талабларига мос келиши керак.

Назарий ва амалий таълим олиш барча давлат хизматчиларининг хизмат мажбурияти ҳисобланади. Қоида бўйича, профессионал тайёргарлик малака даражасини беришда, махсус унвон олишда талаб қилинади.

Давлат хизматчилари ўзларининг хизмат фаолиятларини олиб бориш жараёнида бир давлат органи доирасида турли аҳамиятдаги функцияларни амалга оширадilar. Давлат хизматчиси лавозими бўйича юқори кўтарилганида, янада мураккаб бўлган мажбуриятларни бажаришига тўғри келади. Бошқа томондан, касбларнинг эволюцияси содир бўлиши мумкин, масалан, баъзи бирлари тугаши, пайдо бўлиши ёки унинг мазмуни ўзгариши мумкин.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, давлат хизматчилари доимо ўз касбий малакаларини ошириб боришлари лозим, давлат хизматчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш эса уларнинг мажбуриятига айланади.

Давлат хизматчиси *хизмат этикаси нормаларига риоя қилиши* керак. Давлат хизматчиси ўзининг профессионал бурчини бажариши шарт. У ўзининг хизмат мажбуриятларини виждонан, адолатли, жамият манфаатларини эътиборга олган ҳолда бажариши лозим.

Давлат хизматчилари *давлат сирини ҳамда қонун ҳужжатлари билан ҳимоя қилинадиган бошқа сирларни сақлаш* мажбуриятига эга. Амалдаги қонунчиликка биноан давлат хизматчиси мансаб ваколатларини ижро этиш орқали маълум бўлган маълумотларни сир сақлаши лозим. Лекин шу билан бирга, қонунчиликда, қайси ҳолатларда давлат, хизмат ва бошқа қонун билан қўриқланадиган сирни ошкора этиш мумкинлиги ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин. Масалан, давлат хизматчиси жиноят ишининг қўзғатилиши муносабати билан ёки қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда давлат, хизмат сирини ҳисобланган маълумотни ошкор қилиши мумкин.

Давлат хизматчилари ваколат доирасига кирадиган турли мурожаатларни (фуқароларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ариза, шикоят ва таклифларини) ўз вақтида кўриб чиқишга мажбур.

Х.Р. Алимовнинг кўрсатишича, давлат хизматчилари ўзларининг мансаб мажбуриятларини ва функцияларини амалга оширишда:

-
- ▶ давлат хизматининг мақсадларига ва вазифаларига қатъий риоя қилиш;
 - ▶ қонунларга, давлат манфаатларига, мансаб кўрсатмаларига асосланиб фаолият кўрсатиш, ваколат доирасига кирувчи давлат органларининг ва юқори турувчи мансабдор шахсларнинг қарорларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;
 - ▶ ўз фаолиятини доимо такомиллаштириш ва профессионал малакасини ошириб бориш;
 - ▶ давлат ва хизмат сирларини сақлаш;
 - ▶ фуқароларнинг кадр-қимматини ва шахсини ҳурмат қилиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш ва ҳимоя қилиш;
 - ▶ маъмурий ҳокимият соҳасида қонунийликни таъминлаш;
 - ▶ хизмат этикасига риоя қилиш;
 - ▶ бошқарув маданияти даражасини ошириб бориш, бошқарув ишига янги замонавий услуб ва шаклларни татбиқ қилиш;
 - ▶ қонунчилик билан ўрнатилган иш куни вақтида хизматда бўлиш;
 - ▶ қонун ҳужжатларга таянган ҳолда мурожаатларни (ариза, шикоят ва таклифларни) ўз вақтида ва холисона кўриб чиқиш;
 - ▶ давлат хизматчилари мақоми ва тегишли давлат мансаби билан ўрнатилган бошқа мажбуриятларни бажаришлари лозим.¹
-

Юридик адабиётларда, давлат хизматчиларининг мажбуриятлари билан бир қаторда этик талаблар ва турли хилдаги тақиқлар ҳамда чекловлар ўрнатилиши кўрсатиб ўтилган.

Давлат хизмати давлат хизматчиларининг этикаси, маънавияти, ахлоқий жиҳатлари билан узвий боғлиқдир. Давлат хизматчиларига ишга киришда ҳам, хизматни ўташ жараёнида ҳам қуйидаги этик талаблар қўйилиши лозимдир:

-
- ▶ юқори маънавий принципларга асосланиш, давлатга содиқлик; давлат хизматчилари давлат манфаатларини ўзининг индивидуал (шахсий) манфаатларидан устун қўйиши лозим;
 - ▶ давлат хизмати принципларига риоя этиши;
 - ▶ Конституция ва қонунларни ҳимоя қилишда ҳамма вақт тайёр туриши;
 - ▶ давлатга содиқлик бўйича берган қасамёдини бузмаслиги, давлат лавозими бўйича берилган қонуний талабларни бажариши;
 - ▶ давлат вазифалари ва функцияларини бажариш жараёнида самарали ва кам харажатли усулларни излаши ва қўллаши;
-

¹Административное право Республики Узбекистан // Авт. коллектив: Х.Р.Алимов, Л.И.Соловьева и др./ - Т.: "Адолат", 1999. 123-б.

- ▶ давлат хизмати фаолиятида бир субъектга қараганда иккинчи субъектга алоҳида имтиёзлар берилмаслиги;
- ▶ ўз манфаати ёки оила аъзолари манфаатлари учун давлат хизмат мансабидан фойдаланмасликлари;
- ▶ давлат хизмат мажбуриятлари билан боғлиқ бўлган ваъдаларни бермасликлари;
- ▶ мансаб мажбуриятларини бажариш жараёнида олган махфий маълумотларни шахсий манфаатлари йўлида фойдаланмаслик;
- ▶ давлат органларидаги коррупцияга қарши доимий кураш олиб бориш;
- ▶ меҳнат фаолиятининг тартибига риоя қилиш ва фуқаролар ҳамда ҳамкасблари билан яхши муомалада бўлиш;
- ▶ давлат хизмат мансабидан қасддан ёки бошқа манфаатлар йўлида фойдаланмасликлари ва ҳ.к.лар.

Давлат хизматчиси шаънига путур етказадиган ноҳўя хатти-ҳаракатларни, масалан, умумий эътироф этилган меъёрлар ва қоидаларни қўпол бузиш, қонун талабларини қасддан бузиш, виждонсизлик оқибатида ноҳуш оқибатларни келтириб чиқариш, давлат хизматида содиқлик тўғрисидаги қасамёдни бузиш ва бошқа шунга ўхшаш ҳаракатларни содир этган хизматчилар давлат органида ишлаши ва хизмат ваколатларини амалга ошириши мумкин эмас. Бу хатти-ҳаракатлар оқибатида нафақат давлат хизматчисининг шаъни, балки давлат органларининг манфаатларига ҳам путур етказилади. Шу сабабли давлат хизматчилари ҳар қандай ҳолатда ҳам давлат (давлат органи) шаънини сақлаб қолиши лозим.

Давлат хизматида кириш вақтида давлат хизматчилари нафақат ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади, балки улар фаолиятида қонунчилик билан маълум бир чекловлар ва тақиқлар ҳам ўрнатилиши мумкин. Давлат хизматчилари ҳуқуқини чеклаш уларнинг давлат функцияларини бажариши билан, хизмат ваколатларини амалга ошириши билан тавсифланади. Давлат хизматидаги бундай чекловлар ва тақиқлар, биринчи навбатда давлат хизматининг нормал ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлайди, давлат хизматчилари томонидан мансаб ваколатларидан фойдаланишининг ҳуқуқий чегараларини ўрнатади, мансаб мажбуриятларини мустақил амалга ошириши учун шароит туғдиради.¹

Давлат хизматчилари учун ўрнатилган чекловлар ва тақиқлар улар томонидан хизматни ўташининг бутун муддати жараёнида амалда бўлади.

Давлат хизмати билан боғлиқ бўлган чекловлар деганда, Конституция ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган, давлат хизматчисини чиқиш ман этилган аниқ белгиланган ҳуқуқ доирасида белгиланган шарт ва қоидалар тушунилади. Улар давлат хизматчисининг алоҳида ҳуқуқий тартиблари билан боғлиқ ва унинг самарали касбий фаолияти, ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш имконияти учун тўсиқ қўйиш, хизматчилар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилиш, мустақил хизмат фаолияти учун шароит яратишни таъминлашга қаратилган.

¹Ноздрачев А. *Правоограничения государственных служащих. //Право и экономика. 1995. №15.*

Давлат хизматчиларининг биз юқорида кўрсатиб ўтган бурчлари улар томонидан бажарилиши лозим бўлган ҳаракатлар тарзида ифодаланган. Давлат хизматчиларининг бурчлари чеклашлар тарзида ҳам бўлиши мумкин. Чунки чеклашлар ҳам моҳиятига кўра бурч бўлиб ҳисобланади. Аммо чеклашларнинг бажарилиши лозим бўлган ҳаракатлардан фарқи шундаки, чеклашлар бурч сифатида, одатда, ҳаракатсизлик орқали бажарилади¹.

Давлат хизматчилари учун ўрнатилган чекловлар ва тақиқларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ▶ **биринчидан**, давлат хизматчиси бошқа ҳақ тўланадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас (педагогик, илмий фаолият бундан мустасно). Давлат хизматчиси ўзини давлат хизматига бағишлаши лозим. Агар давлат хизматчиси бундай чекловни бузган ҳолда бошқа фаолият билан ҳам шуғулланса, у давлат хизматини ёки бошқа фаолиятни танлаши лозим бўлади;
- ▶ **иккинчидан**, давлат хизматчилари учун тадбиркорлик фаолияти билан шахсан ёки бошқалар орқали шуғулланиш тақиқланган. Давлат хизматчилари шахсан ёки бошқалар орқали ишлаб чиқариш билан, товарлар ва бошқа маҳсулотларни сотиш билан, фойда олиш мақсадида ишларни бажариш ёки пулли хизматлар кўрсатиш билан шуғулланиши мумкин эмас;
- ▶ **учинчидан**, давлат хизматчиси учинчи шахсларнинг вакили бўлиши мумкин эмас, яъни давлат хизматчиси давлат хизматида бўлган ҳамда унга маълум бир жиҳатдан бўйсунган учинчи шахсларга вакиллик қилиши тақиқланади;
- ▶ **тўртинчидан**, давлат хизматчиси хизматдан ташқари вақтда моддий-техник, молиявий ва ахборот воситаларидан, давлатнинг бошқа мулкидан ва хизмат маълумотларидан фойдаланиши тақиқланади;
- ▶ **бешинчидан**, давлат хизматчилари жисмоний ва юридик шахслардан мансаб мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай мукофот ва совғаларни олиши тақиқланади;
- ▶ **олтинчидан**, жисмоний ва нодавлат юридик шахслар ҳисобидан хизмат сафарига ёки хорижий сафарга бориш тақиқланади;
- ▶ **еттинчидан**, давлат хизматчисининг хизмат ваколатидан фойдаланиб давлат органларида жамоат бирлашмаларини (касаба уюшмасидан ташқари) ташкил этиши ёки унинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши мумкин эмас ва бошқалар.

Тақиқлар, ўз моҳиятига кўра, давлат хизматчисининг ҳуқуқий чекловларига яқин, аммо ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчи ҳолда хизматчиларнинг ахлоқи ва хатти-ҳаракатлари чекланади, иккинчисида қатъий ман этилади. Давлат хизмати билан боғлиқ тақиқлар – бу маъносига кўра давлат хизматчиларига хизмат вақтида, шунингдек, ундан ташқарида ҳам у ёки бу хатти-ҳаракатни амалга оширишни тақиқловчи амалдаги қонунчилик томонидан белгиланган ва ўрнатилган меъёрлар.

Қонун ҳужжатларида давлат хизматчининг хусусиятларидан келиб чиқувчи бошқа хилдаги чекловлар ва тақиқлар ҳам ўрнатилиши мумкин.

¹Мирбобоев Б., Хусанов О., Беғматов А. *Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил этишининг ташкилий-ҳуқуқий масалалари*. "Академија" нашриёти, Тошкент, 2005 йил. Б.63.

3.6. Давлат хизматчилари учун ўрнатилган кафолатлар

Давлат хизматидаги кафолатлар деганда, хизматчилар томонидан хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган қўшимча харажат ва чекловларни турли хил пул бадаллари билан қоплаш тушунилади. Давлат кафолатлари, энг аввало, хизмат вазифасини ўтаётган вақтида давлат хизматчисига татбиқ этилган ҳуқуқ-чекловлар, ман этиш ва талабларни қоплаш учун ўрнатилади. Давлат хизматчисининг машаққатларини қоплаётиб, улар давлат хизматчисига алоҳида имтиёзлар ва бошқа даражадаги ходимларга қараганда устунлик тақдим этиб, гўёки унинг ҳуқуқий тартибини мувофиқлаштирмоқчи бўладилар.

Давлат хизматчиларининг давлат кафолатларининг асосий мақсади – уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш.

Давлат хизматчилари ўзларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда қонунчиликда ўрнатилган барча воситалардан фойдаланадилар.

Давлат хизматчилари учун ўрнатилган кафолатлар уларнинг бажарадиган хизмат мажбуриятлари билан боғлиқ бўлади.

Давлат хизматчилари томонидан мансаб мажбуриятларининг сифатли бажарилишини, қонунчилик билан ўрнатилган ҳуқуқларни амалга оширилишини таъминлаш учун қонун чиқарувчи хизмат фаолиятининг асосий кафолатларини ўрнатади.

Давлат хизматчилари учун кафолат бу қонунчиликда ўрнатилган давлат хизматчилари мақомининг ижтимоий-ҳуқуқий томонини характерловчи асосий ҳолатлардир.

Қонун ҳужжатларида давлат хизматчиларига нисбатан турли кафолатлар ўрнатилган бўлиши мумкин:

- ▶ **биринчидан**, мансаб мажбуриятларининг бажарилишини таъминловчи иш шароитларининг жорий этилиши;
- ▶ **иккинчидан**, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан назарда тутилган пул таъминоти ва бошқа хилдаги тўловлар (масалан, ижтимоий, компенсация тўловлари ва ҳ.к.лар);
- ▶ **учинчидан**, пул билан таъминланадиган ҳар йилги меҳнат таътили;
- ▶ **тўртинчидан**, давлат хизматчиси ва унинг оила аъзоларининг тиббий хизматдан фойдаланиши;
- ▶ **бешинчидан**, қайта тайёрланиш ва малакасини ошириш (пул таъминоти сақланган ҳолда);
- ▶ **олтинчидан**, хизматчиларнинг мажбурий ижтимоий давлат суғуртаси ва ҳ.к.лар.

Қонунчилик ҳужжатларида давлат хизматчилари учун бошқа кафолатлар ҳам ўрнатилган бўлиши мумкин.

3.7. Ходимларнинг иш вақти меъёрлари

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин иш танлаш, ҳаққоний меҳнат шартлари асосида ишлаш ва қонунда белгиланган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 16-моддасига асосан, ҳар бир ходим:

- ▶ ўз меҳнати учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда ҳақ олиш;
- ▶ муддатлари чегараси белгиланган иш вақтини ўрнатиш, бир қатор касблар ва ишлар учун иш кунини қисқартириш, ҳар ҳафталик дам олиш кунлари, байрам кунлари, шунингдек ҳақ тўланадиган йиллик таътиллар бериш орқали таъминланадиган дам олиш;
- ▶ хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда меҳнат қилиш;
- ▶ касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- ▶ иш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига ёки мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;
- ▶ касба уюшмаларига ҳамда ходимлар ва меҳнат жамоаларининг манфаатларини ифода этувчи бошқа ташкилотларга бирлашиш;
- ▶ қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш;
- ▶ ўзининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан суд орқали ҳимоя қилиш ва малакали юридик ёрдам олиш;
- ▶ жамоаларга доир меҳнат низоларида ўз манфаатларини қувватлаш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг VII боби иш вақти меъёрларини тартибга солган.

Ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига асосан, ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаслиги лозим.

Айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлиғи ҳолати, меҳнатнинг шартлари, меҳнат вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзга ҳолатларни инобатга олиб, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек меҳнат шартномаси шартларига биноан меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан, иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати қуйидагилар учун белгиланади:

- ▶ ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 242-моддаси);
- ▶ I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимлар (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 220-моддасининг учинчи қисми);
- ▶ ноқулай меҳнат шaroитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 117-моддаси);
- ▶ алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 118-моддаси);
- ▶ уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёллар (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 228-1-моддаси).

Юқори даражадаги ҳис-ҳаяжон, ақлий зўриқиш, асаб танглиги билан боғлиқ, яъни алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги айрим тоифадаги ходимлар учун (тиббийёт ходимлари, педагоглар ва бошқалар) иш вақтининг муддати ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади. Бундай ходимлар рўйхати ва улар иш вақтининг аниқ муддати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

Иш ҳафтасининг тури (икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтаси ёки бир кун дам олинадиган олти кунлик иш ҳафтаси) ва иш вақти режими (кундалик иш вақтининг (сменанинг) муддати, ишнинг бошланиш ва тугаш вақти, ишдаги танаффуслар вақти, сутка давомидаги сменалар сони, иш кунлари ҳамда ишланмайдиган кунларнинг навбат билан алмашилиши, ходимларнинг сменадан сменага ўтиш тартиби) корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари, бошқа локал норматив ҳужжатлар билан, бу ҳужжатлар бўлмаганда эса, ходим билан иш берувчининг келишувига биноан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 121-моддасига асосан байрам (ишланмайдиган) кунлари арафасида кундалик иш (смена) муддати барча ходимлар учун камида бир соатга қисқартирилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 122-моддаси тунги вақт деб, соат 22-00 дан то соат 6-00 гача бўлган вақтни белгилайди. Агар ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатининг камида ярми тунги вақтга тўғри келса, тунги иш вақти муддати бир соатга, иш ҳафтаси муддати ҳам шунга мувофиқ равишда қисқартирилади.

Ишлаб чиқариш шaroитларига кўра зарур бўлган ҳолларда, хусусан ишлаб чиқариш узлуксиз бўлган жойларда, шунингдек бир кун дам олинадиган олти кунлик иш ҳафтаси шaroитида смена бўлиб ишланаётган жойларда тунги иш муддати кундузги иш муддатига тенглаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига белгиланишича, ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатидан ташқари ишлаш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади.

Иш вақтидан ташқари ишлар ходимнинг розилиги билан қўлланиши мумкин.

Иш сменасининг муддати ўн икки соатдан иборат бўлганда, шунингдек меҳнат шароити ўта оғир ва ўта зарарли ишларда иш вақтидан ташқари ишларга йўл қўйилмайди.

Иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан (меҳнат шароити оғир ва зарарли ишларда – бир кунда икки соатдан) ва йилига бир юз йигирма соатдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Иш берувчи ҳар бир ходимнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақтини, шу жумладан иш вақтидан ташқари ишлаган вақтини ўз вақтида аниқ ҳисобга олиб бориши шарт.

ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ ЎТАШ

Давлат хизматини ўташ – давлат хизмати институтининг муҳим таркибий қисми бўлиб, мазкур даврда давлат аппарати ходимларининг ҳуқуқий, ижтимоий ва лавозим мавқеи шаклланади.

Давлат хизматини ўташ узоқ давом этувчи жараён бўлиб, давлат-хизмат муносабатлари вужудга келиши билан бошланади, яъни хизматчини давлат аҳамиятига молик лавозимга тайинлаш вақтидан бошланади ва бир қатор жараёнларни ўз ичига олади: синов муддати, аттестация, мунтазам равишда малака ошириш ва қайта тайёрлаш, рағбатлантириш ва жавобгарлик, истеъфо ёхуд нафақага чиқиш.

Давлат хизматини ўташ – давлат хизматчисининг ҳуқуқий ҳолатига таъсир кўрсатувчи юридик фактлар ва ҳокимият субъектлари индивидуал актларининг тизимидир. У давлат лавозимини эгаллаб турган шахснинг хизмат ҳолатининг ўсишидир¹.

Давлат хизматини ўташ – хизмат ўташнинг асосий мазмуни, босқичлари, тартиб ва жараёнларини белгилаб берувчи ҳуқуқий, ташкилий ва ижтимоий чора-тадбирлар тизими ҳисобланади. Давлат-хизмат ваколатларини амалга ошириш жараёнида, давлат ва давлат хизматчилари ўртасида вужудга келадиган муносабатлар мажмуи мужассам этилган².

Давлат хизматини ўташ институти – бошқарув аппаратида ходимларни танлашдан, хизмат бўйича ҳаракатланишни амалга оширишдан, давлат хизматидан бўшатиш услубларини ўрнатиш ва амалга оширишдан бошланади³.

Давлат хизматини ўташдан мақсад, авваламбор, давлатнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш механизми сифатида, давлат хизмати институтининг, самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш; давлат хизматчисининг хизмат бўйича ўсиш ҳуқуқини амалга ошириш ва, бунда, ўз билим, малака ва қобилиятларидан эркин фойдаланиш.

Давлат хизматини ўташ давлат хизмати институтининг асосий элементи бўлиб, унда давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми амалга оширилади. Хизматни ўташ бир бутун жараён бўлиб, бу жараён қуйидаги **босқичлардан** иборат бўлади:

- ▶ давлат хизматига қабул қилиш;

¹Мирбобоев Б., Ҳусанов О., Бегматов А. *Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари*. “Академия” нашриёти, Тошкент, 2005 йил. Б. 84.

²Черепанов В.В. *Основы государственной службы и кадровой политики*. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012. С. 167.

³Аппарат управления государства. Ч.2. –М. 1997. С. 205.

- ▶ давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш;
- ▶ малака даражалари ва махсус унвонлар бериш;
- ▶ давлат хизматчисини бошқа лавозимга ўтказиш;
- ▶ давлат хизматчисини рағбатлантириш;
- ▶ давлат хизматчисининг жавобгарлиги;
- ▶ давлат хизматининг тугатилиши.

Бу босқичларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин¹:

- ▶ **мажбурий босқичлар** – хизматга қабул қилиш, аттестациядан ўтказиш, малака даражалари ва махсус унвонларни бериш, хизматни тугатиш;
- ▶ **факультатив босқичлар** – бошқа лавозимга ўтказиш, рағбатлантириш, жавобгарликка тортиш.

Мажбурий босқичлар шундай босқичларки, давлат хизматига қабул қилинган ходим бу босқичларни албатта ўтади. Бу босқичлар ҳар қандай ходим учун мажбурий ҳисобланади.

Факультатив босқичларни ўташ эса ходимнинг ўз иш фаолиятига боғлиқ. Масалан, ходим яхши ишласа рағбатлантирилиши мумкин, ҳуқуқбузарлик содир этса жавобгарликка тортилади.

4.1. Давлат хизматига кириш. Синов муддати.

Бугунги кунда кўпгина мамлакатларда давлат хизматига кириш учун одатда, қарийб бир хил талаблар қўйилади. Яъни бунга кўра шахс тегишли мамлакатнинг фуқароси бўлиши, ўн саккиз ёшга тўлган бўлиши, давлат тилини яхши билиши, тегишли касб маълумотига эга бўлиши ва давлат хизмати тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган бошқа талабларга жавоб берадиган бўлиши шарт.

Шахсларнинг давлат хизматига қабул қилинишида конституциявий принципга амал қилинади, яъни, барча фуқаролар учун, уларнинг қобилияти ва касбий тайёргарлигига мувофиқ, давлат хизматига кириш

¹Мирбобоев Б., Хусанов О., Бегматов А. *Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил этишининг ташкилий-ҳуқуқий масалалари.* "Акадегиа" нашриёти, Тошкент, 2005 йил. Б.84.

учун тенг имкониятлар яратиб берилади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 6-моддасига мувофиқ барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадирлар, деб мустаҳкамланган.

Давлат хизматига кадрларни танлаш жараёни тақдим этилаётган малакавий талаблар, мезонлар ва ҳуқуқий меъёрларга мувофиқ амалга оширилади. Давлат хизматига қабул қилиш жараёнида ҳар қандай камситилишларга йўл қўйилмайди.

Давлат хизматига киришда, шунингдек уни ўташ мобайнида шахснинг ирқи, миллати, тили, жинси, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ва мансаб ҳолати, яшаш жойи, динга муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига ва конституция ва бошқа қонунларда белгиланган тартибда тузилган бошқа касаба уюшмаларига аъзолигидан қатъи назар тўғридан-тўғри ёки бошқа йўллар билан хизматчиларга чеклашлар ёки имтиёзлар белгиланиши мумкин эмас. Бу қоида 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида илк бор эътироф этилган бўлиб, унинг 21-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ ҳар бир инсон ўз мамлакатида давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эгадир. Ушбу қоида 1966 йил 16 декабрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактда ҳуқуқий мустаҳкамланиб, унинг 25-моддаси учинчи қисмида янада ривожлантирилган. Ушбу ҳужжатда ҳар бир фуқаро ҳеч қандай камситишсиз ва асосланмаган чеклашларсиз ўз мамлакатида умумий шарт-шароитларда давлат хизматига киришда тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлиши кераклиги кўрсатилган ва ушбу қоида бугунга келиб кўплаб мамлакатларнинг конституцияларида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 78-моддасига мувофиқ давлат хизматига қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этишга йўл қўйилмайди. Қуйидагилар *давлат хизматига қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этиш деб ҳисобланади*:

- ▶ жинси ... ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати, динга бўлган муносабати, эътиқоди ... , шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашлар ва имтиёзлар белгилаш (6-модда);
- ▶ иш берувчи томонидан таклиф қилинган шахсларни ишга қабул қилмаслик;
- ▶ иш берувчи қонунга мувофиқ меҳнат шартномаси тузиши шарт бўлган шахсларни (белгиланган квота ҳисобидан ишга юборилган шахсларни; ҳомиладор аёллар ва уч ёшгача боласи бор аёлларни – уларнинг ҳомиладорлиги ёки ёш боласи борлигини ваз қилиб) ишга қабул қилмаслик;
- ▶ қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллар.

Ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда, ходимнинг талаби билан иш берувчи ишга қабул қилишни рад этишнинг сабабини асослаб уч кун муддат ичида ёзма жавоб бериши шарт, бу жавоб ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим. Асосланмаган жавоб бериш ҳақидаги талабларни қондиришни рад этиш ходимнинг ишга қабул қилиш ғайриқонуний равишда рад этилганлиги устидан шикоят қилишига тўсиқ бўлмайди.

Давлат хизматини ўташнинг асосий белгиси – бу **давлат лавозимини эгаллаш**¹. Давлат лавозимини эгаллаш фуқаронинг мансаб ҳуқуқлари, мажбуриятлари, чекловлар ва ҳуқуқий жавобгарликнинг субъектига айланганидан далолат беради. Давлат лавозимларини эгаллашда қонунчиликда ўрнатилган ҳолларда баъзи бир чекловлар ўрнатилиши мумкин. Жумладан, фуқаролар қуйидаги ҳолларда **давлат хизматида бўлиши ёки давлат лавозимини эгаллаши мумкин эмас**:

¹Хожиев Э., Хожиев Т. *Маъмурий ҳуқуқ*. –Т.: “Фан ва технология”, 2008. Б.232.

-
- ▶ фуқаро суд ҳукми билан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган бўлса;
 - ▶ суд томонидан фуқаронинг белгиланган муддатда давлат лавозимини эгаллаши тақиқланган бўлса;
 - ▶ тиббий муассасанинг хулосасига кўра, давлат мажбуриятларини бажаришга нолойиқ бўлса;
 - ▶ ўзаро яқин қариндошларнинг бўйсунуви асосида давлат хизматини битта давлат органи (корхонаси) да ўташи ва бошқа ҳолатлар.
-

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 79-моддасига биноан, ўзаро яқин қариндош ёки куда-анда бўлган шахсларнинг (ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланади.

Бу қоидадан истиснолар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланиши мумкин.
Давлат хизматига қабул қилишда *талаб этиладиган ҳужжатлар* қуйидагилардан иборат:

- ▶ паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжат;
 - ▶ меҳнат дафтарчаси (биринчи маротаба ишга кираётган шахслар бундан мустасно). Ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан олган маълумотнома;
 - ▶ ҳарбий хизматга мажбурлар ёки қақирилувчилар тегишлича ҳарбий билетни ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома;
 - ▶ қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломни ёхуд мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани ёки бошқа тегишли ҳужжатни тақдим этади.
-

Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахсдан қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Асосий иш жой – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 81-моддасига мувофиқ иш берувчи томонидан ходимнинг меҳнат дафтарчаси юритиладиган ташкилотдир.

Ўриндошлик асосида ишлаш – ходимнинг ўзининг асосий ишини бажаришидан ташқари асосий ишидан бўш вақтида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажаришдир.

Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган Низоми билан тартибга солинади.

Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартибига риоя этилиши учун масъулият ўриндошлар ишлайдиган ташкилотларнинг раҳбарлари зиммасига юкланади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, шу жумладан ўриндошлик асосида бир вақтнинг ўзида иккита раҳбарлик лавозимини эгаллашга йўл қўйилмайди (қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно).

Хизматга қабул қилишнинг ўзи маълум босқичлардан иборат¹:

-
- ▶ вакант лавозимнинг пайдо бўлиши ва бу ҳақда маълумот берилиши;
 - ▶ номзодларни танлаш;
 - ▶ ходимни лавозимга тайинлаш ёки сайлаш тўғрисида бир қарорга келиш;
 - ▶ мансабга яраша хизмат вазифаларини бажаришга киришиш.
-

Давлат хизматида қабул қилиш буйруқ билан расмийлаштирилади. Буйруқ учун меҳнат шартномаси асос бўлади. Ходимни алоҳида лавозимларга тайинлаётганда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат (қарор, фармон, фармойиш) асос бўлади.

Ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганлигидан қатъи назар, иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси у имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради. Ходим шартномада белгилаб қўйилган кундан бошлаб ўзининг меҳнат вазифаларини бажаришга киришмоғи лозим.

Агар меҳнат шартномасида ишнинг бошланиш куни ҳақида шартлашилмаган бўлса, ходим меҳнат шартномаси имзоланган иш кунининг (сменанинг) эртасидан кечикмай ишга тушмоғи лозим.

Давлат хизматини ўташнинг дастлабки босқичи синов муддати ҳисобланади.

Дастлабки синов қуйидаги мақсадда қўлланилади:

-
- ▶ ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриш;
 - ▶ ходим меҳнат шартномасида шартлашилган ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келиши.
-

Дастлабки синовни ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши лозим. Бундай шартлашув бўлмаган тақдирда ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган деб ҳисобланади.

Ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар ишга қабул қилинганда, шунингдек олти ойгача муддатга ишга қабул қилиш ҳақида ходимлар билан меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов белгиланмайди.

Дастлабки синов муддати уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмас.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходим узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлар дастлабки синов муддатига киритилмайди.

¹Мирбобоев Б., Ҳусанов О., Бегматов А. Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари. "Академия" нашриёти, Тошкент, 2005 йил. Б.87.

Дастлабки синов даврида ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва корхонада ўрнатилган меҳнат шартлари тўлиқ татбиқ этилади. Дастлабки синов даври меҳнат стажига киритилади.

Дастлабки синов муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафни уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолда иш берувчи меҳнат шартномасини синов натижаси қониқарсиз бўлгандагина бекор қилиши мумкин.

Агар дастлабки синов муддати тугагунга қадар тарафлардан бирортаси ҳам меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилмаган бўлса, шартноманинг амал қилиши давом этади ва бундан кейин уни бекор қилишга умумий асосларда йўл қўйилади.

4.2. Давлат хизмати бўйича ҳаракатланиш

Давлат хизматини ўташ институти бошқарув аппаратида кадрлар танловини ташкил этиш орқали шакллантирилади.

Президент Ислоҳ Каримов давлат хизматчиларини тайёрлаш масаласининг долзарблигига эътиборни қаратар экан, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаганди: “Ҳаммамизга маълумки, бизда давлат – бош ислоҳотчи деган тамойил бор. Бугун шу иборани янгича тарзда, янгича мазмунда қўллаб айтадиган бўлсак, асосий ислоҳотчи давлат ходими бўлиши керак. Ҳозирги кунда ислоҳотлар тақдирини, энг аввало, давлат ва ҳукумат идораларида масъул лавозимда ўтирган одамлар ҳал қилишини, бинобарин, улар шу масалага бевосита жавобгар эканини барчамиз чуқур англаб олишимиз шарт”¹. Шу боис давлат хизматчиларининг касбий фазилатлари, лаёқатлари, қобилиятлари ва шахсий имкониятларидан оқилона фойдаланиш давлат ҳокимиятининг, давлат ҳокимияти ҳар бир бўғинининг ва ҳар бир хизматчининг юқори даражада самарадорлигини таъминлаш йўналишларидан бири ҳисобланади.

Кадрларни танлаб олиш жараёни таклиф этилган номзодлар муайян лавозимга яроқлилигини аниқлаш мақсадида уларни ўрганишдан иборат бўлади². У қуйидагиларни ўз ичига олади:

-
- ▶ номзодлар ҳақида ахборот йиғиш;
 - ▶ номзодларнинг зарур қобилиятларини баҳолаш ва уларнинг ҳар бирини тавсифлаш;
 - ▶ номзодларнинг қобилиятлари мажмуини уларга қўйиладиган талаблар билан солиштириш;
 - ▶ муайян лавозимга номзодларнинг тавсифларини таққослаш ва уларнинг орасидан энг муносибини танлаб олиш;

¹Каримов И.А. *Ўзбек халқи ҳеч кимга, ҳеч қачон қарам бўлмайди. 13-том.* –Т.: Ўзбекистон, 2005. Б.239.

²Саид-Ғазиева Н.Ш. *Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ислоҳ этиш масалалари.* –Т.: ТДҶОИ нашриёти. 2008. Б.81.

- ▶ номзодни лавозимга тайинлаш;
- ▶ мазкур ходим ўзига юклатилган вазифаларни қандай бажараётганини муайян давр мобайнида текшириш ва уни ушбу лавозимга тайинлашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарорлар қабул қилиш.

Ҳаракатларнинг бундай кетма-кетлиги ҳозирги давр талабларига мос келадиган кадрларни танлаб олиш жараёнининг зарур даражасини таъминлайди.

Давлат хизматчисининг асосий ҳуқуқ ва вазифалари унинг лавозими билан белгилаб берилади. Лавозим – давлат органи билан жисмоний шахс (ижрочи) ўртасидаги имкониятлар доирасини тақсимлаш учун белгиланадиган тоифа бўлиб, унда ҳуқуқ ва вазифалар, яъни, ваколатлар акс эттирилади.

Ғарб мамлакатларида хизматни ўташ кўпинча “хизмат мавқеи” (“карьерга қилиш”) деб аталади. Бироқ, хизмат лавозими бўйича кўтарилиш, биринчи навбатда, хизматчининг шахсий сифатлари (субъектив жиҳатлари): унинг тажриба ва малакаси, профессионал ва имкон даражаси ҳамда ушбу хизматга лаёқатлилиги билан белгиланиши лозим.

Шунингдек, хизмат лавозими бўйича кўтарилиш объектив жиҳатларга ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, давлат хизматчиларини рағбатлантириш борасидаги ҳуқуқий тартибга солиш сифатидан, хизмат бўйича мунтазам ҳаракатланиш, ўтказилиши лозим бўлган аттестациялардан ва ҳ.к.

Давлат хизматчилари томонидан ўз хизмат, бошқарув ва бошқа вазифаларининг бажарилиши хизмат ўташ жараёнининг мазмуни ҳисобланади. Аксарият давлат хизматчиларига хизмат ўташ давомида “хизмат пиллапояси” бўйича ҳаракатланишлар хос бўлиб қолган. Бунга улар, давлат маъмуриятидаги турли лавозимларда вақтинча вазифаларни бажариш натижасида эришадилар.

Ўзлаштирилиши зарур бўлган муҳим жиҳат шуки, давлат хизматини ўташ меҳнат фаолияти жараёни ҳисобланади. Давлат хизматини ўташ деганда, давлат хизматчисининг ҳуқуқий-хизмат мақомини тавсифлайдиган муайян юридик далиллар тушунилади, қуйидагилар шулар қаторидандир:

-
- ▶ давлат хизматидаги бўш лавозимни эгаллаш;
 - ▶ кадрлар захирасига ҳисобга олиш;
 - ▶ қайта тайёрлаш ва малака оширишга йўналтириш;
 - ▶ амалиётга жўнатиш.

Хизмат вазифаларини ижро этишда, ўзида юқори малакани, ташаббускорликни ва ижодий ёндашувни мужассамлаштирган ҳамда керакли даражадаги тайёргарлик ёрдамида юқори давлат мансабларига нисбатан қўйиладиган талабларга мос малакаларга эга бўлишга молик давлат хизматчилари кадрлар захирасига ҳисобга олинади.

Қайта тайёрлаш, малака ошириш ва турли қўринишдаги амалиёт ўтишдан мақсад, давлат хизматчилари томонидан назарий тайёргарлик натижасида олинган касбий билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш ва амалиётда мустаҳкамлаш.

Давлат хизматини ўташдаги асосий элементларидан яна бири – бу давлат хизматчиларининг **хизмат бўйича ҳаракатланиши**дир. Давлат хизматчиларининг хизмат бўйича ҳаракатланиши қуйидагича бўлиши мумкин¹:

¹Хожиев Э., Хожиев Т. Маъмурий ҳуқуқ. –Т.: “Фан ва технология”, 2008. Б.235.

-
- ▶ ходимнинг хизмат бўйича ҳаракатланиши мақсадида юқори лавозимни эгаллаши;
 - ▶ бир хил аҳамиятдаги лавозимни эгаллаши;
 - ▶ қуйи лавозимга ўтказилиши;
 - ▶ ўқишга кириши муносабати билан лавозимдан озод қилиш, шунингдек, ўқишни тамомлаганидан сўнг лавозимга тайинланиши.
-

Давлат хизматчисининг хизмат (лавозим, мансаб) бўйича ҳаракатланиши тегишли раҳбарнинг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Хизматни ўташ даврида давлат хизматчиси бошқа лавозимга ўтказилиши мумкин¹. Бунда у:

- ▶ юқори лавозимга;
 - ▶ тенг лавозимга (ўша давлат органи ёки бошқа органга);
 - ▶ давлат органининг кўчиб ўтиши муносабати билан бошқа ҳудудга;
 - ▶ қуйи лавозимга ўтказилиши мумкин.
-

Бошқа давлат лавозимига, шу жумладан, амалдагидан юқори лавозимга ўтказиш давлат хизматчиси розилиги билан амалга оширилади, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 95-моддасига биноан лавозимдан лавозимга вақтинча ўтказиш бундан истиснодир. Иш берувчининг ташаббуси билан ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиниши муносабати билан ходимни унинг розилигисиз вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади. Бундай ҳолда ходим соғлиғига тўғри келмайдиган бошқа ишга ўтказилиши мумкин эмас.

Давлат органларидаги хизмат, вақтинча қандай лавозимни бажарганлигидан қатъий назар, давлат хизмати стажига киритилади. Давлат хизмати стажи деганда, давлат хизматчисининг давлат органларидаги умумий хизмати даври тушунилади.

Давлат хизматчиси учун стажнинг ҳуқуқий моҳияти ўз хизмати вазифалари бўйича малакали мансабдор шахснинг барқарор хизмати зарурияти билан белгиланади. Бундай хизмат давлат томонидан рағбатлантирилади.

Давлат хизмати бўйича стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат меҳнат дафтарчаси ҳисобланади. Давлат хизмати стажини ҳисоблаш тартиби ҳамда унга тенглаштирилладиган фаолият даврлари қонунчилик томонидан белгилаб берилади.

¹Мирбобоев Б., Ҳусанов О., Беғматов А. *Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари*. "Академија" нашриёти, Тошкент, 2005 йил. Б.98.

4.3.

Давлат хизматида аттестация

Хизматчиларни аттестациядан ўтказиш кадрлар сиёсати ва давлат хизмати бошқарувининг демократик асосларини кенгайтиришда ҳуқуқий восита ҳисобланади, бундан ташқари, у давлат органларида шакллантирилиб, мақсад сари йўналтирилган ва башорат қилинадиган кадрлар сиёсатини таъминлаш воситаси ҳамдир.

Аттестация – давлат хизматининг ҳуқуқий институти сифатида қуйидагилардан иборат: ташкил этиш жараёнида шаклландиган муносабатларни мувофиқлаштирувчи ҳуқуқий меъёрлар мажмуи; давлат органлари ваколатларини таъминлаш ва амалга ошириш учун белгиланган вазифаларнинг давлат хизматчилари томонидан бажарилишини баҳолаш; фуқаролар хизмати кадрларидан истиқболда фойдаланиш тавсифномаси.

Давлат хизматини такомиллаштириш ва тартибга солиш хизматчиларни аттестациядан ўтказиш жараёни билан бевосита боғлиқдир. Давлат хизматини ўташда давлат хизматчиларининг аттестациядан ўтказиш ҳуқуқий институти катта аҳамиятга эга. Мазкур ҳуқуқий институтни тартибга солишга Ўзбекистон Республикасининг махсус қонуни мавжуд бўлмаса-да, бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалда кучга эга.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир қатор қарорлар қабул қилинган ҳамда аттестациядан ўтказиш тартиблари тўғрисидаги низомлар тегишли вазирлик ва кўмиталар томонидан тасдиқланган.

Ислохотлар даврида давлат хизматчиларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва аттестациядан ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда ходимларнинг касбий маҳоратга эга эканлиги, интеллектуал салоҳияти даражаси, киришимлилиқ сингари сифатлари давлат хизмати лавозимини эгаллаш учун кифоя қилмайди. Мамлакатда ислохотларга унинг муносабати ва шу ислохотларни чуқурлаштиришда бевосита иштирок этишга тайёргарлиги муҳим аҳамият касб этади.

Давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш ҳуқуқий институти давлат хизматини ташкил этиш, турли давлат органлари ваколатларини амалга ошириш ва таъминлаш бўйича вазифа ва мажбуриятларни бажариш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборатдир¹.

Тор маънода, аттестация хизматчиларнинг профессионал, ишчанлик ва шахсий хислатларига баҳо бериш, унинг хизмат-лавозим талабларига мос келишини текшириш мақсадида ўтказилади.

Аттестацияни киритишдан бирламчи мақсад, хизматчининг билим ва малакаси даражасини белгилаш бўлиб, улар хизматчига бирон-бир унвон ёки тоифа ва ҳ.к. белгилашда асосий шартлардан ҳисобланади².

Демак, давлат хизматчисини аттестациядан ўтказиш икки асосий вазифанинг моҳиятини очиб беради: биринчидан, хизматчини эгаллаган лавозимига лойиқ ёки лойиқ эмаслигини, яъни унинг профессионаллик тайёргарлигини аниқлаш; иккинчидан, навбатдаги малака даражасини бериш.

Кенг маънода, аттестация қуйидаги вазифаларни амалга оширади³:

¹Хожиев Э., Хожиев Т. Маъмурий ҳуқуқ. –Т.: “Фан ва технология”, 2008. Б.236.

²Адамович А.С. Государственная служба. Энциклопедический словарь. М.: Изд-во РАГС, 2008. С.34-35.

³Хожиев Э., Хожиев Т. Маъмурий ҳуқуқ. –Т.: “Фан ва технология”, 2008. Б.236.

-
- ▶ амалиётда давлат хизмати принципларига риоя этиш;
 - ▶ давлат хизмати тизимида қонунийликни таъминлаш;
 - ▶ давлат органларининг профессионал кадрлар мажмуасини ташкил этиш;
 - ▶ давлат хизматчисининг хизмат бўйича ҳаракатланиши мақсадида уларнинг потенциал имкониятларини аниқлаш;
 - ▶ давлат хизматчисига жавобгарлик чораларини қўллаш; интизомни ва жавобгарликни ошириш;
 - ▶ хизматчиларнинг хизмат пиллапояси бўйича ҳаракатланишини таъминлаш;
 - ▶ давлат хизмати мувозанатини таъминлаш;
 - ▶ давлат хизматчиларининг малакасини оширишни тартибга солиш;
 - ▶ давлат хизмати тизимида ҳуқуқбузарликларга ва коррупцияга қарши кураш, огоҳлантириш ва бошқалар.
-

Аттестация давлат хизматчиларининг касбий хислатларига баҳо беришдир. Давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш муҳим иқтисодий аҳамиятга эга бўлишдан ташқари, сиёсий жиҳатларга ҳам эга. Мамлакатимизда ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш сари йўл тутилгани, айниқса, Президент И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI асрга интиломда” номли маърузасида бу соҳа ислохотларининг устувор йўналиши сифатида баҳоланиши бошқарув кадрлари фаолиятини баҳолаш нақадар муҳимлигини кўрсатади. Чунки, жаҳон тажрибасида кўрсатилганидек, ислохотларни амалга ошириш бошқарув тизимини ислоҳ қилишдан бошланганда яхши натижа беради.

Аттестацияга тайёргарлик режа асосида олиб борилиши зарур бўлиб, бунда, биринчи ўринда, хизматчиларга аттестациянинг мақсад, вазифалари ва ўтиш тартиби тушунтириб берилади, сўнг аттестациядан ўтадиган хизматчилар доираси аниқлаб олинади. Аттестация ўтказиш мақсадида аттестация комиссияси тузилади, аттестация ўтказиш жадвали тасдиқланади ҳамда аттестация комиссияси учун зарур бўлган ҳужжатлар тайёрланади.

Аттестациядан барча давлат хизматчилари ўтиши шарт. Истиснони қуйидагилар ташкил этади:

-
- ▶ ушбу лавозимда бир йилдан кам муддат давомида ишлаётганлар;
 - ▶ ҳомиладор аёллар;
 - ▶ ҳомиладорлик ва туғруқ ҳамда уч ёшгача бўлган боланинг парвариши бўйича таътилга чиққан аёллар.
-

Аттестацияда иштирок этиш ҳар бир давлат хизматчисининг муҳим бурчи ва вазифасидир. Мазкур вазиятнинг ҳуқуқий томони шундаки, давлат хизматчилари мунтазам равишда белгиланган ташкилий-ҳуқуқий шаклда аттестациядан ўтишлари шарт. Аттестациядан ўтказиш қоидаларига бўйсуниб ва аттестация комиссиясининг тавсияларини бажариш ҳар бир давлат хизматчисининг юридик бурчидир.

Аттестациянинг мазмуни ва моҳияти унинг принципларида акс эттирилган. Улар давлат органларининг аттестацион тажрибасига асосланиб ишлаб чиқилади. Давлат хизматчиларининг аттестациялари куйидаги **асосий принципларга** таяниб шакллантирилади:

- ▶ аттестациянинг партиядан холилиги;
- ▶ аттестациянинг умумийлиги;
- ▶ ошкоралик;
- ▶ коллектив баҳолаш;
- ▶ аттестациянинг даврийлиги (тизимлилик);
- ▶ баҳолашнинг объективлиги;
- ▶ баҳолашнинг комплекс равишда амалга оширилиши;
- ▶ баҳолашнинг ва тавсияларнинг асосланганлиги;
- ▶ аттестация натижаларига кўра жавобгарлик ёки рағбатлантириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилишининг (аттестациянинг амалийлиги) мажбурийлиги.

Аттестациянинг партиядан холилиги давлат хизматчисининг мансаб вазифаларини баҳолашда бир тарафлама сиёсий ёндашувнинг йўқлигини англатади, зеро, сиёсий бетарафлик принципига асосан давлат хизмати вазифаларини бажаришда, у шахсий сиёсий манфаатларни кўзлаб эмас, балки муайян давлат масаласи бўйича оммавий эҳтиёжларни қондириш учун ишлаб чиқилган ягона давлат сиёсатидан келиб чиқиб иш тутишга мажбурдир.

Аттестациянинг умумийлиги унинг барча давлат органларида ўтказилишини англатади. Давлат хизмати лавозимларини эгаллаган барча шахслар аттестациядан ўтишлари шарт.

Ошкоралик принципи аттестация жараёнинг очиқ-ойдин ўтказилишини англатади. Бу принцип аттестацион материалларнинг ҳаммабплиги, баҳолашнинг демократиявийлиги, аттестациядан ўтаётган шахснинг касбий, шахсий ва маънавий сифатларини ҳамда унинг хизмат фаолиятини ҳар томонлама муҳокама этишнинг ошкоралиги билан тавсифланади. Аттестациядан ўтадиган хизматчига раҳбарият томонидан берилган тавсифнома билан танишиш ҳуқуқининг берилиши ҳам ошкоралиқдан далолатдир.

Мазкур тавсифнома бўйича у ўз эътирозларини билдириш ҳамда муайян давлат органи ёки унинг бўлинмаси фаолиятини яхшилаш борасидаги таклиф ва мулоҳазаларини тайёрлаб бериш имкониятига эга. Аттестация натижалари овоз бериш тугаши биланоқ очиқ эълон қилинади.

Баҳолашнинг жамоавийлиги аттестациянинг муҳим принципи саналади. Унинг моҳияти шундаки, биринчидан, аттестацияга оид ахборотни йиғиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, хизматчиларнинг касбий ҳамда маънавий сифатларини кўриб чиқиш ва баҳолаш жараёни юқори малакали ва нуфузли мутахассислар гуруҳи, яъни аттестация комиссияси томонидан амалга оширилади. Иккинчидан, баҳолашнинг жамоавийлиги, аттестациядан ўтаётган хизматчининг кучли ва заиф томонлари ҳақидаги самарали фикр алмашинуви имкониятини беради. Аттестация давомидаги ошкоралик, баҳолашнинг

жамоавийлиги ва кўпчилик фикрининг инобатга олиниши, давлат органлари хизматчиларини муҳим талабларни амалга ошириш учун шароит яратишда, шахсий эмас, балки жамоат манфаатларини кўзлашга йўналтиради.

Аттестациянинг даврийлиги (тизимлилиги) принципи – унинг меъёрий ҳужжатларда белгилаб берилган муайян вақт оралиғида мунтазам равишда ўтказиб борилишини англатади. Мазкур принципнинг амал қилиши ходимлар билан ишлаш тизими таркибидаги ташкилий-ҳуқуқий омиллар самарасига таъсир қилади. Бу принцип хизматчилар томонидан ўз вазифаларини ташқи омиллар, ўзгаришлар, сиёсий шароитлардан қатъий назар, белгиланган вақтда, лозим даражада бажаришларини таъминлаб беради.

Аттестация баҳоси объектив қўйилгандагина унинг мақсадга эришилганлигини қайд этиш мумкин.

Баҳолашнинг объективлиги принципи хизматчининг профессионал, ишбилармон, шахсий ва маънавий сифатлари амалда қай тарзда қўлланилганлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқирилишида ўз аксини топади.

Баҳолашнинг объективлиги аттестация давомида ҳар бир хизматчи фаолиятидаги аниқ далиллар (ютуқлар, камчиликлар, хатолар) ёритилишини англатади. Мазкур принципнинг асосий белгиси хизматчининг ишбилармон хатти-ҳаракатига нисбатан ҳолислиқдир.

Баҳолашнинг комплекс равишда амалга оширилиши принципи хизматчиларни ҳар томонлама, тўғри ва ҳолис баҳолашнинг кафолатлайди. Бунда хизматчининг иш фаолияти учта асосий йўналиш бўйича баҳоланади:

- 1) хизматчи фаолияти натижаларини баҳолаш;
- 2) бошқарув меҳнати жараёнини, лавозим доирасидаги вазифаларнинг бажарилишини баҳолаш;
- 3) хизматчининг шахсий фазилатларини баҳолаш.

Аттестация комиссиясининг баҳолаш ва тавсияларнинг асосланганлиги принципи энг асосий жиҳатлардан бири саналиб, бунда, берилган у ёки бу баҳони асослаб бериш – ходимнинг ҳақиқий таҳсинга лойиқ хизматларини акс эттиришдаги адолатлилиги, мақсадга мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини, шу билан бирга, мавжуд камчилик ва хатоларини акс эттириш демакдир.

Аттестациянинг қолган барча принципларини амалга ошириш даражаси ҳамда унинг ҳуқуқий моҳияти *амалийлик* принципи орқали белгиланади, яъни, бу ерда, аттестация натижаларига мувофиқ ташкилий-ҳуқуқий чораларнинг кўрилиши, маълум малака даражасининг берилиши, зарур вазиятларда эса, жавобгарлик ва рағбатлантириш чораларининг кўрилиши тушунилади.

Агар аттестация натижалари амалда эътиборсиз қолдирилиб, унга мувофиқ зарур ҳолларда рағбатлантириш чоралари кўрилмаса, унда хизматчи фаолиятини баҳолашнинг бу шакли ходимлар билан ишлаш тизимида юқори ўринни эгаллай олмайди. Аттестация комиссияси тавсияларининг бажарилишини кафолатланганлиги – аттестация ўз мақсадига етганлигидан далолатдир. Бундан ташқари, аттестацияни ўтказишдан яна бир мақсад – давлат, жамият ва хизматчилар манфаатларининг, сифатли ва самарали бошқарувни таъминлашдаги мутаносиблигига эришиш.

Аттестацияни хизматчининг лавозим бўйича ўсиши, хизматчи ва давлат органи ўртасидаги меҳнат шартномаси шартларини ўзгартириш воситаси сифатида кўриб чиқиш мумкин. Аттестация, нафақат давлат хизматини ўташнинг зарур босқичи сифатида тан олинган, балки, хизматчини мансаб пиллапоясидан ўсишига ундайдиган ва профессионал тайёргарлигини чарҳлаб, рағбатлантирувчи омил ҳамдир.

Аттестацияга тайёргарлик ишлари давлат органи раҳбари томонидан қуйидаги тартибларни ўз ичига қамраб олган тегишли ҳуқуқий ҳужжат (буйруқ, фармойиш)нинг қабул қилинишидан бошланади:

-
- ▶ аттестацион комиссияни шакллантириш;
 - ▶ аттестацияни ўтказиш тартибини тасдиқлаш;
 - ▶ аттестациядан ўтказиладиган хизматчилар рўйхатини тузиш;
 - ▶ аттестация комиссияси фаолияти учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаш.
-

Аттестацияни ўтказиш ҳақидаги ҳуқуқий ҳужжатда давлат органларининг тегишли бўлинмалари раҳбарлари олдига аттестациянинг тайёрланиши ва ўтказилишини таъминлаш бўйича масалалар қўйилади. Бу ҳужжатда аттестация жараёнининг аниқ муддатлари белгиланиб, ҳар бир хизмат лавозими учун алоҳида аттестациядан ўтиш графиги ва аттестация комиссиясининг таркиби тасдиқланади.

Давлат хизматчиси аттестация ҳақида олдиндан огоҳлантирилмоғи даркор, зеро, у, аттестация комиссияси томонидан ўз хизмат вазифаларига оид барча саволларга ўз вақтида тайёрланиб олиши лозим.

Аттестация комиссиясининг таркиби, ҳеч қандай манфаатлар зиддиятлари келиб чиқмайдиган ва аттестация натижаларига таъсир эта олмайдиган тарзда шакллантирилади.

Аттестация комиссияси раис, раис ўринбосари, котиб ва комиссия аъзоларидан иборат бўлади. Қарор қабул қилишда аттестация комиссиясининг барча аъзолари тенг ҳуқуққа эга бўлади. Аттестация комиссияси шаклланганлиги тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган кундан эътиборан, комиссия ўз ишини бошлайди. Мазкур фаолият аттестацияга тайёргарликдан бошланади. Тайёргарлик жараёнида аттестация комиссияси раиси комиссия аъзоларига вазифаларни тақсимлайди ва улар, ўз навбатида, аттестациядан ўтказиладиган хизматчиларнинг иш регламенти ва тавсифномалари билан танишиб чиқади.

Давлат хизматчисини аттестациядан ўтказишда, Аттестация комиссиясига унинг ўз лавозими доирасидаги вазифаларни бажарганлиги, бунда қонунчилик, хизмат ва ижро интизомига риоя қилганлиги ҳақидаги тавсифномаси тақдим этилади.

Аттестация комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар билан танишиб чиқади, аттестациядан ўтказилаётган хизматчи ҳамда зарурат туғилган ҳолларда унинг раҳбари эшитилади. Аттестациядан ўтказилаётган хизматчиларнинг касбий ва шахсий хислатларини муҳокама қилиш ҳолис ва белгиланган талаблар асосида амалга оширилиши лозим.

Одатда, аттестациядан ўтказилаётган ходимнинг хизмат юзасидан ва шахсий фазилатларини аниқлаш мақсадида суҳбат ўтказилади. Айрим ҳолатларда у тест қўринишида ҳам ўтиши мумкин.

Аттестация комиссияси йиғилишининг баённомаси аттестация жараёни ва натижалари ҳақидаги ахборотга эга асосий ҳужжат ҳисобланади. Баённоманинг юритуви белгиланган тартибда комиссия котиби томонидан олиб борилади. Унда қуйидагилар қайд этилади:

-
- ▶ комиссия йиғилиши санаси;
 - ▶ иштирок этган комиссия аъзолари;
 - ▶ аттестациядан ўтказилаётган хизматчининг исми, фамилияси, отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими.
-

Комиссия йиғилиши баённомасига аттестация давомида хизматчига берилган саволлар ва унинг жавоблари, тегишли қайдлар ҳам киритилади. Бундан ташқари баённомада аттестациядан ўтаётган хизматчига берилган баҳо ва унинг фаолияти юзасидан овоз бериш натижалари ҳамда аттестация

комиссиясининг унга тавсиялари ҳам акс эттирилиши шарт. Расмийлаштирилган баённомани раис, унинг ўринбосари, котиб ва йиғилишда иштирок этган аттестация комиссияси аъзолари имзолайдилар. Имзоланган баённомага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тақиқланади. Шунингдек, у хатосиз ёзилган бўлиши лозим.

Хизматчининг хизмат фаолиятига баҳо бериш – эгаллаган лавозими бўйича қўйилган талабларга лойиқ келиши, тегишли давлат органи олдида қўйилган вазифаларнинг бажарилишида унинг иштироки, у томонидан амалга ошириладиган иш фаолиятининг натижаларига асосланади.

Аттестация натижаларига кўра давлат хизматчиларига қуйидаги уч турдаги баҳо берилиши мумкин:

- ▶ эгаллаган давлат лавозимига лойиқлиги;
- ▶ хизмат фаолияти юзасидан аттестация комиссияси кўрсатмаларини бажарган тақдирда, эгаллаган лавозимига лойиқлиги;
- ▶ эгаллаган давлат лавозимига лойиқ эмаслиги.

Агар давлат хизматчиси эгаллаб турган давлат лавозимига нолайиқ деб топилган бўлса, у малакасини оширишга ёки қайта тайёрланишга ёхуд бошқа давлат лавозимига ўтказилиши мумкин.

Аттестация комиссиясининг қарори якуний юридик ҳужжат ҳисобланиб, унда давлат хизматчисини аттестациядан ўтказилиши натижалари ва қарорлари акс эттирилади. Зеро, аттестация комиссиясининг қарори аниқ ва юридик томондан асосланган бўлмоғи даркор, акс ҳолда, аттестациядан кўзланган натижага эришилмайди.

Аттестация натижалари овоз бериш ишлари якунлангандан сўнг аттестациядан ўтаётган хизматчига эълон қилинади. Аттестация натижаларига кўра, давлат хизматчиси судга ёки бошқа тегишли давлат органларига мурожаат этишга ҳақли. Аттестация натижалари давлат хизматчисининг шахсий варақасида сақланиши лозим. Хизматчининг шахсий варақаси тегишли давлат органининг кадрлар бўлими томонидан олиб борилади.

4.4. Давлат хизматида рағбатлантириш асослари ва турлари

Давлат хизматини ўташ жараёнида хизмат интизомининг моҳияти алоҳида эътибор касб этади. У давлат хизматчиларининг хизматдаги феъл-атворлари ва касбий хизмат фаолиятларининг негизи ҳисобланиб, умуман, давлат хизматини муваффақиятли ўташ учун зарурий шартлардандир¹.

¹Черепанов В.В. Основы государственной службы и кадровой политики. Изд-во Юнити, Москва, 2012. С.228.

Давлат хизмати соҳасида давлат хизматчиларини **рағбатлантириш** алоҳида ўринни эгаллайди. Рағбатлантириш деганда, субъектнинг (мансабдор шахс ёки орган), унинг бошқаруви остида фаолият юритаётган хизматчи эҳтиёжлари, манфаатлари, онги, иродаси, амалдаги хатти-ҳаракатига бевосита таъсирири англатади. Рағбатлантириш орқали ходимларнинг интизоми, меҳнат самарадорлиги яхшиланиб, ташаббускорлиги ва масъулияти тарбияланади.

Давлат хизматчиларини рағбатлантириш деганда – улар томонидан хизмат вазифаларини бажаришга бўлган иштиёқни кучайтиришга ва натижада давлат хизматининг самарадорлигини оширишга қаратилган ҳамда давлат томонидан қонун ҳужжатлари билан белгиланган чораларнинг қўлланилиши орқали давлат хизматчилари фаолиятининг юқори баҳоланиши тушунилади¹.

Рус олими Д.М.Овсянконинг фикрича, рағбатлантириш давлат хизматчилари томонидан ўз мансаб мажбуриятларини виждонан ва муваффақиятли бажариши, узоқ муддатли хизмати, муҳим ва алоҳида муҳим вазифаларни бажаргани учун қўлланилади. Рағбатлантириш – давлат хизматчиларини тарбиялашнинг ҳамда хизмат интизомини мустаҳкамлашнинг асосий воситаларидан биридир².

Рағбатлантириш ҳамма вақт ҳуқуқий асосланган бўлади. У ўз вақтида, объектив ва маълум бир аҳамиятли бўлиши керак. Рағбатлантириш шундай қўлланилиши лозимки, у бошқарув ишининг юқори натижаларига эришиш воситаси (стимули)га айланиши лозим.

Давлат хизматчиларига нисбатан рағбатлантириш чораларини қўллаш бундай чорани қўллаш ҳуқуқига эга бўлган орган ёки раҳбар томонидан амалга оширилади. Бунда улар қонунчиликда белгиланган тартибда ва ваколат доирасида рағбатлантириш чораларини қўллашлари мумкин.

Рағбатлантириш индивидуал ёки коллектив, мазмунига кўра эса – моддий, маънавий ёки аралаш бўлиши мумкин.

Рағбатлантириш ва мукофотлаш – давлат хизматчисининг хизматида лойиқлигини давлат ва жамоа томонидан эътироф этилиши, унга ҳурмат ва эътибор кўрсатилиши шакли ҳисобланади. Рағбатлантириш, одатда, давлат хизматчисига бериладиган пул ажратмалари кўринишида бўлади. Мукофотлаш, асосан, маънавий характерга эга бўлади (орден, медаль, фахрий ёрлик).

Давлат хизматчиси ўзининг бенуқсон ва самарали давлат хизмати учун рағбатлантирилиши ва мукофотланиши, унга юклатилган вазифаларни сўзсиз бажарганлигини англатади. Давлат хизматчиси меҳнатини баҳолаш, асосан, раҳбарнинг фикрига боғлиқ бўлади.

Давлат хизматчиларини рағбатлантириш учун қуйидагилар асос бўлиб хизмат қилади:

-
- ▶ ўз олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажариш;
 - ▶ вазифа ва кўрсатмаларни муддатидан олдин бажариш;
 - ▶ хизматчининг ташаббускорлиги;
 - ▶ вазифаларни виждонан бажариши ва интизомлилиги.
-

Давлат хизматчиларини рағбатлантириш институтини асосан иккита таркибий қисмга бўлиб ўрганиш мумкин:

-
- 1) имтиёзлар;
-

¹Мирбобоев Б., Ҳусанов О., Бегматов А. Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари. “Академија” нашриёти, Тошкент, 2005 йил. Б.108.

²Административное право. Учебник под ред. Ю.М.Козлова, Л.Л.Попова. Москва, Юристъ, 2000, с.227.

2) рағбатлантириш чоралари.

Имтиёзлар, қоидага кўра, у ёки бу категориядаги давлат хизматчилари учун қонунлар билан белгиланади. Масалан, кўп йил ишлаганлик учун, малака даражалари ёки махсус унвонлар учун устама ҳақларнинг белгиланиши, ҳарбий хизматчиларни, ички ишлар органлари ходимларини даромад солиғи тўлашдан озод қилиниши шулар жумласидандир.

Рағбатлантириш чоралари хизмат вазифаларини виждонан бажарган, хизмат фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришган, кўп йиллар давомида фидокорона меҳнат қилган, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этган, алоҳида муҳим ва мураккаб топшириқларни бажарган давлат хизматчиларига нисбатан қўлланилиши мумкин.

Рағбатлантириш чоралари умумий ёки махсус бўлади.

Умумий рағбатлантириш чоралари қонунлар билан белгиланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 180-моддасига мувофиқ ишдаги ютуқлар учун ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин. Рағбатлантириш турлари, уларнинг қўлланиш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш жамоа шартномалари, ички меҳнат тартиби қоидалари ва бошқа ички ҳужжатларда, жамоа келишувларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда белгилаб қўйилади.

Иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва меҳнат ҳақи тизимида назарда тутилган бошқа тўловлар рағбатлантириш турларига кирмайди.

Интизомий жазо амал қилиб турган муддат мобайнида (183-модда) ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилмайди.

Ходимлар меҳнат соҳасида давлат ва жамият олдидаги алоҳида хизматлари учун давлат мукофотларига тақдим этилиши мумкин. Давлат хизматчиларига нисбатан орден ва медаллар билан мукофотлаш, малакавий ва фахрий унвонлар бериш, давлат мукофотлари бериш каби рағбатлантириш чоралари ҳам қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 21-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлаш, Ўзбекистон Республикасининг малакавий ва фахрий унвонларини бериш Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатига берилган.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонуни¹ билан тартибга солинади.

Давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 78-моддасининг 12-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига киритилган.

Давлат мукофотлари билан тақдирланган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлардан фойдаланадилар ҳамда бир марта бериладиган пул мукофоти ёки қимматбаҳо эсдалик совғани оладилар.

Махсус рағбатлантириш чоралари алоҳида категория давлат хизматчиларининг ҳуқуқий ҳолатини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланади. Масалан, ҳарбий хизматчиларнинг уставларида, ички ишлар органлари ходимларининг уставларида ва шу кабиларда. Давлат хизматчисига малака даражасини ёки махсус унвонни муддатидан илгари бериш, юқори лавозимга ишга ўтказиш шулар жумласига киради.

Умуман олганда, рағбатлантириш давлат хизматчисининг фаолиятини юқори баҳолашнинг расмий тасдиғи бўлибгина қолмай, айни вақтда давлат хизматчиларининг, улар орқали давлат органининг фаолияти самарадорлигини оширади.

¹Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 266-модда.

4.5.

Давлат хизматида жавобгарлик

Давлат хизматининг муҳим тамойилларидан бири – қонунийлик ҳисобланади. Давлат хизматчилари ўз фаолиятини қонунга ва улар асосидаги норматив ҳужжатларга биноан олиб боради.

1996 йилнинг 12 декабрида БМТ Бош Ассамблеясининг 82-ялпи мажлисида қабул қилинган Давлат хизматидаги мансабдор шахслар хулқ-атворининг Халқаро Кодексига биноан, давлат лавозими давлат томонидан ишонч билдирилиб, давлат манфаатига қаратилган фаолиятни назарда тутувчи лавозимдир. Шу сабабдан, давлат хизматидаги мансабдор шахслар ўз мамлакатининг ҳокимият демократик институтлари вакиллигидаги давлат манфаатларига мутлақ содиқликни намоён этишлари лозим. Бу, ўз навбатда, давлат хизматчисини ўз вазифаларини ваколатли ва самарали, қонунга мувофиқ равишда, сидқидилдан бажаришга масъул этади.

Давлат хизматчиларининг юридик жавобгарлиги деганда хизматчиларнинг қонунга хилоф қилмишига нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган у ёки бу турдаги жазо чораларини қўллаш тушунилади¹.

Жавобгарлик қонун талаблари бажарилмаганда, хизмат интизомини бузганда, хизмат вазифалари бажарилмаганида ёки лозим даражада бажарилмаганида ёхуд совуққонлик билан қаралганда, давлатга, жамоат бирлашмаларига моддий зарар етказилганда, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганда вужудга келиши мумкин. Бу жавобгарликнинг субъекти давлат хизматчиси бўлади.

Давлат хизматчиларининг жавобгарлиги принципи Конституцияда ҳам акс этган. Конституциянинг 2-моддасидаги “Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”, 15-моддасида мансабдор шахсларнинг қонунларга мувофиқ иш кўришининг белгиланиши ҳам жавобгарликнинг Конституциявий асосидир.

Давлат хизматчилари жавобгарлигининг асосларидан бири – бу фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилишига олиб келадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасига биноан ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга².

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг судга шикоят қилишга лойиқ коллегиял ёки яқка тартибдаги хатти-ҳаракатлари (қарорлари) жумласига:

- ▶ фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузган;
- ▶ фуқаронинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришига монелик туғдирган;
- ▶ фуқаро зиммасига қонунга хилоф равишда қандайдир мажбурият юклатилишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) киради.

¹Хожиев Э., Хожиев Т. Маъмурий ҳуқуқ. –Т.: “Фан ва технология”, 2008. Б.241.

²Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996. №9.

Мамлакатимиз қонунчилигида давлат хизматчиларига нисбатан интизомий, маъмурий, жиноий ва моддий жавобгарлик белгиланиши назарда тутилган.

Интизомий жавобгарлик. Демократик жамият ва ҳуқуқий давлат, шаклланаётган бозор иқтисодиёти, барча соҳаларда давлат интизомини, хизмат интизомини юқори даражада бўлишини тақазо этади.

Давлат хизматчиларининг асосий мажбуриятларидан бири – давлат интизомини мустаҳкамлаш ва белгиланган интизомга қатъий риоя қилиш ҳисобланади.

Интизомий жавобгарлик қоидаларини белгилловчи асосий ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси ҳисобланади, унга асосан ички меҳнат тартиби қоидалари белгиланади.

Интизомий жавобгарлик давлат хизматчисини шу лавозимга тайинлаган, ёки шундай ваколатга эга орган ёки раҳбар томонидан қўлланилади.

Меҳнат интизоми ҳалол меҳнат учун рағбатлантириш ва мукофотлаш усуллари билан нормал тарзда ишлашга зарур ташкилий ва иқтисодий шароитларни яратиб бериш, интизомсиз хизматчиларга нисбатан жазо чораларини қўллаш орқали таъминланади.

Давлат хизматчиси ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиши, иш берувчининг мол-мулкини авайлаб асраши шарт.

Ўз навбатида давлат органи (ташкilot) эса хизматчилар меҳнатини ташкил қилиши, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериши, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиши, меҳнат шароитларини яхшилаб бориши шарт.

Ҳар бир хизматчи ўзига юклатилган меҳнат вазифалари доираси билан олдиндан таништирилади. Давлат органи (ташкilot) хизматчининг меҳнат вазифалари доирасига кирмайдиган ишларни бажаришни, қонунга хилоф ёки хизматчи ва бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавф туғдирувчи, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар қилишни талаб этишга ҳақли эмас.

Раҳбар давлат хизматчисини интизомий жавобгарликка тортишга ҳақли, лекин мажбур эмас, у огоҳлантириш ёки суҳбат билан чегараланиши мумкин.

Хизматчига меҳнат интизомини бузганлиги учун ваколатли орган ёки раҳбар томонидан қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

-
- ▶ хайфсан;
 - ▶ ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида жарима (ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин).
 - ▶ меҳнат шартномасини бекор қилиш.
-

Раҳбар интизомий жазо қўллашдан аввал хизматчидан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиши лозим. Тушунтириш хати хизматчига вужудга келган ҳолат юзасидан ўз фикрини баён қилиш, ўз хизмат вазифаларини бажармаганлик ёки тўлиқ бажара олмаганлигининг сабабларни келтириш имконини беради. Хизматчи учун бу қўшимча кафолат ҳисобланади. Хизматчи бундай сабабни келтиришдан бош тортган ҳолатда, далолатнома тузилади. Хизматчининг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг содир қилган ноҳўя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

Раҳбарнинг интизомий жавобгарликка тортиш вақтида инobatга олинадиган далил ва исботлар хизмат текшируви жараёнида аниқланиши мумкин. Мазкур текширув, вужудга келган ҳолатнинг объектив ўрганилишидан хизматчи манфаатдор бўлганда, унинг ёзма мурожаатига ёки ишга ёлланаётганнинг вакили қарорига биноан ўтказилади.

Ўтказилган хизмат текшируви натижаларига асосан раҳбар айбдор бўлган давлат хизматчисига нисбатан интизомий жазо белгилади. Бунда раҳбар қуйидагиларни инобатга олиши лозим:

- ▶ хизматчи томонидан содир этилган интизом бузилишининг оғирлиги;
- ▶ хизматчи томонидан интизомни бузиш содир этилган ҳолатдаги айбдорлик даражаси;
- ▶ давлат хизматчисининг ўз вазифаларини бажаришдаги аввалги натижалари;
- ▶ хизматчининг олдинги иши ва хулқ-атвори.

Ҳар бир ноҳўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланиши мумкин.

Интизомий жазо бевосита ноҳўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, хизматчининг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади.

Ноҳўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб олти ой ўтганидан, молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда эса, содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтганидан кейин жазони қўллаб бўлмайди. Жиноий иш бўйича иш юритилган давр бу муддатга кирмайди.

Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ёки қарор ҳақида хизматчига маълум қилиниб, тилхат олинади. Агар ходим имзо қўйишдан бош тортса, бу ҳолат махсус далолатнома билан тасдиқланади.

Интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан бошлаб (меҳнат шартномасини бекор қилиш жазосидан ташқари) бир йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар хизматчи шу муддат ичида яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади. Интизомий жазони қўллаган орган ёки раҳбар ўз ташаббуси билан, хизматчининг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки хизматчининг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли.

Агар хизматчи томонидан ўз вазифаларини бажармаслик ёки талаб даражасида бажармаслик давом эттирилса, раҳбар унга нисбатан аввалгисини олиб ташламасдан туриб, янги интизомий жазо чораларни қўллашга ҳақли.

Интизомий жазо устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Меҳнат низосини кўриб чиқаётган орган содир этилган ноҳўя хатти-ҳаракат қандай вазиятда юз берганлигини, хизматчининг олдинги хулқ-атворини, меҳнатга бўлган муносабатини, интизомий жазонинг содир этилган ноҳўя хатти-ҳаракатнинг оғирлик даражасига қанчалик мос келишини, иш берувчининг интизомий жазо бериш тартибига риоя қилганлигини ҳисобга олиб, хизматчига нисбатан қўлланилган интизомий жазони ғайриқонуний деб топиш ва уни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

Маъмурий жавобгарлик. Ўзбекистон Республикасининг қонунларига биноан маъмурий ноҳўя хатти-ҳаракат (ҳуқуқбузарлик) учун нафақат фуқаролар, балки мансабдор шахслар (давлат хизматчилари) ҳам жавобгарликка тортилади.

Давлат хизматчилари маъмурий жавобгарлигининг ҳуқуқий асоси – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ўрнатилган умумий мажбурий қоидаларни бузиш, яъни маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш ҳисобланади. Жумладан Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги қонуни билан тасдиқланган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 10-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарликка тортиш назарда тутилган шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, тиббий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади. Башарти бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жиноий жавобгарликка тортиш сабаб бўлмаган тақдирда амалга оширилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 15-моддасига биноан мулк шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотда муайян мансабни эгаллаб турган шахс, башарти унга раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текширув-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган вазифалар юклатилган бўлса, мансабдор шахс деб ҳисобланади.

Мансабдор шахсларнинг ҳаммаси ҳам давлат хизматчиси ҳисобланмайди. Давлат хизматчиси – маъмурий жавобгарликнинг субъекти бўлиши учун, албатта, давлат ташкилотида давлатнинг маълум бир лавозим (мансаб)ни эгаллаган бўлиши, давлатнинг вазифа ва функцияларини амалга ошириши ҳамда давлат хизмат фаолияти билан боғлиқ равишда маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган бўлиши керак¹.

Қоида тариқасида, давлат хизматчилари (мансабдор шахслар) маъмурий жавобгарликнинг махсус субъекти ҳисобланади.

Мансабдор шахслар бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, табиий муҳитни, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга ва бажарилишини таъминлаш ўз хизмат вазифаларига кирадиган бошқа қоидаларга риоя этмаганлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим.

Ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар маъмурий жавобгарлик масалалари алоҳида категория сифатида, бошқа тартибда ҳал қилинади, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 16-моддасига биноан улар маъмурий ҳуқуқбузарлик учун интизом уставларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 23-моддасига биноан эса маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги **маъмурий жазо чоралари** қўлланилиши мумкин:

-
- ▶ жарима;
 - ▶ маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;
 - ▶ маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;
 - ▶ муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;
 - ▶ маъмурий қамоққа олиш.
-

Давлат хизматчиларининг интизомий жавобгарлигини давлат хизматчиларининг маъмурий жавобгарлигидан фарқлай олиш лозим. Юқорида кўриб чиққанамиздек, давлат хизматчиларининг интизомий жавобгарлиги мансаб ноҳўя хатти-ҳаракати оқибатида юзага келади. Маъмурий жавобгарлик эса маъмурий ноҳўя хатти-ҳаракат учун, яъни ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан ўрнатилган умуммажбурий қоидалар (масалан, йўл ҳаракати қоидаларини, техника хавфсизлиги қоидалари, ёнғинга қарши қоидалар)ни бузганлик учун қўлланилади. Интизомий жавобгарлик, одатда, давлат органи раҳбари томонидан қўлланилса, маъмурий жавобгарлик ваколатли давлат бошқаруви органлари ва мансабдор шахслари томонидан қўлланилади. Интизомий жавобгарликни қўллашда бўйсунувлик мавжуд бўлса, маъмурий жавобгарликни қўллашда айбдор шахснинг жавобгарликни қўлловчи орган ёки мансабдор шахсга бўйсунуши шарт эмас.

¹Мирбобоев Б., Ҳусанов О., Беғматов А. *Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари*. "Академија" нашриёти, Тошкент, 2005 йил. Б.117.

Айрим ҳолларда ҳуқуқбузарлик интизомий ножўя хатти-ҳаракатнинг ҳам, маъмурий ножўя хатти-ҳаракатнинг ҳам белгиларини ўзида ифода этган бўлиши мумкин ҳамда бу ҳуқуқбузарлик икки турдаги жавобгарликни юзага келтиради. Масалан, мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши интизомий жавобгарликни ва маъмурий жавобгарликни қўллашга асос бўлади.

Жиноий жавобгарлик. Ўзбекистон Республикасининг 22 сентябрь 1994 йилда тасдиқланган Жиноят кодекси¹нинг 14-моддасига биноан Жиноят кодекси билан тасдиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади. Ушбу Кодекс билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб қаралади.

Жиноят содир этилганликда айбдор давлат хизматчилари ҳам, фуқаролар каби, суд ҳукмига мувофиқ жиноий жазога тортилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг “Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар” бўлимининг 15-бобида бошқарув тартибига қарши жиноятлар акс этган бўлиб, давлат хизматчиларининг жиноий жавобгарлиги асосан: ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмом қилиш (205-модда); ҳокимият ёки мансабдор ваколати доирасидан четга чиқиш (206-модда); мансабга совуққонлик билан қараш (207-модда); ҳокимият ҳаракатсизлиги (208-модда); мансаб сохтакорлиги (209-модда); пора олиш (210-модда); пора бериш (211-модда); пора олиш беришда воситачилик қилиш (212-модда) ва бошқалардан юзага келади.

Жиноятларни айримларигина фақат давлат хизматчиси, яъни мансабдор шахс томонидан содир этилади. Бу ҳақда жиноят қонуни моддаларида аниқ кўрсатилган масалан: 193, 194, 195, 205, 206, 207, 208, 209, 210-моддалари давлат хизматини амалга ошириш фаолиятдан келиб чиқади, бу жиноятларда давлат хизматчиси бўлмаганлар айбланмайди, яъни бу жиноятлар субъекти фақат мансабдор шахслар бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси “**мансабдор шахс**” тушунчасига қуйидагича таъриф беради: мансабдор шахс – “ташкилий - бошқарув ёки маъмурий-хўжалик ваколатлари берилган ва масъул мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс”.

Масъул мансабдор шахс сифатида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси қуйидагиларни эътироф этган:

- 1) ҳокимият вакиллари;
- 2) давлат корхонаси, муассасаси ёки ташкилотларида сайлаш ёки тайинлаш бўйича доимий ёхуд вақтинча ташкилий бошқарув ёхуд маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаб турган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслар;
- 3) мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, давлат бошқаруви юзасидан белгиланган тартибда ҳокимият ваколати берилган жамоатчилик вакиллари;
- 4) иккинчи бандда назарда тутилган вазифаларни фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида бажариш билан боғлиқ мансабларни эгалловчи шахслар.

¹“Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси”, 1995 йил, 1-сон, 3-модда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43-моддасида назарда тутилган қуйидаги **жазо чоралари** қўлланилиши мумкин:

- а) жарима;
- б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- в) ахлоқ тузатиш ишлари;
- г) хизмат бўйича чеклаш;
- д) қамоқ;
- е) интизомий қисмга жўнатиш;
- ж) озодликдан маҳрум қилиш;
- з) умрбод озодликдан маҳрум қилиш.

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкин.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Давлат хизматчиларининг моддий жавобгарлиги. Давлат хизматчисига нисбатан фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик, унинг ўз хизмат вазифаларини бажармаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги натижасида давлат органи ёки учинчи шахс мулкига етказилган зиёни учун белгиланади. Унга кўра, хизматчи етказилган зарарни қоплаб беришга мажбурдир.

Зарар деганда, жабрланувчи субъект – давлат органи ёки учинчи шахснинг мулкӣ ёки молиявий талафотлари кўринишида намоён бўладиган моддий зарар тушунилади. Моддий зарарни қоплаш – фуқаролик ҳуқуқларни ҳимоя этиш турларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматчиларининг моддий жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 185-моддасига биноан меҳнат шартномасининг бир тарафи (иш берувчи ёки ходим) меҳнат соҳасидаги вазифаларни бажариши муносабати билан бошқа тарафга етказган зарарини Меҳнат кодекси ва меҳнат тўғрисидаги бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қоидаларга мувофиқ қоплайди.

Меҳнат шартномаси ёки унга қўшимча равишда тузилган ёзма шаклдаги келишувда, шунингдек, жамоа шартномасида меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги аниқлаштириб қўйилиши мумкин. Бунда шартнома бўйича иш берувчининг ходим олдидаги жавобгарлиги Меҳнат Кодексида назарда тутилганидан кам, ходимнинг иш берувчи олдидаги жавобгарлиги эса назарда тутилганидан кўп бўлмаслиги керак.

Зарар етказилганидан кейин меҳнатга оид муносабатларнинг бекор қилинганлиги меҳнат шартномаси тарафларини моддий жавобгарликдан озод қилишга сабаб бўлмайди.

Меҳнат шартномасининг бир тарафи ўзининг ғайриҳуқуқий айбли ҳулқ-атвори (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) натижасида бошқа тарафга етказган зарари учун, башарти Меҳнат Кодексида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, моддий жавобгар бўлади.

Тарафларнинг ҳар бири ўзига етказилган моддий зарарнинг миқдорини исботлаб бериши шарт.

Ўз меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ёки меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этилганлиги натижасида ходимга, боқувчиси иш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса, унинг оила аъзолари ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда белгиланган миқдорда қопланади. Маънавий зарарни қоплаш юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, бу масала судда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 198-моддасига асосан ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарарни тўлаши шарт.

Бевосита етказилган ҳақиқий зарар деганда иш берувчининг мавжуд мол-мулки (шу жумладан иш берувчи учинчи шахслардан ижарага олган мол-мулк) амалда камайганлиги ёки ёмон ҳолатга келганлиги, шунингдек, иш берувчининг ортиқча тўловлар қилиш зарурати тушунилади.

Ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарар учун ҳам, иш берувчи бошқа шахсларга етказилган зарарни тўлаши натижасида келиб чиққан зарар учун ҳам моддий жавобгар бўлади.

Агар зарар, уни бартараф этиш мумкин бўлмаган кучлар, нормал хўжалик таваккалчилиги оқибатида, охири зарурат ёки зарурий мудофаа натижасида келиб чиққан бўлса, ходимнинг моддий жавобгарлиги истисно этилади.

Иш берувчи зарар етказилган чоғдаги аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб, айбдор ходимдан зарарни ундиришдан қисман ёки тўлиқ воз кечишга ҳақли. Давлат мулки шаклидаги корхоналарда ана шундай қарор, агар у жамоа шартномасида назарда тутилган бўлса, қабул қилиниши мумкин. Бундай ҳолда етказилган зарар корхона фойдаси ҳисобидан қoplanadi.

Агар Меҳнат кодексда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, ходим етказилган зарар учун ўзининг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори доирасида моддий жавобгар бўлади.

Етказилган зарар учун куйидаги ҳолларда ходимга тўлиқ моддий жавобгарлик юклатилади:

- 1) махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун;
- 2) бир марталик ҳужжат асосида олинган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун;
- 3) қасддан зарар етказилганда;
- 4) спиртли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида зарар етказилганда;
- 5) ходимнинг суд ҳукми билан аниқланган жиноий ҳаракатлари натижасида зарар етказилганда;
- 6) тижорат сирлари ошкор этилганда;
- 7) қонунларда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда.

Бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилаётган ходим махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади. Пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилиш хизмат вазифасига кирмайдиган ходим билан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида тузилган шартнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиладиган ходимларнинг тоифалари рўйхати жамоа шартномасида белгилаб қўйилади, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи билан касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган, жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин бўлган бўлинмаларнинг рўйхати ҳам худди шундай тартибда белгиланади.

Агар ходим талабгор бўлаётган иш (лавозим) тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузишни талаб қилса, ходим эса бундай шартнома тузишга рози бўлмаса, иш берувчи уни ишга қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

Якка тартибдаги тўлиқ ёки жамоанинг тўлиқ моддий жавобгарлиги тўғрисидаги шартномада меҳнат шартномаси тарафларининг ходимга, жамоага ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини

таъминлаш бўйича вазифалари аниқ кўрсатилади ҳамда уларнинг қўшимча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги белгилаб қўйилади.

Якка тартибдаги тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақидаги шартномага биноан қимматликлар уларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун шахсан жавобгар бўладиган аниқ бир ходимга топширилади. Бундай шартнома тузган ходим жавобгарликдан озод бўлиш учун ўзининг айби йўқлигини исботлаб бериши керак.

Зарар ихтиёрий равишда тўланганда (206-модда) бригада ҳар бир аъзосининг айби даражаси бригаданинг барча аъзолари билан иш берувчи ўртасидаги келишувга асосан белгиланади. Зарар суд тартибида ундирилганда жамоа ҳар бир аъзосининг айби даражаси суд томонидан аниқланади.

Қимматликларга оид хизмат (сақлаш, сотиш, ташиш, қайта ишлаш) билан шуғулланувчи корхоналарда иш берувчи билан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан таҳлика (таваккалчилик) жамғармаси тузилиши мумкин, камомадларни шу жамғарма ҳисобидан қоплашга йўл қўйилади.

Иш берувчи зарарни муайян ходимлардан ундириш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин етказилган зарар миқдорини белгилаш ва унинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш мақсадида текшириш ўтказиши шарт. Бундай текшириш ўтказилиши учун иш берувчи тегишли мутахассислар иштирокида комиссия тузишга ҳақли.

Зарарнинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш учун ходимдан тушунтириш хати талаб қилиниши шарт. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бўйин товлаши иш берувчи уни етказилган зарар учун моддий жавобгарликка тортишига моне бўла олмайди. Ходим барча текшириш материаллари билан танишиш ҳуқуқига эга.

Иш берувчига етказилган зарар миқдори ҳақиқий йўқотишлар бўйича бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида белгиланади.

Иш берувчининг асосий фондларга (воситаларга) тааллуқли мол-мулкига етказилган зарар миқдори моддий қимматликларнинг баланс қийматидан (тан нархидан) эскириш қийматини белгиланган нормалар бўйича чегириб ташлаган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Иш берувчининг асосий воситаларга тааллуқли мол-мулки талон-торож қилинган, камомад бўлган, қасддан йўқ қилинган ёки қасддан бузилган тақдирда, шунингдек бошқа ҳолларда зарар миқдори ваколатли орган томонидан иш кўрилган куни шу жойда амалда бўлган бозор нархлари бўйича ҳисобланади.

Мол-мулкнинг ва бошқа қимматликларнинг айрим турларини талон-торож қилиш, камомад ёки йўқ қилиш билан иш берувчига етказилган зарарнинг ҳақиқий миқдори унинг номинал миқдоридан ошиб кетган ҳолларда бундай зарар миқдорини аниқлашнинг, шу жумладан қарралаш йўли билан ҳисоблаб чиқишнинг алоҳида тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилиши мумкин.

Иш берувчига зарар етказишда айбдор бўлган ходим уни ихтиёрий равишда қисман ёки тўлиқ тўлашга ҳақли.

Зарарни ихтиёрий равишда тўлаш Меҳнат Кодексида назарда тутилган доирада амалга оширилади.

Ходим ва иш берувчининг келишувига биноан зарарни тўлаш муддати кечиктириб қопланишига йўл қўйилади. Бундай ҳолда ходим иш берувчига тўлов муддатларини аниқ кўрсатиб зарарни қоплаш ҳақида ёзма мажбурият беради. Агар зарарни ихтиёрий равишда тўлаш ҳақида ёзма мажбурият берган ходим меҳнатга оид муносабатларни бекор қилса ва зарарни тўлашдан бўйин товласа, қарзнинг узилмай қолган қисми нотариал идораларнинг ижро ҳужжатлари асосида ундирилади.

Иш берувчининг розилиги билан ходим етказилган зарарни қоплаш учун унга баҳоси тенг мол-мулк бериши ёки бузилган мол-мулкни тузатиб бериши мумкин.

Ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда етказилган зарар миқдори айбдор ходимдан иш берувчининг фармойишига мувофиқ ундирилади. Фармойиш зарар етказилганлиги аниқланган кундан бошлаб бир ой ичида чиқарилиши мумкин.

Етказилган зарарнинг ходимдан ундирилиши лозим бўлган миқдори унинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошиб кетса ёки зарар аниқланган кундан кейин бир ойлик муддат ўтган бўлса, зарар суд тартибида ундирилади.

Корхона раҳбаридан етказилган зарарни ундириб олиш суд тартибида амалга оширилади.

Иш берувчининг мол-мулкига етказилган зарарни ундириш ҳақидаги қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Суд айбнинг даражаси ва шаклини, аниқ ҳолатларни ва ходимнинг моддий аҳволини ҳисобга олиб ундириладиган зарар миқдорини камайтириши мумкин.

Суд ундириладиган зарар миқдорини камайтириш ҳақидаги келишув битимини тасдиқлашга ҳақлидир.

Ходимдан ундириладиган зарарнинг миқдорини, агар зарар ғаразли мақсадлар билан содир қилинган жиноят натижасида етказилган бўлса, камайтиришга йўл қўйилмайди.

4.6. Давлат-хизмати муносабатларининг тугатилиши

Давлат хизматининг тугатилиши давлат хизмати ҳуқуқий институтининг муҳим элементи бўлиб, амалдаги қонунчилик томонидан назарда тутилган асосларга биноан, давлат хизматчисини ишдан бўшатиш билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Бу ерда, давлат-хизмат муносабатларининг тугатилиши ва унинг ҳуқуқий оқибатлари ҳақида сўз юритилмоқда.

Давлат-хизмат муносабатларининг тугатилиши деганда, давлат хизматчисининг давлат органлари ваколатларини бажаришни таъминлаш бўйича касбий фаолиятини вақтинча ёки тўлиқ тугатиши, яъни давлат лавозимини бутунлай тарк этиши тушунилади.

Давлат хизмати тугатилиши жараёнининг мазмун-моҳияти шундаки, унда давлат хизматчилари ва давлат органлари фаолият юритаётган давлат ташкилотлари шу жараён билан боғлиқ бўлган бир қатор юридик ҳаракатларни бажарадилар. Давлат хизмати тугатилишининг ташаббускори сифатида ўз хоҳишига биноан бўшаётган давлат хизматчиси каби, қонунчиликда кўзда тутилган сабабларга кўра хизматчи билан давлат-хизмат муносабатларини бекор қилаётган давлат органи (маъсул мансабдор шахс) ҳам бўлиши мумкин.

Амалдаги қонунчилик давлат хизмати тугатилишига турли ҳуқуқий асосларни назарда тутди. Шунга мувофиқ, давлат хизматининг тугатилиши давлат хизматчисининг қонунчиликда назарда тутилган асосларга таянган ҳолда ўз хоҳишига биноан, масалан: давлат хизматчисининг ҳарбий хизматга қақририлиши (ўтиши) ёки ўқув юртига кириши, бошқа давлат органига ўтиб ишлаши, давлат органи билан биргаликда бошқа ҳудудга бориб ишлашдан бош тортиши ва шунингдек, хизмат шароитининг ўзгариши муносабати билан мазкур давлат органида ишлашдан бош тортиши сабабли ишдан бўшатилишини сўраб ариза ёзган вазиятларда амалга оширилади.

Давлат хизматчисини **ўз хоҳишига биноан** ишдан озод этиш амалдаги меҳнат қонунчилиги нормалари асосида расмийлаштирилади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 99-моддасига асосан ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса, ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин. Белгиланган огоҳлантириш муддати давомида ходим берган аризани қайтариб олишга ҳақлидир.

Агар огоҳлантириш муддати тугагандан кейин ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотади, бундай ҳолда меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга эса йўл қўйилмайди.

Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш ҳақидаги ариза у ўз ишини давом эттиришининг имкони йўқлиги (ўқув юртига қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланганлиги ва бошқа ҳоллар) билан боғлиқ бўлса, иш берувчи меҳнат шартномасини ходим илтимос қилган муддатда бекор қилиши керак.

Агар меҳнатга оид муносабатлар ходимнинг ташаббуси билан (МКнинг 99-моддаси), шунингдек ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлари билан (МКнинг 100-моддаси иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари) боғлиқ асослар бўйича бекор қилинган бўлса, ходим иш берувчига неустойка тўлайди. Агар меҳнат шартномасида неустойканинг миқдори белгилаб қўйилмаган бўлса, тарафлар уни тўлашдан озод этилади.

Неустойканинг миқдори иш берувчи томонидан ходимнинг манфаатларини кўзлаб қилинган харажатларга, ходим ишлаган давр ва бошқа ҳолатларга боғлиқ тарзда тафовут қилиши мумкин. Ходим тўлайдиган неустойканинг миқдори иш берувчи тўлайдиган неустойка миқдоридан ошиб кетиши мумкин эмас. Тарафлардан бири неустойка тўлашдан бош тортса, уни ундириш суд тартибида амалга оширилади.

Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномаси ҳам **иш берувчининг ташаббуси билан** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-моддасига асосан тартибга солинади. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосли бўлиши шарт.

Қуйидаги сабаблардан бирининг мавжудлиги меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асосли эканлигини билдиради:

- 1) технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги;
- 2) ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши;
- 3) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги. Аввал меҳнат вазифаларини бузганлиги учун ходим интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилган кундан эътиборан бир йил мобайнида ходим томонидан такроран интизомга ҳилоф ноҳўя ҳаракат содир қилиниши меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш ҳисобланади;
- 4) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги.
Ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишларнинг рўйхати:
 - ▶ ички меҳнат тартиби қоидалари;
 - ▶ корхона мулкдори билан корхона раҳбари ўртасида тузилган меҳнат шартномаси;

- ▶ айрим тоифадаги ходимларга нисбатан қўлланиладиган интизом ҳақидаги низом ва уставлар билан белгиланади.

Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бузиши қўпол тусга эгалиги ёки эга эмаслиги ҳар бир муайян ҳолда содир қилинган ноҳў ҳаракатнинг оғир-енгиллигига ҳамда бундай бузиш туфайли келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга қараб ҳал этилади;

- 5) ўриндошлик асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек меҳнат шартларига кўра ўриндошлик иши чекланиши сабабли ўриндошлар билан меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги;

- 6) корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер (ҳисобчи) билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномаси мулкдорнинг алмашиши сабабли бекор қилинганлиги. Мазкур асос бўйича меҳнат шартномасини корхона мулк қилиб олинган кундан бошлаб уч ой мобайнида бекор қилишга йўл қўйилади. Ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътиллarda бўлган вақти, узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлари бу муддатга киритилмайди;

- 7) ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда.

Ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътиллarda бўлган даврида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхона бутунлай тугатилган ҳоллар бундан мустасно.

Бироқ, юқорида келтирилган асослардан ташқари, раҳбар ташаббуси билан давлат хизматчисини давлат органидаги хизматдан озод этиш қуйидаги сабабларга кўра ҳам амалга оширилиши мумкин:

- ▶ хизматчи давлат хизматидаги давлат лавозимини эгаллаш учун белгиланган ёшдан ўтганда;
- ▶ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда;
- ▶ қонунчилик томонидан давлат хизмати тўғрисидаги белгиланган вазифалар ва чекланишларга давлат хизматчиси риоя этмаганда;
- ▶ давлат ёки қонунчилик томонидан ҳимоя қилинган бошқа сирларни ўз ичига олган маълумотларни оммалаштирганда;
- ▶ унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;
- ▶ давлат хизматчиси давлат хизматида бўла олмайдиган бошқа сабаблар пайдо бўлганда (у суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида бедарак йўқолган деб топилган ёхуд вафот этган деб эълон қилинганда; у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда; вафот этганда).

Ходим меҳнат низосини ҳал қилиш учун ўз хоҳишига кўра, меҳнат низолари комиссиясига ёки бевосита судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 271-моддасида меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ва ходимни бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги низолар юзасидан қарор қабул қилиш масалалари ўз аксини топган.

Меҳнат шартномаси қонуний асоссиз ёки белгиланган тартиб бузилган ҳолда бекор қилинган ёхуд ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган тақдирда, у меҳнат низосини кўриб чиқаётган орган томонидан аввалги ишига тикланиши керак.

Меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганлигининг қонунийлиги ёки қонуний эмаслиги ҳақидаги масала ҳал қилинаётганда, суд ходим билан меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинганлигининг асослилигига баҳо бериб ўтади.

Ғайриқонуний равишда судланганлиги сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинган ёки ғайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилиши муносабати билан ишдан (лавозимдан) четлатилган ходимга аввалги иши (лавозими) берилиши лозим, бунинг имконияти бўлмаганда эса (корхона тугатилганлиги, штатлар қисқарганлиги) ёки ишга (лавозимга) тиклаш учун монелик қилувчи қонунда назарда тутилган бошқа асослар мавжуд бўлган тақдирда, унга аввалги ишига (лавозимига) тенг бошқа иш (лавозим) берилиши керак.

Давлат хизматчиси мақомининг хусусиятларини тавсифловчи сўнги институт **нафақага чиқиш** ҳисобланади. Давлат хизматчиси қонунда белгиланган ёшга тўлиши билан, белгили хизмат муддатини адо этганлиги сабабли нафақа олишга ҳақли. Давлат хизматчиси ўз хизмат вазифаларини бажариши мобайнида ҳамда унинг давлат хизматидан четлаштирилгандан кейин вафот этса, унинг оила аъзолари боқувчисини йўқотганлиги бўйича нафақа олишга ҳақли, унинг белгиланиши тартиби қонунчилик асосида амалга оширилади.

Фуқароларга ёш бўйича нафақа тўлаш шартлари «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги 1993 йил 3 сентябридаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинадиган энг асосий ва оммавий нафақа турларидан ҳисобланади. Ёш бўйича нафақа фуқароларга умрбодга тайинланади, ёши ва иш тажрибаси эса, мазкур нафақанинг асосий шартларидан ҳисобланади.

Ёш бўйича белгиланадиган нафақа ҳуқуқининг умумий ва имтиёзли шартлари мавжуд.

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи:

эркаклар – 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда;

аёллар – 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар.

Имтиёзли шартлар бўйича нафақаларни белгилаш ўз хусусиятларига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатларга асосан, алоҳида тоифадаги фуқароларга тайинланади.

54 ёшга тўлиб, 20 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган аёллар, ёш бўйича умумий белгиланган нафақани имтиёзли равишда 1 йил олдин олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ёш бўйича имтиёзли нафақа таъминотини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги «Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги 250-сонли Қарорига асосланиш лозим.

Шунингдек, ёш бўйича нафақа тайинлаш ва тўлашнинг тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 252-сонли Қарори қоидаларига асосланмоғи даркор.

ДАВЛАТ ХИЗМАТИ СОҶАСИДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Президентлик республикалари ва дуалистик монархиялар раҳбарларининг, парламентлик республикалари ва монархияларда давлат ва ҳукумат раҳбарлиги остида, ярим президентлик республикаларида давлат ва ҳукумат раҳбарларининг муштарак раҳбарлиги (муайян мутаносибликда) остида давлат хизматчиларининг улкан аппарати фаолият кўрсатади.

“Давлат хизмати” тушунчаси турли таърифларга эга. Бир томондан, давлат хизмати дейилганда оммавий ҳокимият органлари тушунилади. Бошқа томондан, давлат хизмати бу – давлат хизматчиларининг давлат органларида ўз вазифаларини адо этишидир. Бошқача қилиб айтганда бу – давлатнинг асосий мақсадлари – иқтисод, маданият, ижтимоий соҳани ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоатчилик тартибини сақлаш ва миллий хавфсизликни таъминлаш, давлатнинг ташқи сиёсатини амалга оширишга йўналтирилган давлат ҳокимияти органлари аппаратида лавозимни эгаллаб турган шахсларнинг фаолиятидир.

“Давлат аппарати” тушунчаси икки маъно – тузилмавий ва кадрларга оид маънога эга. Биринчи маънода, бу энг аввало, давлат бошқарувини амалга оширадиган ижроия (маъмурий) органлар мажмуидир. Иккинчи маънодаги давлат аппарати эса давлатнинг ижроия-кўрсатма бериш фаолиятини амалга ошириш бўйича кундалик ишларни адо этадиган хизматчилар, бошқа ҳолатларда кадрлар ёки давлат хизмати персонали деб аталувчи хизматчиларнинг муайян тарзда шакллантирилган мажмуидир.

Давлат хизмати ривожланишининг замонавий тенденциялари. Умуман олганда давлат бошқарувининг аънавий модели ҳозирги вақтда жаҳонда муайян даражадаги “қонунийлик инқирозини”, яъни фуқароларнинг унга, унинг инсоний таркибий қисми амалдорларга ҳамда шунингдек, унинг бугунги ва қолаверса эртанги кун даъватларига самарали жавоб топиб беришдаги аниқ салоҳиятига ишончи сусайиб кетганлигини бошидан кечирмоқда. Шунга боғлиқ ҳолда давлат хизматининг ижтимоий обрўи ва бинобарин давлат хизматчиларининг ижтимоий мавқеи ҳам тушиб бормоқда.

Бошқарув аппаратидан кутилаётган ижтимоий умидларга йўналтирилган бу ўзгаришларга жавоб сифатида маъмурий ташкилотнинг ва хусусан, давлат хизматининг концептуал негизларини жиддий қайта кўриб чиқиш юз бермоқда. Масалан, постбюрократик ташкилот ғояси, яъни бошқарув соҳасидаги ҳамкорлик, кооперация, бозор алмашуви каби горизонтал муносабатлар фойдасига бошқарувнинг аънавий иерархик тузилмасидан бош тортиш, янгича давлат бошқарувини ривожлантиришга ўтиш оммалашиб бормоқда.

Сўнги йўналиш ўта урф бўлди. Деярли бутун дунёда давлат тадбиркорлигини ривожлантириш соҳасида изланишлар олиб борилмоқда. Масалан, Англияда ва ҳатто Янги Зеландияда ўрта бўғин раҳбарлари билан улар бошчилик қилаётган хизматда муайян натижага эришишни кўзда тутувчи аниқ муддатга шартнома тузилади. Шартноманинг узайтирилиши шунга боғлиқ қилиб қўйилади. Анъанавий функциялар ва давлат хизмати тузилмаларининг бир қисмини тижорат, шартнома асосига ўтказилиши (маркетингизация) дастлабки даврларда қуйидаги ижобий натижаларга олиб келди:

- ▶ унинг самарадорлиги ошди;
- ▶ бошқарув хизматларининг қиймати камайди;
- ▶ буйруқбозликнинг сони қисқарди.

Аммо кейинчалик бу тадбирларнинг салбий томонлари, давлат бошқаруви муаммоларини ҳал қилиш ечими сифатида бозор механизмларига таяниш нуқсонлари: ижтимоий хизмат кўрсатиш институти сифатидаги давлат хизматининг ўзига хос жиҳатлари сезилмай қолиши ва бинобарин ундаги хизматчиларнинг ижтимоий эҳтиёжларни қондирувчи кишилар сифатида эмас, балки тижорат агентларининг шунчаки алоҳида кўриниши тарзида обрўси тушиб кетиши ҳам кўзга ташланди.

Бироқ ўзгаришлар фақат шу йўналишдагина бораётгани йўқ. Бошқарувда, шу жумладан, давлат бошқарувида маданий омилларнинг, давлат хизматининг, янгича маданиятни шакллантиришнинг биринчи даражали роли англаб етилди. Масалан, Канада ҳукумати томонидан тақлиф этилган давлат хизматини ислоҳ қилиш режасининг 10% и – қонунчилик соҳасидаги ўзгаришларга, 20% и – органларнинг тузилмалари ва функцияларидаги янгилıklarга ҳамда 70% и – давлат муассасаларидаги ўзаро муносабатлар ва муҳит маданиятини яхшилашга тегишлидир.

Давлат хизмати маданиятини такомиллаштиришнинг бош йўналиши уни “маънавийлаштириш”, яъни давлат хизматчилари хатти-ҳаракатларининг ахлоқий-маънавий жиҳатларига эътиборни кучайтириш бўлди. Масалан, кўп мамлакатларда, одатда, ҳам ҳуқуқий, ҳам маънавий меъёрларни ўз ичига олган, хизматчи хатти-ҳаракати кодекси мавжуд ёки амалга киритилмоқда. Маънавий бўғинга эга бўлмаган ҳар қандай маъмурий ислохот муваффақият қозониши қийин деб ҳисобланади.

Давлат хизматидаги туб ўзгаришлар жараёнининг яна бир томони – унинг аҳоли томон юз буришидир. Эндиликда фуқарога “бошқариладиган” мавжудот сифатида эмас, балки давлат муассаларининг ўзига хос миждо сифатида қаралмоқда. Фуқаро “васий шахс”, “илтимос қилувчи” мақомидан ўзига кўрсатилаётган давлат хизматларига ўз ҳуқуқларини амалга оширувчи истеъмолчи мақомига ўтмоқда. Давлат билан муносабатларда фуқаро ҳуқуқлари ва уларга риоя қилиш кафолатлари, шунингдек унинг бошқарувдаги иштироки, маъмурий ташкилотнинг ошқоралиги, унинг кишиларга ҳозиржавоблиги ва яқинлиги, фуқаролар учун ахборотга эга бўлишнинг осонлиги ва бошқа масалалар янада янгича долзарблик касб этаётгани ана шулардан келиб чиқмоқда.

Умуман сўнги ўн йилликларда Ғарбда юз бераётган давлат хизмати асосий тамойилларининг қисман қайта кўриб чиқилишини қуйидаги асосий йўналишлар билан изоҳлаш мумкин:

- ▶ буйруқбозликнинг сиёсий роли ва ундан ўз корпоратив манфаатлари учун фойдаланиш механизмларини таҳлил қилиш ва институционаллаштириш;
- ▶ маъмуриятдаги сиёсий ва касбий ибтидоларнинг оқилона нисбатини излаб топиш;

- ▶ вертикал маъмурий иерархиянинг ролини камайтириш, функционал органларни ривожлантириш;
- ▶ маъмуриятни марказ тасарруфидан чиқариш, арзонлаштириш, қисқартириш;
- ▶ мансабларнинг анъанавий маъмурий пиллапоясини чеклаш;
- ▶ фуқароларнинг эҳтиёжлари ва умидларига буйруқбозликнинг имкон қадар очиқлиги ва “ҳозиржавоблиги”;
- ▶ давлат хизматининг маданий ва ахлоқий-маънавий жиҳатларига эътиборни янада ошириш.

Янгича ёндашув тарафдорлари ҳатто тўрачиликдан кейинги (постбюрократик) юз бераётган инқилоб тўғрисида сўз юритишга журъат қилмоқдалар.

Шундай қилиб, давлат хизматчиси мақоми куйидагиларни кўзда тутати:

-
- ▶ **биринчидан**, иш турига кўра давлатнинг ижроия-кўрсатма бериш фаолияти соҳасидаги қарорларни тайёрлаш, қабул қилиш ва (ёки) ҳаётга татбиқ этишга бевосита мансублик, шу аснода қатор ҳолатларда кўрсатиб ўтилган ҳаракатлар бутун жамият ёки унинг қандайдир қисми учун сезиларли иқтисодий ва бошқача ижтимоий оқибатларни келтириб чиқаради;
 - ▶ **иккинчидан**, давлат хизматчисида ўз ваколатлари доирасида давлат манфаатларини намоён этган ҳолда давлат органи номидан (ва шу билан гўёки давлат қиёфасида) чиқиш ҳуқуқи ва имкониятининг мавжудлиги;
 - ▶ **учинчидан**, ҳам вазият, ҳам уни йўлга солувчи қонунчилик меъёрларини субъектив талқин қилиш асосида қарорлар қабул қилишнинг анча кенг имкониятларига эга расмий-тартибот муносабатларидаги фаолиятнинг қатъий меъёрий йўлга солинганлиги бирикмаси;
 - ▶ **тўртинчидан**, (аҳамиятига кўра бу сўнгги ўринда эмас) гарчи турлича касблар вакилларидан иборат, бироқ давлат органларида ишлаш ҳолати билан бирлашган ўзига хос касбий мақом гуруҳига мансублик. Бу ушбу гуруҳга мансуб шахслар муайян давлат-ҳокимият ваколатларининг борлигини ва бу билан ўзлари билан бир турдаги фуқароликка эга бўлган аксарият шахсларга нисбатан жамиятдаги ишлар ривожига анча катта таъсир ўтказиш имкониятларига ва бинобарин каттароқ масъулиятга эга эканлигини назарда тутати.



Германияда худди бошқа бир қатор мамлакатларда бўлганидек давлат хизмати ўзбекчага сўзма-сўз таржима қилинса “ижтимоий Германия” ёки “оммавий” хизмат деб аталади.¹ Бу тушунча давлат муассасаларидаги барча ходимларни қамраб олади. Бунга фақат бошқарув органлари ходимлари эмас, балки ўқитувчилар, мактабгача муассасалар ходимлари, давлат университетларининг профессорлари ва ўқитувчилари, судьялар, вазирлар, Федерал банк дирекцияси аъзолари, шунингдек, полициячилар, ҳарбий хизматчилар, темир йўллар, почта муассасалари хизматчилари ва бошқалар ҳам киради.

Давлат хизмати барча босқичда (федерация, ҳудудлар, жамоалар босқичлари) ягона тизим бўйича федерал қонунлар билан бошқарилади. Барча уч босқич учун унвонлар, мартабалар, амалларнинг ягона тизими, хизмат ўташнинг ягона қоидалари, ягона ҳуқуқ ва мажбуриятлар, чеклашлар ва кафолатлар, нафақа таъминоти ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизими жорий этилган.

Давлат хизматидаги шахслар уч гуруҳга: амалдорлар, хизматчилар ва ишчилар гуруҳига бўлинади. Уларнинг мақомидаги фарқлар энг аввало уларнинг давлат билан ўзаро муносабатлари хусусисияти билан белгиланади ҳамда ишга қабул қилиш, хизматни ўташ ва тўхтатиш, хизмат учун мукофот тартибида, уларга қўйиладиган талабларда, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазмунида ўз ифодасини топади.

Асосий қонунга мувофиқ давлат хизматига қабул қилишда Германия фуқаросининг диний эътиқоди ёки дунёқарашига нисбатан бирон-бир камситиш мавжуд эмас.

Германия қонунчилигига кўра бошқарув органининг аломатларидан бири амалдорликни эгаллаш бўлиб, бу давлат механизмнинг таркибий қисми бўлиб хизмат қилади. Амалдорларга кенг маъмурий ваколатлар, давлатга тегишли ёки оммавий-ҳуқуқий функциялар берилади. Германиядаги замонавий ҳуқуқий адабиётда “содиклик қасамёди асосида оммавий бошқарувнинг юридик шахси билан давлат-хизмат муносабатларида турган ҳамда унинг топширигига кўра оммавий-ҳуқуқий функцияларни адо этадиган шахс”² амалдор деб аталади.

¹Зуммер Р., Пюлер К.-П. *Правовые основы государственной службы в ФРГ.* – Мюнхен, Брюль, 2001.

²C. Ule. *Verwaltungsprozessrecht – München, 1963. S.10*

Давлат топшириғига кўра ҳаракатларни, шу жумладан хўжалик ва илмий-техник ҳаракатларни адо этувчи шахс амалдор сифатида белгиланади. Аммо давлат хизмати ҳуқуқи ёки амалдорлик ҳуқуқи меҳнат ҳуқуқининг эмас, балки илгаригидек маъмурий ҳуқуқ тармоғи ҳисобланади; амалдорлар ўз ҳуқуқий мақомига кўра ёллов бўйича ишловчи хизматчилардан фарқ қилади. Шунинг учун Германияда “амалдор” ва “хизматчи” тушунчаси бир-бирига ўхшамайди. Амалдор ва давлат ўртасидаги хизмат муносабатлари фақат қонунда кўрсатилган асосдагина тўхтатилиши мумкин, шундан сўнг амалдор (агар у бадном қилувчи ҳолатларга кўра ишдан бўшатилмаган бўлса) истеъфога чиқади.

Бошқа Ғарбий Европа мамлакатларида бўлганидек, Германия амалдорлиги учун ҳам эскирган ташкилий тамойиллар ҳосдир. Амалдорлар корпуси иерархик бўйсунуш тамойиллари асосида ташкил этилади. Германиядаги амалдорлик юқори турувчи маъмуриятнинг доимий сиёсий, касбий ва юридик назорати остида турувчи ёпиқ кастадир. Мавжуд аҳволни ўзгартириш учун сўнги йилларда амалга оширилган саъй-ҳаракатлар қотиб қолган анъаналар ўта кучлилиги боис унчалик самара бермади. Масалан, амалдорлар хизмат интизомини бузганда мустақил юрисдикция қўлланишини бартараф этишга сўнги вақтгача муяссар бўлинмади. Буларнинг барчаси, немис юристларининг эътирофига кўра, амалдорлар аппарати фаолиятидаги расмиятчиликка, қатор ҳолатларда ташаббуснинг бўлмаслигига, қарорларнинг асосан юқорининг кўрсатмаси билан қабул қилинишига олиб келади.¹ “Етакчи вазирликлар амалдорларига бюрократизмнинг мумтоз тамғаси босилган”.² Немис қонунчилиги “амалдорлик муносабатлари” бир томондан амалдор, бошқа томондан диний уюшмалар ва уларнинг муассасаларни истисно этганда давлат, федерация, жамоа ва оммавий тусга эга бўлган бошқа муассасалар намоён бўладиган оммавий-ҳуқуқий муносабатлар кўриниши эканлигини алоҳида таъкидлайди. Бундан ташқари Германия ўз амалдорларини йўллайдиган давлатлараро муассасалар, коммунал ижроия органлар, маориф, транспорт, телевидение ва бошқа тизимларнинг нодавлат муассасалари ҳам муносабатлар субъекти сифатида намоён бўлиши мумкин.

Давлат хизмати билан боғлиқ кишиларнинг алоҳида гуруҳи сифатида Германияда амалдорликнинг мавжудлиги Германия Асосий қонуни 33-моддасининг 4- ва 5-моддаларига асосланади, унда давлат хизматида “хизматнинг оммавий-ҳуқуқий муносабатлари ва садоқат ришталари билан боғланган кишилар”³ турганлиги ҳақида сўз юритилади. Уларга оддий хизматчилардан фарқли ўлароқ “ҳукумат ваколатларини амалга ошириш” топширилади. “Давлат хизмати ҳуқуқи касбий амалдорлар мақомига тегишли анъанавий тамойилларни ҳисобга олган ҳолда йўлга солиниши лозим”.

Касбий амалдорликнинг мавжудлиги ва амал қилиши тарихий анъаналарга таянади, Асосий қонун билан мустаҳкамланган ва қатор махсус қонунлар ҳамда ҳукумат қарорлари билан йўлга солинади (ҳаммаси бўлиб, “Интизом кодекси” билан қўшиб ҳисоблаганда, 20 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар мавжуд). Амалдорларнинг ҳуқуқий мақомига тегишли умумий қоидалар 1953 йилда қабул қилинган Амалдорлар тўғрисидаги федерал қонунда шакллантирилган (ҳозирги вақтда у 1985 йилдаги таҳрирда амал қилмоқда). Мазкур қонун амалдорлар мақомига умумий таъриф беради, унда амалдорларни тайинлаш, хизмат бўйича илгари суриш тамойиллари шакллантирилган, амалдорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, у мос келиши лозим бўлган шароитлар белгиланган.

Худудларда иш олиб боровчи амалдорлар мақоми махсус федерал қонун ва худудий қонунлар билан йўлга солинади. Худудий амалдорлар мақомини йўлга солувчи қонунларни ихчамлаштириш мақсадида 1957 йилда худудий амалдор мақомини йўлга солувчи ҳуқуқларни ихчамлаштириш тўғрисида Федерал қонун қабул қилинган эди. Ҳозирги вақтда у 1985 йилдаги таҳрирда амал қилмоқда. Мазкур қонуннинг аксарият меъёрлари тавсия хусусиятига эга. 1986 йилда “Амалдорлар маоши тўғрисида”ги Қонун, 1987 йилда “Йиллик таътилларга ҳақ тўлаш тўғрисида”ги Қонун, 1973 йилда “Федерал амалдорлар, судьялар

¹Mayer F. *Allgemeines Verwaltungsrecht: Eine Einführung.* – Stuttgart- München, 1977. S.15

²Organisation informationstechnickgestutzer Offentlichen Verwaltung. – Berlin, 1981. S.334

³Основной Закон Федеративной Республики Германия / Федеральный центр политического просвещения Германии. - Берлин, 2004. С. 58.

ва ҳарбий хизматчиларга йўл ҳаражатларини қоплаш тўғрисида”ги Қонунлар¹ эълон қилинган эди. Бу қонунлардан ташқари ГФРда давлат муассасалари ходимлари манфаатларини ҳимоя қилиш борасида, федерал амалдорларнинг иш вақтлари тўғрисида, федерал амалдорларнинг таътиллари тўғрисида ва айрим бошқа масалалар тўғрисида ҳукумат фармойишлари² эълон қилинган. Ушбу масалалар рўйхати давлат оммавий хизматга қанчалик аҳамият бераётганлигидан далолатдир.

Қуйидаги шахслар:

- ▶ давлат билан оммавий-ҳуқуқий “хизмат ва садоқат” муносабатида турган;
- ▶ давлат ва жамият хавфсизлигини таъминловчи муҳим давлат функцияларини адо этадиган;
- ▶ амалдорга лавозимга тайинланганлиги тўғрисидаги маъмурий ҳужжатда қайд қилинадиган оммавий хизмат муносабатига эга шахслар амалдор ҳисобланади.

Федерация, ҳудудлар, жамоалар уюшмаси, жамоалар, шунингдек бошқа оммавий-ҳуқуқий тузилмалар муассаса ва ташкилотлар амалдорни лавозимга тайинлаши мумкин. Қонунлар ҳуқуқий мақомига кўра амалдорларнинг қуйидаги туркумларини фарқлайди:

- ▶ лавозимга умрбод тайинланадиган амалдорлар;
- ▶ алоҳида ҳуқуқий кўрсатмалар асосида муайян вақтга лавозимга тайинланадиган амалдорлар;
- ▶ ноаниқ вақтга тайинланадиган амалдорлар. Мазкур гуруҳ энг ижтимоий ҳимояланмаган гуруҳдир. Бу гуруҳга тайёргарлик хизматини тугатган ва умрбод лавозимни эгаллашга даъвогар бўлганлар кирази;
- ▶ синов муддати билан лавозимга тайинланган амалдорлар. Олий таълим муассасасини тамомлаган амалдорга синов муддати белгиланади. Одатда, бундай амалдор дастлаб ноаниқ муддатга, сўнгра эса синов муддати билан лавозимга тайинланади. Синов муддати муваффақиятли тугагач у (агар бунинг учун барча ҳуқуқий шарт-шароитлар мавжуд бўлса) лавозимга умрбод сайланади. Синов муддатининг давомийлиги амалдорнинг даражасига боғлиқ бўлиб, у бир йилдан тўрт йилгача муддатни ташкил этади;
- ▶ ўз функцияларини касб сифатида эмас, балки вақтинча адо этадиган фахрий амалдорлар. Уларнинг фаолияти сайлов асосида, одатда маҳаллий бошқарув доираларида амалга оширилади: бу масалан, бургомистр, унинг ўринбосари ва ҳ.к. лавозимлар бўлиши мумкин. Шундай бўлса-да, умрбод сайланадиган амалдорлар мақоми асосан уларга ҳам тегишлидир. Ҳудди касбий амалдорлар сингари улар лавозимга тайинланганликларини тасдиқловчи ҳужжат оладилар.

Федерал амалдорлар тўғрисидаги Қонуннинг 7-бандида улар мос келиши лозим бўлган шартлар санаб ўтилган. Амалдор руҳан ва жисмонан соғлом бўлиши, маъмурий ходим учун зарур бўлган феъл-атворга эга бўлиши лозим; миллатига кўра немис бўлиши зарур, Асосий қонунга таянган ҳолда доимо эркин демократик тузумни ҳимоя қилиши тўғрисида қасамёд қабул қилиши лозим.

¹<http://bugabooks.com/book/25-gosudarstvennaya-služhba/38-2-gosudarstvennaya-služhba-frg-predystoriya.html>

²Россия и европейский опыт госслужбы. Доклады Института Европы. – М., 2008. С. 48.

Амалдорлар тўғрисидаги Федерал қонунга мувофиқ “амалдор алоҳида партиёга эмас, балки бутун халққа хизмат қилади”. У ўз мажбуриятларини ижтимоий фаровонлик йўлида “одил ва беғараз” адо этиши зарур. У ўзининг барча ҳаракатларида эркин демократик тузум асосларига ўз садоқатини намоён этиши, бу тузумни ёқлаб чиқиши, “сиёсий фаолиятда муътадилликка риоя қилиши” лозим. ГФРда амалдорга нисбатан “сиёсатдан холи туриш” ёки “партиядан холи туриш” борасидаги талаблар қўйилмаган. Амалда ГФР давлат хизматчиларининг каттагина қисми муайян сиёсий қарашларга эга, 40%га яқин амалдорлар эса сиёсий партиёларнинг аъзоларидир. Устига-устак сиёсий партиёлар давлат аппаратида ўз тарафдорларини имкон қадар кўпроқ киритишга интиладилар.

Германияда худди кўплаб мамлакатларда бўлганидек “сиёсий амалдорлар” ва “мутахассис амалдорлар” ўртасида фарқланиш мавжуд. Сиёсий амалдорлар янги ҳукумат кабинетини ташкил этувчи бошқа партиё вакиллари ҳукумат тепасига келиши билан ўз лавозимларини тарк этадилар. Амалда ҳукумат алмашганда одатда вазирлик ва муассасаларнинг 20% га қадар раҳбар ходимлари алмашади. Мутахассис амалдорлар давлат функцияларини мунтазам адо этадилар. Улар касбий-маъмурий тайёргарликнинг ўта юксак савиясига эга бўлишлари лозим ва кўпинча бу борада ўз раҳбарлари – сиёсий амалдорлардан устун турадилар. Айнан шулар бошқарув жараёнининг узлуксизлигини таъминлайди.

Мутахассис амалдор гарчи сиёсий партиёга мансублик ҳуқуқига эга бўлса-да (амалда 40% га яқин амалдорлар сиёсий партиёларга мансубдир)¹, хизмат даврида сиёсий бетарафликка риоя қилишга мажбурдир. Аммо давлат хизматида турган сиёсий амалдорлар ҳам ўзлари мансуб бўлган партиёнинг эмас, балки умумжамиат манфаатлари учун хизмат қилишга чорлангандир. Агар амалдор бундестагага сайланса депутатлик ваколатлари тугагандан сўнг олдинги лавозимига ёки шунга тенг лавозимга қайтиш ҳуқуқини сақлаган ҳолда узоқ муддатли таътилга чиқиши зарур.

Вазирлар ҳам давлат хизмати тизимига мансубдир, бироқ улар қонунда белгиланган маънода амалдор эмас. Уларнинг ҳуқуқий мақоми 1953 йилдаги вазирлар тўғрисидаги махсус қонун билан белгиланган. Улар хизматчилар эмас, балки мансабдор шахслар ҳисобланади ва сиёсий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

“Сиёсий амалдор” ўз лавозимида турган бутун муддат давомида сиёсий қарашлари ва ҳукумат мақсадларини қўшиб олиб боришга мажбурдир. У ўз ҳуқуқий мақомига кўра “умрбод амалдор” туркумига яқин бироқ амалда исталган вақтда ўз лавозимидан сабаблари изоҳланмаган ҳолда вақтинча ёки бутунлай четлатиши мумкин. Сиёсий амалдорлар доираси қонунчилик билан белгиланган ҳамда ҳукумат органлари олий раҳбариятининг нисбатан кам сонли гуруҳини қамраб олади.

Федерал қонун амалдорга қўйиладиган талабларни санаб ўтган: амалдор немис фуқаролигига эга бўлиши, руҳан ва жисмонан соғлом бўлиши, маъмурий ходимга хос феъл-атворга, барқарор моддий мавқега эга бўлиши лозим. У Асосий қонунга таянган ҳолда доимо ГФР эркин демократик тузумини ҳимоя қилиш борасида қасамёд қабул қилади. Унга ўз мажбуриятларини одил ва беғараз адо этиш юклатилади.

Федерал қонуннинг 15–25-бандларига мувофиқ амалдорлар тўрт даражага: қуйи, ўрта, юқори ва олий даражаларга бўлинади.

Амалдорни даражалардан бирига киритиш билан боғлиқ ҳолда унинг бошланғич маълумотини назарга олиб унга муайян талаблар қўйилади:

- ▶ давлат имтиҳонини муваффақиятли топшириш билан ниҳоясига етадиган тизимли, кўп томонлама тайёргарлик;
- ▶ лавозимга узил-кесил тайинлашдан олдин синов муддатидан ўтиш;

¹Россия и европейский опыт госслужбы. Доклады Института Европы. N 212.– М., 2008. С. 45.

- ▶ янада юқори амалдорлар туркумига ўтувчилар учун янги имтиҳон топшириш;
- ▶ истисно ҳолатларда зарурий расмий шартларга мос келмаган ҳолда маъмурий иш учун ўз роқилигини кўрсата олганлар учун хизматга кириш имкониятларини яратиш.

Ҳар бир даража учун муайян “билим цензи”, яъни асосий маълумотнинг муайян даражаси мос келади. Юқори ва олий даража амалдорлари учун бошқа талаблардан ташқари олий маълумотга (олий даража учун университет маълумоти) эга бўлиш мажбурийдир.

Амалдорлик лавозимига даъвогарлар, одатда, давомли тайёргарлик хизматидан ўтишлари ва тегишли лавозимга ишга кириш учун имтиҳон топширишлари лозим (айрим касблар бўйича бунинг ўрнига муайян иш стажы талаб қилинади).

Ҳар бир хизмат даражаси доирасида (амалда унвонларга ўхшаш) қуйидан бир мунча юқорига қадар қатор лавозимлар мавжуд, бу хизмат пиллапоясидан илгарилаш имконини беради.

Амалдорлар лавозим гуруҳларининг тизими мавжуд. Уларнинг ҳар бирида хизмат стажига боғлиқ ҳолда маошларни кўтариш кўзда тутилган. Давлат хизматчиларининг лавозим маошлари давлат ҳокимияти органларидаги хизматнинг ҳар 1–2 йилдан сўнг ортиб боради. Раҳбарият таркиби учун лавозим гуруҳларининг алоҳида тизими белгиланган. Бу туркумдагиларнинг лавозим маошлари хизмат стажига боғлиқ эмас.

Германия оммавий муассасалари ходимлари танлов асосида олинади. Бўш лавозим учун танлов ўтказиш масъулияти олий суд инстанциясига юклатилган. Масалан, таълим вазири таълим соҳасидаги лавозимни эгаллаш учун танлов ўтказишга масъулдир. Зарур бўлганда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда эгаллайдиган лавозими учун даъвогарларга талабларни ўзгартириш унинг вазифасига қиради. Ўзгартиш ва аниқликлар ички ишлар вазири, молия вазири ва бошқа олий мансабдор шахслар томонидан киритишли мумкин.¹ Лавозимга узил-кесил тайинлангунга қадар амалдор синов муддатини ўтиши зарур. Синов муддатининг давомийлиги амалдорлар даражасига боғлиқ. Бу муддат қуйи даража амалдорлари учун бир йилни, ўрта даража учун – икки йил, юқори даража учун – уч йил, олий даража учун – тўрт йилни ташкил этади. Бу энг кам синов муддати бўлиб, уни камайтиришга йўл қўйилмайди.

Дастлабки икки гуруҳга кириш учун махсус билим талаб қилинмайди; умумий таълим ёки касб-ҳунар мактабини тугаллаш kifофдир.

Давлат хизматидаги амалдорлар ва хизматчилар (ҳамда ишчилар) ўртасидаги фарқ шундан иборатки, амалдорлар хизматга тайинланади, хизматчилар (ва ишчилар) билан эса меҳнат шартномаси тузилади. Амалдорлар умрбодга тайинланади, меҳнат шартномаси эса бекор қилиниши мумкин. Амалдорларга иш ҳақи тўлаш бу - қонун билан белгиланган маошдир, хизматчилар ва ишчиларнинг меҳнатига эса тарифли битимга мувофиқ ҳақ тўланади. Амалдорлар давлат нафақаси оладилар, хизматчилар ва ишчилар эса ижтимоий сўғурта тўғрисидаги шартнома асосида нафақа олади.

Давлат бошқаруви органлари ўзларидаги мансабдор шахслар уларга берилган ҳуқуқ ва ваколатлар доирасида содир этган фаолиятлари учунгина жавобгар бўладилар. Агар мансабдор шахс ўз ташаббусига кўра ҳаракат қилган бўлса у оддий тартибда, фуқаролик-ҳуқуқий тартибга кўра жазоланади. Асосий қонун жабрланувчига агар у амалдорнинг қасддан қилган ҳаракатлари ёки қўпол эҳтиётсизлиги натижасида жабр кўрган бўлса кўрган зарарлари тўғрисида даъво қилиш ҳуқуқини беради.

Амалдорлар учун улар ўз лавозим функцияларини бажаришда йўл қўйиши мумкин бўлган жиноятлар: жосуслик, суд сирини ошкор қилиш, порахўрлик, хизмат мавқеидан жиний фойдаланганлик учун жиний жазо кўзда тутилган. Улар учун хизматда ва хизматдан ташқарида содир этилган қилмишлар учун жиний жавобгарлик кўзда тутилган.

Мансабдор шахслар амалдорларнинг алоҳида туркумини ташкил этади. Бу масала бўйича ҳуқуқнинг асосий манбаи ГФР Жиний кодекси. Дастлаб 1871 йилда қабул қилинган Германия Жиний кодекси

¹M.Renger. Der öffentliche Dienst. “Verwaltungs organisation” – 1991. № 3 S. 13

ҳозирги вақтда 1987 йилги таҳрирда амал қилмоқда. Германия ЖКнинг сўнги 28-қисми мансабга тегишли жиноятларга бағишланган. Мансабдор шахс томондан хизмат вақтида тан жароҳати етказганлик учун жавобгарлик, хизмат сирини, хизмат суриштируви сирини, почта ва телехабарлар (яъни телефон, телеграф ва ҳ.к.) сирини бузганлик учун жавобгарлик белгилловчи моддалар ва параграфлар киритилган.

Германия ЖК “Герман ҳуқуқига биноан: а) амалдор ёки судья бўлганларни, б) бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатда турганларни ёки, в) ҳукуматнинг бирон-бир органида ёки бошқа муассасада ёхуд уларнинг топшириғига кўра оммавий бошқарув вазифасини бажариш учун бошқача тарзда чақирилганларни” мансабдор шахс деб эътироф этади. ГФР ЖК 28-қисми “бевосита оммавий хизматга чақирилган” бироқ мансабдор шахс бўлмаган ҳолда “ҳукуматнинг қандайдир органида оммавий бошқарув вазифасини адо этувчи ёки бундай вазифани адо этувчи муассаса ёхуд уюшмада банд бўлганларни”¹ мансабдор шахс сифатида жинойи жавобгарликка тортиш имкониятига йўл қўяди. Бу мана шу тарзда де-факто мансабдор шахсларга тегишлидир, чунки улар оммавий мажбуриятларни адо этадилар.

Юқори даражадаги амалдорларни тайёрлаш давлат бошқарувининг олий касбий мактаблари деб аталувчи кенг тармоқ орқали амалга оширилади. Федерациянинг тегишли олий мактаби билан бир қаторда ҳудудларда ҳам шунга ўхшаш мактаблар мавжуд. Бундан ташқари амалдорлар малакасини ошириш билан шуғулланувчи айрим муассасалар махсус ўқув муассасалари ва ўқув марказларига эга. Олий касбий мактабга қабул шarti давлат хизматига киришдир (ўқувчилар тайёргарлик хизматидан ўтаётган амалдорлик лавозимига номзод ҳисобланиб уларга маош тўланади). Ўқиш уч йил давом этади, бунинг ярми, одатда, назарий таълимга, иккинчи қисми бошқарув органларида амалиёт ўташга кетади.

Германияда бир неча йил давомида алоҳида мавқега эга оммавий хизматчиларнинг алоҳида тури сифатидаги амалдорликни йўқ қилиш борасида мунозаралар бораётганлигини таъкидлаш жоиз. Бу талаблар амалдорда кўплаб “имтиёзлар” борлиги, бошқарув ходимларининг ўта кўп сонли экани ва ҳ.к.ларга асосланади.

Чидаб бўлмайдиган жойи шундаки, маъмурий-ҳуқуқий институт сифатидаги амалдорлик мамлакат ижтимоий ҳаётининг барча томонларига ўз таъсирини ўтказган ҳолда бошқарувнинг бутун аппаратига сингиб кетгандир.

Германия бошқарувининг турли тармоқларидаги амалдорлар сонига кўра маъмурий сиёсий аппарат, ташқи алоқалар муассасаси, молия аппарати, полиция ва ижтимоий хавфсизлик етакчи ўринларни эгаллайди. Энергетика, сув хўжалиги ва ҳунармандчилик, жамоат траспорти ва ахборот соҳасидаги бошқарув органлари амалдорлар сонига кўра энг сўнги ўринларни эгаллаган.

Германиядаги юридик адабиётда давлат-хизмат (ёки “амалдорлик”) муносабатлари вужудга келиши учун қуйидаги асосларни фарқлаш қабул қилинган: муассаса раҳбарининг фикрига кўра маъмурий ҳужжат асосида лавозимга тайинлаш; танлов имтиҳонларини муваффақиятли топшириш оқибатида лавозимни эгаллаш; ишхона таркибини тўлдириш (кооптация) ва лавозимга сайлаш.²

Германия Конституцияси 19-моддасининг 4-банди³ давлат ҳокимияти томонидан манфаат ва ҳуқуқларига зарар етган ҳар бир шахсга суд органларига мурожаат қилиш имкониятини кўзда туттади. Бундай ҳолатларда жабрланувчилар ўз субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун оддий судларга даъво аризасини бериши мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Зуммер Р., Пюлер К.-П. *Правовые основы государственной службы в ФРГ*. Мюнхен: Брюль, 2001.
2. *Основной Закон Федеративной Республики Германия / Федеральный центр политического просвещения Германии*. Берлин, 2004.

¹<http://bugabooks.com/book/25-gosudarstvennaya-sluzhba/38-2-gosudarstvennaya-sluzhba-frg-predystoriya.html>

²Mayer F. *Allgemeines Verwaltungsrecht: Eine Einführung*. - Stuttgart- Munchen, 1977. S. 15

³Основной Закон Федеративной Республики Германия – Ташкент, ООО “Art Line Group”, 2005. С.326

3. Россия и европейский опыт госслужбы. Доклады Института Европы. N 212. М., 2008.
4. Рюден Е.Ю. Административно-правовое обеспечение службы полиции (милиции) в федеративном демократическом государстве в условиях административной модернизации (сравнительно-правовая характеристика ФРГ и РФ): Дис. ... канд. юрид. наук. М., 2009.
5. *Focused on the Future: Innovations for Administration: The Government's Programme.* Berlin, 2006.
6. Mayer F. *Allgemeines Verwaltungsrecht: Eine Einführung.*- Stuttgart- Munchen, 1977.S.15
7. *Organisation information stechnickgestutzer Offentlichen Verwaltung.* – Berlin, 1981.S.334
8. *Preparing Europe's digital future in 2010 Mid - Term Review.* Brussels, 2008.
9. M.Renger. *Der ffentliche Dienst. "Verwaltungs organisation"* – 1991. № 3 S.13
10. C.Ule. *Verwaltungsprozessrecht* – Munchen, 1963.S.10
11. <http://bugabooks.com/book/25-gosudarstvennaya-sluzhba/38-2-gosudarstvennaya-sluzhba-frg-predystoriya.html>

5.2.

Франция



Агар француз манбаларига ишониладиган бўлса давлат хизматини давлат, маҳаллий жамоалар ва уларнинг маъмурий муассасаларида хизматда турган кишилар мажмуи сифатида тушуниш лозим. Шундай қилиб, “давлат хизматчилари” тушунчаси ҳокимиятнинг марказий ва маҳаллий органларида хизмат қилувчи барча кишиларни бирлаштиради. Худди бошқа мамлакатларда (ва бинобарин бошқа тилларда) бўлганидек, давлат хизмати расман “ижтимоий хизмат” деб аталади.

Францияда оммавий юридик шахс сифатидаги давлатнинг барча хизматчилари давлатнинг ҳам пойтахтда, ҳам ундан ташқаридаги қонунчилик, ижроия, суд органларида ишловчи хизматчилари давлат хизматчиларидир. Давлат хизматидан ташқари 1984 йилдаги Қонун билан алоҳида йўлга солинадиган маҳаллий жамоаларнинг оммавий хизмати ҳам таъсис этилган.¹ Ҳар бир оммавий юридик шахс – мустақил иш берувчи бўлганлиги боис, унинг хизматчилари ҳуқуқий мақомида ўзига хосликлар мавжуд. Давлат ва маҳаллий ҳамжамоалар хизматчиларининг деярли ярми оммавий таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида хизмат қилади. Сонига кўра улардан кейинги ўринни почтачилар ва йўл хизматчилари полиция ва армия эгаллайди. Соф бошқарув хизматлари орасида фақат молия хизматлари кўп сонли хизматчиларга эга бўлиб, булар асосан солиқчилар ва бухгалтерлардир.

Давлатнинг штатда турувчи хизматчилари доимий лавозимларга эга. Уларнинг мавқеи барқарордир. Улар маъмурият томонидан бўладиган ўзбошимчаликлардан кафолатланган ҳамда қонуннинг алоҳида ҳимояси остида турадилар. Хусусий сектордан фарқли ўлароқ давлат хизматида ишга ёллаш ва иш шароитлари тўғрисида жамоавий ҳамда хусусий шартномалар тизими амал қилмайди. Давлат хизматчилари мақомининг аксарият саволлари қонунлар билан тасдиқланадиган уставлар (статутлар) билан ҳал қилинади.

Барча давлат хизматчилари икки катта туркумга бўлинади. Булардан биринчисини давлат маъмурияти, шунингдек маҳаллий ҳамжамоалар ва оммавий муассасаларнинг фуқаролик хизматчилари (шу жумладан ўқитувчилар ва шифокорлар) ташкил этади; иккинчи гуруҳ ҳарбий хизматчилар, судлар ва парламент ходимларидир.

Биринчи туркум хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми 1983–1986 йиллардаги тўрт қонунда² келтирилган давлат ва маҳаллий ҳамжамоалар хизматчиларининг умумий устави билан бошқарилади. Ушбу устав ҳаракати ҳарбий хизматчилар, парламент ва суд хизматчиларига, оммавий савдо-саноат корхоналари ходимларига тегишли эмас, чунки улар ўз махсус уставларига эга.

Хавфсизликни таъминловчи хизмат ходимлари: полиция, жазолаш муассасалари, авиадиспетчерлар, фуқаролик авиациясининг айрим хизматлари, ички ишлар вазирлиги алоқачилари ҳам махсус уставларга эга. Мазкур хизматларнинг амалдорлари Умумий устав таъсири остидан қисман чиқарилган. Улар, масалан, иш ташлаш ҳуқуқига эга эмас, аммо бир қатор моддий имтиёзларга эга.

Маҳаллий ҳамжамоалар, арзон турар жойлар тақсимловчи оммавий хизматлар ва оммавий касалхоналар ходимлари ҳам кўп жиҳатдан умумий уставга ўхшаш бироқ ўзига хосликларига эга бўлган ўз уставларига эга.

Давлат хизматчилари сўзнинг кенг маъносида турли йўналиш ва даражага эга давлат муассасаларида ишловчи шахслар сифатида белгиланади. Давлат хизматчиларининг умумий сони 4 млн кишига яқинни ташкил этади; буларнинг – 2/3 давлат хизматида, 1/3 – маҳаллий жамоаларда хизмат қилади. Давлат хизматчиларининг деярли ярми таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида хизмат қилади. Булардан 50% га яқини аёллардир.³ Улар ижтимоий ҳимоя ва таълим тизимида кўпроқ ҳамда маҳаллий техник хизматларда анча камроқдир. Аксарият аёллар тобе лавозимларда ишлайди; давлат хизматчиларининг куйи туркумида улар эркакларга нисбатан анча кўпдир.

Давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми (ҳарбий хизматчилар, судлар ва парламент ходимлари бундан мустасно, улар учун алоҳида қоидалар мавжуд) давлат ва маҳаллий жамоалар Умумий устави (статут) деб аталувчи ҳужжат билан йўлга солинади. Бу ҳужжат 1983–1986 йилларда қабул қилинган 4 қонундан: давлат хизматчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги; марказий давлат хизмати

¹Государственная служба и государственные служащие во Франции. – М.: 1994. С.85

Местная государственная служба во Франции – М.: 1993

²Государственная служба и государственные служащие во Франции. – М.: 1994.

Местная государственная служба во Франции – М.: 1993

³Салон С. Государственные служащие во Франции: Вопросы правового статуса / Чиновник. - 2001. - № 4 (14). - <http://chinovnik.uapa.ru/modern/article.php?id=123>

тўғрисидаги; маҳаллий давлат хизмати тўғрисидаги; касаллик давридаги давлат хизмати тўғрисидаги қонунлардан иборат. Кейинчалик устав қатор янги қонунлар билан тўлдирилди ва аниқлаштирилди. Алоҳида муассасалар ва давлат хизматчиларининг алоҳида туркумлари: полиция, ёнғин муҳофазаси, ҳавода юк ташиш тизими ва бошқалар учун алоҳида уставлар (статутлар) мавжуд.¹

Марказий давлат хизмати. Марказий давлат хизмати тизимини расман барча кўрсатмаларни имзолайдиган, хизматчиларнинг ишини йўлга солиб турадиган бош вазир бошқаради. Одатда, у ўз ваколатларини ҳуқуқат аъзосига (давлат хизмати масалалари бўйича вазирга ёки давлат котибига) тақдим этади. Ҳозирги вақтда Францияда махсус *Давлат хизмати, давлат ислоҳоти ва марказ тасарруфидан чиқариш вазирлиги* мавжуд бўлибнинг таркибига Маъмурият ва давлат хизмати бош дирекцияси қиради. Унинг вазифалари: Давлат хизматининг Умумий уставига (статутга)² риоя қилинишини назорат қилиш, статистик маълумотларни тўплаш, тегишли мулкни бошқариш, маъмурий муассасаларни қайта ташкил қилиш бўйича ишларга раҳбарлик қилишдан иборат. Бош дирекциянинг ваколатлари барча давлат хизматчиларига тегишлидир. Дирекция давлат хизмати учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув муассасаларига раҳбарлик қилишда ҳам иштирок этади.

Бош вазир *Марказий давлат хизмати олий кенгашида*³ раислик қилади. Кенгаш давлат муассасалари маъмуриятининг 19 вакили ва касаба уюшмалари юборган ходимларнинг 19 вакилидан иборат. Кенгаш аъзолари ва уларнинг ўринбосарлари Вазирлар Маҳкамаси декрети билан 3 йилга сайланади. Кенгаш давлат хизматиға тегишли умумий масалаларни ҳал қилишда, тавсиялар ишлаб чиқишда, қонун лойиҳаларини дастлабки кўриб чиқишда иштирок этади.

Марказий давлат хизмати тизимида бир қатор маслаҳат органлари ҳам мавжуд:

- 1) хизматчиларнинг ҳар бир корпуси (штати) учун маъмурият ва ходимлар вакилларининг тенг сонидан иборат бўлган *Паритет маъмурий комиссиялар*; булар хизмат бўйича кўтарилиш ва интизом масалалари билан шуғулланади;
- 2) давлат хизматининг ташкилий ва устав масалалари билан шуғулланувчи *Паритет техник қўмиталар*;
- 3) ҳар бир муассасада ташкил этиладиган (булардаги аксарият жойлар ходимлар вакилларига тегишлидир) *Гигиена ва хавфсизлик қўмиталари*.

Франциядаги давлат хизматини ташкил этишда ёллаш тизими (“очиқ давлат хизмати”) ва мартаба тизими (“ёпиқ давлат хизмати”)⁴ қўшиб олиб борилади. Шунга мувофиқ ҳолда давлат хизматчилари икки катта гуруҳга бўлинади:

- ▶ ҳисобланмайдиган, давлат муассасаларида ёлланиш бўйича ишловчи хизматчилар. Соатбай ишловчи ва шартнома бўйича ишловчилар, стажерлар шу гуруҳга мансубдир;
- ▶ давлат хизмати тизимида доимий ишловчи ҳамда унинг асосини ташкил этувчи хизматчи-амалдорлар.

¹Салон С. *Государственные служащие во Франции: Вопросы правового статуса / Чиновник. - 2001. - № 4 (14).*- <http://chinovnik.uara.ru/modern/article.php?id=123>

²<http://www.gmu-countries.ru/europa/france/france-gs.html>

³Филипп Ардан. *Франция: государственная система* – М. 1994.с.153.

⁴*Государственная служба (комплексный подход): Учеб. пособие. - 2-е изд. – М.: Дело, 2000, с.207.*

Доимий лавозимга сайланган, давлат хизматининг муайян корпусига (штатига) киритилган ва давлат ёки маҳаллий жамоалар маъмурий органлари, хизматлари, муассасалари иерархиясида муайян амалга (даражага) эга бўлган шахс амалдордир.

Корпус бир хил иш бажарадиган амалдорларни (ўқитувчилар, котибият хизматчилари, ғазначилик нозирлари, фуқаролик маъмурлари ва ҳ.к.) бирлаштиради. Ҳаммаси бўлиб давлат марказий хизмати тизимида 1000 яқин шундай корпуслар мавжуд. Корпусга кирган ҳолда амалдор ўзининг бутун касбий ҳаёти давомида унда қолиши мумкин. Хизматчининг бир корпусга ўтиши алоҳида қоидалар билан йўлга солинади.

Корпус ичида амалдорлар А, В, С, D туркумларига (тоифаларига) бўлинади. А туркуми концепцияларни ишлаб чиқиш ва раҳбарлик борасидаги функцияларни адо этувчи амалдорларни бирлаштиради; улар олий маълумотга эга бўлишлари лозим. В туркумига мансуб амалдорларга бошқарув концепцияларини адо этиш вазифаси юкланади, булар, албатта, ўрта маълумотга эга бўлишлари лозим. С ва D туркумидаги амалдорлар соф техник ва ёрдамчи функцияларни адо этадилар (D туркуми аста-секин бартараф этилади).

Ҳар бир амалдорга мартаба берилади. Мартаба – бу унга эга шахсга муайян лавозимлар билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи унвондир. Ҳар бир корпус кўплаб мартабалардан иборат, улар ўз навбатида босқичларга бўлинади. Гарчи мартабалар ва лавозимлар умуман бир-бирига боғлиқ бўлса-да, улар ўртасида тўла мос келмаслик бўлиши ҳам мумкин. Мартабанинг кўтарилиши албатта лавозимда ҳам кўтарилишга олиб келавермайди (худди армиядагидек ҳарбий унвон ва лавозимнинг кўтарилиши бир-бирига мос келмайди). Мартабага эга бўлиш танлов имтиҳонлари натижалари ва малака оширишни ўтишга қараб белгиланади. Мартабанинг ошиши ишланган хизмат йиллари ва аттестацияга боғлиқ. Аттестация шунингдек, лавозимда кўтарилишнинг шарти ҳамдир. Янада юқорироқ лавозим туркумига ўтиш учун ё раҳбариятнинг қарори, ёки танловдан ўтиш керак бўлади. Бошқа корпусга ўтишда ҳам одатда танловдан ўтиш зарурдир.

Францияда давлат хизматчиларини танлаб олишнинг ўта мураккаб тизими мавжуд. Конституциянинг бир қисмига айланган Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларациясида: “Барча фуқаролар учун улар қонун олдида тенгликлари боис уларнинг фазилатлари ва истеъдодидан келиб чиқадиган салоҳиятлари мос келадиган барча ижтимоий лавозимларга, амалларга ва хизматларга тенг тарзда кириш имкони очикдир” деб ёзилган.

Хизматга киришдаги тенглик дейилганда, энг аввало, ирқи, миллати, этниқоди ва жинсдан қатъий назар тенглик назарда тутилади. Бу тамойил 1954 йилда Давлат кенгаши томонидан Барел иши борасидаги қарорда шакллантирилган эди. Мазкур иш бўйича давлат хизмати масалалари бўйича давлат котиби коммунистларга Миллий маъмурий мактабга кириш ҳуқуқини рад этган эди. Давлат кенгаши бунга рози бўлмаган ҳолда коммунистларга танловда қатнашишга рухсат этди.

Диний қарашларга нисбатан Давлат кенгашининг тутган йўли бир мунча асоссизроқ кўринади. 1912 йилдаёқ аббат Бутеир иши борасидаги қарорда давлат кенгаши аббатга профессор лавозимини эгаллаш мақсадида фалсафа бўйича илмий даража олиш учун танловда қатнашишга розилик бермаган вазирни кўплаб-қувватлаган эди. Вазир руҳоний лавозими ва давлат лицейида фалсафа ўқитувчиси лавозими билан қўшиб олиб борилишини номақбул деб ҳисоблаган эди. Афтидан мазкур ҳолатда Давлат кенгаши давлатнинг дунёвий хусусиятга эгаллиги тўғрисидаги конституциявий меъёрга таянган ҳолда юзаки ёндашганга ўхшайди.

Давлат хизматидаги киришга нисбатан жинсларни тенглаштириш жараёни Давлат кенгаши томонидан 1936 йилда Бобар иши борасидаги қарордан бошланган эди. Сўнгра аёлларнинг ҳуқуқлари 1946 йилда Конституцияда ва қатор бошқа қонунларда махсус кўрсатиб ўтилган эди. Булар орасидаги сўнги Қонун 1982 йилда қабул қилинган бўлиб унга биноан “эркаклар ва аёллар ўртасида ҳеч қандай фарқлинишга йўл қўйилмайди”. Айни вақтда мазкур қонунда “ҳам аёллар учун, ҳам эркаклар учун мажбуриятларни бажариш учун муайян жинсга мансублик ҳал қилувчи шарт бўлган ҳолатларда ишга кириш учун алоҳида қабул ташкил этилиши мумкинлиги” борасида сўз юритилган. Хизматга киришда ёшга, фуқаролик ва қобилиятларга тегишли айрим чекланишлар ҳам қўлланилади. Уставлар хизматга кириш учун энг кам

ва энг юқори ёшларни кўзда тутгандир. Аксарият лавозимлар учун энг юқори ёш 40 дан 45 ёшгача қилиб белгиланган. Штатдаги лавозимларни эгаллаш учунгина француз фуқаролигига эга бўлиш зарур. Штатдан ташқари лавозимларга чет элликларни қабул қилиш мумкин. Айрим лавозимларни эгаллаш учун малаканинг зарурий даражасини тасдиқловчи диплом мавжудлиги талаб қилинади. Хизматчининг меҳнатига маош ҳажми ҳам шу малака даражасига боғлиқ.

Амалда хизматга киришда сезиларли даражадаги аниқ чекланишлар мавжуд. Хизматчиларнинг олий туркуми асосан буржуазия муҳитидан танлаб олинади. Юқори амалдорлар табақасининг бутун бир сулоласи шаклланган. Аввалгидек раҳбар лавозимларда аёллар кам. Амалдаги нотенгликни камайтириш мақсадида 1983-1984 йилдаги қонунлар маҳаллий ҳамжамоалар, уюшмалар ва касаба ташкилотлари танланадиган мансабдор шахслари учун Миллий маъмурий мактабга кириш учун ўринлар ажратиб қўйишни белгиланган.

Умумий устав хизматчиларнинг аксарият туркумлари учун лавозимга тайинланишдан олдин танлов ўтказишни кўзда тутди. Танлов номзодларни саралаб олишнинг энг яхши усули ҳисобланади. Танловда уларнинг умумий маданияти ва касбий савияси текшириб кўрилади. Танлов номзодлар имкониятларининг тенг бўлишини таъминлашга, фаворитизмга йўл қўймасликка яхшигина имкон яратади.

Конституцияга мувофиқ барча француз фуқаролари жинси, ирқи, диний ва сиёсий эътиқодларидан қатъий назар давлат хизматига кириш ҳуқуқига эга. Тенгликнинг мазкур тамойили бир қатор аниқ ҳолатларда оғишмай суд қарорлари билан тасдиқлаб келинмоқда. Айрим ҳолатлар, масалан, функцияларни бажариш учунгина фақат эркаклар ва аёллар талаб қилинадиган, ёки муайян шахс ҳарбий хизматни ўташ тўғрисидаги қонунлардан келиб чиқадиган давлат олдидаги ўз бурчларини бажармаганлиги учун фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги ёки саломатлиги аҳолига кўра лавозим мажбуриятларини бажармаслик ҳолатлари бундан мустаснодир. Айрим лавозимлар учун ёш чекланишлари ва маълумот савиясига алоҳида талаблар ҳам мавжуд. Чет эллик фуқаролар фақат штатдан ташқари лавозимларга қабул қилинади.

Давлат хизматига қабул қилишда икки кўринишга эга бўлган танлов бўйича саралаб олиш амалиётидан фойдаланилади, булар:

а) имтиҳонлар топшириш ва тестлардан ўтиш;

б) лавозимга номзодларнинг хизмат рўйхатларини таққослаб кўришдир.

Янги корпус ташкил этилаётганда, олий лавозимларга (префектлар, элчилар ва бошқаларни) тайинлашда ҳамда айрим қўйи лавозимлар учун танлов ўтказилмайди. “Ташқи танлов” – (олий маълумотга эга ташқаридан келган номзодлар учун) ҳамда “ички танлов” – давлат хизматида турган, бироқ бошқа лавозимга даъвогарлик қилаётганлар учун бўладиган танловлар ўртасида фарқ мавжуд. (Миллий маъмурий мактаб, маъмурият ҳудудий институтлари ва қатор ихтисослашган маъмурий мактаблар учун танлов имтиҳонлари алоҳида жиҳатларга эга). Танлов имтиҳонларини ўтказишда танловга олиб чиқилаётган лавозимлар, имтиҳонлар сони, ҳайъат таркиби, танловдан ўтишга рухсат этилган номзодлар рўйхати (рўйхатлар вазир ёки давлат хизматчиларининг мазкур корпусини шакллантириш учун масъул шахс томонидан тасдиқланади) тўғрисида ўз вақтида ва тўлиқ ахборотга эга бўлиш таъминланади. Ҳайъат қарори қатъийдир ва адолатсизликка йўл қўйилганлиги исботланган ҳолатдагина суд томонидан бекор қилиниши мумкин. Танловдан ўтган шахслар, одатда, бир йил давомида стажер бўлиб ишлайди. Лавозимга тайинлаш бош вазир, вазирлар, префектлар, вазирликлар маҳаллий хизматлари раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

Хизматчиларнинг энг юқори ва қўйи эшелонлари танлов тизимига кирмайди. Юқоридаги префектлар, элчилар ва вазирликлар директорлари ҳукумат кўрсатмаси билан тайинланади. Қўйидаги С ва Д тоифасидаги ижроия-техник ходимлари танлов бўйича эмас, балки тестлар ва имтиҳонлар ёрдамида танлаб олинади.

Хизматга кириш. Танлов ё имтиҳон кўринишида ёхуд номзодларнинг хизмат рўйхатларини таққослаш билан даражалар ва унвонлар бўйича ўтказилади. Бир вақтнинг ўзиде учта танлов ўтказилади: булардан биринчиси – олий ўқув юртлари битирувчилари учун; иккинчиси – дипломга ҳам эга бўлмаган (дипломга эга бўлиши зарур бўлган шифокорлар бундан мустасно) кадрдаги хизматчилар учун; учунчиси – миллий маъмурий мактабга кирувчи маҳаллий ҳамжамоалар, уюшмалар ва касаба ташкилотларининг танланадиган мансабдор шахслар учун ўтказиладиган танловлардир.

Танловни ташкил этиш қонун ёки қонуности ҳужжати билан йўлга солинади, буларда имтиҳонлар хусусияти ва дастури, ҳайъат таркибини тайинлаш тартиби белгиланади, бир вақтнинг ўзиде уч танлов ўтказиш тартиби аниқлаштирилади. Жорий йил учун муайян танловни ўтказиш тартиби ва шартлари алоҳида ҳужжат билан белгиланади. Танлов эълон қилиниши тўғрисидаги қарорда унинг ўтказилиш санаси, ҳайъат таркиби ва эгалланадиган лавозимлар рўйхати келтирилади. Лавозимлар сони олдиндан эълон қилинади ва келгуси йилгача буларнинг рўйхатини фақат судлар ўзгартиши мумкин. Шунингдек, имтиҳонлар сони ҳам олдиндан белгиланади. Танловда иштирок этишга қўйилган номзодлар рўйхатини вазир ёки хизматчилар тегишли корпусини шакллантиришга масъул шахс имзолайди.

А тоифадаги лавозимларга тайинлаш учун танлов имтиҳонлари номзоднинг кенг қиррали умумий ва махсус билимларини аниқлаш ҳамда у етарли даражадаги ақлий салоҳиятга ва қатъий феъл-атворга эга эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун йўналтирилгандир. Бу имтиҳонлар юксак савиядаги умумий ва касбий билимдан далолат бериши лозим. В тоифасидаги номзодлар қонунлар ва қонуности ҳужжатларига таянган ҳолда ўз бошқаруви остида турган кишиларнинг фаолиятини бошқара олиши ва баҳолай олиши зарур. Бунинг учун улардан ўта мослашувчанлик, кенг даражадаги умумий ва касбий билимлар талаб қилинади. С тоифадаги номзодлар учун имтиҳонлар ва тестлар энг аввало уларда ташаббускорлик салоҳиятини эмас, балки махсус билимларга, техник-ижроия кўникмаларига эга эканликларини аниқлаши лозим.

Ҳайъат ўз баҳолашларида адолатли бўлиши лозим, акс ҳолда танлов натижалари суд томонидан бекор қилиниши мумкин. Шунингдек, қилганда ҳайъат қарори қатъийдир ва маъмурият уни рад этиш ва янги танлов ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Танловдан ўтганлик ёлибни дарҳол лавозимга тайинланишига олиб келмайди. Бу бўш лавозимни эгаллаш учун рўйхатга киритилиши сабаби бўлиши мумкин. Танловдан ўтган шахсларга, одатда, 2–3 йил ўқиш учун тегишли ихтисослашган ўқув юртига унда 2–3 йил ўқишга кириш учун имкон берилади.

Лавозимга тайинлаш ваколатли мансабдор шахс буйруғи билан амалга оширилади. Конституциянинг 13-моддасига мувофиқ “Республика Президенти фуқаролик ва ҳарбий давлат лавозимларга тайинлашни амалга оширади”.¹ Амалда бунинг имкони йўқлиги боис, 1958 йилдаги Ордонансга мувофиқ президент фақат олий мансабдор шахсларнигина тайинлайди.

Бошқа ҳолатларда амалдорлар бош вазир томонидан, аксарият ҳолларда эса вазирлар ва баъзан вазирликлар маҳаллий хизматлари префектлари ва раҳбарлари томонидан сайланади. Ҳудудлар ва департаментлар хизматчилари тегишли ҳудудий ва бош кенгашлар томонидан, жамоалар хизматчилари эса мэралар томонидан сайланади. Оммавий муассасалар хизматчилари уларнинг раҳбарлари, яъни улардаги маъмурий кенгаш директорлари ёки раислари томонидан тайинланади.

Лавозимга тайинланишдан олдин даъвогар, одатда, шу муассасада бир йил давомида стажер бўлиб ишлайди. Штатдаги хизматчи фақат қонунда кўзда тутилган ҳолатлардагина хизматдан бўшатилиши мумкин.

Ҳар бир амалдор маош жадвалига мувофиқ ойлик олади. Энг кам ва энг юқори маош ўртасидаги мутаносиблик 1:5 ни ташкил этади. Маошдан ташқари устама ҳақлар (масалан турар жой учун, оила аъзолари сонига ва бошқалар учун) тўланади. Амалдор ҳар йили 5 ҳафталик маош тўланадиган таътилга, касаллиги бўйича таътилга чиқиши мумкин, аёллар учун бола туғиш даври ва болага қараш даври учун таътил берилади. Амалдорнинг мартабаси ёш бўйича нафақа даврига етгач ўз-ўзидан тўхтайдиган (кўпчилик учун нафақа ёши 60 ёшни ташкил этади, бироқ 65 ёшгача ишлашга рухсат этилади). Амалдор ўз хоҳишига

¹Конституция Франции 1958 года с изменениями, внесенными 23 июля 2008 года – сайт Конституционного совета Французской Республики на 9 августа 2014 г. - <http://www.conseil-constitutionnel.fr>

кўра истеъфога чиққан ҳолда давлат хизматини тарк этиши мумкин. Давлат маъмурий жазо сифатида амалдорни ишдан бўшатиш, агар гап жиддий қилмиш тўғрисида бораётган бўлса, уни нафақасиз қолдириш ҳуқуқига эга.

Нафақа қисман ишлаётган амалдор маошидан чегирма (7%), қисман давлат ҳисобидан тўланади. Нафақа ҳажми сўнги маош ҳажми ва ҳар йиллик тўловлар ҳажмига боғлиқ. Нафақа сўнги умумий маош ёки энг катта умумий маошнинг 75% дан ошиб кетмаслиги лозим.

Давлат хизматининг умумий устави амалдорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берган. Уларнинг ҳуқуқларига: эътиқод ва виждон эркинлиги; фикрларини ифодалаш эркинлиги (фақат танланадиган лавозимларга номзод бўлган ёки вакиллик функцияларини бажарадиган амалдорлар учун); иш ташлаш ҳуқуқи (фақат сиёсий эмас); касаба уюшмаси фаолияти ҳуқуқи; давлат хизматчиларига тегишли қарорларни муҳокама қилишда иштирок этиш ҳуқуқи; доимий касбий қайта тайёрлашдан ўтиш ҳуқуқи, меҳнат гигиенаси ва хавфсизлиги ҳуқуқи киради. Мажбуриятларга келганда эса, улар икки гуруҳга бўлинади:

- 1) амалдор сидқидилдан адо этиши лозим бўлган хизмат мажбуриятлари;
- 2) мавқеига кўра бажарилиши лозим бўлган мажбуриятларига: оғир-босиқлик, одоблилик, иззатини билиш, одиллик, эвида бўлиш мажбуриятлари киради.

Қилмишлар ва ҳуқуқбузарликлар учун амалдор жавобгарликка тортилиши мумкин. Жавобгарлик (порахўрлик ва хизмат мавқеидан ғаразли мақсадларда фойдаланилган ҳолатларда) – жиноий, агар амалдор ўзи ишлаб турган муассасага моддий зарар етказган бўлса – молиявий, интизомий жавобгарликлар бўлиши мумкин. Интизомий жавобгарлик ҳолатида ишни паритет маъмурий комиссиялар кўриб чиқади, улар юқори турувчи органга тавсиянома тақдим этади. Агар бу орган интизомий жазо белгиласа буни асослаб бериши лозим.

Маҳаллий давлат хизмати. Францияда маҳаллий давлат хизмати 1983–1984 йилларда давлат хизмати тўғрисидаги қонун қабул қилиниши билан яратилган эди, мазкур қонунларининг айрим бандлари кейинги йилларда ўзгартирилди ёки бекор қилинди. Агар 80-йилларнинг бошларига қадар маҳаллий жамоаларнинг хизматчилари ёллаш тизими шароитларида ишлаган бўлса юқорида тилга олинган қонунлар жорий этилгандан сўнг уларга лавозимда кўтарилиш тизими қўллана бошланди. Маҳаллий давлат хизматини марказий давлат хизматидан фарқловчи асосий жиҳат маҳаллий ҳокимият муассасаларига ва ҳокимият ижроия органларига лавозимлар яратиш ва уларни бекор қилиш, лавозимга тайинлаш, хизматчиларнинг касбий тайёргарлигини ташкил этиш, хизматда кўтариш, мартабалар бериш, хизматчиларни жазолаш ва ишдан бўшатиш борасидаги масалаларни ҳал қилишда муайян ҳуқуқлар берилганлигидадир.

Худди марказий давлат хизматида бўлганидек, маҳаллий давлат хизматининг амал қилиши бир қатор маслаҳат берувчи ва маъмурий органлар томонидан бошқариб борилади.

Маслаҳат берувчи органлар тизимига *Маҳаллий давлат хизмати олий кенгаши* бошчилик қилади. Ундаги ўринларнинг ярми (20 ўрин) коммуналар, департаментлар ва округлар вакилларига, қолган ярми маҳаллий давлат хизматчилари касаба уюшмаларининг вакилларига берилгандир. Бир ўрин бош вазир ёки маҳаллий жамоалар ишлари бўйича вазир вакилига тегишлидир. Шундай қилиб, Кенгашнинг умумий сони 41 кишини ташкил этади (бундан ташқари ҳар бир вакил икки ўринбосарга эга). Маҳаллий жамоалар вакили кенгаш раиси этиб тайинланади. Кенгашнинг ваколатлари 6 йил давомида амалда бўлади.

Маҳаллий давлат хизматининг олий кенгаши ё маҳаллий жамоалар иши бўйича вазир сўровига кўра, ёхуд ўз ташаббуси билан маҳаллий давлат хизматида тегишли барча масалалар (шу жумладан, ҳукуматнинг қонун лойиҳалари ва фармонлари лойиҳалари) бўйича ўз мулоҳазаларини баён қилади. У меъёрий ҳужжатлар тайёрлашга нисбатан таклифлар киритиши мумкин. У шунингдек, тадқиқот ишларини олиб боради ва статистик маълумотлар йиғади.

Маҳаллий давлат хизмати тизимида шунингдек, *Паритет маъмурий комиссиялар*, *Паритет техник қўмиталар* ва Гигиена ва хавфсизлик бўйича қўмиталар мавжуд. Булар маъмурият ва ходимларнинг

вакилларида 6 йил муддатга тузилади. Уларнинг функциялари марказий давлат хизматидаги тегишли муассасалар функцияларига ўхшашдир.

Маҳаллий давлат хизмати тизимининг амал қилишини таъминлашда етакчи рол *Давлат ҳудудий хизматининг миллий марказига* тегишлидир. Марказга Маъмурий кенгаш раҳбарлик қилади. У давлат хизмати маҳаллий ходимлари миқдорий таркибига мос равишда сайланадиган маҳаллий жамоалар (коммуналар, департаментлар ва округлар) вакиллари ҳамда маҳаллий хизматчилар касоба ташкилотлари вакилларида тенг сонли миқдорда тузилади. Кенгаш ўз таркибидан президент ва икки президент ўринбосарларини сайлайди. Кенгаш ўз йиғилишларини йилига камида уч марта ўтказиши.

Давлат ҳудудий хизматининг миллий маркази маҳаллий давлат хизматчилари касбий уюшмаларининг асосий йўналишларини белгилайди: давлат хизмати тизимида лавозимларни эгаллаш учун ўзлаштирилиши зарур бўлган таълим дастурларини тасдиқлайди; бўш лавозимларни эгаллаш учун танловлар ташкил этади; хизмат бўйича кўтарилиш, янги мартаба ёки янги лавозимга эга бўлиш учун касбий таълимлар ва имтиҳонлар ташкил этади; бўш ўринлар ва янги ташкил этилаётган лавозимлар тўғрисида ахборот тарқатади; таълим муаммоларига тегишли барча тадқиқотларда иштирок этади. Миллий марказ маблағларининг асосий манбаи маҳаллий жамоалар ва муассасалар тўлайдиган (хизматчилар умумий маошининг 1%ига қадар) бадаллардир. Миллий марказ маъмурий кенгашига касбий таълимга тегишли барча масалаларда Йўналтириш бўйича кенгаш ёрдам кўрсатади. Маъмурий кенгаш кўрсатмаларига мувофиқ Йўналтириш бўйича кенгаш ҳар йили таълим дастури лойиҳаларини, шу жумладан ўқитишнинг аниқ режаларини ишлаб чиқади.

Миллий марказ департаментлар даражасида таълим дастурларини амалга оширадиган 28 та департаментлараро ва ҳудудий шўъбаларга (“делегацияларга”) эга. Бунда уларга йўналтириш бўйича ҳудудий кенгашлар ёрдам беради.

Йўналтириш бўйича (марказий ва маҳаллий) кенгашлар маҳаллий жамоалар хизматчилари вакилларида тузилади. Уларни шакллантиришда Маъмурий кенгаш, касоба уюшмалари ва бошқарув марказлари иштирок этади.

Бошқарув марказлари ҳар бир департаментда мавжуд ва давлат маъмурий муассасаларини намоён этади. Булар паритет маъмурий комиссиялар ва интизом кенгашлари ишини мувофиқлаштиради, зарурий хужжатларни ишлаб чиқади, танловлар ва бошқаларни ташкил этишда иштирок этади.

Давлат ва маҳаллий жамоалар хизматчиларининг Умумий уставида кўзда тутилган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар тўғрисидаги барча қондалар, умуман олганда маҳаллий давлат хизматчиларига ҳам тегишлидир. Бироқ уларнинг ҳуқуқий мақомида айрим ўзига хосликлар мавжуд. Масалан, маҳаллий жамоалар хизматчилари (мансабдор кадрлар ёки мансабдор шахслар деб аталган ҳолда) икки корпусга: маҳаллий маъмурларга ва маҳаллий атташеларга бўлинади.

Давлат хизматчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш. Франциядаги давлат хизматчиларини ўқитиш тизими мукамаллиги ва пухта ўйланганлиги билан фарқланади. Бу тизимга қатор ўқув муассасалари киради.

Булар орасида энг муҳими бизга маълум Миллий Маъмурият мактаби (МММ) бўлиб, у 1945 йилда ташкил этилгандир. Бу мактаб олий тоифали давлат хизматчиларини тайёрлайди. МММни тугаллаш энг юксак лавозимларга йўл очади. Ҳар йили мактабга 100 киши (буларнинг учдан бири – чет элликлар) қабул қилинади. Учта танлов:

- 1) университетлар ва сиёсий фанлар институтлари битирувчилари учун; бу тоифадагилар учун махсус тайёргарлик машғулоти ўтказилмайди;
- 2) 10–12 йил иш стажига эга давлат хизматчилари учун;
- 3) эркин касбдаги шахслар учун танловлар ўтказилади. Сўнги икки тоифа учун икки йилча давом этадиган тайёрлов курслари ташкил этилади. Одатда, танловларда умуман олганда 1000 га яқин

номзод иштирок этади. Чет элликларни танлаб олиш француз элчихоналарида амалга оширилади. Ҳуқуқ жараёни (шу жумладан тажриба орттириш) икки йилдан кўпроқ давом этади ва ўқитишнинг фаол усулларига (хужжатлар билан ишлаш, семинарлар, мутахассислар билан мулоқотлар, ҳисоботлар ва ҳ.к.). Ҳуқуқ тўлов асосида. Қуйидаги йўналишлар: ҳуқуқшунослик, маъмурий ҳуқуқ, бюджет ва солиқлар, иқтисодиёт, давлат бошқаруви (шу жумладан халқаро ва европача жиҳатлар), чет тиллари бўйича фанлар ўрганилади. Мактабни битирувчиларга ўқиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда маъмуриятдан жой ажратилади.

МММни Давлат кенгаши президент ўринбосари раислик қилувчи маъмурий кенгаш бошқаради. Бунга вазирликлар вакиллари, олий малакали давлат хизматчилари, ўқувчилар, хизматчилар ва касаба уюшмаларининг вакиллари киради. МММ директори Вазирлар маҳкамасининг фармони билан тайинланади ва фақат маъмурий кенгаш тавсиясига кўра бу лавозимдан бўшатилиши мумкин.

Бешта шаҳарда (Бастиа, Лилл, Лион, Мец, Нант) марказий давлат хизмати учун кадрлар тайёрловчи *Маъмуриятнинг ҳудудий институтлари* (МҲИ) ишлаб турибди. Уларнинг ҳар бири йилига танлов бўйича 100–120 кишини қабул қилади. Университет маълумотига эга кишилар, 4 йил стажга эга маъмурият хизматчилари ва умумий меҳнат стажи 5 йилдан кам бўлмаган кишилар учун алоҳида танлов эълон қилинади. Одатда танлов ўта катта бўлади. Тингловчиликка даъвогарнинг умумий маданиятини (бу замонавий француз жамияти ва халқаро муносабатлар муаммосидир) ҳамда унинг ҳуқуқшунослик ва иқтисодиёт соҳасидаги билимларини текшириш учун мўлжалланган ёзма имтиҳонлар бир вақтнинг ўзида турли шаҳарларда, оғзаки имтиҳон эса Парижда ўтказилади. Имтиҳонларни мустақил комиссиялар қабул қилади. Кириш имтиҳонларини яхши натижалар билан топширганлар ўзлари хоҳлаган институтни биринчи навбатда танлаш ҳуқуқига эга. Ҳуқуқ (тажриба орттириш билан биргаликда) бир йил давом этади. Барча имтиҳонларни муваффақиятли топширган ва тажриба орттиришдан ўтган кишиларга маъмурий органларда лавозим танлаш ҳуқуқи берилади. Имтиҳон топшира олмаганлар ё барчасини бошидан бошлаши (имтиҳонларни қайта топширишга йўл қўйилмайди) ёки ишлаётган бўлса исталаётган мартабага эришмасдан ўз жойига қайтиши лозим. МҲИ барча вазирликлар учун кадрлар тайёрлайди, бироқ булардан айримлари ўзларининг ихтисослашган мактабларига ҳам эга.

Юқорида айтиб ўтилганидек, маҳаллий жамоалар учун кадрларни ўқитиш билан Маҳаллий давлат хизмати миллий маркази шуғулланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Конституция Франции 1958 г. - сайт Конституционного совета Французской Республики на 9 августа 2014 г. <http://www.conseil-constitutionnel.fr>
2. Декларация прав и свобод человека и гражданина 1789 г.
3. Закон от 13 июля 1983 г. о правах и обязанностях служащих;
4. Закон от 11 января 1984 г., содержащий положения общего статута центральной публичной госслужбы.
5. Закон от 26 января 1984 г., содержащий положения о местной публичной службе.
6. Закон от 6 января 1986 г., содержащий положения статута о государственной медицинской службе.
7. Государственная служба и государственные служащие во Франции. – М.: Посольство Франции в Москве: Министерство иностранных дел, 1994.
8. Государственная служба в зарубежных странах. Сборник обзоров законодательства. - М., 1996.
9. Государственная служба (комплексный подход): Учеб. пособие. - 2-е изд. – М.: Дело, 2000, с.207.
10. Местная государственная служба во Франции – М.: 1993.
11. Салон С. Государственные служащие во Франции: Вопросы правового статуса / Чиновник. - 2001. - № 4 (14). - <http://chinovnik.uara.ru/modern/article.php?id=123>
12. Филипп Ардан. Франция: государственная система – М. 1994. <http://www.gmu-countries.ru/europa/france/france-gs.html>



Буюк Британиядаги замонавий фуқаролик хизмати асослари 1850–1870 йиллардаёқ¹ яратилган эди. Ўшанда давлат хизматига кириш учун очиқ танлов имтиҳонлари жорий этилган ва хизматчилар танлови тизимининг раҳбар органи сифатида бошқа маъмурий органлардан мустақил бўлган Фуқаролик хизмати комиссияси таъсис этилган эди. Бошқарувни сиёсатдан ажратиш тамойили ҳам фуқаролик хизмати асосларига қўйилган эди. Мазкур тамойилга мувофиқ барча мансабдор шахслар алмашадиган сиёсатчиларга (улар 100 кишига яқин) ҳамда алмашмайдиган маъмурларга бўлинади. Булардан биринчиси – бош вазир, вазирлар, давлат котиблари ҳамда ҳукумат истеъфога чиқиши билан алмашадиган айрим бошқа шахслардир. Иккинчи гуруҳга ҳукумат алмашса ҳам истеъфога чиқмайдиган касбий хизматчилар киради. Амалда албатта хизматчиларнинг олий тоифаси сиёсий қарорларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади, аммо охир-оқибатда олиб борилаётган сиёсат учун улар эмас вазирлар жавобгардир.

Парламент томонидан ажратиладиган маблағлардан маош оладиган вазирликлар (департаментлар) ва марказий муассасалар ходимлари Буюк Британиядаги *фуқаролик (давлат) хизматчиларидир*.

Буюк Британия давлат хизмати асосига қўйилган сиёсатдан давлат бошқарувини ажратиш тамойилига мувофиқ давлатнинг барча мансабдор шахслари икки асосий туркумга: ҳукумат истеъфога кетиши билан алмашадиган сиёсатчилар ҳамда бошқа маъмурий органлардан мустақил бўлган Фуқаролик хизмати комиссияси томонидан доимий ишга ёлланадиган касбий маъмурларга бўлинади. Давлат хизматчилари-сиёсатчиларига биринчи навбатда олий мансабдор шахслар: бош вазир, барча вазирлар, давлат котиблари ва айрим бошқа юқори мансабдаги амалдорлар мансубдир. Шубҳасиз, иккинчи туркумга мансуб касбий хизматчиларнинг олий тоифаси сиёсий қарорларни ишлаб чиқишда ўта бевосита иштирок этади, бироқ вазирлардан фарқли ўлароқ қарорлар оқибати учун ҳеч қандай сиёсий жавобгарликка эга бўлмайди.

Судьялар, ҳарбий хизматчилар, полиция ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ходимлари, ўқитувчилар ҳамда соғлиқни сақлаш миллий хизмати ходимлари фуқаролик хизматчилари ҳисобланмайди.

¹О местных органах самоуправления Великобритании– М.: 1985с. 59-86. Григорьев С. Местное управление в Великобритании // Вопросы экономики. 1991 № 5. С. 52-62.

Барча санаб ўтилган туркумлар вакиллари фуқаролик хизматчилари билан биргаликда анча кенг маънодаги тушунча – “ижтимоий (оммавий) сектор хизматчилари” тушунчасига жо бўлади. Ижтимоий сектор хизматчиларининг 10% бевосита фуқаролик хизмати билан банддир.

Фуқаролик хизмати масалалари 1981 йилга қадар фуқаролик хизмати вазирлиги тасарруфида эди. Сўнгра бу вазирлик тарқатиб юборилди ва 1987 йилдан бошлаб фуқаролик хизматини бошқаришни молия вазирлиги ҳамда 1968 йилдан бўён бош вазирнинг анъанавий раҳбарлиги остидаги Фуқаролик хизмати вазири бошқармаси амалга оширмоқда.

Фуқаролик хизмати ички ва дипломатик хизматларга бўлинади. Маҳкама котиби доимо ички хизмат раҳбари этиб тайинланади, бу лавозимга одатда бош муҳрдор сайланади. Ташқи ишлар давлат котиби (вазир) ва Ҳамдўстлик ишлари вазири дипломатик хизматга раҳбарлик қилади.

Тарихий жиҳатдан фуқаролик хизмати тожнинг (қирол ҳокимиятининг) алоҳида ҳуқуқига мансуб бўлиб келган ва шу сабабдан, асосан қонунлар билан эмас, Кенгашдаги тож буйруқлари, шунингдек, ўз ваколатлари доирасида молия вазирлиги ва бошқа вазирликлар кўрсатмалари билан йўлга солинади.

Ўз иши ва лавозим мақомига кўра барча фуқаролик хизматчилари туркумлар, гуруҳлар ва тоифаларга бўлинган. Буларнинг ҳар бири бўйича малака талаблари ва лавозим мажбуриятларининг қатъий талаблари белгиланган.

Хизматчиларнинг олий гуруҳи таркибига етакчи сиёсий ва маъмурий раҳбарлар: вазирликларнинг доимий котиблари, уларнинг ўринбосарлари ва ўринбосарларнинг ёрдамчилари киради. Булар учун лавозимда туришнинг алоҳида қоидалари мавжуд. Барча бошқа хизматчилар бир неча туркумга тақсимланган. Биринчи, “умумий” туркум қуйидаги гуруҳларни: маъмурий гуруҳ (катта ижрочилар, шогирд-маъмурлар, котиб-ёрдамчилар, клерклар ва ҳ.к.); иқтисодчилар; статистлар; ахборот хизмати ходимлари ва бошқалар гуруҳини ўз ичига олади. Иккинчи туркум – илмий ходимлардир. Учинчи туркум – техник мутахассислар (муҳандислар, меъморлар ва ҳ.к.) гуруҳидир. Шунингдек, ҳуқуқшунослар туркуми ҳам мавжуд. Қуйи туркумга ёрдамчи-техник ходимлар: котибалар, стенографистлар, иш юритувчилар, фаррошлар, чопарлар киради.¹

Фуқаролик хизматчиларини танлаб олиш тизими етакчи Британия университетлари дастурлари бўйича ёзма имтиҳонлар ва албатта, суҳбат ўтказишни кўзда тутаяди. Олий лавозимларга танлашда оғзаки суҳбатлар афзал кўрилади. Олий мансабдор шахсларни фуқаролик хизмати вазири, яъни бош вазир тайинлайди. Бошқа лавозимларга тайинлаш танловни мустақил, бироқ фуқаролик хизмати комиссияси назорати остида амалга оширувчи тегишли вазирликларнинг раҳбарлари томонидан бажарилади.

Катта хизматчиларни (7-дан 1-тоифага қадар) ва айрим номзодларни танлаш Фуқаролик хизмати комиссияси томонидан адо этилади. Бунинг учун танлов ёзма имтиҳонлари ва суҳбатлар ўтказилади. Сўнги вақтларда, хусусан олий мақом хизматчилари лавозимига тайинлашда оғзаки суҳбатлар афзал кўрилмоқда. Ушбу лавозимларни эгаллаш учун имтиҳонлар ва суҳбатлар, одатда, амалдорлар элитасининг асосий қисмини етказиб берадиган Оксфорд ва Кембриж университетлари дастурлари бўйича ўтказилади.

Танловдан ўтганлар тегишли лавозимни эгаллаш учун комиссиядан хизмат гувоҳномасини олади. Улар умрбод (нафақа ёшига етгунга қадар) хизматчилар бўлиб қолади. Уларга иш билан бандлик кафолатланади, олдиндан истеъфога чиқишлар ва ишдан бўшатишлар ўта камдир.

Олий гуруҳ хизматчиси лавозимларига тайинлаш фуқаролик хизмати вазири томонидан, бошқа лавозимларга тайинлаш эса тегишли вазирликлар томонидан амалга оширилади, улар 1991 йилдан бошлаб қуйи тоифа хизматчиларини танлашни Фуқаролик хизмати комиссияси назорати остида амалга ошириб келмоқда.²

Хизматчилар меҳнатига ҳақ тўлаш хусусий ташкилотлардаги маошни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Маош ҳажми кўпгина ҳолатларга: туркумга, гуруҳга, тоифага, стажга, ишнинг қиймати ва мураккаблигига боғлиқ бўлиб, улар шу мақсадда батафсил таснифланган.

¹Центральный аппарат государственного управления Великобритании – М.: 1977. С.103–104

²Ефремов Л. Об опыте организации Британской гражданской службы // Советская юстиция. 1991. № 19. С. 12.

Хизмат бўйича кўтарилиш ва вазирликдан вазирликка, гуруҳдан гуруҳга ўтиш анча мушкул.

Фуқаролик хизматчилари давлат томонидан кафолатланадиган қатор имтиёзларга эга. Энг аввало, хизматчининг умрбод бандлиги кафолатланади, меҳнат интизоми ўта кўпол бузилган ҳолатдагина аввалроқ ишдан бўшатиш юз бериши мумкин. Бундан ташқари хизматчилар нафақа жамғармасига бадаллар тўлашдан озод қилинган, иш ҳақининг учдан бири ҳажмидаги нафақага эга бўлиш ҳуқуқи 10 йил ишлагандан сўнг ва истеъфога чиқишнинг энг кам ёшида амал қилади.

Хизматчилар албатта давлат томонидан суғурта қилинади ва қарилик нафақасига (одатда 60 ёшдан бошлаб) ҳамда ногиронлик нафақасига чиқиш ҳуқуқига эга. Шу аснода улар нафақа жамғармасига бадал тўлашга мажбур эмас. Иш ҳақининг учдан бири ҳажмидаги нафақага эга бўлиш ҳуқуқи 10 йил ишлагандан сўнг ва истеъфога чиқишнинг энг кам ёшида амал қилади.

Хизматчи маъмурият хоҳишига кўра муддатдан олдин бўшатилиши мумкин ва унинг қарори устидан Фуқаролик хизмати апелляция кенгашига, сўнгра судга арз қилиниши мумкин.

Аммо фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқларида айрим чекланишлар ҳам мумкин. Олий мансабдор шахсларга умуммиллий даражада сиёсат билан шуғулланиш тақиқланган. Маҳаллий сиёсий фаолиятда иштирок этиш учун тегишли муассаса раҳбариятининг барча ҳолатларда ҳам берилавермайдиган рухсати ва улар намоён этадиган муассасаларга содиқликнинг мажбурий шarti зарурдир. Молиявий амалиётларда иштирок этиш ва хусусий ҳамда хизмат мажбуриятлари тўқнашишларига олиб келадиган акциялар ва ер участкалари билан боғлиқ амалиётларда ҳам чекланишлар мавжуд. Истеъфога чиққандан сўнг ҳам сиёсий фаолият учун махсус рухсат керак бўлади.¹

40-йилларнинг охирига келиб фуқаролик хизматчиларининг касаба уюшмаларида иштирок этишига бўлган тақиқ олиб ташланди, сўнгги йилларда эса касаба уюшмалари иш ташлашлар ўтказиш ҳуқуқига ҳам эга бўлдилар.

80-йиллардан бошлаб Тетчер-Мейджор ҳукуматлари ўтказган ислохотлар натижасида Буюк Британия фуқаролик хизматида қатор ўзгаришлар юз берди.

Аста-секин давлат хизматчиларининг сонини қисқартириш амалга оширилди. Ҳукумат тепасига М.Тетчер келган вақтда (1979 й.) Буюк Британияда 732 000 фуқаролик хизматчилари фаолият олиб борган бўлса, у истеъфога кетган йили (1990 й.) 565 000 та, 1995 йилда эса бор йўғи 554 000 фуқаролик хизматчиси қолди. Бу рақам келгусида ҳам камайиб бормоқда.²

Давлат хизматино ислох қилиш бўйича чора-тадбирлар 1988 йил февралда эълон қилинган “Ҳукуматдаги бошқарувни яхшилаш: навбатдаги қадамлар” деб номланган дастурда таклиф этилган эди; унда ўзгаришларнинг бош мақсади бошқарувнинг буткул янги усулини ўрнатишдан иборат бўлиши лозимлиги борасида сўз юритилган эди. Фуқаролик хизматининг марказий тармоғи ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган дастурлар ва янги яратилаётган хизматлар “ҳомийларига” айланадиган вазирларга хизмат кўрсатиш ва вазирликларни бошқариш билан шуғулланидиган менежерларнинг нисбатан кичик гуруҳидан иборат бўлиши лозим. Давлат хизматчилари мақомига эга бўлиши мумкин ёки мумкин бўлмаган ўз ходимларига эга агентликлар бу вазирликларга ҳисобот бериб туради. Улар бир томондан, вазир ва вазирликнинг доимий котиби (вазир ўринбосари) бошқа томондан, ҳам раис ёки агентликнинг бош бошқарувчиси ўртасидаги аниқ белгиланган масъулятларга эга тегишли хизматларни тақдим этиш билан шуғулланади. Ҳам вазирликлар, ҳам уларнинг агентликлари соддалаштирилган янада очиқроқ тузилмага эга бўлиши лозим. Янги агентликлар, асосан, давлат хизмати аппаратида қўшилган бўлиб, уларнинг иши учун жавобгарлик вазирларга юклатилган эди. Бундан ташқари, улар парламент кўмиталарининг, миллий тафтиш муассасаси ва маъмурият учун масъул бўлган парламент аъзоси (омбудсман) ваколатига қиради.

1993 йилнинг июнига келиб 339 000 амалдордан (уларнинг умумий сонининг 60%дан ортиқроғи) агентликларда ёки уларга тенглаштирилган хизматларда ишлай бошлади. 84 агентликдан энг каттаси

¹Бойцова В.В., Бойцова Л.В. Политическая нейтральность государственных служащих в Англии // Государство и право. 1992 № 9 С.117-124

²Упадок госуларства - <http://www.inliberty.ru/library/481-upadok-gosudarstva>.

(ижтимоий таъминот агентлиги) 60 000дан ортиқроқ хизматчига эга бўлган бўлса, айрим кичикроқ агентликларди 100 тадан камроқ хизматчи мавжуд эди. Ҳажмларида (ва функцияларида) шунчалик катта фарқ бўлишига қарамасдан агентликлар учун айнан бир хил қоидалар мавжуд эмас. 1993 йилдан сўнг яна йигирмата хизмат (28 000 дан кўпроқ амалдор) агентлик мақомига эга бўлиш учун танловга қўйилди, уларнинг энг каттаси – 10 000 хизматчига эга бўлган суд хизмати 1995 йилнинг апрелига келиб шундай мақомни қўлга киритди.¹

Агентликларнинг бош бошқарувчиларини тайинлашда муҳим янгиликлар пайдо бўлди. Улар уч ёки беш йилга шартнома асосида, аксарияти эса очиқ танлов натижасида тайинланиб, ўтмишда давлат хизматида алоқадор эмас эди.

1991 йилда Фуқаролик хартиyasi қабул қилинди, унда ҳукумат ижтимоий хизматлар ишини яхшилашга ва уларни истеъмолчига йўналтиришга ваъда берди. Шундан сўнг хусусан соғлиқни сақлаш ва таълим сингари соҳаларда янада юсакроқ натижаларга эга бўлиш режаси тузилган эди.

Марказлашган менежмент аппаратини ишлаб чиқишдаги сўнги қадам 1993 йилнинг май ойида ижтимоий хизматлар ва фан муассасасини ташкил қилиш бўлди. Унга ҳукумат вазири раҳбарлик қилади ва унда 1200 дан ортиқроқ амалдор ишламоқда. Қатор бўлимлар, шу жумладан самарадорлик бошқармаси, Фуқаролик хартиyasi бошқармаси, шунингдек уч агентлик ва давлат хизмати коллежи мазкур муассаса таркибига кирди. Давлат хизматида “бозор синовидан”, лозим бўлган агентликларни яратиш воситасида хусусийлаштириш ва тижоратлаштириш унсурларини жорий этилиши Буюк Британияда муҳолиф партиялар томонидан баҳслар ва танқидга сабаб бўлмоқда. Шу билан бир вақтда амалда агентликлар устидан парламент назоратининг ўрнатилганлиги анча самарали ҳисобланади.

Маҳаллий кенгаш хизматчилари, асосан, турли касб вакилларидан ёлланади, улар шартнома асосида ишга олинади ва аксарият ҳолларда бутун ҳаёти даврида шу ерда меҳнат қилади. Ўз соҳасининг мутахассислари, одатда, энг масъул лавозимларга тайинланади.

Хизматчилар бутун таркибининг иши ҳар йили раҳбарият томонидан баҳоланиши лозим. Хизмат мақоми талабларига боғлиқ ҳолда ҳар бир алоҳида ҳолатда ўқиш заруратини аниқлаш баҳолашнинг энг муҳим яқунларидандир.

Фуқаролик хизматчилари ва ижтимоий секторнинг барча хизматчиларини ўқитишга келганда эса, Буюк Британияда ишчиларнинг малакасини оширишга амалий урғу берилмоқда. Ҳар бир вазирликда тайёргарлик ва кўникмалар бўйича тегишли бўлим, махсус ходимлар ва менежерлар мавжуд: мазкур муассаса учун тайёрланган дастурлар бўйича ишловчи курслар фаолият кўрсатади. Ўқишга қатнаб ёки сиртдан билим олиш мумкин. Ходимларнинг айрим тоифалари (энг аввало ёш ходимлар) бўш кунлар берилиши ва ҳ.к. шаклида муайян имтиёзларга эга.

Маҳаллий кенгашларда ходимларни ўқитиш зарурати ҳокимиятнинг барча босқичлари ва соҳалари вакилларида иборат бўлган марказий ўқув маслаҳат гуруҳи ёрдамида белгиланади. Ҳокимиятнинг маҳаллий органи зарур деб ҳисобланган ўқишнинг барча харажатларини кўтаради.

Фуқаролик хизматчиларидан фарқли ўлароқ маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув хизматчилари билан ёлланиш шартномаси тузилади, унга риоя қилмаслик суд аралашувига олиб келиши мумкин.² Айрим ходимларни ёллаш тегишли вазирликлар розилиги билангина амалга оширилиши мумкин. Маҳаллий бошқарувнинг барча органларида таркиби маъмурият ва хизматчиларнинг тенг сонидан ташкил топган миллий ва маҳаллий бирлашган кенгашлар томонидан ишлаб чиқилган хизматчилар меҳнатига ҳақ тўлаш ва бир хил меҳнат шароитларининг ягона шкаласи мавжуд. Маҳаллий бошқарув хизматчиларининг нафақа ҳуқуқи қонунчилик томонидан тўла йўлга солинган.

¹Зенков М.Ю. *Зарубежный опыт управления: Государственная служба: Учебное пособие.* — Новосибирск: НГАУ, 2004, С 21.

Анализ моделей государственной гражданской службы в зарубежных странах- http://www.pravo.vuzlib.ru/book_z1102_page_50.html


² *Государственная служба. Общие вопросы. Зарубежный опыт.* – М., 1994. Вып. I.

Адабиётлар рўйхати:

1. Анализ моделей государственной гражданской службы в зарубежных странах- http://www.pravo.vuzlib.su/book_z1102_page_50.html
2. Бойцова В.В., Бойцова Л.В. Политическая нейтральность государственных служащих в Англии // Государство и право. 1992 № 9.
3. Государственная служба. Общие вопросы. Зарубежный опыт. – М., 1994. Вып. I.
4. Ефремов Л. Об опыте организации Британской гражданской службы // Советская юстиция. 1991. № 19.
5. О местных органах самоуправления Великобритании– М.: 1985с. 59–86. Григорьев С. Местное управление в Великобритании // Вопросы экономики. 1991 № 5. С. 52–62.
6. Центральный аппарат государственного управления Великобритании – М.: 1977. С.103–104.
7. Упадок государства - <http://www.inliberty.ru/library/481-upadok-gosudarstva>.

5.4.

АҚШ



Федерация даражасидаги АҚШдаги замонавий фуқаролик хизмати 1883 йилда Фуқаролик хизмати тўғрисидаги Қонундан бошланган.¹ Мазкур ҳужжат билан илгари амалда бўлган “ўлжа” тизими бекор қилиниб, унга мувофиқ сайловларда ғолиб чиққан президент барча мансабдор шахсларни тўла

¹Конституция США, ст. II, раздел 2.2//Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран.- М., 1984. С. 196.

алмаштириши мумкин эди. Қонун хизматга танлаш ва лавозимларнинг аксариятига тайинлаш учун янгича тизимни (тақдирлашга лойиқ ишлар тизимини) ва танлов имтиҳонларини жорий қилди. Партияга мансублик аломатига кўра камситиш тақиқланди, фуқаролик хизмати эса сиёсий бетараф деб эълон қилинди. Қонун алоҳида органни – кейинчалик ижроия ҳокимият тизимида мустақил муассасага айланган Фуқаролик хизмати комиссиясини таъсис этди.

Фуқаролик хизматини йўлга солувчи қонунчилик сўнги йилларда бир неча марта тўлдирилди ва ўзгартирилди. Сўнги энг аҳамиятли ҳужжатлардан бири 1978 йилдаги Фуқаролик хизматини ислоҳ қилиш тўғрисидаги Қонун бўлди. Мазкур қонун билан комиссиялар ўрнига мустақил муассасалар сифатида учта янги орган (Ходимларга раҳбарлик бошқармаси, Алоҳида маслаҳатчи бошқармаси ва Хизматлар тизимини муҳофаза қилиш кенгаши) яратилди, буларга илгари комиссияларга топширилган учта турлича функцияларни:

- 1) ходимларни танлаш, ўқитиш ва илгари суришни бошқариш;
- 2) ҳуқуқий меъёрлар бузилиш ҳолатларини суриштириш;
- 3) бундай бузилишлар бўйича қарорлар чиқаришни адо этиш топширилди.

Булардан ташқари 1978 йилдаги Қонун¹ ходимлар ишини йиллик баҳолашдан ўтказишни кўзда тутди, мукофотлашни кенгроқ қўллаш йўли билан хизматчиларни рағбатлантишни кенгайтди ва хизматчиларнинг янги гуруҳини – Катта раҳбарлар хизматини яратди. Фуқаролик хизмати бўйича кўп сонли ва ўта батафсил ҳуқуқий меъёрлар, асосан, АҚШ қонунлари Тўпламининг кодификациялаштирилган бешинчи қисмида жойлашган.

АҚШдаги давлат хизматчилари туркуми ҳам давлат-ҳукумат ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ мансабдор шахсларни ва ёрдамчи-техник ходимларни, ҳам ёлланма ходимларни (шу жумладан, давлат ўқув муассасаларининг ўқитувчилари, давлат корхоналарининг ва коммунал хизмат соҳалари ишчилари) ўз ичига олади. АҚШда кенг маънода меҳнати учун федерация, штат ёки ҳукумат маҳаллий органи бюджетидан маош оладиган ҳар бир шахс “давлат хизматчиси” (“government employee”) ёки “ижтимоий сектор хизматчиси” («public employee») ҳисобланади. Бинобарин, америка адабиётида кенг қўлланиладиган “фуқаролик хизмати” (“civil service”), “оммавий хизмат” («public service»), “ҳукумат хизмати” («government service») атамалари кўпинча синоним сифатида ишлатилади.

Айни вақтда Америкадаги махсус адабиётларда қатор ҳолатларда касбий алмашмайдиган амалдорлар туркумини қамраб олувчи “фуқаролик хизмати” асосида алмаштириладиган давлат амалдорларининг олий тоифасини англатадиган “ҳукумат хизмати” тушунчалари фарқланади. Ушбу барча атамалар ўзбек тилига “давлат хизмати” тарзида таржима қилинади ва мамлакатимиздаги адабиётда айнан шу атама қўлланилади.

Америкача давлат хизматида давлат бошқарувининг федератив шакли, бошқарувнинг президент шакли, ҳокимиятлар тақсимланишининг “бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатлар” конституциявий тамойиллари ҳамда жамиятни сиёсий ташкил этишнинг бошқа ўзига хосликлари катта таъсир ўтказган.

АҚШ давлат қурилишининг федерал шакли марказий ижроия аппарати ва штатлар, графликлар ҳамда муниципалитетлар функцияларининг чегараланишини олдиндан белгилаб берди. Штатларнинг мустақиллиги XVIII аср охиридаёқ рад этилганлига қарамасдан Америка ижтимоий-сиёсий ҳаётида штатлар доимо шунчаки маъмурий-ҳудудий бирликларга нисбатан доимо аҳамиятлироқ ролни ўйнаб келган.

Конституцияда жойларда давлат хизматини ташкил этиш борасида сўз юритилмагани боис штатлар ва маҳаллий органлар бошқарув аппаратидаги амалдорлар фаолиятини ташкил этиш штатлар ҳукумати

¹Kahn R. et al. *Americans Love Their Bureaucrats//Bureaucratic Power in National Policy Making. Boston, 1986.*

ва маҳаллий бошқарувга тегишли ҳуқуққа айланди. Федерал бюджетдан молиялаштириладиган штатлар ижроия органлари шахсий таркибининг хизмат фаолияти унинг айрим турларини истисно қилганда федерал қонунчилик томонидан йўлга солинмайди. Ҳокимият маҳаллий органларининг иши аксарият ҳолларда штат ҳуқуқматидан мустақил равишда амалга оширилади.

Бунинг натижасида юридик нуқтаи назардан АҚШда ягона давлат хизмати мавжуд эмас. У маъмурий-худудий тамойилга кўра кўп сонли мустақил тизимларга ажратилгандек туюлади, бу эса АҚШда 185 мингга яқин маъмурий-худудий бирликлар мавжудлиги сабабидан унинг тузилишини ўта мураккаблаштириб юборади. Бундан ташқари ҳуқуқий нуқтаи назардан энг муҳим бўлган федерал фуқаролик хизмати ўз навбатида ҳуқуқий асоси фақат қисман мос келадиган маъмурий-бошқарув тузилмалари аралашмасидан иборат. Мустасно федерал хизматлар деб аталувчи хорижий хизмат (ФБР), МРБ (ЦРУ) ва ҳоқозолар сингари хизматлар ҳам мавжуд.¹

Барча федерал хизматчилар фуқаролик хизматчилари жумласига кирмайди. Қуйидагилар: “Ҳукумат хизматида” турган мансабдор шахслар, яъни янги сайланган президент томонидан алмаштириладиган департаментлар ва муассасалар раҳбарлари; ҳарбий хизматчилар; ҳукумат органларининг танловсиз тартибда қабул қилинадиган хизмат кўрсатувчи ходимлари; хизматчиларнинг айрим бошқа туркумлари фуқаролик хизматчилари эмас. Асосан юқорида номлари келтирилган бошқармалар ва кенгаш юрисдикцияси остидаги хизматчиларгина фуқаролик хизматчиларига мансубдир. 1988 йилда булар 60%ни ташкил этган. АҚШда мажбуриятлар ва жавобгарликнинг нисбатан мураккаблигига боғлиқ ҳолда ишлар ва лавозимларнинг батафсил таснифи мавжуд бўлиб меҳнатга иш ҳақи тўлаш шунга чамбарчас боғлиқдир.

Ходимларни бошқариш бўйича бошқарма юрисдикциясига кирувчи хизматчилар 18 тоифага (босқичга) бўлинган.² Уларнинг маошини хусусий сектордаги тегишли меҳнатга тўланадиган иш ҳақиға қиёслаш мумкин. Олий раҳбарлар хизмати учун танлаш, рағбатлантириш, илгари суриш, ишдан бўшатиш ва нафақа таъминотининг ўзига хос тартиби мавжуд.

Хизматчиларни бошқариш бўйича бошқарма амалга оширади. Ёш бўйича деярли чеклашларсиз ва ҳар қандай босқичга хизматга киришга рухсат этилади. Бошқарма ўзи белгиланган дастур бўйича имтиҳонлар ўтказиши ва маъмурий судларга даъвогарлардан имтиҳон олади. Янада юқорида тоифага кўтарилиш учун ҳам хизматчи имтиҳон топшириши лозим.

Бошқарма хизматчиларни ўқитиш ва малакасини оширишга жавоб беради. У хизматчилар ишини йиллик баҳолаш услубиятларини ишлаб чиқади ва департаментлар ҳамда муассасалар томонидан баҳолаш ўтказилишини назорат қилади. 1988 йили барча федерал хизматчиларнинг деярли 97%и ўз касбий салоҳиятларини баҳолашдан ўтган. Баҳолаш муассасаларнинг раҳбарлари ва уларнинг ижрони текшириш бўйича ўзига хос кенгашлари томонидан ўтказилади. Хизматчининг мартабаси ва маоши ҳажми тартиби баҳолаш натижаларига боғлиқ. Меҳнати ижобий баҳоланган хизматчиларга (биноқ ходимларнинг ярмидан кўпига эмас) мукофот берилиши лозим. У йилига бир марта ягона қийматда (чеғирмаларнинг бир қисмидан озод этилган ҳолда) тўланади.

Барча хизматчилар касаллик бўйича ижтимоий таъминот тизимидан фойдаланадилар. Улар кексалик (50 ёшдан бошлаб) ва ногиронлик бўйича нафақага чиқиш ҳуқуқига эгалар. Шунингдек, улар ўз касаба уюшмаларини тузишлари, маъмурият билан жамоавий шартномалар тузишлари, уларнинг манфаатларига тегишли қарорларни қабул қилишда иштирок этишлари мумкин. Биноқ уларнинг иш ташлаш ҳуқуқлари чекланган. Хизматчиларнинг сиёсий ҳуқуқлари ҳам чекланган, чунки улар сиёсий жиҳатдан бетараф бўлишлари лозим. Олий раҳбарлар учун хизматда туришда алоҳида имтиёзли шароитлар кўзда тутилган. Бундай раҳбарларнинг сони ҳаммаси бўлиб 11 мингга яқиндир. Булар учун тоифаларга ажратиш мавжуд эмас, Лавозимга тайинлаш ва муассасаларо жой алмаштириш фақатгина уларнинг меҳнати раҳбар томонидан баҳоланиши орқали амалга оширилади. Улар учун малака оширишда, таътиллларда, нафақа таъминотида имтиёзлар мавжуд.

¹Государственная служба в цифрах - <http://www.xserver.ru/user/gossls/2.shtml>

²Государственная служба США – www.Urist-center.ru

Маъмурий бошқарув тизимидаги ўзгаришларга бағишланган маърузага “олий раҳбарлар хизматини кучайтириш зарур, чунки бу ҳукумат маданиятини қайта ташкил этишда бош унсур бўлиши лозим” лиги борасидаги махсус қисм киритилгани бежиз эмас. Мазкур қисмда ОРХдаги асосий муаммолар санаб ўтилган ва уни келгусида ривожлантириш йўллари санаб ўтилган.

Унинг муаллифлари қаерда ўзгаришлар ўтказиш соҳаларини қисқа баён қилган ҳолда ҳаракатнинг уч йўналишини таклиф этганлар.

Биринчидан, қуйидаги йўллар билан раҳбар кадрларни бошқарувга ёндашувни ўзгартириш:

-
- а)** XXI аср эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда давлат хизматчиларини ўқитиш билан машғул бўлган ўқув марказларини ривожлантириш;
 - б)** вазирликлар ва агентликларда раҳбарлик маданиятини ўзгартиш учун стратегиялар ишлаб чиқиш;
 - в)** қарорлар қабул қилиш ва режалаштиришда раҳбарларга кўмаклашиш учун ахборот тизимини такомиллаштириш.
-

Иккинчидан, ташкилот стратегияси ва бюджетини ҳисобга олган ҳолда раҳбарларни топиш, танлаш ва ривожлантириш борасида умумий моделни давлат бошқаруви органларига жорий этиш.

Учинчидан, ОРХ аъзоларининг иш ўрни ва функционал мажбуриятларини ўзгартирган ҳолда уларнинг салоҳият ва кўникмаларидан тўлароқ фойдаланиш учун уларни ротация қилиш тизимини яхшилаш.

Қисқача қилиб айтганда, АҚШ ҳукумати ушбу босқичдаги ўз вазифасини ОРХ асосини сақлаб қолган ҳолда унинг олдига қўйилган вазифаларни яхшироқ бажаришга ва ҳокимиятнинг федерал органлари иши самарадорлигини оширишга имкон берувчи тузатишлар киритишда кўрмоқда.

Умуман, АҚШ федерал давлат хизмати 1994 йилнинг сентябрига келиб қуйидаги гуруҳлардан иборат эди:

-
- ▶ АҚШ президенти томонидан тайинланган вазирликлар ва муассасалар раҳбарлари – 450 киши;
 - ▶ олий давлат хизматчилари: а) олий хизмат раҳбарлари – 7650 киши; б) дипломатик хизмат – 1100 киши; в) давлатнинг бошқа органлари – 5500 киши.
 - ▶ давлат хизматчилари:
 - а)** 13–15 туркум; олий лавозимлар – 285 300 киши, шу жумладан 104 700 раҳбарлар;
 - б)** 1–12 туркум; 1 232 200 хизматчилар, шу жумладан 85 300 раҳбарлар.¹
-

Шундай қилиб, ОРХ аъзолари сиёсий раҳбарлар ва бошқа давлат хизматчилари ўртасидаги боғловчи ришта сифатида намоён бўлмоқда. Бунга АҚШ президенти сенат розилиги билан тайинлайдиган лавозимлар, ИИБ, ФРБ, МРБ, Миллий хавфсизлик бошқармаси, давлат корпорациялари, марказий молия муассасаларидаги лавозимлар кирмайди.

Қонунда Олий раҳбарлар хизматига кирувчи лавозимларни белгилашга имкон берувчи бешта мезон санаб ўтилган:

¹Государственная служба в цифрах - <http://www.xserver.ru/user/gossls/2.shtml>

-
- ▶ давлат ташкилотлари фаолиятини бошқариш;
 - ▶ федерал дастурлар ва лойиҳаларни бажариш учун жавобгарлик;
 - ▶ мақсадлар амалга оширилиши устидан назорат, фаолиятни йўлга солиш ва баҳолаш;
 - ▶ давлат хизматчилари ишига раҳбарлик;
 - ▶ сиёсатни белгиловчи қарорлар қабул қилиш ёки раҳбарнинг бошқа функцияларини адо этиш.
-

ОРХ аъзоларининг аксарияти (72%) Вашингтон ҳудудида яшайди. Уларнинг ўртача ёши 52 ёш, давлат хизмати стажи 24 йилни ташкил этади. Булардан 67,5%и ижтимоий ёки табиий фанлар магистри ёки доктори дипломига эга. Аёлларнинг улуши унча катта эмас – 13%ни ташкил этади.

Федерал муассасалар икки йиллик давр учун ОРХ лавозимлари сони мустақил белгилайди. Бироқ буни узил-кесил тасдиқлаш ҳуқуқи мазкур муассаса миссияси, федерал дастурлар эҳтиёжлари ва бюджет имкониятлари асосида Маъмурий-бюджет бошқармаси билан маслаҳатлашувдан кейин ходимларни бошқариш хизматига тегишлидир.

Олий раҳбарлар хизмати тўғрисидаги қонунда лавозимларнинг икки тури: мартабали ва умумий лавозимлар белгиланган. Мартабали лавозимларга фақат хизматга алоқадор амалдорлар тайинланиши мумкин, бу давлат аппарати ишининг барқарорлигини таъминлаши ва “унинг беғаразлигини ҳамда ҳукуматга халқнинг ишончини кафолатлаши” лозим.

Умумий лавозимларга бошқа касбий гуруҳлар вакиллари тайинланиши мумкин. 1993 йилда мартабали лавозимларда – 54%, умумий лавозимларда эса 46% хизматчилар ишлаган.¹

ОРХ аъзолари учун лавозимларнинг 4 тури – мартабали, мартабасиз, фавқуллодда ва вақтинча лавозимлар белгиланган. Мартабали лавозимларга муассасанинг ўзида белгиланадиган малака талабларига мувофиқ хизматга алоқадор хизматчилардан тайинланади. Бу ҳам умумий, ҳам мартабали лавозимларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Мартабасиз лавозимларга тайинлаш фақат сиёсий бошқарув ва стратегик курсни бошқаришга боғлиқ умумий лавозимларга тегишлидир. Бундай лавозимларга тайинлашлар ходимларни бошқариш хизмати томонидан тасдиқланади ва ОРХ лавозимлари умумий сонининг 10% ва ҳар бир муассасадаги лавозимларнинг 25%идан ошмаслиги лозим.

Муассасага махсус лойиҳа ёки муҳим ишни бажариш учун ходимни тез қабул қилиш зарур бўлганда ҳамда ишга қабул қилишнинг расмий тартиботи чўзилганлиги боис қониқтирмаган шароитда 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга умумий лавозимларга вақтинча тайинлаш амалга оширилади.

Умумий лавозимларга фавқуллодда тайинлаш ўта зарур бўлган ҳолларда 18 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга ўтказилади. Шу аснода вақтинча ва фавқуллодда лавозимларга тайинлаш сони ОРХдаги умумий тайинлашларнинг 5% идан ошиб кетмаслиги лозим.

АҚШ давлат хизматини ислоҳ қилиш даврида уни хусусий секторга нисбатан янада очикроқ ва рақобатбардошлироқ қилиш вазифаси қўйилган эди. Шунинг учун ОРХ лавозимига ишга кириш учун даъвогар танлов имтиҳонидан ўтиши ва бошқа номзодлар билан очик курашда ғолиб чиқиши лозим. Манфаатдор шахслар давлат ташкилотларида ёки иш билан бандлик ҳудудий марказларидан бўш ўринлар рўйхатларини олиши мумкин. Кадрларни танлаш, қабул қилиш ва баҳолаш билан боғлиқ масалаларнинг барчасини муассасаларнинг ўзи ҳал қилади. Бунинг учун уларда раҳбар кадрлар бўйича кенгашлар ташкил этилган, ходимлар билан ишлаш тамойиллари ва механизмлари ишлаб чиқилган, ОРХ ходимларига қўйиладиган малака талаблари белгиланган.

¹Государственная служба в цифрах - http://www.xserver.ru/user/gossls/2_shtml

Давлат ташкилотлари бўш ўринлар тўғрисидаги ахборотни ходимларни бошқариш хизматига тақдим этади, у эса ҳар икки ҳафтада бўш ўринлар рўйхатини эълон қилиб боради. Бўш лавозимлар 14 тақвим куни давомида очиқ туради. ОРХ лавозимига биринчи марта тайинланиш ўтказилганда номзоднинг бошқарув кўникмаларини ОРХ турли вазирликлардан бўлган 3 аъзосидан ташкил топган махсус малака комиссияси баҳолайди. Номзоднинг қўйидаги жиҳатлари: бошқарув тажрибаси; ОРХ ўқув дастурларида муваффақиятли иштироки; ташкилотга яхши раҳбарликни таъминловчи алоҳида касбий сифатлари эътиборга олинади. Танлов имтиҳонларидан ташқари ходимларни бошқариш хизмати томонидан ишлаб чиқилган ўқув дастурларида иштирок этиш ОРХ лавозимларини эгаллашнинг муқобил йўли мавжуд. Буларга қабул қилиниш учун худди ОРХга киришдек тартиботдан ўтиши лозим. Номзод ўқишни муваффақиятли тугатгандан сўнг келгусида ишлаши учун ҳар қандай идорани танлаши мумкин.

ОРХ янги аъзолари учун уларнинг салоҳиятлари, билимлари, интилиш сабабларини, кучли ва заиф жиҳатларини ҳар тамонлама баҳолаш учун бир йиллик синов муддати белгиланган. Уларнинг иши қониқарсиз баҳоланганда улар ишдан бўшатилади ёки олдинги лавозимига қайтарилади. ОРХнинг барча аъзоларининг 70% улар лавозимга тайинлангунига қадар федерал ҳокимият органларида камида 5 йил иш стажига эга бўлиши лозимлиги тўғрисидаги қоида мавжуд. Бу олий раҳбарлар таркибининг барқарорлигини сақлаб туриш ҳамда давлат сиёсати ворислилигини таъминлайди.

Олий раҳбарлар хизматининг ўзига хосликларидан бири бу унинг мослашувчан хусусиятга эга эканидир. Давлат хизматчиси танловнинг малака тартиботларидан ўтгач ва рақобатли курашда ғалабага эришгач бу тизим лавозим чегараларини билмаслиги боис ўзининг дастлабки мавқеидан қатъий назар ОРХ ичида турли лавозимларни эгаллаш имкониятини қўлга киритади.

Агар хизматчи ОРХ ичида бошқа ишга ўтишга қарор қилган бўлса, у бу ҳақда 15–60 кун олдин огоҳлантириши лозим. ОРХга ишга ўтгандан сўнг 120 кун ишлагандан сўнггина бошқа ишга ўтишга рухсат этилади.

Барча вазирлик ва муассасасалар ташкилот миссияси ҳамда ходимларни бошқариш хизмати тавсияларини ҳисобга олган ҳолда ОРХ ходимлари учун ишни баҳолаш тизимида эга. Ижрони баҳолаш кўрсаткичлари мақсади ва тизими хизматчи ҳамда раҳбар билан белгиланади ва одатда: маҳсулдорлик, сифат, ижро вақти, нуқсонлар, натижадорликни ҳисобга олади. Ҳар йили ОРХ аъзоси ишининг баҳоси ёзма равишда унга тақдим этилади. Мазкур ҳисоботнинг бир нусхаси муассасаса раҳбарига, бошқа нусхаси эса мазкур ишда адолат ва изчилликни сақлаш учун яратилган ижро бўйича кенгашга тақдим этилади.

ОРХ тўғрисидаги қонунда баҳолашнинг камида 3та шкаласи белгиланган, булар: қониқарсиз, қониқарли, яхши тарзида баҳолашдир. “Яхши” баҳога эришилганда ижро учун мукофот олиш мумкин. Бирмунча пастроқ баҳолар хизматчининг ҳаракатларини тузатиш ёки уни ОРХдан четлатиш учун асос бўлиши мумкин. Аммо бу ерда чекланишлар мавжуд. Олий раҳбарларни янги лавозимга ўтгандан сўнг 90–120 кун давомида ёки янги президент сайлангандан сўнг 120 кун давомида баҳолаш мумкин эмас. 1989 йилда қонун қабул қилинган бўлиб, унга биноан барча мартабали амалдорлар 1991 йилдан бошлаб ҳар уч йилда аттестациядан ўтиши лозим. Шу боис ОРХ аъзолари учун маълумотномада: “Аттестация, шу жумладан, уларнинг ижодий ривожланишини рағбатлантириш ҳамда яхши натижаларга эришиш салоҳиятига эга, бироқ муайян қийинчиликларни ҳис қилаётган раҳбарларга ёрдам кўрсатиш мақсадида Олий раҳбарлар хизмати мартабали аъзоларининг фаолияти натижадорлигини оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди” деб ёзилган.

Муассаса раҳбари баҳолаш натижаларига кўра: аттестациядан ўтказиш, ўтказмаслик, шартли равишда ўтказиш борасида хулоса чиқаради. Агар ОРХ аъзоси шартли равишда аттестациядан ўтказилса, у ўз лавозимида қолади, бироқ унинг маоши камайтирилиши мумкин ва у ишдаги камчиликларни бартараф этиш борасида режа ишлаб чиқиши зарур. У 12 ойдан сўнг қайта аттестациядан ўтади. Агар натижа салбий бўлса, у ишдан четлатилади. 1991 йилдаги биринчи аттестация ОРХнинг 5254 аъзосини қамраб олган эди, булардан 22 таси шартли равишда аттестациядан ўтказилди, 9 та хизматчи ундан ўта олмади.

Сўнгги вақтларда давлат аппарати аъзоларини қисқартириш билан бир қаторда ижроия ҳокимият органларида ишлаш обрўсини кўтариш, давлат хизмати имиджини яхшилаш борасида кўп ишлар

қилинмоқда. Масалан, 1995 йилда хизматчиларнинг Америка жамияти ижтимоий ривожига қўшган ҳиссасини кўрсатиш мақсадида Давлат хизматчиси ҳафтаси ўтказилди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Конституция США, ст. II, раздел 2.2//Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран.- М., 1984.
2. Конституции зарубежных государств. – М.: Изд-во “БЕК”, 1996.
3. Kahn R. et al. Americans Love Their Bureaucrats//Bureaucratic Power in National Policy Making. Boston, 1986.
4. Государственная служба в цифрах - [http://www.xserver.ru /user/gossls /2.shtml](http://www.xserver.ru/user/gossls/2.shtml)
5. Государственная служба США – [www. Urist-center.ru](http://www.Urist-center.ru)
6. Statistical Handbook of Japan- 1996.

5.5.

Япония



Япониядаги давлат хизмати давлат фаолиятининг маъмурий, дипломатик ва суд соҳаларини қамраб олади. Бу ерда давлат хизматчилари туркумига нафақат ушбу сўзнинг асл маъносидаги амалдорларни, шунингдек давлатга тегишли корхоналарда ишловчиларни, давлат темир йўли хизматчиларини, телевидения, давлат мактаблари ходимларини, “ўзини-ўзи мудофаа қилиш кучлари” ҳарбий хизматчиларини, полиция ходимларини киритиш қабул қилинган. Давлат хизматида банд бўлган кишиларнинг умумий сони уч

миллиондан ортиқроқ кишини ташкил этади, булардан аксарияти бошқарув қарорларини қабул қилишда аниқ имконга эга бўлмаган ишчилар ва хизматчилардир¹. Давлат хизматчиларининг сони эса ўн минг кишидан ошмайди².

Амалдаги Конституция давлат хизматчилари мақомини “барча халқнинг хизматкори”³ сифатида белгиланган. 1947 йилдаги Давлат хизматчилари тўғрисидаги қонун давлат хизматчиси “фақат ижтимоий манфаат йўлида ишлаши ва хизмат мажбуриятларини амалга ошириш чоғида бутун куч ва фикрини унга қаратиши лозимлини” белгилайди.

1947 йилдаги Давлат хизматчилари тўғрисидаги қонун кўп сонли ўзгартишлар ва тўлдиришларга эга бўлган ҳолда давлат хизматини ҳуқуқий бошқаришнинг асосий манбаидир. 1950 йилда маҳаллий хизматчилар мақомини белгилловчи Маҳаллий хизматчилар тўғрисидаги қонун кучга кирди. Давлат хизмати тўғрисидаги америкача ва амалдаги япон қонунчилигининг ўхшашлиги Япониядаги урушдан кейинги ислохотларга Америка мустамлакачи кучларининг таъсири билан изоҳланади. Давлат хизмати соҳасидаги қонунчиликка риоя қилиш устидан назорат вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Ходимлар иши бўйича кенгашга юклатилган. Кенгаш парламентга, маҳкаммага ва айрим вазирликларга кадрлар масаласи бўйича тавсиялар берувчи орган сифатида фаолият кўрсатади. Кенгашнинг бошқа ваколатлари орасида ўз ваколатлари доирасида давлат хизмати бўйича қоидалар ва кўрсатмаларни чоп этиш, давлат хизматчилари устидан шикоятларни кўриб чиқиш ва танлов имтиҳонларини ўтказиш ҳам мавжуд.

Ходимлар иши бўйича кенгаш парламентнинг икки палатаси розилиги билан вазирлар маҳкамаси томонидан тайинланадиган уч аъзодан иборат. Кенгаш аъзоларининг номзоди император томонидан тасдиқланади. Кенгаш аъзоларининг ваколат муддати такрорий сайланиш имконияти билан тўрт йил, бироқ такрорий сайланиш яна икки муддатдан кўп бўлмаслиги лозим.

Кенгаш аъзоларидан бири маҳкама кўрсатмаси бўйича раис функциясини адо этади.

Ходимлар иши бўйича кенгашга юклатилган функциялар унинг аппарати фаолияти орқали амалга оширилади, бу аппаратга Кенгаш аъзолари томонидан тайинланадиган бошқарувчи раҳбарлик қилади. Кенгаш аппарати таркибига бешта бошқарма (Ходимларнинг ишлари, уларни танлаш ва улардан фойдаланиш бошқармаси, Аризалар бошқармаси, Ходимларга ҳақ тўлаш бошқармаси, Хизматчилар ишлари бўйича бошқарма) ва саккиз маҳаллий бюро киради.

Давлат хизматида турган барча кишилар икки асосий туркумга – “оддий хизмат” ходимлари ва “алоҳида хизмат” ходимларига бўлинади. Амалдорларнинг асосий қисми “оддий хизмат” билан банд, уларга нисбатан лавозимга тайинлашнинг танлов тизими ва маошларнинг стандарт шкаласи қўлланилади.

Давлат хизматчиларининг хизмат мақоми уларнинг ўз даражаларига мос равишда эгаллаб турган лавозимлари билан белгиланади. Мавжуд саккиз даражадан ҳар бири 15 тоифага бўлинади. Амалдорнинг тоифаси унинг иш стажига, билим савиясига ва турли хизмат тавсифномаларига боғлиқ. Давлат хизматчисини муайян даража ва тоифага белгилаш Ходимлар иши бўйича кенгаш томонидан амалга оширилади.⁴

Амалдор меҳнатига ҳақ тўлаш Давлат хизматчилари тўғрисидаги қонун ва маҳкаманинг тегишли қарорлари асосида амалдорга берилган даража ва тоифага мос тарзда амалга оширилади. Маош ҳажми Оддий хизматда банд бўлган шахсларга ҳақ тўлаш тўғрисидаги қонун билан белгиланган махсус шкалага мувофиқ қатъий белгиланади. Ушбу қонуннинг қоидалари прокурорлар меҳнатига (бу масала махсус қонун билан йўлга солинган), шунингдек хусусий корхоналар ишчиларига (маош жамоавий битимлар билан белгиланади) ҳақ тўлашга тегишли эмас. Алоҳида хизматда банд бўлган шахслар Алоҳида хизматдаги

¹Statistical Handbook of Japan- 1996. P.146

²Kubota A. The Political Influence of the Japanese Higher civil service// Japan Quarterly – Tokyo. V.28.1981. № 1 P.46

³Конституции зарубежных государств. – М.: Изд-во “БЕК”, 1996.

⁴Иванов В. П. Реформирование государственной службы: вопросы и перспективы. //Журнал российского права, №5, 2003, стр. 4.

мансабдор шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги қонун ва Ўзини-ўзи мудоффа қилиш агентлиги хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги қонун билан белгиланади. Давлат хизматчиларига мукофот бериш Ходимлар хизмати бўйича кенгаш назорати остидадир. Кенгаш лавозимга маошлар тизимини ўзгартиш тўғрисидаги қонунларга ўзгартиш лойиҳаларини парламентга киритади.

Давлат хизматчиси лавозимга тўланадиган маошдан ташқари турли устама ҳақлар – мукофотлар, шаҳарда ишлагани учун устама ҳақ, уй хўжалиги учун устама ҳақ, хизматдан ташқари иш учун ҳақ, дам олиш кунларида ишлаганлиги учун ҳақ, шимолий ҳудудларда ишлаганлиги учун устама ҳақ, кўп сонли “тармоқларга оид” устама ҳақлар (масалан, мажбурий таълим соҳасида ишловчи ўқитувчиларга) олади.

“Оддий хизмат” ходимларининг олий туркумини маъмурий иш учун маош оладиган шахслар ташкил этади. Бу туркумга котибият иши ва махсус касбий билимларни талаб қиладиган меҳнат билан шуғулланувчи амалдорлар кирилади.

Марказий маъмурий аппаратдаги асосий лавозимларни япон бюрократияси элитасидан ташкил топган дастлабки уч даража амалдорлари эгаллаган. Булар департаментлар, бўлимлар ва секцияларнинг бошлиқлари, маслаҳатчилар, агентликлар директорлари, вазирларнинг доимий ўринбосарларидир (сўнгги атама инглиз маъмурий тизимига мос тарзда ишлатилади).

Давлат хизматида Япония учун хусусиятли бўлган “умрбод ёлланиш”¹ тизими амалдадир, бу тизим ёллаш бўйича ишга кирган шахсни айнан бир ташкилотда узоқ вақт (нафақага кетгунга қадар) ишлашини кўзда тутди. Шу аснода хизматчининг лавозими ва маош ҳажми узлуксиз иш стажига боғлиқ қилиб қўйилади. Япониядаги “умрбод ёлланиш” тизими² билан боғлиқ давлат хизматининг хусусиятли жиҳатларидан бири бу – амалдорнинг ўзи ишлаётган идора ичида тез-тез (2–3 йилда бир бор) жой алмаштиргани ҳолда идораларо кўчиб юришнинг йўқлигидир.

Япон давлат хизматининг яна бир муҳим ўзига хосликларидан бири – элитаризм руҳи, анъанага кўра амалдорлар иззатининг сақланишидир. Бу жиҳат ўтган аср охириданок маълум бўлиб келган “кенсон мимпи” ёндашувида (“амалдорлар – иззатга, халқ – нафратга лойиқ”) ўз аксини топган. Сўнгги вақтда маъмурий аппаратда кадрлар айланиши устидан Либерал-демократик партиянинг қатъий назорат қилиши жиҳати ҳам кўзга ташлана бошлади. ЛДП билан алоқаси бўлмаган шахснинг департамент бошлиғи даражасидан юқори кўтарилиш имкони йўқ.

Япония сўнгги йилларда, энг аввало, иқтисодий соҳада эришаётган сезиларли муваффақиятларни японча давлат-сиёсий модели таҳлили билан банд бўлган олимлар муқаррар равишда ушбу давлатдаги бюрократик аппаратнинг самарали амал қилиши билан боғламоқдалар. Масалан, Гарвард университети социология профессори Э.Вогел ўзининг “Япония биринчи ўринда. Америка учун сабоқ” китобида унинг фикрига кўра америкача бюрократияга етишмайдиган жиҳатларга – юксак малака, ворислилик, масъулиятни чуқур ҳис қилишга япон амалдорлари эга деб кўрсатади.

Японча бюрократиянинг мислсиз ва бетакрорлиги энг аввало миллий хусусиятнинг (меҳнатсеварлик, жамоавийлик, обрў олдига бош эгиш, шахсларо муносабатларни уйғунлаштиришга эҳтиёж, ўз-ўзини такомиллаштиришга интилиш ва ҳ.к.) ўзига хослигига таъсир кўрсатган японча маданиятнинг ўзига хослиги билан изоҳланади.

Давлат хизматида тайинлаш танлов имтиҳонлари асосида ўтказилади. Япон Конституцияси давлат хизматида фуқаролар кириши учун тенг ҳуқуққа эга эканлиги тамойилини мустаҳкамлаган. Давлат хизматчилари тўғрисидаги қонун (33-модда) давлат хизматида танлаш номзоднинг шахсий кўрсатган хизматлари, унинг касбий тайёргарлиги ва ишчанлик сифатларига мос равишда амалга оширилишини, бу жиҳатлар танлов имтиҳонлари орқали аниқланиши лозимлигини кўрсатади.³

¹<http://www.allbest.ru/>

²Базилевский И. А. Вопросы государственной службы Японии. //Бюллетень Министерства юстиции РФ, № 6, 1999.

³Закон о государственных публичных должностных лицах (№ 120 - 1947 г.) // Государственная служба в странах основных правовых систем мира. Нормативные акты / Под ред. А.А. Демина.– М., 2001. С. 517.

Имтиҳонларни ташкил этиш Ходимлар иши бўйича кенгашга юклатилган. Танлов ва ходимлардан фойдаланиш бошқармаси таркибида махсус имтиҳон бўлими ва тўрт бош имтиҳон олувчилар мавжуд. Кенгаш ўз қоидалари билан илк бор ишга кирувчилар учун қўшимча талаблар жорий этиши, лавозимда кўтарилишга даъвогарлар учун эса уларнинг олдинги хизмат фаолиятлари натижалари асосида танлов йўли билан имтиҳондан ўтувчилар доирасини торайтириши мумкин.

Хизматга илк бор кираётганлар учун имтиҳонлар учта алоҳида гуруҳлар бўйича:

- 1) олий ўқув юртларини тугатганлар учун;
- 2) тўлиқ бўлмаган олий маълумотга эга кишилар учун;
- 3) ўрта ўқув юртларини тугатганлар учун гуруҳлар бўйича ўтказилади.

Амалда раҳбарлик лавозимларини фақат олий маълумотга эга шахслар эгаллаши мумкин. Япон бюрократик элитаси вакилларининг аксарияти айнан бир ўқув муассасасини битиради. Одатда булар Токио университети юридик факультетини битириб чиққан кишилардир. Умумий “талабалик ўтмиши” япон элитаси психологик қарашлари ўхшашлигини янада кучайтиради.

Давлат хизматига кириш учун имтиҳонларга фақат япон фуқаролари кириш ҳуқуқига эга. Давлат хизматининг айрим махсус турлари учун қўшимча чекланишлар ўрнатилиши мумкин. Масалан, чет эллик фуқаро билан никоҳда турган шахс Ташқи ишлар вазирлиги (ТИВ) ходими бўла олмайди.

XIX асрнинг охирида жорий этилган давлат хизматига қабул қилиш имтиҳонлари тизими ҳозирга қадар жиддий ўзгаришларсиз сақланиб келмоқда. Имтиҳонлар ёзма ёки оғзаки бўлиши мумкин. Жисмоний тайёргарлик бўйича имтиҳонлар ўтказишга, махсус кўникмаларни баҳолашга йўл қўйилади.

Танлов имтиҳонлари “очиқ эшиклар” тамойили бўйича ўтказилади. Уларнинг ўтказилиш вақти ва жойи оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Аксарият давлат муассасалари учун давлат имтиҳонларининг мазмуни ўхшашдир. Фақат айрим вазирликларгина ўзларининг ёзма ва оғзаки имтиҳонларини тайёрлайди. Булар орасида япон ТИВ ҳам мавжуд. Дипломат лавозимига номзодлар (уларнинг ёши 20дан кам ва 28дан юқори бўлмаслиги лозим) июнь ойида уч-тўрт кун ичида қуйидаги фанлар: япон Конституцияси, халқаро ҳуқуқ, иқтисодий назария, дипломатия тарихи ва чет тилидан имтиҳон топширадилар. Бундан ташқари даъвогар ўз хоҳишига кўра маъмурий ёки хусусий ҳуқуқни ҳамда пул-молия муносабатларининг қисмларидан бирини танлайди. Шунингдек, номзодларнинг турли фикрлар моҳиятини тез англаб олиш, ўз ёндашувини ишлаб чиқиш, ўз қарашини баён қилишда ишончли далиллардан фойдалана олиши салоҳиятларини аниқлаш мақсадида гуруҳли мунозара кўринишида “умумий имтиҳон” ўтказилади.¹

Имтиҳонларда олинган баллар сони ҳар бир имтиҳондан ўтувчига бериладиган ва йил давомида кучини сақлайдиган имтиҳон варақасига киритилади.

Лавозимда кўтарилиш ҳам танлов имтиҳонлари орқали кечади. Давлат хизматида банд бўлган ҳар бир шахс расман лавозимда кўтарилишнинг тенг ҳуқуқига эга (Давлат хизматчилари тўғрисидаги қонуннинг 37-моддаси). Айни вақтда Ходимлар билан ишлаш кенгашига у ёки бу лавозимга даъвогарлар учун қўшимча чекловчи талаблар қўйиш ва олдинги хизмат фаолияти кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда танлов бўйича имтиҳонларни ўзгартиш ҳуқуқи берилган. Даражани кўтариш учун ҳар йили ўтказиладиган имтиҳонларга барча хоҳловчилар кириши мумкин. Аньанага кўра бундай имтиҳонларда танлов жуда катта (бир ўринга 25-40 киши бўлиши мумкин). Имтиҳонни муваффақиятли топшириш ўз-ўзидан лавозимни эгаллашга олиб

¹Базилевский И. А. Вопросы государственной службы Японии. //Бюллетень Министерства юстиции РФ, №6, 1999, с. 53.

келмайди. Имтиҳон топширганлар алоҳида рўйхатга киритилади ва ундан тегишли муассаса ўзига керакли ходимни танлаб олади. Лавозимга тайинлаш ёки лавозимда кўтарилиш, одатда, синов муддати (олти ойдан кам бўлмаган) билан юз беради, бу муддат тугагач, натижалар яхши бўлса расман лавозимга тайинлаш амалга оширилади.

Давлат хизмати бўйича юқорига кўтаришда кадрлар бўйича тузилмаларнинг доимо диққат назарида турадиган ҳам хизматчининг иш стажы, ҳам ишчанлик сифатлари ҳисобга олинади. Ходимнинг иши ҳар йили унинг бевосита раҳбари (вазирликдаги бўлим бошлиғи) томонидан баҳоланади, у тегишли хулосани (ҳисоботни) тасдиқлаш учун департамент директорига юборади. Агар директор хулосадаги ходим фаолиятига берилган баҳога рози бўлмаса, у ўзининг ёзма хулосасини тайёрлаши мумкин. Амалда бундай ҳолат жуда кам юз беради, чунки хулоса тайёрлашдан олдин унинг муаллифи юқори турувчи раҳбар билан маслаҳатлашади.

Ҳисобот олдиндан белгиланган схема бўйича ёзилади ва икки қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисмдаги махсус жадвалларда ҳужжатлар тайёрлаш салоҳияти, ижронинг тезлиги, ташаббускорлик, материалларга ишлов беришнинг пухталиги, интизомлилик сингари сифатларга баҳо (“аъло” ёки “қониқарсиз”) қўйилади. Шунингдек содиқлик, жамоада муносабатларни ярата олиш кўникмалари ҳам баҳоланади. Ҳисоботнинг иккинчи қисми, одатда, тавсифнома хусусиятига эга ва, одатда, бошлиқ йил давомида ўз ходимига йўллаган “норасмий хатлардаги” умумлашган танқидий мулоҳазалардан иборат бўлади. Бундан ташқари, вазирлик кадрлар бўлими барча департаментларга “ютуқлар варақасини” юборади, унда ҳар бир ходимнинг энг сезиларли ютуқлари қайд қилинган бўлади.

Ушбу барча маълумотлар ходимнинг шахсий иш жилдида сақланади. Кадрлар бўлими ходимлари муайян ходим тўғрисида унинг раҳбарлари билан суҳбатлардан, норасмий гаплар ва бошқалардан олинadиган турли хилдаги норасмий маълумотларни тўплаб боради.

Давлат хизматчилари уларни хизматда кўтарилишга тақдим этмаётганликлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Бунга ўхшаш шикоятлар билан Ходимлар иши бўйича кенгаш ва Шикоятларни кўриб чиқиш бўйича бирлашган кенгашга (бу синовдан ўтмаганлар ва вақтинча хизмат сафарига юборилганлар учундир) мурожаат қилинади.

Жазо чораларига келганда эса, Япония касаба уюшмалари бош кенгаши фикрига кўра, бир томонлама бўлиши ва ходим раҳбарияти томонидан белгиланиши лозим. Жазо чораси эълон қилинганидан сўнг у жазоланган ходим ва касаба уюшмаси норозилик аризаси бергандан сўнг ҳам сақланиб қолади. Жазолар норозилик аризасига жавоб берилгунга қадар сақланади. Одатда жазо чоралари хизматда юқори кўтариш қарорларига, машаққат устама ҳақларга, тиришқоқлик учун кўшимчалар белгилашга таъсир кўрсатади. Маъмурий жазо тўғрисидаги ёзув ҳеч қачон шахсий иш жилдлардан чиқариб ташланмайди.

Япон қонунчилиги давлат хизматчиларининг меҳнат ҳуқуқларини анча чеклашга йўл қўяди. Масалан, полиция, ўт ўчириш хизмати, денгизда жамоатчилик тартибини сақлаш бўйича ташкилот хизматчилари ҳамда қамоқхоналар хизматчиларига Меҳнат стандартлари тўғрисидаги қонун билан белгиланган қондалар қўлланилмайди. Жамоавий музокаралар олиб бориш ҳуқуқи анча қисқартирилган кўринишда эътироф этилади. Давлат хизматчилари учун иш ташлаш буткул тақиқланган. Ушбу тақиқни бузганлиги учун давлат корхоналари ишчилари ишдан четлатилади, бошқарув ходимларининг ўзи эса жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Япониядаги давлат хизмати барча нарсалар билан бир қаторда штатлар чекланганлигидан юзага келадиган катта жисмоний зўриқишлар, тез-тез кўшимча ишлашлар билан бирга кечади. Шунга боғлиқ ҳолда хизмат мажбуриятларини адо этиш даврида саломатликка зарар еткани учун товон тўлаш тизими тасдиқланган. 1985 йилда иқтисодий режалаштириш бошқармаси ўтказган сўровларга кўра 75% амалдор ўта кўп ишлашга тўғри келаётганидан норози экан. Маълум бўлишича, улардан биронтаси ҳам белгиланган йиллик 15 кунлик таътилдан тўла фойдалана олмас экан.

Давлат хизматчилари сиёсий фаолият борасида ўта чекланган. Уларга сиёсий партияларга кириш тақиқланмаган, бироқ улар катта рол ўйнайдиган сиёсий маслаҳатчилар ва функционерлар бўлолмайди, сайланадиган оммавий лавозимларга номзодини қўйиши мумкин эмас ва ҳ.к. Ходимлар билан ишлаш

кенгаши давлат хизматчиларига сайлов ҳуқуқини амалга оширишдан ташқари ҳар қандай сиёсий ҳаракатларни тақиқлаши мумкин.

Давлат мансабдор шахсларини “алоҳида хизматга” мансуб қилувчи жиҳат бу уларнинг ишга имтиҳонсиз тайинланиши, маошни “оддий хизмат”да банд бўлган хизматчилар учун белгиланган маошлар стандарт шкаласига боғлиқ бўлмаган ҳолда олишларидир.

Давлат хизматчилари тўғрисидаги қонунда “алоҳида хизматда” турувчи мансабдор шахслар доираси аниқ белгиланган. Буларга “оддий хизматни” ўтишни белгиловчи кўрсатмалар ва ҳуқуқий меъёрлар тегишли эмас. “Алоҳида хизматга” мансублар: бош вазир, вазирлар ва Ходимлар иши бўйича кенгашга ҳамда Тафтиш кенгашига раҳбарлик қилувчи маслаҳатчилар, маҳкама бош котиби ва унинг ўринбосарлари бош вазир умумий масалалар бўйича котибияти бошлиғи ўринбосари, маҳкама қонунчилик бюроси бошлиғи, парламентдаги вазир ўринбосарлари, бош вазир, вазирлар ва маҳкама бош котибининг шахсий котибларидир. Бундан ташқари парламент томонидан сайланадиган ёки парламентнинг икки ёхуд бир палатаси томонидан тасдиқланадиган барча давлат мансабдор шахслари; Император саройи бошқармасининг бошлиғи ва айрим амалдорлари “алоҳида хизматда” деб ҳисобланади. “Алоҳида хизматда” турганлар гуруҳига шунингдек фавқулодда ва мухтор элчилар, оддий элчилар, хорижга юбориладиган ҳукумат делегацияси аъзолари ҳамда Япония фанлар академияси аъзолари, судьялар, мудофаа бошқармаси хизматчилари, парламент депутатлари котиблари ва бошқалар киради.

Япон қонунчилиги меҳнатига давлат бюджетидан ҳақ тўланадиган, турли ижтимоий ишларда (кўпроқ коммунал хўжаликларда) фойдаланиладиган кунбай ишчиларни “алоҳида хизматда” турган ишчилар деб ҳисоблайди. Кунбай ишчилар “алоҳида хизматдаги” кишилар туркумига киритилишдан асосий мақсад – уларга нисбатан давлат хизматчиларининг имтиёзларини ва моддий таъминотини қўлламаслиқдир.

Давлат хизматчиларини маъмурий жазога ҳам уларнинг хизматдаги бошлиқлари, ҳам Ходимлар иши бўйича кенгаш тортиши мумкин. Маъмурий жазога тортиш учун қуйидагилар асос бўлади:

- ▶ давлат хизматчилари тўғрисидаги қонун ва Ходимлар иши бўйича кенгаш қоидаларининг бузилиши;
- ▶ лавозим мажбуриятларини бажармаслик;
- ▶ “бутун халқ хизматкори” сифатида давлат хизматчисига иснод келтирадиган қилмишларни содир этиш.

Маъмурий жазонинг асосий турлари: лавозимдан бўшатиш; бир кундан бир йилга қадар (бу давр учун давлат хизматчиси одатда маош олмайди) эгаллаб турган лавозимдан четлаштириш; лавозим маошидан (бир кундан бир йилга қадар даврга маошнинг учдан бирига қадар) ушлаб қолиш; ёзма ҳайфсан (танбех) беришдир.

Давлат хизматчиси ўзига нисбатан чораларга “бўйсунмаслиги тўғрисида” юқори турувчи маъмурий раҳбарларга, шунингдек Ходимлар иши бўйича кенгашга ариза йўллаган ҳолда ҳуқуқларини тиклаш борасида мурожаат қилиши мумкин. Ариза танбех берилётган ҳаракат содир этилганлиги тўғрисида ёзма билдириш (тасдиқ) олинганидан сўнг 60 кун давомида берилади.

“Бўйсунмаслик тўғрисидаги” ариза келиб тушиши билан Ходимлар иши бўйича кенгашнинг шикоятлар бошқармаси ходимлари ишни суриштиришга киришади, бу ошқора амалга оширилади. Юқорида келтирилган аризани берган давлат хизматчиси оғзаки суриштирувда шахсан иштирок этиши ёки ўз адвокатини юбориши мумкин; у гувоҳлар, ҳужжатлар ва исботлар келтириш ҳуқуқига эга. “Бўйсунмаслик тўғрисидаги” аризани кўриб чиқиш тартиби кўп вақт олади ва энг муҳими, катта моддий харажатларни (адвокатга ва ҳ.к.) талаб қилади. Шунинг учун амалда олий ва ўрта бўғиндаги давлат хизматчилари Ходимлар иши бўйича кенгашга бундай ариза билан мурожаат қилади. Дастлабки суриштирув босқичида шикоятлар бошқармаси ходимлари

давлат хизматчиси ва унинг маъмуриятини яраштириш борасида воситачилик хизматлари кўрсатади. Агар можоро бартараф этилмаса Ходимлар иши бўйича кенгаш “бўйсунмаслик тўғрисидаги” ариза бўйича қарор қабул қилади.

Агар Кенгаш ариза билан мурожаат қилган давлат хизматчиси фойдасига қарор қабул қилса, Давлат хизматчилари тўғрисидаги қонунга мувофиқ суриштирув мавзуси бўлган маъмурий жазо бекор қилинади, шунингдек, хизматчига нисбатан йўл қўйилган адолатсизликни бартараф этиш борасида (масалан, ишдан адолатсиз четлатилганлик даври учун унга маош тўлаш борасида кўрсатма берилади) чоралар кўрилади.

Кенгаш томонидан давлат хизматчиларининг аризалари бўйича қабул қилинадиган қарор қатъийдир ва фақат Кенгашнинг ўзи томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин. Давлат хизматчилари тўғрисидаги қонунга мувофиқ (92-модда) “бўйсунмаслик тўғрисидаги” аризининг Ходимлар иши бўйича кенгашда кўриб чиқилиши аризининг судда кўриб чиқиш имкониятини рад этмайди. Аммо бунга фақат иш Ходимлар иши бўйича кенгашда кўриб чиқилгандан кейингина йўл қўйилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Конституции зарубежных государств. – М.: Изд-во “БЕК”, 1996.
2. Закон о государственных публичных должностных лицах (№ 120 - 1947 г.) // Государственная служба в странах основных правовых систем мира. Нормативные акты / Под ред. А.А. Демина.– М., 2001. Анисимцев Н. Центральный аппарат административно-государственного управления современной Японии/ Н. Анисимцев// Проблемы Дальнего Востока, 2003, №5.
3. Базилевский И. А. Вопросы государственной службы Японии.//Бюллетень Министерства юстиции РФ, № 6, 1999.
4. Иванов В. П. Реформирование государственной службы: вопросы и перспективы. //Журнал российского права, №5, 2003,
5. Илышев А.Кадровый баланс японских чиновников/А. Илышев//Служба кадров,2002.-№11.
6. Литвинцева Е.А. Государственная служба в зарубежных странах. М.: Изд-во РАГС, 2003.
7. Панов А.Н. Японская дипломатическая службы. М., 1998.
8. Саханова А.Н. Новая парадигма государственного управления «Good Governance»: пример Японии как перспектива для стран СНГ//Менеджмент в России и за рубежом.-2004.-№1.
9. Фатхутдинов Р. Опыт Японии: инновации и развитие//Управление персоналом.-1999.-№10.
10. Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран: Учебник. - 4-е изд. - перераб. и доп.-М.:Юристъ,2005.
11. Чубинский В.В. Государственное управление и государственная служба за рубежом: Курс лекций/под общ. ред. Проф. В.В.Чубинского. -СПб.: изд-во «Образование - культура»; изд-во СЗАГС,1998.
12. Kubota A. The Political Influence of the Japanese Higher civil service// Japan Quarterly – Tokyo. V.28.1981. № 1 P.46
13. Statistical Handbook of Japan- 1996.
14. <http://www.allbest.ru/>



Сингапурдаги давлат хизмати расман 1955 йилда ташкил этилган, аммо аслида унинг тарихи 1819 йилда инглизлар томонидан Сингапурга асос солинганидан бошланган. Британия мустамлака империяси доираларида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқининг қўлга киритилиши, 1965 йилда мустақилликка эришилиши давлат хизмати ташкил этилишига жиддий таъсир кўрсатмади. 1990 йилдан сўнг дастлабки бош вазир тартиботи ўрнига демократик тарзда шакллантирилган Ли тартиботи келгандан сўнг айрим жиддий ўзгаришлар юз берди. Дастлаб давлат хизмати сонига кўра унча катта бўлмаган ва анъанага кўра ҳар қандай давлат хизматига хос бўлган кундалик бошқарув функцияларини бажарган.¹

Давлат хизмати ўз ичига: президент, бош вазир, 14 вазирлик ва 26 доимий қўмиталар хизматларини олади. 15 вазирликда (агар бош вазир идораси қўшиб ҳисобланса) ишловчи хизматчиларнинг сони 65 000 кишини, қўмиталардагилар сони эса 49 000 кишини ташкил этади. Мазкур қўмиталар муайян функцияларни адо этиш учун парламент ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган мустақил давлат агентликликлари тарзида тавсифланади. Давлат вазирликларининг юридик имтиёзлари уларга тегишли эмас, бироқ улар катта мустақиллик ва мослашувчанликка эга. Булар давлат хизматининг ўтмиши бўлганлиги боис мазкур қўмиталарга ишга қабул қилиш ва ходимларни илгари суриш билан Давлат хизмати комиссияси шуғулланмайди, аммо уларда хизмат муддати ва шартлари бошқачадир. Уларнинг ҳисоботлари Сингапур Бош аудитори томонидан текширилади. Доимий қўмиталар давлат хизмати иши ҳажмини камайтиришга ёрдам берди.

Сингапур давлат хизмати фаолияти асосида 10 тамойил қарор топгандир. Сингапур давлат хизматининг муваффақияти ва мукамаллиги шундан иборатки, ушбу тамойиллар ва амалий ҳаракатлар ягона мажмууга бирлаштирилган ҳамда булар тегишли захиралар, пухта ўйланган режалаштириш, қатъий интизом ва ҳар томонлама кўрсатмалар билан қўллаб-қувватланади. Ўзаро алоқалар ва изчил ижро Сингапур тизимининг муҳим унсурларидандир.

¹Государственная служба в зарубежных странах. – М.: Юристъ, 2007. – 240 с.
Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. – М.: Бек, 2003. – 427 с.

Илк бор инглизлар томонидан тамойил сифатида жорий этилган меритократия мамлакат раҳбарияти хизматда кўтарилиш инсоннинг салоҳиятига боғлиқ эканига урғу бера бошлаган 1959 йилда кенг тарқалди.

Давлат истиқболли ўқувчиларни эрта ёшданок аниқлаб олади, кузатиб боради ва уларнинг бутун ўқиши давомида рағбатлантириб боради. Улар университетларга кириш учун нафақалар олади, айримлари хорижга кетади. Ўз навбатида умидбахш ўқувчилар тўрт-олти йил давомида ҳукуматга ишлаб бериш мажбуриятини олади, булардан айримлари эса Халқ ҳаракати партиясига (ХХП) киришга жалб қилинади. 1991 йили бўлиб ўтган умумий сайловлар чоғида ХХП 11 янги номзодларидан 9 киши давлат хизматидан, 2 киши хусусий сектордан эди. 1997 йилги умумий сайловлар чоғида 24 янги номзоддан 15 киши давлат хизматидан ва 9 киши хусусий сектордан бўлган. Масалан, энг яхши ва иқтидорли кишилар давлат хизматига киради. Сингапурдаги давлат билан боғлиқ компанияларга эса ушбу инсоний захираларга йўл очиқ. Ҳақиқатан ҳам олий тоифадаги айрим амалдорлар ана шундай компанияларда бошқарув аъзоларидир ва уларда доимий асосда ишлашга жалб қилиниши мумкин.¹

Давлат хизмати сиёсий аралашувдан ҳимояланган. Рақобатбардош маош истеъдодли хизматчилар хусусий сектордаги маошга учмаслига гаровидир. Сингапурча меритократиянинг энг ғаройиб жиҳати унинг сиёсий етакчиларга ҳам тегишли эканидир. Сингапур ҳукуматида истеъдодли кишилар кўп. Етакчиларнинг биринчи авлоди давлат тепасига келганда мерократия яхши давлат асоси бўлиб хизмат қилди.

Сингапурдаги давлат хизмати Осиёдаги энг самарали давлат хизматларидан бири ҳисобланади. Бу самарадорлик амалдорларнинг қатъий интизомга эгалиги, тиришқоқлиги ва меҳнатсеварлиги, порахўрлик даражасининг пастлиги, меритократия тамойиллари асосида энг салоҳиятли номзодларнинг ишга олиниши, аъло тайёргарлик, тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини яхшилаш мақсадида мунтазам ўтказиладиган кампанияларнинг; мамлакат сиёсий етакчилари томонидан қўйиладиган юксак талабларнинг, мукамалликка тинимсиз интилиш натижасидир. Амалдорлар зарурий аппаратуралар ва ҳатто Сингапурнинг иссиқ ва нам иқлимида зарур бўлган кондиционерлар билан таъминланади. Ҳукумат сиёсатини ҳаётга самарали татбиқ этилиши, шунингдек, мамлакат ҳудудининг кичиклиги; пухта режалаштириш ва келажақда пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммоларни олдиндан кўришга; мамлакат ҳукумати кўплаб йиллар давомида қозонилган яхши обрўга эгалиги бу эса унинг ҳукумат тепасида туришини янада қонунийлаштирганлигига; тегишли захираларнинг тақдим этилишига; маърифий тадбирлар ва ошқоралик воситасида эришиладиган ижтимоий қўллаб-қувватлашга; автомобил сотиб олиш ва ундан фойдаланиш учун зарур бўлган қатъий шартлар сингари кескин, бироқ зарурий чораларни ҳазм қила олган халқнинг интизомига ҳам боғлиқдир. Давлат хизматининг самарадорлиги ва таъсирчанлиги аниқ натижаларга интилиш билан ҳам изоҳланади.

Давлат хизмати аҳолининг шикоятларига зийрак муносабатда бўлади ҳамда газета ва журналларга хатлар кўринишида келадиган, сайловчилар билан учрашувларда ёхуд ҳар ҳафта “халқ билан учрашув” ўтказадиган, шунингдек, ўз сайлов округларини айланиб чиқадиган вазирларга ва парламент аъзоларига бевосита баён қилинадиган илтимосларига қулоқ солади. Бундан ташқари фуқароларнинг мурожаатлари учун e-mail, телевизион ва радиоканаллардан фойдаланиш мумкин. Ҳар бир вазирликда иш сифатини яхшилаш бўлими мавжуд. Вазирлар матбуотда эълон қилинадиган шикоятларни ўқиб чиқади, амалдорлар эса бундай хатларга улар эълон қилинганидан сўнг бир неча кун ичида батафсил жавоб беришлари лозим. Аҳоли эндиликда саводхон ва давлат хизматидан кўп нарсалар умид қилмоқда. Давлат амалдорларининг маоши бозор асосида ҳисоблаб чиқарилганлиги боис уларнинг хизмат сифатлари ҳам хусусий секторда кўрсатиладиган хизматлар сифатидан паст бўлмаслиги лозим.

Давлат хизмати бетараф ва сиёсатга жалб қилинмаган. Давлат хизматчилари иш ташлаш ҳуқуқига эга эмас, чунки уларнинг иши ҳаётий муҳим хизмат ҳисобланади. Бетарафликнинг бу аънанаси британияликлардан мерос қолган ва сиёсий ўзгаришлар вақтида давлат хизмати ишининг ворислилигини таъминлайди. Бетарафлик тақдим этилаётган хизматлар сифати пасайишини ёки аҳолига хизмат кўрсатиш

¹Конституционное право зарубежных стран (конспект лекций). – М.: Приор, 2001. – 340 с.

ишига садоқатнинг камайишини англамайди. Бетарафлик шунингдек давлат олдига қўйилган мақсадларга эришишга интилишдаги тиришқоқлик камайишига ҳам олиб келмайди. Жамият фаровонлиги йўлидаги ўз ишида давлат хизмати адолатли ва беғараз ҳаракат қилиши лозим, бироқ бетарафлик ҳукумат сиёсатини ўтказиш ишига умуман алоқадор эмас; ҳукумат томонидан юритилаётган сиёсат қатъий, самарали ва пухта ижро этилиши лозим. Давлат хизмати мамлакатнинг миллий манфаатлари нимадан иборат эканини аниқ тасаввур қилиши лозим.

Давлат хизматида мустақилликка эришилгандан бор-йўғи олти йил кейин 1971 йилнинг мартада ташкил этилган Давлат хизмати ходимларини тайёрлаш институтидан бошланган кадрлар тайёрлаш анъанаси мавжуд. Давлат хизмати коллежи 1993 йилда юқори мансабдор шахсларни тайёрлаш мақсадида очилган эди. Ҳозирги вақтда ҳар бир амалдор йилига 100 соатлик тайёргарликдан ўтиши лозим.

Икки ўқув институти қайта номланди: ДХИ Давлат бошқаруви ва менежменти институтига айлантирилди, айна вақтда Сиёсатни ривожлантириш институти ўрнига ДХК вужудга келди. Давлат бошқаруви ва менежменти институти қуйидаги курсларга эга: давлат хизматида яқинда иш бошлаган амалдорларни дастлабки тайёрлаш; касбий кўникмаларни эгаллаш учун асосий ва кенгайтирилган курс, бундан ташқари бойитилган тайёргарлик ва малака ошириш курслари ҳам мавжуд.

Давлат хизматининг маслаҳат гуруҳи ижтимоий секторда ижтимоий ташкилотларга ўзгаришларни амалга оширишда ва давлат хизматини такомиллаштиришда кўмаклашади. Давлат хизмати комиссияси, ходимларни бошқариш гуруҳи, сиёсатни ривожлантириш институти, давлат хизматининг маслаҳат гуруҳи ва ДБМИ барчаси биргаликда амалдорлар учун зарур бўлган доимий таълим ва тайёргарликни таъминлайди ҳамда амалдорларни беш асосий кўникмага: хизмат кўрсатишнинг юксак сифатини таъминлаш салоҳиятига; ўзгаришларни бошқариш салоҳиятига; кишилар билан ишлаш кўникмаларига; амалиётлар ва захираларни бошқаришга, ўзини-ўзи бошқариш салоҳиятига ўргатишга интилади.

Давлат хизмати ҳар бир амалдорни йилига камида 100 соат ўқитиш мақсадини қўйган. Хориждаги давлат институтлари ва хизматлари билан алоқалар йўлга қўйилган, бу бутун жаҳондаги давлат хизматлари иш тажрибасидан фойдаланишга, ўқитиш ва тайёргарликка тегишли маълумотларни олишга имкон беради. Давлат хизмати бўлими ходимларни бошқариш соҳасидаги сиёсатни шакллантиришда ва қайта кўриб чиқишда марказий ролни ўйнайди ҳамда у ёки бу лавозимга қўйиш, шунингдек давлат амалдорларини ўқитиш ва ишини баҳолаш тизими тўғрисида қарор қабул қилади.

Сингапур – вазирлар ва амалдорларга маош белгилашда бозор усулларидан фойдаланадиган кам сонли мамлакатлардан биридир. Шунинг учун маошлар ҳажми анча катта. Вазирлар ва ҳукумат катта амалдорлари ишининг стандартлари белгиланган. Моҳиятига кўра улар қуйидагиларга: давлат хизматида ва бошқарувнинг барча босқичларига ишлаш учун истеъдодли кишиларни жалб қилиш ҳамда уларни қайта тайёрлаш; нопоклик ва порахўрликни рағбатлантирувчи омиллар сонини камайтириш; уй-жой, машина билан таъминлаш, улуш ва пора олиш сингари пинҳона имтиёзлар мавжуд бўлмаган ошкоралик сиёсатини юритишга олиб боради.

Замонавий Сингапур давлат хизматининг асосий хусусиятлари қуйидагилардир:

-
- ▶ гуруҳга мураккаб муаммоларни ҳал қилишда тизимли таҳлил бўйича мутахассисларни жалб қилиш;
 - ▶ янгиликларни ўзлаштириш ва маҳсулдорликни оширишга доимий интилиш.
-

Вазирликларга бюджет макро ўсиш омилига – ЯИМ ўсишидан келиб чиққан ҳолда давлат сектори харажатларини назорат қилишга имкон берувчи формулага мувофиқ белгиланади. Бу вазирларга харажатларни назорат қилиш ва маҳсулдорликни ошириш заруратини эслатиб туради.

Ҳар бир вазирликда хизмат кўрсатиш масалаларини назорат қилувчи бўлим мавжуд. Хизмат кўрсатишнинг умумий сифати вазир раҳбарлиги остидаги Сиёсий тафтиш кенгаши томонидан назорат

қилинади. Хизмат кўрсатишни яхшилаш бўлими бюрократик сансалорлик ва кераксиз қоидаларни камайтириш билан ҳам шуғулланади.

Олий даражадаги амалдорларни давлат назорати остида турган компаниялар бошқарувида ишлаш учун тайинлаш амалиёти. Бу амалиёт уларга хусусий сектор муаммолари ва эҳтиёжларига “шўнғишга” имкон беради. Шу тарзда амалдорлар фойдали тажрибани қўлга киритади. Бу иш учун улар ўта кичик мукофот олади. Манфаатлар тўқнашуви вужудга келишини олдини оладиган ҳамда амалдорларнинг энг аввало давлатга содиқлигини таъминлайдиган қоидалар мавжуд. Вазирларга оммавий компаниялар директори лавозимини эгаллашга, қандайдир жамоатчилик ишида фаол иштирок этишга, тижорат корхоналари билан қандайдир муносабатга (расман ёки маслаҳатчи сифатида) киришга ёки бош вазир рухсатсиз улардан қандайдир мукофотлар олишга йўл қўйилмайди.

Сингапурда порахўрликка қарши туриш. Сингапурдаги давлат хизматида ҳалолликнинг умумий қарашлари мавжуд. Қатъий қонун ва қоидалар, шунингдек Давлат хизмати комиссияси ва Порахўрлик ҳолатларини суриштириш бюроси томонидан бериладиган қаттиқ жазолар порахўрлик билан боғлиқ фаолият билан шуғулланиш истагини бўғиб туради.

Сингапурдаги порахўрликка қарши кураш агентлиги (комиссияси) сезиларли сиёсий ва функционал мустақилликка эга бўлган ҳолда Ли Куан Ю раҳбарлиги остида бўлган.

Сингапур порахўрликка қарши дастурининг асосий чораларидан бири давлат хизматчилари маошини сезиларли даражада кўтариш эди. Бош вазир 1985 йилда парламент олдида ҳисобот бериш пайтида аппаратга кетадиган сарф-харажатлар ўзини оқлаши борасида бундай деган эди: “Мен учинчи дунё мамлакатлари бош вазирлари орасида энг юқори маош оладиган ва эҳтимол энг қашшоқ бош вазир бўлсам керак... Ечимнинг турли йўллари мавжуд. Мен эса бозор иқтисоди доирасидаги ҳалол, ошқора, ўзини оқлайдиган ва амалга оширса бўладиган йўлни тавсия қилмоқдаман. Агар сиз мунофиқликни афзал кўрсангиз иккиюзламачилик ва порахўрликка дуч келасиз. Ўзингиз танланг”.

1973 йил июлида Сингапур Молия вазирлигида порахўрликка қарши махсус дастур иш бошлади. Бу дастур хусусан қуйидаги чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олган эди:

-
- ▶ пайсалга солишни бартараф этиш мақсадида фуқаролар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳаракатлар тартиботларини такомиллаштириш;
 - ▶ юқори турувчи амалдорлар томонидан қуйи турувчи амалдорлар назорат қилиниши ошқоралигини таъминлаш;
 - ▶ барқарор порахўрлик алоқалари шаклланишидан қочиш мақсадида амалдорлар ротациясини жорий қилиш;
 - ▶ ногоҳоний текширувларни ўтказиш;
 - ▶ порахўрлик мақсадларида қўлланиши мумкин бўлган муҳим ахборот чиқиб кетишини олдини олиш учун махфийлик режимини таъминлаш;
 - ▶ порахўрликка қарши чора-тадбирлар мажмуини ҳар 3–5 йилда қайта кўриб чиқиш.
-

70-йилларнинг бошида порахўрликка қарши дастурни амалга жорий қилган ҳолда Сингапур бу соҳада мислсиз ютуқларга эришди ва эндиликда порахўрлик рейтингда тўққизинчи ўринни эгалламоқда (бу фақат саккиз мамлакатгина ундан камроқ порахўрликка эга эканини англатади).

Адабиётлар рўйхати:

1. Атаманчук Г.В. Сущность государственной службы. – М.: Финансы и статистика, 2008. – 224 с.
2. Внешнеэкономические связи стран Юго-Восточной Азии. – М.: Наука, 2004. – 160 с.
3. Государственная служба в зарубежных странах. – М.: Юристъ, 2007.
4. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. – М.: Бек, 2003.
5. Конституционное право зарубежных стран (конспект лекций). – М.: Приор, 2001.
6. Костюнина Г.М. Гибкие формы занятости: мировой опыт и практика Сингапура. – М.: Трудовое право. – 2004. – №11.
7. Осипова М. Сингапур в интересах финансовых рынков. Азия и Африка сегодня. – 2002. – № 6.
8. Пронкин С.В., Петрунина О.Е. Государственное управление зарубежных стран. М.: Аспект Пресс, 2001.

5.7.

Болгария



Анъанага кўра болгар маъмурий ҳуқуқида “давлат хизмати” тушунчаси бу сўзнинг тор маъносида – давлат муассасаларида, яъни давлат бюджетида турган муассасаларда маъмурий-бошқарув функцияларини бажариш сифатида тушинилган.

Давлат хизмати тўғрисидаги замонавий тасаввурлар Конституциянинг тегишли меъёрларига ва Болгария Конституциявий суди талқинларига таянади. “Давлат хизмати” атамаси болгар Конституциясида¹

¹Конституция Республики Болгария 1971 года (с поправками - SG. 29 от 1990 г.) - <http://bulgaria.ru/AGP/ogossuzbe/ogossuzbe007.html>

бир неча бор тилга олинган. Масалан, 65-модданинг 2-банди “давлат хизматида турган халқ вакиллигига номзодлар қайддан ўтганларидан сўнг бу хизматни тўхтатишини” белгилайди. 68-модданинг 1-банди: “Халқ вакиллари бошқа давлат хизматида туриши мумкин эмаслигини” баён қилади, 2-банд эса: “Вазир этиб тайинланган халқ вакили ўз вазирлик даврида ўзининг вакиллик ваколатларини тўхтатади” деб аниқлик киритади. Президент ва бош вазир мақомига тегишли мазмунан яқин меъёрлар 95-модданинг 2-бандида, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларига тегишли меъёрлар 113-модданинг 1-бандида мавжуд. Гап давлат функциясини амалга ошириш сифатидаги атамдан кенг маънода фойдаланиш устида бораётганлигини англаш қийин эмас. Болгария Конституциявий судининг 1993 йил 6 апрелдаги 5-сонли қарорида: “Мазкур фаолият давлат номидан амалга оширилади ҳамда бунинг учун Конституцияда кўзда тутилган органлар ваколатидан фойдаланилади. Бу фаолият учун, одатда, маош олиш кўзда тутилган. Бу моддий бойликлар ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлмаган фаолият”¹ экани таъкидланган.

Шу билан биргаликда Конституцияда 116-модда² мавжуд бўлиб, унинг 1-банди: “Давлат хизматчилари халқ иродаси ва манфаатлари ижрочиларидир. Ўз хизматларини адо этиш чоғида улар фақат қонунга таянишлари ва сиёсий бетараф бўлишлари лозим”лигини баён қилади, 2-банд эса: “Давлат хизматчилари лавозимга тайинланадиган ва ундан четлатиладиган ҳамда сиёсий партиялар ва касаба уюшмаларининг аъзоси бўлиши мумкин бўлган шароитлар, шунингдек иш ташлаш ҳуқуқи қонун билан белгиланади” деб аниқлик киритади. Гап бу ерда бюджетдан молиялаштириладиган давлат муассасаларида маъмурий функцияларни бажариш борасидаги тор маънода бормоқда.

Конституциявий суд фикрига кўра “давлат хизмати” атамасидан фойдаланиш умумий маънода ундан давлат хизмати боғлиқ бўлган институт хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тор маънода фойдаланиш имкониятини мустасно этмайди. Бу фарқ тушунча маъносининг ўзидаги зиддиятни англамайди, балки “давлат хизмати турларидаги фарқни акс эттиради”.

Давлат хизматчилари ўз мажбуриятларини адо этиш чоғида сиёсий бетараф бўлишлари лозим. Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонуннинг 12-моддаси³ “давлат хизматчилари ўз хизмат мақомидан партиялар ёки сиёсий мақсадларга эга ташкилотлар ёхуд уюшмаларга фойда ёки зарар етказиш учун фойдаланиши, шунингдек ишлаётган жойида сиёсий фаолиятни амалга ошириши мумкин эмас”лигини белгилайди. Конституциянинг 48-моддасига⁴ мувофиқ “ишчи ва хизматчилар соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларига эга бўлиш ҳуқуқига, бажарилган тегишли иш учун энг кам иш ҳақи ва маош олиш, шунингдек қонунда белгиланган шароитлар ва тартибда дам олиш ва таътилга чиқиш ҳуқуқига эга”. Ушбу барча масалалар Меҳнат кодекси билан йўлга солингандир.

Давлат хизматчилари иш берувчи билан ҳам маъмурий-ҳуқуқий, ҳам меҳнат муносабатларида туради.⁵ Танлов натижаларига кўра ёки меҳнат шартномаси асосида амалга ошириладиган лавозимга тайинлаш ҳам у, ҳам бу муносабатларнинг вужудга келишига асос бўлади.

Танлов ўтказиш шarti ва тартиби тегишли лавозим билан боғлиқ функциялар хусусияти ҳамда номзодларнинг эҳтимолий сонига мос равишда ҳар бир вазирликнинг ўзи томонидан белгиланади. Ишга

¹Държавен вестник .1993. Бр.31.с.3

²Конституция Республики Болгария 1971 года (с поправками - SG. 29 от 1990 е.) -<http://bulgaria.ru/AGP ogossluzbe /ogossluzbe007.html>

³Конституция Республики Болгария 1971 года (с поправками - SG. 29 от 1990 е.) -<http://bulgaria.ru/AGP ogossluzbe /ogossluzbe007.html>

⁴Конституция Республики Болгария 1971 года (с поправками - SG. 29 от 1990 е.) -<http://bulgaria.ru/AGP ogossluzbe /ogossluzbe007.html>

⁵Административный Кодекс Республики Болгария. (Вступил в силу с 12.07.2006 с добавлениями 30 от 11 апреля 2006 года., изм. SG. 59 от 20 июля 2007 года., изм. SG. 64 от 7 августа 2007 года., изм. SG. br.94 от 31 октября 2008 года., изм. SG. br.35 12 мая 2009)- <http://bulgaria.ru/AGP ogossluzbe /ogossluzbe007.html>

қабул қилувчи вазирликларда мазкур вазирликка хизматчиларни ишга қабул қилиш, ундан бўшатиш, бошқа жойга ўтказиш қондаларида лавозимга номзодлар тақдим этиши лозим бўлган ҳужжатлар санаб ўтилади; булар одатда ариза, таржимаи ҳол, меҳнат дафтарчаси, маълумоти тўғрисидаги ҳужжатдир. Барча болгар фуқароларига лавозимга даъвогарлик қилиш ҳуқуқи берилган, аммо бу, ёш, маълумот, саломатлик ҳолатига мос равишда амалга оширилади. Давлат хизматининг хусусиятига боғлиқ ҳолда номзодларга уларнинг руҳий жиҳатдан лаёқатлилиги ва жисмоний тайёргарлиги борасида алоҳида талаблар қўйилиши мумкин. Масалан, ИИВ лавозимларига номзодларнинг руҳий жиҳатдан лаёқатлилиги Психология институти ва унинг шўъбалари томонидан аниқланади; жисмоний лаёқат тегишли хизмат томонидан тайинланадиган комиссия орқали белгиланади, бундан ташқари, барча номзодлар тиббий текширувдан ўтишлари зарур.

Ёши, маълумоти ва жисмоний-руҳий яроқлилиги бўйича танлов талабларига мос келмаган номзодлар танловда иштирок этишга қўйилмайди ва бу борада уларга ёзма равишда хабар берилади. Рад этилганлик устидан маъмурий тартибда арз қилиш мумкин. Шикоят танлов тўғрисида буйруқни эълон қилган бошлиққа юборилади. Унинг қарори якунийдир. Танловни махсус танлов комиссияси, одатда, танлов эълон қилингандан сўнг бир ойдан кам бўлмаган муддатда ўтказилади. Танлов натижаларига кўра лавозимга кириш борасида буйруқ чиқарилади.

Айрим идораларда лавозимга киришда номзодга қўшимча талаблар қўйилади. Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонуннинг 14-моддаси¹ 1-қисмида: “қуроли кучлар ва бошқа идоралар қўшинларидаги ҳарбий хизматчилар, ИИВ, Муҳофаза хизмати, Миллий разведка хизмати-офицерлар, сержантлар ва оддий аскарлар таркиби, прокурорлар ва терговчилар, ТИВ хизматчилари, шунингдек, Президент девони штат таркиби хизматчилари сиёсий партиялар, сиёсий мақсадларга эга ташкилотлар, ҳаракатлар ва уюшмаларнинг аъзолари бўлиши мумкин эмас”лишни белгилайди. Айнан шу модданинг 2-банди “тилга олинган идораларга ишга кирувчи шахслар сиёсий партиялар, сиёсий мақсадларга эга ташкилотлар, ҳаракатлар ва уюшмаларнинг аъзолари эмасликлари борасида декларация тақдим этишлари лозим”лигини таъкидлайди. ИИВ тизими офицерлари ва сержантлари қасамёд қабул қиладилар ҳамда сиёсий партиялар аъзоси эмасликлари ҳақида декларация имзолайдилар, ИИВ фуқаролик маъмуриятининг хизматчилари эса давлат ва хизмат сирини сақлаш ҳақидаги декларацияни имзолайдилар. Қасамёд қилишдан ва декларация тақдим этишдан бош тортиш лавозимга кириш учун тўсқинлик қилади.

Хизматчилар мунтазам аттестациядан – эгаллаб турган лавозими билан боғлиқ мажбуриятларини самарали бажариш салоҳиятларини вақти-вақти билан текшириш ва баҳолашдан ўтиб турадилар.

Давлат хизматчилари қуйидаги ҳолатларда: мазкур идорада ёки мазкур лавозимда хизмат қилишнинг энг юқори ёшига етганда; нафақага чиқишда; саломатлиги ҳолатига кўра ёки ушбу шахсни мазкур давлат идорасида ишлашга яроқсиз қилувчи бошқа сабабларга кўра; ўз хоҳишига кўра; штатлар қисқарганда ёки сайланадиган лавозимга ўтганда; маъмурий тартибда ишдан четлатилиши мумкин. Меҳнат шартномалари меҳнат қонунчилигида кўзда тутилган шароитларда ва тартибда бекор қилинади. Ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқ чиқарилади, мазкур буйруқ устидан буйруқни чиқарган ва идора орқали ёзма равишда арз қилиниши мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Конституция Республики Болгария 1971 года (с поправками - SG. 29 от 1990 г.) -http://bulgaris.ru/AGP_ogosslužbe/ogosslužbe007.html
2. Административный Кодекс Республики Болгария. (Вступил в силу с 12.07.2006 с добавлениями 30 от 11 апреля 2006 года., изм. SG. 59 от 20 июля 2007 года., изм. SG. 64 от 7 августа 2007 года., изм. SG. br.94 от 31 октября 2008 года., изм. SG. br.35 12 мая 2009) - http://bulgaris.ru/AGP_ogosslužbe/ogosslužbe007.html

¹Закон Республики Болгария “О политических партиях”- http://bulgaris.ru/AGP_ogosslužbe/ogosslužbe007.html

3. Закон Республики Болгария "О политических партиях"- http://bulgaris.ru/AGP_ogossluzbe_ogossluzbe007.html
4. Държавен вестник . 1993. Бр.31.
5. Атаманчук Г.В. Сущность государственной службы. – М.: Финансы и статистика, 2008. - 224 с.
6. Государственная служба в зарубежных странах. – М.: Юристъ, 2007.
7. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. – М.: Бек, 2003.
8. Конституционное право зарубежных стран (конспект лекций). – М.: Приор, 2001.
9. Пронкин С.В., Петрунина О.Е. Государственное управление зарубежных стран. М.: Аспект Пресс, 2001.

ЌУШИМЧА АДАБИЁТЛАР

- Административное право зарубежных стран: Учебное пособие / Под ред. А.Н. Козырина. М: Изд-во "Спарк", 1996.
- Административное право зарубежных стран: Учебник /Под ред. А.Н. Козырина и М.А. Штаниной . – М.: Спарк, 2003.
- Барабашев Г.В. Муниципальные органы современного капиталистического государства. – М., 1971.
- Бахрах Д.Н., Демин А.В. Административный договор. Вопросы теории // Российский юридический журнал. № 2 (6). 1995.
- Государственная служба. Общие вопросы. Зарубежный опыт. – М., 1994. Вып. 1.
- Демин А.А. Суды административной юстиции: сравнительный анализ зарубежного опыта //Вестник МГУ, Серия 11. «Право», 1994. № 1. – С. 46–54.
- Динь-Тхиен-Шон. Административная ответственность должностных лиц по законодательству СРВ // Государство и право. № 7. 1992.
- Жданов А.А. Административное право буржуазных государств: Учебное пособие. – М., 1979.
- Конституции зарубежных государств. – М.: Изд-во "БЕК", 1996.
- Матвеева О.М. Эволюция института политической ответственности правительства и новые формы парламентского контроля в зарубежных странах // Российский юридический журнал. № 2 (6). 1995.
- Местное самоуправление в зарубежных странах. Информационный обзор. – М., 1994.
- Мишин А.А. Источники административного права зарубежных стран (США и Великобритания): Автореферат канд.юрид.наук. – М., 1978.
- Оболонский А.В., Лысенко В.И. XXII-ой Международный конгресс административных наук // Государство и право. 1993. № 3.
- Правительства, министерства и ведомства в зарубежных странах. – М., 1994.
- Пяохэнен А.П. Исполнительная власть в Финляндии // Государство и право. 1992. № 7.
- Старилов Ю.Н. Государственная служба в РФ: направления реформирования и концепция программы специального учебного курса // Го-сударство и право. 1995. № 1.
- Франсуа Люшер. Конституционная защита прав и свобод личности. – М.: Прогресс, 1993.
- Фредрик У. Тейлор. Принципы научного управления//Международный журнал "Проблемы теории и практики управления". 1990. № 6.
- Штанина М.А. Местное самоуправление в зарубежных странах (Великобритания, США, Франция, страны Латинской Америки). – М., 1994.

АҚШ

- Афанасьев В. Сколько чиновников в Америке? Российская Федерация сегодня. № 3. 1998. – С. 58.
- Краснова И.О. Роль судебных и административных процедур в экологической защите: из опыта США/ Государство и право. 1991. № 4.
- Никеров Г.И. Административно-процессуальное право США // Гос. и право. 1997. № 12. – С. 96-103.
4. Оболонский А.В. Государственная служба США: история и современность // Гос. и право. 1999. № 4. – С. 103- 111.
5. Хаманева Н.Ю. Административная юстиция в США // Гос. и право. 1993, № 3. – С. 140-147.

БУЮК БРИТАНИЯ

1. Баранчиков В.А. Муниципальные органы Великобритании. – М., 1990.
- Бойцова В.В. Омбудсмен как защитник фундаментальных личных прав (Новая Зеландия, Великобритания, Канада, Австралия). – Тверь, 1994.
- Бойцова В.В., Бойцова Л.В. Политическая нейтральность государственных служащих в Англии// Государство и право. 1992. № 9.

- Гарнер Д. Великобритания: центральное и местное самоуправление. – М., 1984.
5. Григорьев С. Местное управление в Великобритании//Вопросы экономики. 1991. № 5.
6. Ефремов Л. Об опыте организации британской гражданской службы //Советская юстиция. 1991. № 19.

ФРАНЦИЯ

- Ардан Ф. Франция: государственная система. – М., 1994.
- Брэбан Г. Французское административное право. – М., 1988.
- Ведель Ж. Административное право Франции. – М., 1973.
- Государственная служба во Франции. – М., 1993.
- Государственная служба и государственные служащие во Франции // Рос. – Французская серия. Информация и учебный материал. 1994. №23.
- Гримо Ж. Организация административной власти во Франции. – М., 1993.
7. Коломыйцев В.Ф. Подготовка государственных служащих во Франции // Государство и право. 1993. №11.
- Керимов А.Д. Парламентские представительства как средство контроля за исполнительной властью (Пятая Французская Республика) //Государство и право. 1992. № 7.
- Контроль за деятельностью государственной администрации во Франции. – М., 1994.
- Общие сведения об административном праве Франции. – М., 1993.
- Савицкий И.П. Правительственный аппарат Пятой республики во Франции. – Свердловск, 1979.
- Серебренников В.П. Местное управление и самоуправление Франции. Минск, 1981.
- Структура и роль Государственного Совета во Франции. – М., 1994.
- Структура и функции местных коллективов во Франции. – М., 1993.
- Тосунян Г.А., Ефимова Л.Г. Опыт правового регулирования деятельности органов управления кредитной системы Франции и проблемы совершенствования банковской системы России // Государство и право. 1994. №7.
- Французская республика. Конституция и законодательные акты. М., 1989.

ФРГ

- Волгин А.П., Мотирко В.И., Модин А.А. Управление персоналом в условиях рыночной экономики (опыт ФРГ). – М., 1992.
- Ильинский И.П. Система органов власти и управления: Учебное пособие. – М., 1977.
- Зоммерманн К.П., Стариков Ю.Н. Административное судопроизводство (юстиция) в Германии: история развития и основные черты // Гос. и право. 1999, № 7. – с. 70-77.
- Местное самоуправление в Германии (Германский Фонд международного правового сотрудничества). – М., 1996.
4. Ноздрачев А. Государственная служба (законодательный опыт Германии)//Советская юстиция. 1993. № 16.
- Тимофеев Н.С. Коммунальное право ФРГ. – М., 1982.
- Урьяс Ю.П. Механизм государственной власти ФРГ. – М., 1988.

ИТАЛИЯ

1. Васильева Т.А. Правовое положение областей с обычным статутом в Итальянской Республике// Советское государство и право, 1983. № 5.
2. Италия. Конституция и законодательные акты. М.: Прогресс, 1982.
3. Колибаб А.К. Источники административного права Италии // Государство и право. 1994. № 7.
4. Моргунова А.И. Некоторые проблемы административного права Италии // Актуальные проблемы буржуазного административного права. – М., 1984.

ИЛОВАЛАР

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари 01.12.2014 йил ҳолатида)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган мансабдор шахсларнинг рўйхати тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида» Қонунини кучга киритиш ҳақида» 1991 йил 15 февралдаги қарорини бажариш учун Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

Қуйидаги мансабдор шахсларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқлансин:

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларига;
давлат банклари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларига, хизмат юзасидан пул белгиларига ва пул
(банк) ҳужжатларига бевосита алоқаси бўлган мансабдор шахсларга;

давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларига ва уларнинг банк ҳужжатларига
имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ўринбосарларига;

давлат таъминот ва савдо-сотик корхоналари ва ташкилотларининг раҳбар ходимларига;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ёки бундай фаолиятни
назорат қилиш вазифасига кирувчи давлат органларининг раҳбар ходимлари ва мутахассисларига.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. МУТАЛОВ

Тошкент ш.,
1992 йил 6 март,
103-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Давлат хизматчиларининг лавозим маошларига йигирма фоизли устама ҳақ белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш тўғрисида» 1997 йил 13 майдаги 1778-сон Фармони бажариш юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари судлар ва прокуратура тизимига энг яхши тайёргарлик кўрган ходимларни танлаб олиш ва уларнинг ўрнашиб қолишида иш ҳақининг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Илова қилинаётган Давлат хизматчиларининг лавозимлари рўйхатига мувофиқ 1997 йил 1 июлдан бошлаб бюджетдан маблағ билан таъминланадиган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва судларнинг давлат хизматчилари лавозим маошларига 20 фоизли устама ҳақ (меҳнатни рағбатлантириш коэффициенти) белгилансин, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса.
2. ?
(1-банднинг 1-хатбошиси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 декабрдаги 339-сон қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 51-сон, 545-модда).
Кўрсатиб ўтилган Рўйхатга мувофиқ 2003 йилнинг 1 январидан бошлаб прокуратура органлари давлат хизматчиларининг лавозим маошларига 25 фоизли устама ҳақ (меҳнатни рағбатлантириш коэффициенти) белгилансин.
(1-банднинг 2-хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 февралдаги 113-сонли қарори таҳририда - ЎР ҚҲТ, 2003 й., 4-сон, 43-модда).
3. Белгилаб қўйилсинки, давлат хизматчиларига 20 фоизли (прокуратура органлари давлат хизматчиларига 25 фоизли) устама тўлов (меҳнатни рағбатлантириш коэффициенти) ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқаришда меҳнат таътиллари учун тўловларда, ишдан бўшатиладиганда ёрдам пули беришда ва бошқа барча ҳоллардаги тўловларда, шунингдек, пенсия тайинлашда ҳисобга олинади.
(1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 февралдаги 113-сонли қарори таҳририда - ЎР ҚҲТ, 2003 й., 4-сон, 43-модда).
4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки кўрсатиб ўтилган устама ҳақининг маблағ билан таъминланишини ва ўз вақтида тўланишини таъминласинлар.
5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.С. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

*Тошкент ш.,
1997 йил 3 июль,
339-сон*

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил
3 июлдаги 339-сон қарорига илова

Давлат хизматчиларининг лавозимлари рўйхати

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари

Вазир, Давлат қўмитаси раиси
Вазирнинг, Давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
Вазирнинг, Давлат қўмитаси раисининг ўринбосари
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги республика муассасасининг раҳбари
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги республика муассасаси раҳбарининг ўринбосари
Бош бошқарма, етакчи бўлим бошлиғи, ишлар бошқарувчиси ва уларнинг ўринбосарлари
Мустақил бошқарма ва бўлим, бош бошқарма бўлими, кичик бўлим бошлиғи ва уларнинг ўринбосарлари, Вазир (Раис) ёрдамчиси
Иқтисодиёт бўйича маслаҳатчи, консультант
Бош мутахассис
Етакчи мутахассис
I тоифали мутахассис
II тоифали мутахассис

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

Жўқорғи Кенгеси, Вазирлар Кенгаши Раиси, Ҳоким
Вазирлар Кенгаши Раисининг, Ҳокимнинг биринчи ўринбосари
Жўқорғи Кенгеси, Вазирлар Кенгаши Раисининг, Ҳокимнинг ўринбосари
Жўқорғи Кенгеси қўмитаси, комиссияси раиси
Котибиат бошлиғи
Жўқорғи Кенгеси, Вазирлар Кенгаши Раисининг, Ҳокимнинг ёрдамчиси
Бўлим мудир, бўлим бошлиғи, уларнинг ўринбосарлари
Жўқорғи Кенгеси матбуот котиби
Жўқорғи Кенгеси Раиси ўринбосарининг ёрдамчиси
Иқтисодиёт бўйича маслаҳатчи, консультант
Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосарининг, Ҳокимнинг котибияти мудир
Шўъба мудир
Катта референт
Бош мутахассис
Референт
Етакчи мутахассис
I тоифали мутахассис
II тоифали мутахассис

Туман ва шаҳар ҳокимликлари

Ҳоким
Ҳокимнинг биринчи ўринбосари
Ҳокимнинг ўринбосари
Котибиат бошлиғи
Бўлим мудир, бўлим бошлиғи ва уларнинг ўринбосарлари
Иқтисодиёт бўйича маслаҳатчи, консультант

Бош мутахассис
I тоифали мутахассис
II тоифали мутахассис

Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг мустақил бошқармалари ва бўлимлари

Вазир, Қорақалпоғистон Республикаси идораси раҳбари ва уларнинг ўринбосарлари
Бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосари
Мустақил бўлим бошлиғи ва унинг ўринбосари
Бошқарма бўлими бошлиғи ва унинг ўринбосари
Бош мутахассис
Етакчи мутахассис
I тоифали мутахассис
II тоифали мутахассис

Туман ва шаҳар ҳокимликларининг бошқармалари ва мустақил бўлимлари

Бошқарма, мустақил бўлим бошлиғи ва уларнинг ўринбосарлари
Бошқарма бўлими бошлиғи ва унинг ўринбосари
Бош мутахассис
I тоифали мутахассис
II тоифали мутахассис
Туман (шаҳар)ларнинг (иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармасидан маблағ билан таъминланадиган) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари раҳбарлари ва мутахассислари

Қишлоқлар, шаҳарчалар, овуллар, фуқаролар йиғинлари

Раис
Котиб
I тоифали мутахассис
II тоифали мутахассис
Мутахассис
Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи
«Маҳалла посбони» раҳбари

Маҳаллалар фуқаролар йиғинлари

Раис
Котиб
диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи
«Маҳалла посбони» раҳбари

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди

Конституциявий суд Раиси
Конституциявий суд Раисининг ўринбосари
Конституциявий суд судьяси
Котибият мудири
Конституциявий суд Раиси ёрдамчиси
Катта эксперт
Эксперт

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди

Олий суд Раиси
Олий ҳўжалик суди Раиси
Раиснинг биринчи ўринбосари
Раис ўринбосари
Судья
Бошқарма, бўлим бошлиғи ва уларнинг ўринбосарлари
Олий суд Президиуми котибияти бошлиғи
Раиснинг ёрдамчиси
Бош консультант
Катта консультант

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари

Суд раиси
Суд раисининг ўринбосари
Судья
Катта консультант, қабулхона бошлиғи
Раиснинг ёрдамчиси
Консултант

Туман ва шаҳар судлари

Суд раиси
Суд раисининг ўринбосари
Судья
Консултант
Суд раисининг ёрдамчиси

Давлат нотариал идоралари
Катта нотариус
Нотариус
Нотариус ёрдамчиси

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Бош прокурор
Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари
Бош прокурор ўринбосари
Етакчи бўлим (бошқарма) бошлиғи ва унинг ўринбосари
Ишлар бошқарувчиси
Мустақил бўлим, етакчи бошқарма бўлими бошлиғи ва уларнинг ўринбосарлари
Алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчи
Прокурорнинг катта ёрдамчиси, прокурор ёрдамчиси
Қабулхона бошлиғи
Алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи
Бошқарма, бўлимнинг катта прокурори
Катта прокурор-криминалист, прокурор-криминалист
Катта терговчи, терговчи
Бошқарма, бўлим прокурори
Бош мутахассис
Етакчи мутахассис

1-тоифали мутахассис

2-тоифали мутахассис

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти

Департамент бошлиғи

Департамент бошлиғининг биринчи ўринбосари

Департамент бошлиғининг ўринбосари

Департамент бошлиғи ёрдамчиси

Бошқарма бошлиғининг ўринбосари

Бош инспектор

Катта инспектор

Инспектор

Бўлим мудир

Бўлим мудир ўринбосари

Бош тафтишчи

Катта тафтишчи

Бош суриштирувчи

Катта суриштирувчи

Катта криминалист

Криминалист

Инспекция бошлиғи

Етакчи мутахассис

I тоифали мутахассис

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар

Прокурор

Прокурорнинг биринчи ўринбосари

Прокурорнинг ўринбосари

Бошқарма, бўлим бошлиғи ва уларнинг ўринбосарлари

Алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи

Прокурорнинг катта ёрдамчиси, прокурор ёрдамчиси

Бошқарма, бўлимнинг катта прокурори

Катта прокурор-криминалист, прокурор-криминалист

Катта терговчи, терговчи

Бошқарма, бўлим прокурори

Бош мутахассис

1-тоифали мутахассис

2-тоифали мутахассис

Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари

Бошқарма бошлиғи

Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари

Бошқарма бошлиғининг ўринбосари

Бўлинма бошлиғи

Бўлим бошлиғи

Бўлим бошлиғи ўринбосари

Катта инспектор
Инспектор
Бош тафтишчи
Катта тафтишчи
Тафтишчи
Бош суриштирувчи
Катта суриштирувчи
Катта криминалист
Криминалист
Бош мутахассис
I тоифали мутахассис

Туманлар, шаҳарлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар

Прокурор
Прокурор ўринбосари
Прокурорнинг катта ёрдамчиси
Катта терговчи
Терговчи
Прокурор ёрдамчиси

Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг туман (шаҳар) бўлимлари

Бўлим бошлиғи
Бўлим бошлиғи ўринбосари
Бош суриштирувчи
Суриштирувчи
Катта инспектор
Инспектор

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари

Бошлиқ
Бошлиқ ўринбосари
Кафедра бошлиғи
Катта ўқитувчи
Ўқитувчи
Бўлим бошлиғи
Бош мутахассис
Етакчи мутахассис
1-тоифали мутахассис
2-тоифали мутахассис.

Давлат хизматчиларига мансуб бўлган бошқа хизматчилар рўйхати

1. Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг бош архитектори
2. Вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар раҳбарларининг ёрдамчилари
3. Вазирликлар ва идоралар марказий аппарати ўқув-методик, илмий-техник кенгаши илмий котиби
4. Вазирликлар ва идоралар ҳайъатлари котиби
5. Қабулхона, умумий бўлим, биринчи бўлим, канцелярия, архив, машинкада ёзиш бюроси, нусха кўчириш-кўпайтириш бюроси мудир (бошлиғи)

ПОСТАНОВЛЕНИЕ МИНИСТЕРСТВА ТРУДА И СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ НАСЕЛЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН МИНИСТЕРСТВА ФИНАНСОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Об утверждении нормативных документов по упорядочению численности и оптимизации расходов на содержание управленческого персонала

(Бюллетень нормативных актов министерств, государственных комитетов и ведомств Республики Узбекистан, 2003 г., № 23; Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2012 г., N 16, ст. 186; № 39, ст. 462)

[Зарегистрировано Министерством юстиции Республики Узбекистан от 9 декабря 2003 г. Регистрационный № 1288]

Во исполнение постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 22 августа 2003 года № 363 «О мерах по упорядочению численности и оптимизации расходов на содержание управленческого персонала» **постановляем:**

1. Ввести в действие с 1 января 2004 года:

Номенклатуру должностей управленческого, обслуживающего и технического персонала органов государственного и хозяйственного управления согласно приложению № 1.

Методику определения нормативов соотношения численности работников управленческого, обслуживающего и технического персонала органов государственного и хозяйственного управления согласно приложению № 2.

Расчетные нормативы соотношения численности управленческого, обслуживающего и технического персонала органов государственного и хозяйственного управления согласно приложению № 3.

Министр труда и социальной защиты населения Республики Узбекистан А. АБИДОВ

*г. Ташкент,
22 сентября 2003 г.,
№ 58*

Министр финансов Республики Узбекистан М. НУРМУРАТОВ

*г. Ташкент,
22 сентября 2003 г.,
№ 116*

*Приложение № 1 к постановлению Министерства труда и социальной защиты населения и Министерства финансов
Республики Узбекистан
от 22 сентября 2003 года №№ 58, 116*

Номенклатура должностей управленческого, обслуживающего и технического персонала органов государственного и хозяйственного управления

Настоящая Номенклатура включает должности управленческого, обслуживающего и технического персонала в органах государственного и хозяйственного управления независимо от формы собственности и источника финансирования.

I. Общие положения

1. Основные определения должностей управленческого, обслуживающего и технического персонала:

- а)** управленческий персонал – работники, осуществляющие распорядительные функции, руководство персоналом, выработку и принятие необходимых решений, планирование, контроль и регулирование процессов деятельности предприятия, организации и учреждения, подготовку информации для принятия надлежащих решений. Управленческий персонал обеспечивает необходимые организационно-технические условия для достижения предприятием, организацией и учреждением поставленных целей и задач, и выполнения установленных функций и производственных программ;
- б)** руководители (административно-управленческий персонал) - часть работников управленческого персонала предприятия, организации и учреждения, наделенная в соответствии с нормативными актами (положениями, уставами, правилами внутреннего распорядка) функциями администрирования, правом действовать от лица предприятия, организации и учреждения, распорядительными правами и полномочиями (административными функциями), осуществляющие руководство подчиненным персоналом (распределение производственных заданий и поручений, расстановка персонала), организацию и координацию деятельности предприятия, организации и учреждения, а также их подразделений, контроль за исполнением распоряжений, заданий и поручений. К административно-управленческому персоналу относятся: руководители предприятий, организаций и учреждений и их заместители, руководители и заместители руководителей структурных подразделений (самостоятельных управлений и отделов, цехов, филиалов, представительств), главные инженеры, главные бухгалтера и их заместители, главные менеджеры, имеющие дискреционные полномочия (т. е. наделенные правом действовать по своему усмотрению), мастера производственных участков (кроме мастеров участков производственного обучения) и другие;

- в)** специалисты управленческого персонала – часть работников управленческого персонала, в основные функции которых входит подготовка и анализ информации об управляемом объекте, подготовка решений по обеспечению заданных параметров объекта управления, учету, хранению, организации технологических процессов, подготовка сметно-финансовых материалов и другие функции. Специалисты управленческого персонала не наделяются распорядительными полномочиями, а также правами действовать от лица предприятия, организации и учреждения. В отдельных случаях специалист управленческого персонала может быть наделен полномочиями руководства специалистом более низкой категории;
- г)** основной (производственный) персонал предприятия – работники, непосредственно участвующие в производственном процессе, выполняющие функции по производству основной продукции (услуг) предприятия, соответствующей классификации видов экономической деятельности, а также сопутствующей продукции (услуг), установленной производственной программой для вспомогательного производства. К основному персоналу относятся инженерные работники и техники, не относящиеся к управленческому персоналу, рабочие, младшие специалисты и другие работники, непосредственно участвующие в производственном процессе;
- д)** вспомогательный персонал предприятия, организации и учреждения включает в себя технический и обслуживающий персонал, осуществляющий функции обеспечения деятельности управленческого персонала;
- е)** технический персонал предприятия, организации и учреждения – персонал, в функции которого входит выполнение работ по техническому обслуживанию и обеспечению деятельности управленческого персонала (выполнение печатных, множительных и архивных работ, библиотечное дело, доставка документов, обслуживание компьютерной техники, выполнение канцелярских, секретарских и других работ);
- ж)** обслуживающий персонал предприятия, организации и учреждения – персонал в функции которого входит техническое и хозяйственное обслуживание зданий и территорий, их охрана, транспортное обслуживание управленческого персонала, а также иные работы по обслуживанию управленческого и основного (производственного) персонала предприятия, организации, учреждения, включая социально-бытовое обслуживание.

II. Перечень должностей управленческого персонала

2. Руководящий состав (административно-управленческий персонал) органов государственного управления:

- а) республиканский уровень:**
министр, председатель государственного комитета и их заместители;
руководитель республиканского учреждения при Кабинете Министров и его заместители;
председатель счетной палаты и его заместитель;
президент, вице-президенты, главный ученый секретарь Академии наук;
председатель, заместители председателя, главный ученый секретарь Академии художеств;

ректор, проректоры, заместитель ректора Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан;

(абзац 7 подпункта «а» пункта 2 в редакции постановления Министерства труда и социальной защиты населения и Министерства финансов Республики Узбекистан от 20 сентября 2012 г., №№ 59-СП, 73 - Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2012 г., № 39, ст. 462);

председатель, главный секретарь национального олимпийского комитета;

председатель, заместители председателя республиканских государственных инспекций;

начальник, заместители начальника департамента, главного управления, управления, отдела, сектора, других структурных подразделений республиканского министерства, ведомства, организации и учреждения;

помощник министра, председателя государственного комитета, руководителя республиканского учреждения и их заместителей;

б) территориальный уровень (область, город, район):

председатель Совета Министров Республики Каракалпакстан, хоким области, города Ташкента и их заместители;

министр, председатель государственного комитета, руководитель ведомства Республики Каракалпакстан, начальник самостоятельного управления хокимията области, города Ташкента и их заместители;

начальник (заведующий), заместители начальника (заведующего) секретариата, отдела, другого структурного подразделения Совета Министров Республики Каракалпакстан, хокимията области, города Ташкента;

помощник председателя Совета Министров Республики Каракалпакстан, хокима области, города Ташкента и их заместителей;

начальник (заведующий), заместители начальника (заведующего) отдела, сектора, другого структурного подразделения министерства, государственного комитета, ведомства Республики Каракалпакстан, самостоятельного управления хокимията области, города Ташкента;

хоким города, района и его заместители;

начальник (заведующий), заместители начальника (заведующего) секретариата, отдела, сектора, другого структурного подразделения хокимията города, района;

помощник хокима города, района;

начальник (заведующий), заместители начальника (заведующего) самостоятельного отдела и его структурного подразделения хокимията города, района.

3. Руководящий состав (административно-управленческий персонал) органов хозяйственного управления:

а) республиканский уровень:

руководитель (председатель, генеральный директор, директор, начальник, управляющий и т. п.), заместители руководителя: ассоциации, агентства, корпорации, концерна, компании, объединения и других органов хозяйственного управления;

начальник (руководитель), заместитель начальника (руководителя) управления, отдела, сектора, другого структурного подразделения ассоциации, агентства, корпорации, концерна, компании, объединения и других органов хозяйственного управления;

помощник руководителя (его заместителя) ассоциации, агентства, корпорации, концерна, компании, объединения и других органов хозяйственного управления;

б) территориальный уровень (область, город, район):

руководитель, заместитель руководителя территориального (областного, городского, районного) подразделения (отделения, филиала и т. п.) ассоциации, агентства, корпорации, концерна, компании, объединения и других органов хозяйственного управления;

начальник (заведующий) управления, отдела, сектора, другого структурного звена территориального (областного, городского, районного) подразделения (отделения, филиала и т. п.) ассоциации, агентства, корпорации, концерна, компании, объединения и других органов хозяйственного управления.

4. Специалисты управленческого персонала органов государственного и хозяйственного управления всех уровней:

главные специалисты, ведущие специалисты, специалисты 1, 2, 3 категории и без категории, в том числе специалисты по маркетингу и менеджменту;

администраторы (кроме администраторов предприятий торговли и общественного питания, зрелищных учреждений, дежурных администраторов, администраторов баз данных, сети, зала и т. п.);

агрономы, аудиторы, археографы, археологи, архитекторы, кроме выполняющих проектные и планировочные работы;

брокеры, дилеры;

бухгалтеры всех наименований;

геологи, гидрологи;

документоведы;

инженеры, кроме инженеров:

выполняющих конструкторскую, проектную и технологические работы;

занятых разработкой проектов, математического обеспечения, алгоритмов и программ машинной обработки информации;

занятых патентной, изобретательской, рационализаторской работами, научно-технической информацией;

производственных лабораторий;

по метрологии и стандартизации;

инструкторы, кроме инструкторов физкультуры и спорта, по культурно-массовой работе, производственного обучения и передовых методов труда;

инспектора, кроме:

инспекторов по назначению, выплате пенсий и пособий, социальному обслуживанию пенсионеров, престарелых и инвалидов;

работников районных, городских отделов по труду, занятости и социальной защите населения, закрепленных за территориями органов самоуправления граждан;

искусствоведы;

картографы, колористы;

контролеры, кроме контролеров и специалистов отделов контроля, хранения, сортировки и выдачи драгоценных и полудрагоценных металлов;

маркшейдеры;

методисты, кроме методистов учебных заведений, культурно-просветительских учреждений, методических кабинетов;

механики, кроме занятых эксплуатацией, наладкой и ремонтом оборудования;

нормировщики;

ревизоры, редакторы;
фармакологи, фармацевты;
экономисты всех наименований, кроме занятых технико-экономическим обоснованием проектов в производственных подразделениях проектных и конструкторских организаций;
статистики, социологи, психологи по организации труда, физиологи по труду;
энергетики, эпидемиологи, эксперты, кроме научных;
советники, в том числе экономические, консультанты, референты;
юрисконсульты и другие специалисты управленческого персонала.

III. Должности обслуживающего персонала органов государственного и хозяйственного управления всех уровней

5. Должности обслуживающего персонала:
- водители (обслуживающие управленческий персонал);
 - гардеробщики;
 - дворники (уборщики территории);
 - коменданты;
 - лифтеры;
 - плотники (в органах государственного и хозяйственного управления);
 - работники по текущему ремонту и обслуживанию зданий и сооружений;
 - слесари-сантехники;
 - сторожа (вахтеры);
 - садовники;
 - уборщики помещений;
 - электромонтеры, дежурные администраторы, носильщики, подсобные рабочие, смотрители, швейцары и другие.

IV. Должности технического персонала органов государственного и хозяйственного управления всех уровней

6. Должности технического персонала:
- агенты, кроме агентов по перевозке грузов, по организации обслуживания перевозок, по заказам и др.;
 - архивариусы;
 - библиотекари;
 - дежурные бюро пропусков;
 - делопроизводители;
 - диспетчеры;
 - заведующие хозяйством (завхозы);
 - кассиры, осуществляющие выдачу заработной платы и доставку денежных документов в банковские организации;
 - кладовщики;
 - машинистки;
 - операторы копировально-множительной техники, ЭВМ;
 - секретари руководителей, секретари-референты;
 - счетоводы;
 - телефонисты;
 - техники и инженеры по обслуживанию вычислительной техники;

экспедиторы, кодировщики, корректоры, курьеры (фельдъегери), паспортисты, подборщики и обработчики справочных и информационных материалов, приемщики заказов, товаров в сфере услуг, радиотехники, регистраторы, сестра-хозяйка, сметчики, сортировщики почтовых отправок и произведений печати, табельщики, таксировщики, тарификаторы, телеграфисты, учетчики, хронометражисты, шифровальщики и другие.

V. Заключительные положения

- 7.** Включение в вышеуказанные перечни других должностей или иные изменения в составе номенклатуры производятся с учетом специфики деятельности органа государственного и хозяйственного управления по согласованию с Министерством труда и социальной защиты населения и Министерством финансов Республики Узбекистан.
- 8.** В связи с введением настоящей номенклатуры утвержденная ранее численность управленческого персонала уменьшается на количество должностей технического персонала, ранее (до 1 января 2004 года) включаемых в перечень управленческого персонала.

Приложение № 2 к постановлению Министерства труда и социальной защиты населения и Министерства финансов Республики Узбекистан от 22 сентября 2003 года №№ 58, 116

Методика определения нормативов соотношения численности работников управленческого, обслуживающего и технического персонала органов государственного и хозяйственного управления

Настоящая Методика разработана в целях исполнения постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 22 августа 2003 года № 363 и определяет порядок установления предельных соотношений численности управленческого, технического и обслуживающего персонала органов государственного и хозяйственного управления (далее – организаций и учреждений), независимо от источника финансирования, за исключением министерств и ведомств силовых структур, правоохранительных органов и судов.

I. ОБЩИЕ ПОЛОЖЕНИЯ

1. Основные определения, применяемые в настоящей методике.

- а) персонал – совокупность всех работников предприятия, организации, учреждения, работающих по найму, и включаемых в предельную общую численность работников;
- б) предельная общая численность персонала – максимальная численность персонала предприятия, организации и учреждения, необходимая для достижения поставленных целей и выполнения задач при существующем уровне организации труда и технологического развития. Предельная общая численность персонала устанавливается:

для органов государственного и хозяйственного управления, образованных в соответствии с решениями правительства – постановлениями Кабинета Министров Республики Узбекистан, решениями Совета Министров Республики Каракалпакстан и хокимиятов. При этом предельная общая численность для их территориальных и подведомственных подразделений включается в общую предельную численность органа государственного и хозяйственного управления;

для органов хозяйственного управления, образованных без соответствующего решения правительства (самостоятельно), и для хозяйствующих субъектов (предприятий с государственной долей собственности и унитарных государственных предприятий) - вышестоящими органами хозяйственного управления и (или) высшим органом управления хозяйствующего субъекта.

Предельная общая численность персонала включает в себя управленческий персонал, основной (производственный) персонал предприятий, технический и обслуживающий персонал (вспомогательный персонал);

- в) управленческий персонал – работники, осуществляющие распорядительные функции, руководство персоналом, выработку и принятие необходимых решений, планирование, контроль и регулирование процессов деятельности предприятия, организации и учреждения, подготовку информации для принятия надлежащих решений. Управленческий персонал обеспечивает необходимые организационно-технические условия для достижения предприятием, организацией и учреждением поставленных целей и задач, и выполнения установленных функций и производственных программ;
- г) административно-управленческий персонал – часть работников управленческого персонала предприятия, организации и учреждения, наделенных в соответствии с нормативными актами (положениями, уставами, правилами внутреннего распорядка) функциями администрирования, правом действовать от лица предприятия, организации и учреждения, распорядительными правами и полномочиями (административными функциями), осуществляющих руководство подчиненным персоналом (распределение производственных заданий и поручений, расстановка персонала), организацию и координацию деятельности предприятия, организации и учреждения, а также их подразделений, контроль за исполнением распоряжений, заданий и поручений. К административно-управленческому персоналу относятся: руководители предприятий, организаций и учреждений и их заместители,

руководители и заместители руководителей структурных подразделений (самостоятельных управлений и отделов, цехов, филиалов, представительств), главные инженеры, главные бухгалтера и их заместители, главные менеджеры, имеющие дискреционные полномочия (т. е. наделенные правом действовать по своему усмотрению), мастера производственных участков (кроме мастеров участков производственного обучения) и другие. Перечень должностей административно-управленческого персонала устанавливается согласно номенклатуре должностей управленческого, обслуживающего и технического персонала, утвержденной Министерством труда и социальной защиты населения;

- д)** специалисты управленческого персонала – часть работников управленческого персонала, в основные функции которых входит подготовка и анализ информации об управляемом объекте, подготовка решений по обеспечению заданных параметров объекта управления, учету, хранению, организации технологических процессов, подготовка сметно-финансовых материалов и другие функции. Специалисты управленческого персонала не наделяются распорядительными полномочиями, а также правами действовать от лица предприятия, организации и учреждения. В отдельных случаях специалист управленческого персонала может быть наделен полномочиями руководителя специалистом более низкой категории. Перечень должностей специалистов управленческого персонала устанавливается согласно номенклатуре должностей управленческого, обслуживающего и технического персонала, утвержденной Министерством труда и социальной защиты населения;
- ж)** основной (производственный) персонал предприятия – работники, непосредственно участвующие в производственном процессе, выполняющие функции по производству основной продукции (услуг) предприятия, соответствующей классификации видов экономической деятельности, а также сопутствующей продукции (услуг), установленной производственной программой для вспомогательного производства. К основному персоналу относятся инженерные работники и техники, не относящиеся к управленческому персоналу, рабочие, младшие специалисты и другие работники, непосредственно участвующие в производственном процессе;
- з)** вспомогательный персонал предприятия, организации и учреждения включает в себя технический и обслуживающий персонал, осуществляющий функции обеспечения деятельности управленческого персонала. Перечень должностей технического и обслуживающего персонала определяется согласно номенклатуре должностей управленческого, обслуживающего и технического персонала, утвержденной Министерством труда и социальной защиты населения;
- и)** технический персонал предприятия, организации и учреждения – персонал, в функции которого входит выполнение работ по техническому обслуживанию и обеспечению деятельности управленческого персонала (выполнение печатных, множительных и архивных работ, библиотечное дело, доставка документов, обслуживание компьютерной техники, выполнение канцелярских, секретарских и других работ);
- к)** обслуживающий персонал предприятия, организации и учреждения – персонал, в функции которого входит техническое и хозяйственное обслуживание зданий и территорий, их охрана, транспортное обслуживание управленческого персонала, а также иные работы по обслуживанию управленческого и основного (производственного) персонала предприятия, организации, учреждения, включая социально-бытовое обслуживание;

- л) норма численности – установленная численность работников определенного профессионально-квалификационного состава, необходимая для реализации конкретных целей, задач и функций органов государственного и хозяйственного управления и производственных программ предприятий;
- м) норма управляемости – оптимальная численность работников, непосредственно подчиненных одному руководителю. Для высшего руководящего состава предприятий, организаций и учреждений - норма управляемости определяет оптимальное число структурных подразделений, непосредственно подчиненных руководителю;
- н) типовые штаты – перечень наименований должностей постоянных работников с указанием их количества, необходимого для выполнения целей, задач, функций и производственных программ организаций, учреждений и предприятий. Типовые штаты разрабатываются исходя из расчета оптимального соотношения управленческого, технического и обслуживающего персонала однопрофильных и однотипных предприятий, учреждений и организаций. При этом должности технического и обслуживающего персонала органов государственного и хозяйственного управления рекомендуется вводить исходя из нормативов и условий, установленных приложением № 1;
- о) штатное расписание – перечень наименований должностей постоянных работников с указанием количества одноименных должностей и размеров должностных окладов, утвержденный собственником, руководителем или вышестоящим органом. Штатное расписание дает право на укомплектование должностей структурных подразделений предприятий, организаций и учреждения работниками соответствующих категорий;
- п) соотношение численности персонала – нормативы, устанавливающие оптимальные пропорции соотношения численности технического и обслуживающего персонала к численности управленческого персонала, в целях обеспечения минимальных издержек на содержание управленческого, обслуживающего и технического персонала, при условии сохранения управляемости, достижения целей и задач, выполнения функций предприятия, организации и учреждения.

2. Соотношение численности персонала рассчитывается по формуле:

$X_u (\%) + X_t (\%) + X_o (\%) = ПЧ (100\%)$, где:

$X_u (\%)$ – установленная численность управленческого персонала, в процентах;

$X_t (\%)$ – численность технического персонала, в процентах;

$X_o (\%)$ – численность обслуживающего персонала, в процентах;

ПЧ (100%) – общая предельная численность персонала, в процентах.

Данная формула приводится в вид, выражающий соотношение числа работников технического и обслуживающего персонала в расчете на одного работника управленческого персонала:

$$1 X_u : X_t / X_u : X_o / X_u.$$

II. Установление нормативов соотношения численности управленческого, технического и обслуживающего персонала органов государственного управления

3. В предельную общую численность органов государственного управления включается: управленческий, технический и обслуживающий персонал организации, учреждения и предприятия.
В отдельных структурах органов государственного управления могут быть выделены производственные подразделения, осуществляющие оказание услуг, проводящие патентно-экспертные и другие работы.
4. В составе управленческого персонала организаций и учреждений выделяются: административно-управленческий персонал и специалисты управленческого персонала.
5. При определении численности управленческого персонала органов государственного управления учитываются:
 - а) нормы управляемости. Оптимальная норма управляемости для:
руководителей структурных подразделений, как правило, составляет 4–9 подчиненных работников (самостоятельный отдел или управление), в расчете на 1-го руководителя (при большей норме управляемости эффективность управления снижается);
руководителей организаций и учреждений, как правило, – 3–5 структурных подразделений;
 - б) число и степень сложности задач и функций, возложенных на структурное подразделение органа государственного управления;
 - в) количество объектов управления – подчиненных территориальных организаций, учреждений и предприятий;
 - г) другие специфические факторы, характеризующие деятельность органа государственного управления (такие как: число обращений граждан, уровень технической вооруженности, квалификация и взаимозаменяемость персонала и др.).
6. При определении численности технического и обслуживающего персонала органов государственного управления учитываются:
нормы обслуживания зданий, сооружений и территории организации и учреждения;
сменность работы при нормальной продолжительности рабочего времени;
наличие оргтехники, требующей постоянного или регулярного обслуживания;
наличие необходимости в архивации документов и их каталогизации;
другие специфические факторы (такие как: необходимость регулярной доставки служебной почты курьером, ведение библиотечного дела и др.).
7. Для определения оптимального соотношения численности технического и обслуживающего персонала к численности управленческого персонала за основу принимается установленная предельная численность управленческого персонала (N_{уп}).

8. Исходя из установленных Нормативов введения должностей технического и обслуживающего персонала, определяется расчетная численность работников технического и обслуживающего персонала по каждой должности из указанных категорий персонала: $N_{тп}$ - численность работников технического персонала и $N_{оп}$ - численность работников обслуживающего персонала.
9. Суммированием установленной численности управленческого персонала с расчетной численностью технического и обслуживающего персонала определяется предельная общая численность персонала:

$$N_{уп} + N_{тп} + N_{оп} = Пч$$

10. Удельный вес соответственно управленческого, технического и обслуживающего персонала в предельной общей численности персонала определяется:

$$N_{уп} (\%) = N_{уп} / Пч * 100; N_{тп} (\%) = N_{тп} / Пч * 100; N_{оп} (\%) = N_{оп} / Пч * 100$$

11. Соотношение технического и обслуживающего персонала путем деления полученных долей (в процентах) соответственно технического и обслуживающего персонала на полученную долю управленческого персонала определяется:

$$\begin{aligned} \text{соотношение технического персонала к управленческому} &= N_{тп} (\%) / N_{уп} (\%) \\ \text{соотношение обслуживающего персонала к управленческому} &= N_{оп} (\%) / N_{уп} (\%) \end{aligned}$$

12. Оптимальные расчетные соотношения численности технического и обслуживающего персонала, а также соотношения доли АУП в общей предельной численности персонала органов государственного управления приведены в приложении № 2.
13. При разработке штатного расписания организаций и учреждений органов государственного управления допускается отклонение от вышеуказанных предельных соотношений численности обслуживающего и технического персонала в общей предельной численности работников, но не более 10 процентов.
14. Если организация или учреждение расположены в арендуемом помещении, где отсутствует необходимость содержания обслуживающего персонала по обслуживанию здания, сооружения и территории, численность обслуживающего персонала уменьшается до необходимого уровня. Соответственно уменьшается и общая предельная численность персонала.

III. Установление предельной общей численности персонала и нормативов соотношения численности управленческого, технического и обслуживающего персонала в органах хозяйственного управления (аппарата корпораций, ассоциаций, производственных объединений, концернов, национальных компаний и других органов хозяйственного управления)

15. В предельную численность персонала органов хозяйственного управления, как правило, включается управленческий, технический и обслуживающий персонал.

- 16.** В отдельных случаях, если в соответствии с решением вышестоящего органа, в структуру органа хозяйственного управления, на правах подразделения включены проектно-конструкторско-технологические отделы, технические отделы, лаборатории, патентно-экспертные бюро и иные подразделения, осуществляющие производственную деятельность, в предельной численности органа хозяйственного управления учитываются работники этих подразделений, выделяемые в категорию основного (производственного) персонала.
При этом руководители указанных подразделений и их заместители учитываются в составе управленческого персонала в соответствии с Номенклатурой должностей управленческого персонала.
- 17.** При определении предельной численности управленческого, технического и обслуживающего персонала учитываются показатели, указанные в пункте 5 настоящей Методики.
- 18.** При определении оптимальных соотношений численности технического и обслуживающего персонала к управленческому персоналу из общей предельной численности вычитаются работники основного (производственного) персонала.
Расчет соотношений производится аналогично расчету соотношений численности технического и обслуживающего персонала для органов государственного управления.
- 19.** Оптимальные расчетные соотношения численности технического и обслуживающего персонала, а также соотношения доли АУП в общей предельной численности персонала органов хозяйственного управления приведены в приложении № 3.
- 20.** При разработке штатного расписания организаций и учреждений органов хозяйственного управления допускается отклонение от вышеуказанных предельных соотношений численности обслуживающего и технического персонала в общей предельной численности работников, но не более 10 процентов.
- 21.** Если организация или учреждение расположены в арендуемом помещении, где отсутствует необходимость содержания обслуживающего персонала по обслуживанию здания, сооружения и территории, численность обслуживающего персонала уменьшается до необходимого уровня. Соответственно уменьшается и общая предельная численность персонала.

IV. Содержание персонала

- 22.** Расходы на содержание управленческого персонала включают в себя все прямые затраты, связанные с деятельностью управленческого персонала, в том числе:
- расходы на оплату труда, включая все надбавки, доплаты и премии управленческого и вспомогательного персонала;
 - установленные законодательством отчисления работодателей;
 - канцелярские расходы;
 - командировочные расходы управленческого персонала;

расходы на коммунальные услуги (при условии, что управленческий персонал размещен в собственном здании) и аренду зданий и помещений (при условии, что управленческий персонал размещен в арендуемом здании или помещении);
услуги связи;

расходы на эксплуатацию и найм служебного легкового автотранспорта, оборудования и оргтехники;

прочие расходы (с расшифровкой и обоснованием).

23. Содержание управленческого персонала организаций и учреждений, финансируемых из бюджета, осуществляется в пределах утвержденных в установленном порядке смет расходов.

24. Содержание управленческого персонала органов хозяйственного управления, финансируемых из внебюджетных источников, в том числе за счет отчислений нижестоящих подразделений и от установленных тарифов, осуществляется в пределах годовых смет расходов, утверждаемых высшим органом управления (наблюдательным советом, общим собранием акционеров и другими органами, согласно уставу или иным учредительским документам) организации, учреждения. Исходя из утвержденной годовой сметы расходов, устанавливаются размеры годовых отчислений вышестоящим звеньям управления по каждому подведомственному предприятию в процентах или в абсолютной сумме.

Для органов хозяйственного управления, содержание которых в соответствии с решениями правительства осуществляется за счет обязательных отчислений подведомственных предприятий, средства, поступившие в пределах утвержденных на их содержание смет расходов, не подлежат налогообложению.

Суммы, поступившие в виде отчислений сверх утвержденных смет расходов, подлежат налогообложению в установленном порядке.

25. Предприятия, учреждения и организации, независимо от формы собственности и источников финансирования, ежеквартально представляют отчет по содержанию персонала органам статистики, согласно форме, утвержденной Государственным комитетом по статистике Республики Узбекистан. Бюджетные организации, кроме отчета органам статистики, при представлении баланса за каждый квартал в соответствующих приложениях к балансу отчета по сети, штатам и контингентам, отдельной строкой отражают исполнение по численности управленческого персонала.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 11-12-сон, 178-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 22-23-сон, 259-модда; 2005 й., 28-29-сон, 203-модда; 28-29-сон, 204-модда; 37-38-сон, 282-модда; 2006 й., 40-сон, 394-модда; 2010 й., 17-сон, 130-модда; 52-сон, 510-модда; 2011 й., 1-2-сон, 2-модда; 36-сон, 366-модда; 2013 й., 36-сон, 477-модда)

Жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ иқтисодий ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, давлат тузилмаларининг ҳокимият ваколатларини қисқартириш, давлат ва хўжалик бошқаруви вазифаларини аниқ чегаралаб қўйиш, шунингдек республика давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар, шунингдек улар ҳузурида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этиладиган давлат бошқаруви тузилмалари республика давлат бошқаруви органлари жумласига киради.
2. Республика давлат бошқаруви органларининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилардан иборат деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалда рўёбга чиқарилишини, уларнинг ижроси устидан таъсирчан назорат амалга оширилишини таъминлаш;

ташқи ва ички сиёсатни амалга ошириш, давлатнинг ташқи ва ички хавфсизлигини таъминлаш;

мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишни ташкил қилиш, иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқариш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини, аҳолининг таълим, тиббий хизмат, ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, меҳнат бозорини тартибга солиш, ижтимоий соҳада умумдавлат бошқарув тизими фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

тегишли ҳуқуқий муҳитни яратиш, лицензиялаш, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш орқали ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш;

солиқлар, божхона тўловларини йиғиш, давлат даромадларини тақсимлаш йўли билан хазинага оид вазифаларни амалга ошириш.

- 3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 20 июндаги Ф-1791-сон фармойиши билан тузилган маъмурий ислохотни чуқурлаштириш ва иқтисодийetni бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга оид таклифларни тайёрлаш бўйича Республика комиссиясининг қуйидаги таклифлари қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси негизда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитасини ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази этиб қайта ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат моддий захиралари бош бошқармасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси этиб қайта ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги этиб қайта ташкил қилиш;

Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлигини Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси этиб қайта ташкил қилиш;

Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигини Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси («Саноатконтехназорат») этиб қайта ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика атамашунослик қўмитасини тугатиш.

- 4.** Республика давлат бошқаруви органларининг рўйхати иловага мувофиқ белгилансин.

- 5.** Иловада кўрсатилган республика давлат бошқаруви органлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда жамиятни эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ янгиланган ўз низомларини ҳамда бошқарувнинг ташкилий тузилмаларини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этсинлар.

- 6.** Маъмурий ислохотни чуқурлаштириш ва иқтисодийetni бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга оид таклифларни тайёрлаш бўйича Республика комиссияси босқичма-босқич икки ой муддатда ушбу Фармонга мувофиқ қайта ташкил этиладиган давлат бошқарув органларининг ташкилий

тузилмалари ва функциялари тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган қўшимча ва ўзгартиришлар тайёрланиши ҳамда белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.
8. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Т. Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. А. Худойбергенов зиммаларига юклатилсин.

*Ўзбекистон Республикасининг
Президенти И. КАРИМОВ*

*Тошкент ш.,
2003 йил 9 декабрь,
ПФ-3358-сон*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон ФАРМОНИГА ИЛОВА*

РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ РЎЙХАТИ

I. Вазирликлар

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.
3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги.
4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.
6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.
7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.
8. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги.

9. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги.
10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги.
11. Ўзбекистон Республикаси Фавқулдда вазиятлар вазирлиги.
12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги.
13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.
14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги.

II. Давлат кўмиталари

1. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси.
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси.
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси.
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси.
8. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат кўмитаси.
9. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси.

III. Агентликлар

1. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги.
2. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги.
3. Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги.
4. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги.
5. Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги.
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги.
7. «Ўзархив» агентлиги.

IV. Кўмиталар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш кўмитаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси.

V. Марказлар

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази.

VI. Инспекциялар

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув ҳўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси.
6. Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ АСОСИЙ ЛАВОЗИМЛАРИ ВА ИШЧИЛАР КАСБЛАРИ КЛАССИФИКАТОРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 34-сон, 291-модда; 2013 й., 6-сон, 74-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2010/2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида» 2010 йил 28 майдаги ПҚ-1345-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касбларини таснифлашнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси хизматчиларининг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори (кейинги ўринларда «Классификатор» деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, Классификатор:

хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касблари номларидан фойдаланиш, шу жумладан меҳнат дафтарчаларида ёзувларни қайд этиш, лавозимларни ходимларнинг тоифаларига киритиш юзасидан – республиканинг барча ташкилотларида қўлланилиши мажбурий;

ишга қабул қилишда ходимларнинг маълумоти даражасига қўйиладиган энг кам талаблар юзасидан – Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилган барча давлат органлари ва ташкилотларида, хўжалик бошқаруви органларида, шунингдек устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган ташкилотларда қўлланилиши мажбурий, бошқа ташкилотлар учун эса – тавсия тусига эга.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига вазирликлар ва идораларнинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда меҳнат бозорини таҳлил қилиш натижалари бўйича Классификаторни қайта кўриб чиқиш ҳамда унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

Классификаторнинг Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига нашр этилишини ва бериладиган буюртманомалар бўйича ташкилотлар ўртасида пулли асосда тарқатилишини, шунингдек вазирликнинг веб-сайтида электрон версияда жойлаштирилишини таъминласин;

икки ой муддатда хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касбларининг тармоқ тариф-малака маълумотномаларини тайёрлаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқсин, тавсияларни барча ташкилотларга етказиш чора-тадбирларини кўрсин;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда 2010 йил охиригача хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касблари тармоқ тариф-малака тавсифномаларини ишлаб чиқиш масалалари юзасидан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг кадрлар билан ишлаш хизматлари раҳбарлари учун амалий семинарлар ўтказилишини таъминласин.

4. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тасдиқланган Классификатор асосида 2011 йил охиригача, касб тайёргарлиги йўналишларига қўйиладиган талабларни кўрсатган ҳолда, хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касбларининг тармоқ тариф-малака маълумотномаларини, шунингдек тегишли лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси хизматчиларининг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2010 йил 20 август,
181-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2010 йил
20 АВГУСТАДАГИ 181-СОН ҚАРОРИГА ИЛОВА

ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ АСОСИЙ ЛАВОЗИМЛАРИ ВА ИШЧИЛАР КАСБЛАРИ КЛАССИФИКАТОРИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Классификатор хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касблари номларини, ходимлар тоифасини ва ишга қабул қилишда маълумоти даражасига қўйиладиган энг кам талабларни белгилайди.
2. Классификатор:

хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касблари номларидан фойдаланиш, шу жумладан меҳнат дафтарчаларида ёзувларни қайд этиш, лавозимларни ходимларнинг тоифаларига киритиш юзасидан - республиканинг барча ташкилотларида қўлланилиши мажбурий;

ишга қабул қилишда ходимларнинг маълумоти даражасига қўйиладиган энг кам талаблар юзасидан - Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилган барча давлат органлари ва ташкилотларида, хўжалик бошқаруви органларида, шунингдек устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган ташкилотларда қўлланилиши мажбурий, бошқа ташкилотлар учун эса - тавсига эга.

3. Классификатор:

меҳнат шартномаси ва ташкилотларнинг штат жадвалини тузишда, меҳнат дафтарчаларига ёзувларни киритишда, меҳнат муносабатлари бўйича буйруқларни расмийлаштиришда, лавозимлар ва касбларни ходимларнинг (бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ходимлар, ишлаб чиқариш ходимлари ва бошқа ходимларнинг) тегишли тоифаларига киритишда раҳбарлар, мутахассислар, бошқа хизматчиларнинг лавозимлари ва ишчилар касблари номларини стандартлаштириш ва бирхиллаштириш;

кадрлар (мутахассислар)нинг маълумоти даражасини, малака тоифасини ҳисобга олган ҳолда уларни жой-жойига самарали қўйиш;

ходимлар персонали тоифалари бўйича меҳнат ҳисоби, таҳлили ва статистикасини юритиш учун мўлжалланган.

Классификатор белгиланган тартибда ишлаб чиқиладиган тармоқ тариф-малака маълумотномалари учун асос ҳисобланади.

4. Классификаторда:

хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касбларининг алифбо тартибда жойлаштирилган номлари;

Касбларнинг миллий стандарт классификаторига мувофиқ хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касблари кодлари;

хизматчиларнинг аниқ лавозимлари ва ишчилар касблари тегишли бўлган ходимлар тоифалари номлари;

хизматчи лавозимига ёки ишчи касби бўйича ишга қабул қилишда функционал вазифаларни бажариш учун талаб қилинадиган ходим маълумотининг энг кам даражасига қўйиладиган талабларга кўрсатмалар мавжуд.

5. Классификаторга киритилган лавозимлар, хизматчилар ва ишчилар касблари номлари ва уларнинг идентификацион код рақамлари (кейинги ўринларда «код» деб аталади) Касбларнинг миллий стандарт классификаторига мувофиқдир.

Кодлар Халқаро меҳнат ташкилотининг Касбларнинг халқаро стандарт классификаторига (Касбларнинг халқаро стандарт классификатори-88 ёки ISCO – инглизча) мувофиқдир ва тўртта рақамдан иборат, улардан:

биринчиси – Касбларнинг миллий стандарт классификаторининг асосий гуруҳи номини ифодалайди;

иккинчиси – Касбларнинг миллий стандарт классификаторининг кичик гуруҳи номини ифодалайди;

учинчиси – Касбларнинг миллий стандарт классификаторининг қуйи гуруҳи номини ифодалайди;

тўртинчиси – Касбларнинг миллий стандарт классификаторининг бошланғич гуруҳи номини ифодалайди.

6. Ушбу Классификатор мақсадлари учун қуйидаги таъриф ва тушунчалардан фойдаланилади:

- а) лавозим** – ходимнинг ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик функцияларини бажариш билан боғлиқ функционал вазифалари доираси билан боғлиқ хизмат мавқеи;
- б) касб** – ходим томонидан касбга ўқиш ёки амалиёт натижасида эгалланган билимлар ва кўникмаларни ўз ичига олувчи меҳнат фаолияти тури;
- в) хизматчилар** – ҳужжатларни тайёрлайдиган ва расмийлаштирадиган, ҳисоб ва назоратни, бошқарув функцияларини, шунингдек хўжалик хизматини амалга оширадиган ходимлар;
- г) мутахассислар** – бошқарув функцияларисиз ишлаб чиқариш жараёнларини режалаштирадиган, лойиҳалаштирадиган ва назорат қиладиган, мураккаб техникага хизмат кўрсатадиган, ҳужжатларни ишлаб чиқадиган, ходимларни бошқарадиган, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар фаолияти жараёнларини тартибга соладиган ходимлар. Мутахассислар бажарадиган функцияларига боғлиқ ҳолда бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларига мансуб бўлиши мумкин;
- д) ишчилар** – меҳнат қуроли ёрдамида меҳнат жараёнида ишлов берилиши керак бўлган материалларга (меҳнат предмети) таъсир кўрсатадиган, асосан жисмоний меҳнат билан шуғулланадиган, маҳсулот яратадиган, машиналарни кузатадиган, созлайдиган ва сақлайдиган, меҳнат предметлари жойини ўзгартирадиган, меҳнатнинг нормал шароитларини сақлаб турадиган, товарлар ва хизматларнинг ишлаб чиқариш технологияси билан белгиланадиган бошқа функцияларни бажарадиган ходимлар;
- е) ходимлар тоифаси** – меҳнат мазмунининг тавсифлари ва кўрсаткичлари тизими:

бошқарув ходимлари – бошқарув функцияларини амалга оширувчи, ходимларга раҳбарлик қилувчи, зарур қарорларни ишлаб чиқувчи ва қабул қилувчи, ташкилот фаолиятини режалаштирувчи, назорат қилувчи ва жараёнларни тартибга солувчи, зарур қарорлар қабул қилиш учун маълумотлар тайёрловчи ходимлар. Бошқарув ходимлари ташкилотнинг ўз олдига қўйган мақсадлар ва вазифаларга эришиши учун зарур ташкилий-техник шартларни, юкланган функциялар ва ишлаб чиқариш дастурлари бажарилишини таъминлайдилар. Бошқарув ходимлари раҳбарларга ва бошқарув ходимлари мутахассисларига бўлинади;

ишлаб чиқариш ходимлари – ташкилотнинг иқтисодий фаолият турлари, шунингдек ишлаб чиқариш дастурида белгиланган тегишли маҳсулотлар (хизматлар) классификациясига мувофиқ бўлган ташкилотнинг асосий маҳсулотлари (хизматлари) ни ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашадиган ходимлари. Ишлаб чиқариш ходимлари таркибига бошқарув ходимларига тегишли бўлмаган муҳандис ходимлар ва техниклар, ишчилар, кичик мутахассислар ва ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашадиган бошқа ходимлар киради;

техник ходимлар – функциясига бошқарув ходимлари фаолиятига техник хизмат кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни таъминлаш ишларини бажариш (чоп этиш, кўпайтириш ва архив ишларини бажариш, кутубхона иши, ҳужжатларни етказиб бериш, компьютер техникасига хизмат кўрсатиш, идора, котиблик ишларини ва бошқа ишларни бажариш) кирадиган ходимлар;

хизмат кўрсатувчи ходимлар – функциясига бинолар ва ҳудудларга техник хизмат ва хўжалик хизмати кўрсатиш, уларни қўриқлаш, бошқарув ходимларига транспорт хизмати кўрсатиш, ташкилотнинг бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларига хизмат кўрсатиш бўйича бошқа ишлар, шу жумладан ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш кирадиган ходимлар. Хизмат кўрсатувчи ходимларга мутахассислар ва ишчилар тоифасига мансуб бўлмаган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари ҳам киради;

ж) ходим маълумотининг энг кам даражасига қўйиладиган талаблар – «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, хизматчи ёки ишчи касби бўйича ишга киришда, қоидага кўра, бажариладиган ишлар ва функционал вазифаларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб талаб қилинадиган маълумотнинг энг кам даражаси. Ишга қабул қилишда маълумот ихтисослигига қўйиладиган талаблар қонун ҳужжатлари талаблари ҳисобга олинган ҳолда давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва ташкилотлар томонидан белгиланиши мумкин.

7. Классификаторда қуйидаги қисқартмалар қўлланилади:

а) ходимлар тоифаси:

Б – бошқарув ходимлари;
М – мутахассислар;
Т – техник ходимлар;
Х – хизмат кўрсатувчи ходимлар;
И – ишлаб чиқариш ходимлари;

б) ходимнинг маълумоти даражаси:

О/М – олий маълумотли;
ЎМКХТ – ўрта махсус, касб-хунар маълумотли;
ТҚ – маълумоти даражасига талаб қўйилмайди.

8. Агар давлат органи, хўжалик бошқаруви органи ёки ташкилот тузилмасида Классификаторда кўрсатилмаган хизматчилар лавозими ёки ишчилар касблари мавжуд бўлса ёхуд жорий этилса, у ҳолда номи, ходимларнинг тоифаси, шунингдек ушбу лавозимлар ва касблар бўйича маълумот даражасига қўйиладиган энг кам талаблар Классификаторга белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун меҳнат органларига юборилади.

II. КЛАССИФИКАТОРНИ ҚўЛЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

9. Хизматчиларнинг айрим лавозимлари хизматчилар томонидан бажариладиган функцияларга боғлиқ ҳолда бошқарув ёки ишлаб чиқариш ходимлари тоифасига мансуб бўлиши мумкин. Агар давлат органи, хўжалик бошқаруви органи ёки ташкилотнинг тузилмасида ишлаб чиқариш бўлинмалари ажратиб кўрсатилмаган бўлса, мутахассислар бошқарув ходимларига мансуб бўлади.

10. Агар техник ходимларнинг лавозимлари ташкилотнинг ишлаб чиқариш бўлинмалари учун белгиланган бўлса, уларнинг айрим лавозимлари ишлаб чиқариш ходимларига мансуб бўлиши мумкин.

11. Хизматчиларнинг айрим лавозимлари ва ишчилар касблари бўйича:

а) Хизматчилар лавозимлари ва ишчи касблари классификаторида кўрсатилмаган:

ишчилар касблари бўйича: катта, ёрдамчи;

хизматчилар лавозимлари бўйича: ўринбосар, ёрдамчи, биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи, бош, етакчи, катта, кичик, олий маълумотли, ўрта махсус маълумотли, касб-хунар маълумотли, сменали, бригадали, вилоят, туман, участка, кон ва ҳоказо ҳосила лавозимлар ва касблар;

б) олий, биринчи, иккинчи, учинчи малака тоифалари белгиланиши мумкин.

Ҳосила лавозимлар ва касблар, шунингдек мутахассисларнинг айрим лавозимлари бўйича малака тоифалари бир лавозим доирасида ташкилот раҳбари томонидан белгиланади.

Ҳосила лавозимни, касбни ва малака тоифасини белгилашда лавозим мажбуриятларини бажаришда ходимларнинг мустақиллиги даражаси, қабул қилинадиган қарорларнинг тўғрилиги учун унинг жавобгарлиги, ташаббускорлик, меҳнат самарадорлиги ва сифати, шунингдек амалий фаолият тажрибаси ҳисобга олинади.

12. Хизматчиларнинг айрим лавозимлари ва ишчилар касблари бўйича даража белгиланиши мумкин. Даража белгиланадиган лавозимлар ва касблар рўйхати, уни белгилаш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

13. Бакалавр ёки магистр даражаси билан олий таълим муассасаларини тамомлаган ходимлар олий маълумотли ходимлар жумласига киритилади.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини (техникумлар, касб-хунар-техник, тиббиёт, педагогика ва бошқа билим юрталарини), 10 (11) йил ўқитиладиган умумтаълим мактабларини тамомлаган ходимлар ўрта махсус, касб-хунар маълумотли ходимлар жумласига киритилади.

14. Айрим ҳолларда Классификаторда белгиланган маълумот даражаси ва ихтисослигига эга бўлмаган, шу жумладан умумтаълим мактабларининг 8 (9)-синфларини тамомлаган (мажбурий 12 йиллик таълимга ўтилгунгача), бироқ етарли амалий тажрибага эга бўлган ва ўзларига юкланган лавозим мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажараётган ходимлар, агар қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, маълумотнинг юқорироқ даражасини ёхуд бошқа ихтисослигини талаб қиладиган лавозимга қабул қилиниши мумкин.

15. Ташкилотларда ходимларни ҳисобга олиш, шунингдек барча ҳужжатлардаги ёзувлар Классификаторда кўрсатилган хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касблари номларига қатъий мувофиқ ҳолда амалга оширилиши керак.

16. Классификаторда хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касблари қуйидаги шаклда баён қилинади:

т/р	Касб, лавозим коди	Хизматчи лавозими ва ишчи касбининг номи	Касбларнинг миллий стандарт классификатори бўйича код	Ходимлар тоифаси	Талаб қилинадиган маълумотнинг энг кам даражаси
	2	3	4	5	6

1 – устунда ишчи касби ёки хизматчи лавозимининг тартиб рақами кўрсатилади;

2 – устунда тегишлилик коди:

- 1** – ишчи касби;
- 2** – хизматчи лавозими кўрсатилади;
- 3** – устунда хизматчи лавозими ёки ишчи касбининг тўлиқ номи кўрсатилади;
- 4** – устунда Касбларнинг миллий стандарт классификаторига мувофиқ белгиланган код кўрсатилади;
- 5** – устунда ушбу хизматчи лавозими ва ишчи касби мансуб бўлган ходимлар тоифаси кўрсатилади;
- 6** – устунда хизматчининг тегишли лавозимига ёки ишчи касби бўйича ишга қабул қилишда талаб қилинадиган маълумотнинг энг кам даражаси кўрсатилади.

Муҳаррир: У. Раджабова

Нашриёт лицензияси AI №263 31.12.2014
Босишга 2015-й.10.07 рухсат этилди.
Бичими: 70x100 1/16. Офсет қоғози. "Ariol" гарнитураси.
Офсет босма усулида босилди.
Шартли босма табоғи: 10,75. Нашр табоғи: 13, 9
Адади 300 нусха.

Нашриёт уйи «Baktria press»
100000, Тошкент, Буюк Ипак Йўли мавзеси, 15-25
тел.: +998 (71) 233-23-84

Mega Basim босмаҳонасида чоп этилди:
Baha Is Merkezi, Haramidere, Istanbul, Turkey.
www.mega.com.tr

ISBN 978-9943-4507-5-2